



ЎЗБЕКISTОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

СОБРАНИЕ
ЗАКОНОДАТЕЛЬНОГО
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКISTАН

№ 6

2026 йил 9 - 14 февраль

Расмий нашр
Официальное издание

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари жойлаштирилади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

ИККИНЧИ БЎЛИМ

112. «Навоий халқаро аэропорти фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 9 февралдаги [ПҚ-50-сон](#) қарори
113. ««Оғир» маҳаллаларда кичик қуёш электр станцияларини барпо этиш орқали камбағал оилаларни қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 9 февралдаги [ПҚ-51-сон](#) қарори
114. «2026 йилда Навоий вилоятини барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 11 февралдаги [ПҚ-58-сон](#) қарори
115. «Стартапларни қўллаб-қувватлашнинг комплекс экотизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 11 февралдаги [ПҚ-59-сон](#) қарори

УЧИНЧИ БЎЛИМ

116. «Республика радиоактив чиқиндиларни сақлаш маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 9 февралдаги [47-сон](#) қарори
117. «Зўравонликдан жабрланган, ўзига нисбатан зўравонлик содир этилиши хавфи остида ва ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган болалар ҳамда уларнинг оилаларига ижтимоий хизматларни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 9 февралдаги [48-сон](#) қарори
118. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Миллий координаталар тизимини жорий этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 10 февралдаги [49-сон](#) қарори
119. «Халқаро таълим дастурлари жорий қилинган техникумлар ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 11 февралдаги [51-сон](#) қарори
120. «Юк кўтариш қурилмаларини техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 11 февралдаги [53-сон](#) қарори
121. «Рақамли маркировкаланган товарларнинг ҳаракатини кузатиб бориш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 11 февралдаги [56-сон](#) қарори

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

122. ““O‘zbekiston Respublikasi fuqaro aviatsiyasi aviakorxonalarida tibbiy-uchish ekspert komissiyalarini tayinlash tartibi to‘g‘risida nizomni tasdiqlash to‘g‘risida”gi buyruq, shuningdek unga o‘zgartirishlarni o‘z kuchini yo‘qotgan deb topish haqida” O‘zbekiston Respublikasi Transport vazirligi huzuridagi Fuqaro aviatsiyasi agentligi direktorining buyrug‘i (*Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 9-fevral ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami [1747-3-son](#)*)
123. “«Фуқаро авиациясининг авиация ходими гувоҳномасини бериш» Ўзбекистон Республикасининг авиация қоидаларига (ЎЗР АҚ-61) қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги директорининг буйруғи (*Адлия вазирлиги томонидан 2026 йил 9 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами [3609-1-сон](#)*)
124. “Atom energiyasidan foydalanish obyektining to‘liq “hayotiy” davri mobaynida sifatni ta‘minlashning umumiy dasturiga qo‘yiladigan talablarni tasdiqlash haqida” O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Sanoat, radiatsiya va yadro xavfsizligi qo‘mitasining qarori (*Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 9-fevral ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami [3770-son](#)*)
125. “Atom elektr stansiyasi blokini ekspluatatsiyadan chiqarishda xavfsizlikni ta‘minlash qoidalarini tasdiqlash to‘g‘risida” O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Sanoat, radiatsiya va yadro xavfsizligi qo‘mitasining qarori (*Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 9-fevral ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami [3771-son](#)*)
126. “Xorijdagi bo‘sh ish o‘rinlarini xususiy bandlik agentliklari o‘rtasida taqsimlash tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida” O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Migratsiya agentligi direktorining buyrug‘i (*Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 9-fevral ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami [3772-son](#)*)
127. “Notariuslikka talabgorlar uchun yagona tanlov o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida” O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining buyrug‘i (*Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 11-fevral ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami [3773-son](#)*)
128. “Lizing xizmatlari ko‘rsatuvchi tashkilotlarda jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmi moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish bo‘yicha ichki nazorat qoidalariga qo‘shimchalar va o‘zgartirish kiritish to‘g‘risida” O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi, O‘zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi huzuridagi Iqtisodiy jinoyatlarga qarshi kurashish departamentining qarori (*Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 13-fevral ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami [2265-5-son](#)*)
129. “Mobil aloqa xizmatlarini ko‘rsatuvchi yuridik shaxslar (uyali aloqa kompaniyalari) tomonidan abonent raqamidan foydalanganlik uchun to‘lovlarni hisoblash va to‘lash tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida” O‘zbekiston Respublikasi raqamli texnologiyalar vazirligi, O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirligining qarori (*Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 13-fevral ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami [2329-9-son](#)*)
130. “O‘zbekiston Respublikasi budjet hisobining standarti (3-sonli BHS) “Budjet hisoboti”ga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida” O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining buyrug‘i (*Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 13-fevral ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami [3124-9-son](#)*)

131. “O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi tergov hibsonalari va jazoni ijro etish muassasalarida saqlanayotgan shaxslarning tibbiy-sanitariya ta‘minoti bo‘yicha qoidalarining 161-bandiga o‘zgartirish kiritish haqida” O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirining buyrug‘i (*Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 13-fevral ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami [3159-4-son](#)*)
132. “O‘zbekiston Respublikasi budget hisobining standarti (16-sonli BHS) “Baholangan majburiyatlar, shartli majburiyatlar va shartli aktivlar”ning 25-bandiga o‘zgartirish kiritish haqida” O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining buyrug‘i (*Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 13-fevral ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami [3562-1-son](#)*)
133. “Pullik tibbiy xizmat ko‘rsatadigan davolash-profilaktika muassasalarini moliyalash tartibining 9-bandiga o‘zgartirish kiritish to‘g‘risida” O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi, O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligining qarori (*Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 13-fevral ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami [3603-2-son](#)*)
134. “O‘zbekiston Respublikasida tan olinadigan xalqaro, xorijiy va nodavlat akkreditatsiya tashkilotlari reyestrini yuritish hamda ularning ta‘lim dasturlarini akkreditatsiyadan o‘tkazish bo‘yicha faoliyatini monitoring qilish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida” O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Ta‘lim sifatini ta‘minlash milliy agentligi direktorining buyrug‘i (*Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 13-fevral ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami [3774-son](#)*)
135. “Kasbiy ta‘lim agentligi tizimiga o‘tkazish orqali qayta tashkil etiladigan texnikumlar ro‘yxatiga qo‘shimcha va o‘zgartirishlar kiritish haqida” O‘zbekiston Respublikasi oliy ta‘lim, fan va innovatsiyalar vazirining buyrug‘i (*Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 13-fevral ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami [3775-son](#)*)



ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКISTОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОН ВА ҚАРОРЛАРИ



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2026 yil « 9 » февраль

№ ПК–50

Навоий халқаро аэропорти фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Навоий халқаро аэропортини ҳаво, темир йўл ва ерусти транспорти йўналишларини бирлаштирувчи халқаро мультимодал логистика хабига айлантириш орқали экспорт ва транзит салоҳиятини ошириш, шунингдек, маҳаллий ва хорижий авиаташувчилар учун қулай шароитларни яратиш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсадли кўрсаткичлар

1. Қуйидагилар Навоий халқаро аэропортида **лойиҳавий бошқарув тамойилларини жорий этиш** натижасида эришиладиган асосий мақсадли кўрсаткичлар этиб белгилансин:

(а) 2030 йилга келиб:

(i) аэропортда амалга оширилаётган парвозлар сонини **2,3 баробарга ошириб**, йилига **7 мингтага етказиш**;

(ii) йўловчи ташиш ҳажмини йилига **150 минг нафарга** ҳамда юк ташиш ҳажмини **45 минг тоннага** етказиш;

(б) 2026 йилда Бирлашган Араб Амирликлари, Туркия ва Хитойдан почта-куррьерлик ва тижорат юкларини етказиб бериш бўйича авиақатновлар сонини ҳафтасига 3 тага етказиш;

(в) аэропорт ҳудудида:

(i) 2028 йил якунига қадар ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва бўйаш бўйича алоҳида марказ ташкил этиш;

(ii) амалдаги ёнилғи-мойлаш материаллари омбори ва юк терминали инфратузилмасини модернизация қилиш ҳамда мавжуд қувватлардан тўлиқ фойдаланишга эришилгандан сўнг, талабдан келиб чиққан ҳолда сиғими **10 минг тоннали** резервуарларни ҳамда **16 минг метр квадратли** янги юк терминалини барпо қилиш.

II. Навоий халқаро аэропортини бошқариш тизимини такомиллаштириш

2. Транспорт вазирлигининг “Навоий халқаро аэропорти” МЧЖни “Uzbekistan Airports” АЖнинг марказлашган оператив бошқариш тизимидан ажратган ҳолда унинг фаолиятига **лойиҳавий бошқарув тамойилларини жорий этиш** тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Транспорт ва логистикани комплекс ривожлантириш лойиҳа офиси “Навоий халқаро аэропорти” МЧЖнинг директори лавозимига авиация менежменти соҳасида етарли тажрибага эга бўлган номзоднинг тайинланишини таъминласин.

3. “Навоий халқаро аэропорти” МЧЖ ижро этувчи органига қуйидагиларни **мустақил равишда** амалга ошириш ҳуқуқи берилсин:

(а) ўз даромадлари ҳисобидан авиация хизматлари экспортини оширишга қаратилган **қўшимча хизматлар турларини кенгайтириш** (ёнилғи-мойлаш материалларини сақлаш, ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва бўяшни ташкил қилиш);

(б) йўловчи ва юк ташиш, транзит ва техник қўниш, ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш, уларни таъмирлаш ва бўяш бўйича **маҳаллий ва хорижий авиакомпаниялар билан тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш** ва **шартномалар тузиш**;

(в) ҳаво кемаларига авиаёнилғи қуйиш ва хорижий авиаташувчилар томонидан олиб келинган авиаёнилғини сақлаш бўйича жаҳон авиация бозори конъюнктурасига мос **тарифларни белгилаш**;

(г) ҳаво кемаларига ерда хизмат кўрсатиш, шу жумладан, уларга техник ва тижорат хизматлари бўйича **рақобатбардош тариф сиёсатини юритиш**;

(д) аэропорт фаолиятидан олинadиган соф фойдани инфратузилмани янада ривожлантириш ҳамда кўрсатиладиган хизматлар тури ва ҳажмини кенгайтиришга қаратилган мақсадларда мустақил тасарруф этиш;

(ж) хорижий авиакомпанияларга авиақатновларни бажариш учун Навоий халқаро аэропортида рухсат берилган 5 ва 7-ҳаво эркинлигини тарғиб қилиш ҳисобига авиакомпаниялар сонини кўпайтириш.

4. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **бир ҳафта муддатда** “Uzbekistan Airports” АЖ ва “Навоий халқаро аэропорти” МЧЖ ўртасидаги аэропортни бошқариш ҳақидаги шартноманинг бекор қилиниши ва ички ҳужжатларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишини таъминласин.
5. “Навоий халқаро аэропорти” МЧЖни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари **иловага мувофиқ тасдиқлансин.**
6. Белгилансинки:
 - (а) “Навоий халқаро аэропорти” МЧЖ 2029 йил 1 январга қадар молиявий зарар кўрган тақдирда, ушбу маблағ “Uzbekistan Airports” АЖнинг давлат улуши бўйича бюджетга тўланадиган дивидендлари ҳисобидан қоплаб борилади. Бунда ушбу маблағлар айланма маблағлар сифатида эътироф этилмайди ва иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайдиган бепул товар берилишига тенглаштирилади;
 - (б) “Навоий халқаро аэропорти” МЧЖ томонидан ҳаво кемаларига ерда хизмат кўрсатиш, аэропорт, тижорат ва логистика хизматларини кўрсатишдан тушадиган барча тушумлар “Навоий халқаро аэропорти” МЧЖнинг ҳисоб рақамларига тўғридан-тўғри ўтказилади.
7. “Uzbekistan Airports” АЖ бир ой муддатда:
 - (а) “Навоий халқаро аэропорти” МЧЖ фаолияти билан боғлиқ шартномалар ва ҳисоб-китобларнинг “Навоий халқаро аэропорти” МЧЖга ўтказилишини таъминласин;
 - (б) авиакомпаниялар, агентлар ҳамда халқаро ҳисоб-китоб тизимларини (IATA ва бошқалар) Навоий халқаро аэропорти билан тўғридан-тўғри ҳисоб-китобларга ўтганлиги тўғрисида хабардор қилсин.
8. Транспорт вазирлиги ҳамда Божхона қўмитасининг “Навоий халқаро аэропорти” МЧЖ ҳудудида:
 - (а) илғор хорижий тажриба асосида эркин иқтисодий зона ҳамда “порто франко” режими асосида фаолият юритувчи **эркин божхона зонасини** (кейинги ўринларда – “порто франко” эркин божхона зонаси);
 - (б) халқаро автотранспорт воситалари (TIR) учун замонавий тўхташ жойи ва сервис инфратузилмасини (кейинги ўринларда – TIR Park Navoi Airport) ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

9. Белгилансинки, “порто франко” эркин божхона зонасида имтиёзлар асосида товарларни бож тўламасдан киритиш, сақлаш ва қайта ишлаш, импорт-экспорт операциялари, ижара, трейдинг, ишлаб чиқариш, консалтинг, молия-аудит, брокерлик, банк, турли хил маиший, кетринг, логистика, форвардинг-экспедиторлик, тракинг, ҳаво кемаларига техник ва ерусти хизматларини кўрсатиш ҳамда лизинг операциялари хизматларини кўрсатиш ва ушбу турдаги хизматлар билан шуғулланувчи компаниялар ташкил этилишига рухсат берилсин. Бунда юқорида қайд этилган хизматларни кўрсатиш ва компания фаолиятини йўлга қўйиш Навоий халқаро аэропорти эркин иқтисодий зонаси дирекцияси томонидан амалга оширилади.

10. Белгилаб қўйилсинки:

- (а)** “порто франко” эркин божхона зонаси ҳудудида халқаро ҳуқуқий ва техник меъёрларга мувофиқ барча хорижий ҳаво кемалари ва уларнинг алоҳида агрегатларини таъмирлаш учун зарур бўлган авиатехника эҳтиёт қисмлари эркин алмаштирилади;
- (б)** “порто франко” эркин божхона зонасига четдан келтириладиган авиатехника эҳтиёт қисмларига, истисно тариқасида, миллий сертификатлар ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар талаб этилмайди;
- (в)** таъмирлаш мақсадида “порто франко” эркин божхона зонасига олиб кириладиган ҳаво кемаларининг (шу жумладан, уларнинг қисм ва агрегатлари) кириб-чиқишида божхона назорати уларни тегишли божхона режимларига расмийлаштирган ҳолда амалга оширилади;
- (г)** “порто франко” эркин божхона зонаси фаолият кўрсатишини таъминлаш учун фойдаланиладиган маҳаллий товарлар божхона режими остига жойлаштирилмайди;
- (д)** халқаро ҳуқуқий ва техник меъёрларга мувофиқ “порто франко” эркин божхона зонаси божхона режимига жойлаштирилган авиатехника эҳтиёт қисмлари билан чакана савдо операцияларини, истисно тариқасида, амалга оширишга рухсат берилади;
- (ж)** “порто франко” эркин божхона зонаси ҳудудида маҳаллий авиакомпанияларнинг ҳаво кемаларини ҳамда уларнинг қисм ва агрегатларини таъмирлаш учун зарур бўлган четдан келтирилган авиатехника эҳтиёт қисмларидан зона чегарасидан ташқарига чиқмаган ҳолда харид қилиниб, “эркин муомалага чиқариш” божхона режимига расмийлаштирилган ҳолда фойдаланилади;

(з) “порто франко” эркин божхона зонаси ҳудудига товарларни олиб кириш, олиб чиқиш, ҳаво кемаларини таъмирлашда фойдаланиш, уларни тегишли режимларга расмийлаштириш, ушбу товарлар ва хизматлар учун валюта операцияларини амалга оширишга Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 21 октябрдаги 652-сон қарорида белгиланган тартиб татбиқ қилинади.

11. Навоий вилояти ҳокимлиги:

(а) мазкур қарорнинг 8-бандига асосан TIR Park Navoi Airport фаолиятини ташкил этиш учун ишлаб чиқиладиган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ “Навоий халқаро аэропорти” МЧЖга туташ ҳудуддан зарур ер участкалари ер эгалари ва ижарачиларининг ер участкасига бўлган ҳуқуқлари бекор қилинган ҳолда Кармана тумани ҳокимлиги тасарруфида бўш турган ер участкалари сифатида ҳисобга олиншини ҳамда ер фонди тоифасини ўзгартириш масаласи Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларининг ер фонди тоифаларини ўзгартириш масалаларини кўриб чиқиш бўйича Ҳукумат комиссиясига киритилишини;

(б) ер участкалари эгалари, ижарачилари ва мулкдорларига етказиладиган зарарлар, шу жумладан, бой берилган фойда ҳамда қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрни белгиланган тартибда қопланишини;

(в) Кармана тумани ҳокимлиги тасарруфига қайтарилган ва бўш турган ер участкаси сифатида ҳисобга олинган ер участкалари уларнинг ер фонди тоифаси ўзгартирилганидан сўнг Давлат активларини бошқариш агентлигига доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилишини таъминласин.

12. Транспорт вазирлиги бир ой муддатда “Навоий халқаро аэропорти” МЧЖда “TIR Park Navoi Airport” лойиҳаси ташкил этилаётганлиги тўғрисидаги маълумотларни халқаро транспорт-логистика ва авиация ташкилотларининг маълумотлар базаларида рўйхатдан ўтказиш ҳамда хабардор қилиш чораларини кўрсин.

13. “Навоий халқаро аэропорти” МЧЖга “таклиф сўрови” ўтказиш ҳақидаги эълонни давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирмасдан ҳамда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказмасдан **“таклиф сўрови” харид қилиш тартиб-таомили** асосида салоҳиятли етказиб берувчиларнинг таклифларини ва (ёки) оферталарини ўрганиб, авиаёнилғини, музлашга қарши суюқликларни, ҳаво кемаларига хизмат кўрсатувчи махсус техника ва уларга техник сервис кўрсатиш ва таъмирлаш билан боғлиқ эҳтиёт қисмларни харид қилишга **рухсат берилсин**. Бунда “Навоий халқаро аэропорти” МЧЖ **2029 йил 1 январга** қадар ҳаво кемаларига хизмат кўрсатувчи махсус техника ва уларга техник сервис кўрсатиш ва таъмирлаш билан боғлиқ эҳтиёт қисмларни **импорт қилишда божхона божидан озод қилинади**.
14. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ доимий равишда “Навоий халқаро аэропорти” МЧЖнинг юклари устувор равишда ташилишини таъминлаб борсин.
15. Давлат активларини бошқариш агентлиги тасарруфидаги Навоий халқаро аэропорти ҳудудида жойлашган “Silk Road palace” меҳмонхонаси “Навоий халқаро аэропорти” МЧЖнинг тасарруфига ўтказилсин.
16. Фуқаро авиацияси агентлиги:
- (а) “Навоий халқаро аэропорти” МЧЖнинг авиақатновларни (транзит, юк ва йўловчи) амалга ошириш бўйича сўровномаларини;
 - (б) авиакомпанияларнинг авиақатновларни бажариш учун ҳаво кенгликларининг барча турларидан фойдаланиш бўйича буюртмаларини тезлаштирилган тартибда кўриб чиқиб, рухсатномалар тақдим этилишини таъминласин.
17. Ташқи ишлар вазирлиги “Навоий халқаро аэропорти” МЧЖ сўровномаларига биноан хорижий мутахассислар ротациясини таъминлаш мақсадида уларга тезкор тартибда кириш визалари расмийлаштирилишини таъминласин.
18. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Транспорт ва логистикани комплекс ривожлантириш лойиҳа офиси аэропорт фаолияти самарадорлигини мониторинг қилиб борсин.

19. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси
Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 9 февралдаги ПҚ–50-сон қарорига
илова

“Навоий халқаро аэропорти” МЧЖни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари

1. 2026 йил 1 апрелга қадар илғор тажриба асосида ишлаб чиқариш индикаторлари камида икки карра оширилишини назарда тутувчи “Навоий халқаро аэропорти” МЧЖни ривожлантириш бўйича **бизнес-режани ишлаб** чиқиш ва уни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Транспорт ва логистикани комплекс ривожлантириш лойиҳа офисига тақдим этиш ҳамда унинг транспорт вазири томонидан тасдиқланиши, бунда:

тижорат авиацияси ва ноавиацион фаолият кўрсаткичларини 50 фоизга ошириш;

25 тадан ортиқ авиакомпанияларнинг доимий парвозлари амалга оширилишини таъминлаш ва уларнинг умумий сонини (техник қўниш, юк ва йўловчи ташиш) йилига 1000 тагача етказиш;

20 минг тоннадан ортиқ юкни қайта ишлаш назарда тутилсин.

2. Жорий операцион жараёнларни рақамлаштириш ва рақобатбардошликни оширишга қаратилган оператив қарорлар қабул қилиш мақсадида аэропорт фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш.

3. Янги авиакомпанияларни жалб қилиш ва жаҳон стандартларига мувофиқ ҳаво кемаларига ерда хизмат кўрсатишнинг барча турларини таъминлаш.

4. Бирлашган Араб Амирликлари, Туркия ва Хитойдан почта-куррьерлик ва тижорат юklarини етказиб бериш бўйича авиаташувчилар билан шартномалар тузиш ва уларнинг авиақатновлари сонини ҳафтасига 3 тага етказиш.

5. “Навоий халқаро аэропорти” МЧЖ бажариладиган парвозлар экипажларининг ротациясини амалга ошириш мақсадида “Silk Road palace” меҳмонхонаси жозибадорлигини оширишга қаратилган таъмирлаш ишларини олиб бориш.

6. “Навоий халқаро аэропорти” МЧЖга аэропортни ривожлантириш учун инвестиция ва бошқа маблағларни жалб қилиш.

7. Ўзбекистон Республикаси Туризм қўмитаси билан ҳамкорликда туристик ва зиёрат авиақатновларини ташкил қилиш.

8. Амалдаги ёнилғи-мойлаш материаллари омбори инфратузилмасини модернизация қилиш ва қўшимча 10 минг тоннали омбор барпо этиш.

9. Қўшимча юк терминаллари ва юкларни сақлаш ҳамда қайта ишлов бериш майдонларини барпо этиш.

10. Ҳаво кемаларини таъмирлаш ва бўяш ишларини амалга ошириш мақсадида янги ангар барпо этиш.

11. Халқаро аэропорт ҳудудида “порто франко” (эркин порт) режими асосида фаолият юритувчи махсус божхона-логистика майдонини ташкил этиш.

12. Аэропортдаги мавжуд шароитлар ва яратилган қулайликларни марказий саноат майдончаларида намойиш этиш, ташқи бозорларда фаол реклама кампаниясини олиб бориш, ТИАСА, “Air Cargo Europe”, “Air Cargo Asia”, “Роутес” каби кўргазмалар ва халқаро анжуманларда иштирок этиш.

13. Навоий халқаро аэропорти божхона постида халқаро почта ва курьерлик жўнатмаларига ишлов бериш инфратузилмаси ва технологик жараёнларини замонавий талабларга мослаштириш ҳамда ўтказувчанлик қобилиятини ошириш мақсадида модернизация қилиш.

14. Малакали кадрлар таркибини шакллантириш, уларнинг мақсадли касбий тайёргарлигини таъминлаш, шу жумладан, халқаро стандартлар ва илғор технологияларни ўзлаштириши учун чет элларда ўқиш ва амалиёт ўташларини ташкил этиш.

15. Мавжуд аэровокзални йўловчилар ўтказувчанлик қобилиятини ошириш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ҳамда хавфсизлик ва хизмат кўрсатишнинг замонавий стандартларини жорий этиш жиҳатидан модернизация қилиш, шу жумладан, технологиялар, муҳандислик тизимлари ва сервис инфратузилмасини янгилаш.

16. Навоий халқаро аэропортини хорижий авиакомпаниялар билан стандартлаштирилган, хавфсиз ва тезкор ўзаро ҳисоб-китобларни таъминлайдиган ИАТА халқаро платформаларига улаш масалаларини кўриб чиқиб, ҳал қилиш.





О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2026 yil « 9 » февраль

№ ПҚ–51

“Оғир” маҳаллаларда кичик қуёш электр станцияларини барпо этиш орқали камбағал оилаларни қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 5 февралдаги “2026 йилда ҳудудларни янгича ёндашувлар асосида ривожлантириш орқали аҳоли даромадини ошириш, барқарор иш ўринларини яратиш ҳамда камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–49-сон қарори ижросини таъминлаш, шу жумладан, мазкур қарор доирасида камбағаллик даражаси юқори бўлган **903 та** маҳаллада кичик қуёш электр станцияларини барпо этиш орқали камбағал оилаларни барқарор даромад билан таъминлаш мақсадида **қарор қиламан:**

1. Энергетика вазирлиги Энергия самарадорлиги миллий агентлиги билан биргаликда “оғир” маҳаллаларга даромад келтирадиган актив сифатида **300–500 кВт соат** қувватдаги кичик қуёш электр станцияларини ишга тушириши ҳамда мазкур лойиҳани молиялаштириш учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан **110 миллион АҚШ доллари** миқдорида маблағ ажратилиши маълумот учун қабул қилинсин.
2. Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан ажратиладиган маблағларнинг ҳисоби Энергетика вазирлигининг алоҳида ғазна ҳисобварағида юритилсин.

3. Энергетика вазирлиги Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **бир ой муддатда** қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини киритсин:

(а) кичик қуёш электр станцияларини барпо этиш ишларини қонунчиликда белгиланган тартибда лойиҳалаштириш, давлат экспертизасидан ўтказиш, тендер асосида пудрат ташкилотини аниқлаш ҳамда қурилиш-монтаж ишларини ташкил этиш;

(б) кичик қуёш электр станцияларини фойдаланишга қабул қилиш ҳамда бошқариш;

(в) кичик қуёш электр станцияларидан ишлаб чиқарилган электр энергиясини сотишдан тушган маблағларни тақсимлаш.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари **бир ой муддатда** камбағаллик даражаси юқори бўлган маҳаллаларда кичик қуёш электр станцияларини қуриш учун зарур бўлган ер участкаларини Энергетика вазирлигининг талабномасига мувофиқ доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида Энергетика вазирлигига белгиланган тартибда ажратсин. Бунда ер участкаларини ажратиш билан боғлиқ материалларни ишлаб чиқиш ва экологик экспертиза хулосаларини тақдим этиш Кадастр агентлиги ва Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси томонидан бепул тарзда амалга оширилсин.

5. Энергетика вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда **2026 йил якунига қадар** маҳаллаларда кичик қуёш электр станцияларини барпо этиш бўйича амалга оширилган ишларни қайта ҳисоб-китоб қилиб, талаб этиладиган қўшимча маблағлар бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

6. Қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб энергетика вазири Ж.Т. Мирзамаҳмудов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари белгилансин.
7. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2026 yil « 11 » февраль

№ ПҚ–58

2026 йилда Навоий вилоятини барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Навоий вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш, тадбиркорларга янада қулай шарт-шароитлар яратиш, инвестицияларни жалб қилиш, ҳар бир туман ва шаҳарни ихтисослигидан келиб чиқиб ривожлантириш, мавжуд захира ва имкониятлардан самарали фойдаланиш, аҳоли даромадларини ошириш ва турмуш даражасини янада яхшилаш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсадлар

1. Қуйидагилар Навоий вилоятини 2026 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий мақсадли кўрсаткичлари этиб қуйидагилар белгилансин:

- (а) ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми йиллик ўртача **7,9 фоизга**, саноат **7,8 фоизга**, бозор хизматлари **15,6 фоизга**, қишлоқ хўжалиги **5,7 фоизга** ўсишини таъминлаш;
- (б) вилоятни **камбағаллик ва ишсизликдан** ҳоли ҳудудга айлантириш ҳамда аҳоли даромадлари барқарор ўсишини таъминлаш, 4,5 минг нафар аҳолини меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларга ўқитиш;
- (в) хорижий инвестициялар ҳажмини **4,9 млрд АҚШ доллари**га, экспорт ҳажмини **1,5 млрд АҚШ доллари**га етказиш;
- (г) **тоғ-кон ва геология** соҳасини ривожлантириш ва **ер қаъри участкаларидан** самарали фойдаланиш мақсадида **42 та** янги конларни ишга тушириш;
- (д) **сув ресурсларидан** оқилona фойдаланиш ва сув тежовчи технологияларни жорий этиш ҳисобига **440 млн метр куб** сув иқтисод қилиш;

(ж) хорижий туристлар оқимини 600 минг нафарга, маҳаллий сайёҳлар сонини 3 млн нафарга етказиш.

2. Қуйидагилар:

- (а) Навоий вилоятининг ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми ва унинг таркиби бўйича прогноз параметрлари 1-иловага мувофиқ;**
- (б) Навоий вилоятида аҳолини доимий ишга жойлаштириш, даромадини ошириш ва норасмий иш ўринларини легаллаштириш бўйича мақсадли кўрсаткичлар 2-иловага мувофиқ;**
- (в) Навоий вилояти туман (шаҳар)ларини ихтисослашуви, географик жойлашуви, табиий хомашё ва ер ресурслари ҳамда инфратузилмавий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг солиштирма устунлиги асосида намунали ҳудудга айлантириш бўйича йўналишлар 3-иловага мувофиқ;**
- (г) Навоий вилоятининг хорижий инвестицияларни ўзлаштириш бўйича прогноз параметрлари 4-иловага мувофиқ;**
- (д) Навоий вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш бўйича мақсадли кўрсаткичлар 5-иловага мувофиқ;**
- (ж) Навоий вилоятида ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича мақсадли кўрсаткичлар 6-иловага мувофиқ;**
- (з) 2026 йилда Навоий вилоятини барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича “йўл харитаси” 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

II. Вилоятнинг туман ва шаҳарларини миллийлик билан уйғунлашган замонавий қиёфага келтириш

3. 2300 йиллик тарихга эга бўлган Кармана шаҳрини миллийлик билан уйғунлашган замонавий қиёфага келтириш, аҳоли ва сайёҳлар учун қулай шарт-шароит ҳамда илғор архитектура ечимларига асосланган инфратузилмани яратиш мақсадида Навоий вилояти ҳокимлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

- (а) Кармана кўчасини реновация асосида миллий услубдаги маданий, туризм ва хизмат кўрсатиш марказига айлантириш мақсадида:**
 - (i) Қосим шайх хонақоҳи ва Мирсаид Баҳром тарихий зиёратгоҳларини реставрация қилган ҳолда ўзаро боғлаш ҳамда “Янги авлод” истироҳат боғи ва “Кармана деҳқон бозори” билан уйғунлаштирган ҳолда “Қадимий Кармана” туристик марказни (кейинги ўринларда – туристик марказ) ташкил қилиш;**

(ii) кўчанинг **2,4 км** қисмини пиёдалар ва сайёҳлар учун қулай ва хавфсиз бўлишини таъминлаган ҳолда реконструкция қилиш;

(б) Кармана шаҳри бош режасига мувофиқ **тирбандликларнинг олдини олиш** ва сайёҳлар учун **ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш** мақсадида:

(i) “М-37” халқаро автомобиль йўлидан “Каловат” МФЙ орқали Янги Навоий шаҳарчасига олиб борувчи 1,5 км автомобиль йўлини қуриш;

(ii) А.Навоий кўчасини “М-37” автомобиль йўли орқали “А-379” автомобиль йўли билан боғловчи 0,5 км автомобиль йўлини қуриш;

(в) мазкур бандда назарда тутилган лойиҳаларни амалга ошириш учун **8-иловага** мувофиқ турар ва нотурар объектларни кўчириш мақсадида мулкдорларга ушбу қарорнинг 32-бандига мувофиқ компенсация тўловларини қоплаб бериш.

4. Белгилансинки:

(а) туристик марказ “Business city” замонавий ишбилармонлик марказлари рўйхатига киритилади;

(б) “Янги Навоий шаҳарчаси” ишбилармонлик маркази дирекцияси” давлат муассасаси (кейинги ўринларда – Дирекция) туристик марказнинг дирекцияси вазифасини бажаради;

(в) Дирекция туристик марказ ҳудудида қуриладиган бино ва иншоотларни лойиҳалаш, қуриш ва таъмирлаш бўйича буюртмачи ҳисобланади ҳамда туристик марказ объектларини қуришда қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ “Янги Навоий шаҳарчаси” ишбилармонлик марказини барпо этиш ишлари доирасида берилган барча ҳуқуқ, ваколат ва имтиёزلардан фойдаланади;

(г) Дирекцияга қуйидаги ҳуқуқлар берилади:

(i) “**Янги Ўзбекистон**” **боғи** ва **туристик марказ** ҳудудида мазкур қарорга мувофиқ ажратиладиган маблағлар ҳисобидан савдо, туризм ва хизмат кўрсатиш объектларини қуриш, шунингдек, қуриладиган ва қуриб битказилган туризм ва хизмат кўрсатиш объектларини электрон онлайн аукцион савдолари орқали сотиш;

(ii) савдо, туризм ва хизмат кўрсатиш объектларини электрон онлайн аукцион савдолари орқали сотишдан тушган маблағларни (аукцион харажатларини чегириб қолган ҳолда) “Янги Ўзбекистон” боғи ва туристик марказни барпо этиш ва сақлаш харажатларига йўналтириш.

5. “Саноат қурилиш банки” АТБ Давлат активлари бошқариш агентлиги ва Навоий вилояти ҳокимлиги биргалиқда Кармана туманидаги “Янги авлод” истироҳат боғининг ер участкаларини вақтинчалик ижарага бериш муддати тугаётганлиги муносабати билан мазкур истироҳат боғини бир ой муддатда Кармана тумани Ободонлаштириш бошқармасига қайтариб берилишини таъминласин.
6. Навоий вилоятида **рекреация** ва **яшил ҳудудларни** кўпайтириш мақсадида:
- (а) Навоий вилояти ҳокимлиги Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси билан келишган ҳолда 2026–2027 йилларда “Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати” давлат муассасаси буюртмачилигида Навоий шаҳрида жойлашган **Алишер Навоий номидаги марказий маданият ва истироҳат боғи, “Ёшлик” кўли** ва улар атрофидаги эскирган, самарали фойдаланилмаётган объектлар жойлашган ҳудудни ягона мажмуа (кейинги ўринларда – Марказий истироҳат боғи) сифатида замонавий кўринишда реконструкция қилишни таъминласин;
- (б) “Алишер Навоий номидаги марказий маданият ва истироҳат боғи” давлат муассасасига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 26 декабрдаги “Маҳаллий бюджетлар ва бюджет ташкилотларининг молиявий барқарорлигини ошириш, бюджет интизомини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–387-сон қарорига мувофиқ Ободонлаштириш бошқармаларига берилган барча ҳуқуқ ва ваколатлар татбиқ этилсин;
- (в) Навоий вилояти ҳокимлиги 2026–2027 йилларда **Навоий** ва **Учқудуқ шаҳарларида** яшиллик даражасини ошириш, умумий фойдаланишдаги ҳудудларда жойлашган барча кўп йиллик дарахтларни сув билан таъминлаш, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, экологик ҳолатни яхшилаш ва барқарор сақлаш мақсадида замонавий суғориш тизимини жорий этсин.
7. Белгилаб қўйилсинки, “Янги Ўзбекистон” боғи, туристик марказ ва Марказий истироҳат боғини қуриш-таъмирлаш ишлари учун четдан олиб келинадиган қурилиш техникаси, аттракционлар, асбоб-ускуна ва жиҳозлар, бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлари, қурилиш материаллари, металл конструкциялар, ноёб дарахт ва бута кўчатлари ҳамда бошқа товарлар бўйича божхона тўловларини 120 кунга кечиктириб ёки бўлиб тўлашга рухсат берилади.

8. “Ўзсுவтаъминот” АЖ, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Кармана туманида Франция тараққиёт агентлиги маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган **оқова сув тизимларини қуриш** лойиҳасини туристик марказ лойиҳаси билан уйғунлаштирган ҳолда жадаллаштириш чорасини кўрсин.
9. Навоий вилояти ҳокимлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда Ислом тараққиёт банки иштирокидаги **“Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш”** лойиҳаси доирасида **33,7 млн АҚШ доллари** миқдоридagi маблағлар ҳисобидан **34 та** маҳалладаги **159 та** объектни қуриш-таъмирлаш ишларини жадаллаштирасин.
10. Навоий вилояти ҳокимлигининг қўйидаги таклифларига розилик берилсин:
- (а) 2026 йилда мазкур қарорнинг 9-иловасига мувофиқ давлат мулкида бўлган ижтимоий соҳа объектларидаги таъмирталаб санитария-гигиена шохобчалари ҳолатини **вилоят маҳаллий бюджети ва унинг қўшимча даромадлари ҳисобидан замонавий талаблар асосида яхшилаш** (янгидан қуриш, реконструкция қилиш);
 - (б) мазкур қарорнинг 10-иловасига мувофиқ туман (шаҳар) ҳокимликлари ташаббуси асосида шакллантирилган муҳим лойиҳалар (объектлар)да қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш;
 - (в) ушбу қарорга 10а-иловага мувофиқ 2027–2028 йиллардаги ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурлари доирасида қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш.
11. Белгилансинки, мазкур қарорнинг 10- ва 10а-иловаларидаги **йилдан-йилга** ўтувчи лойиҳалар (объектлар) кейинги йиллар учун мўлжалланган ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурларига киритилган ҳолда амалга оширилади. Бунда ушбу лойиҳалар мазкур қарорга асосан ажратилган маблағлар ва бошқа тегишли манбалар ҳисобидан молиялаштириб борилади.
- III. Тадбиркорлар ва аҳоли учун муносиб шароит яратиш, хизмат кўрсатиш ва туризм соҳаларини ривожлантириш, ҳудудларнинг **“солиштирма устунлиги”** асосида шакллантирилган лойиҳаларни амалга ошириш учун зарур инфратузилмавий шарт-шароитлар яратиш

12. Белгилансинки, 2026 йилда Навоий вилоятида тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолининг даромадини ошириш, камбағалликни қисқартириш, лойиҳавий ёндашув асосида ихтисослашувни чуқурлаштириш мақсадида:

(а) “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла” мақоми берилган **8 та** қишлоқ туманидан танлаб олинган **16 та маҳаллада** шаҳар муҳити ва қулай яшаш шароитлари яратилади;

(б) оғир тоифадаги **Конимех ва Навбаҳор** туманлари ҳамда камбағаллик даражаси юқори бўлган **12 та оғир тоифадаги маҳаллада** аҳоли яшаши ва тадбиркорлик фаолияти учун қулай муҳит яратишга қаратилган комплекс инфратузилмавий ва ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирлар амалга оширилади;

(в) вилоятдаги **40 та** маҳаллани ихтисослаштириш учун ушбу маҳаллаларга **60 та** тик қудуқ қазииш, трансформатор ўрнатиш, электр тармоғи тортиш ва суғориш тармоқларини бетонлаш тадбирлари амалга оширилади;

(г) туман (шаҳар) марказларидаги **65 та маҳаллани боғловчи** гавжум кўчалар, соҳил ва йўлбўйи, савдо, кўнгилочар ва дам олиш марказлари ҳамда **туризм салоҳият юқори бўлган 18 та маҳаллада** меҳмон уйлари, туризмга хизмат кўрсатувчи объектлар ташкил этилади;

(д) халқаро (транзит) автомобиль йўллари бўйларидаги **15 та маҳаллада** савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари фаолияти йўлга қўйилади;

(ж) туманлардаги **78 та маҳаллада** ихтисослашувни чуқурлаштириш учун “Uzagrostar holding” компанияси, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги инструментларидан фойдаланилади.

13. Навоий вилоятидаги иқтисодий ўсишга туртки берувчи **39 та драйвер лойиҳаларнинг** инфратузилмасини яхшилаш мақсадида:

(а) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги талаб этиладиган маблағнинг **50 фоизини** республика бюджетидан 2026 йил 20 февралга қадар ажратсин;

(б) Навоий вилояти ҳокимлиги **драйвер лойиҳалар** дастурига киритилган объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиб, **2026 йил 1 майга** қадар қурилиш ишларини бошласин.

- 14.** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги “Uzagrostar holding” компанияси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Навоий вилояти ҳокимлиги билан биргаликда агросаноатнинг асосий тармоқларидан бўлган **чорвачилик, узумчилик ва анорчиликни** ривожлантириш мақсадида:
- (а)** “Uzagrostar holding” компаниясининг таъсисчилигида Қизилтепа туманида **чорвачилик йўналишида “Навоий агростар”** МЧЖ ихтисослашган компаниясини ташкил этсин ва Қизилтепа туманини **базавий ҳудуд** сифатида белгиласин. Бунда “Навоий агростар” МЧЖ чорвачилик ривожланган **Томди, Навбаҳор, Учқудуқ** ва **Конимех** туманлари ҳамда **қўшни вилоятлар туманларини** ҳам қамраб олади;
 - (б)** “Uzagrostar holding” компаниясининг таъсисчилигида Хатирчи туманидаги **20 та** маҳаллада “Қўшработ агростар” МЧЖ билан бирга **Хатирчи майизчилик кластерини** ташкил этсин. Бунда қуйидагилар наразда тутилади:
 - (i) узум етиштиришдан тортиб, қайта ишлаш, қуритиш, саралаш, қадоқлаш ва экспортга чиқаришгача бўлган ягона тизимни шакллантириш;
 - (ii) майизчиликда юқори навли узумларни экишни ташкил этиш;
 - (iii) узумзорларда томчилатиб суғориш ва кластерни ривожлантириш учун инфратузилмаларни барпо этиш;
 - (в)** Сирдарё вилояти Мирзаобод туманида **анорчилик йўналишида** ташкил этилиши режалаштирилган **“Сирдарё агростар”** МЧЖ ихтисослашган компанияси Навоий вилоятининг Кармана, Навбаҳор ва Қизилтепа туманларини қамраб олади.
- 15.** Навоий вилоятининг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш мақсадида Туризм қўмитаси ва Навоий вилояти ҳокимлигининг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:
- (а) 2026 йил якунига қадар** Нурота туманидаги марказий истироҳат боғида “Нақшлар ва нурлар” миллий каштачилик марказини қуриш;
 - (б)** “Чашма” зиёратгоҳини “Нақшлар ва нурлар” миллий каштачилик маркази билан боғлаган ҳолда ягона туризм ҳалқасини ташкил этиш;
 - (в) ягона туризм ҳалқаси** доирасида ҳунармандчилик, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида янги лойиҳаларни амалга ошириш, сайёҳларнинг камида бир кун тунаб қолишини назарда тутувчи туристик маршрутлар ишлаб чиқиш.

16. Навоий вилояти ҳоқимлиги:

- (а)** Давлат активларини бошқариш агентлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги билан бирга Хатирчи туманининг **Лангар ва Ангидон** қишлоқлари бўйича ишлаб чиқилган мастер-режа асосида ер участкаларини электрон онлайн аукцион савдоларига чиқарсин;
- (б)** Туризм қўмитаси билан бирга 2026-2027 йилларда Хатирчи туманининг Лангар ва Ангидон қишлоқларида **туризм ва хизмат кўрсатиш** соҳаларида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш чораларини кўрсин;
- (в)** АТБ “Турон банк” билан бирга **бир ой муддатда** ушбу ҳудудларда тадбиркорлик ва туризмни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш мақсадида имтиёзли шартларга эга, қулай ва жозибадор **кредит пакетини ишлаб чиқсин** ва амалиётга жорий этсин;
- (г)** манфаатдор идоралар билан бирга **Зарафшон дарёсининг Навбаҳор, Кармана ва Қизилтепа** туманлари ҳудудидан оқиб ўтувчи қисмларида, биринчи босқичда камида 20 гектар майдонга соҳил бўйини ривожлантириш бўйича мастер-режа ишлаб чиқилишини таъминласин.

IV. Инвестицияларни ўзлаштириш, экспорт ва саноатни ривожлантириш

17. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигининг Навоий вилоятида тадбиркорлик субъектларига янги лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий банклар ва халқаро молия институтлари маблағларини жалб этиш самарадорлигини ошириш мақсадида **тажриба-синов тариқасида** қуйидагиларни назарда тутувчи **маҳаллий тадбиркорлар билан ишлаш дастурини амалга ошириш** тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

- (а)** тадбиркорлик лойиҳаларини тайёрлаш, экологияга оид ва ижтимоий талаблар, харид режалари, халқаро молиявий ҳисобот (IFRS) ва аудит тизимларини жорий этиш учун хорижий тажрибага эга консалтинг компанияларини жалб қилиш ҳамда маҳаллий аудит-консалтинг компанияларини ривожлантириш;
- (б)** тадбиркорлик субъектларининг халқаро молиявий ҳисобот ва сифат тизимларини жорий этиш билан боғлиқ харажатларнинг **30 фоизини** “Савдони ривожлантириш компанияси” АЖ маблағлари ҳисобидан **компенсация қилиш.**

- 18.** Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Марказий банк билан биргаликда **бир ой муддатда** маҳаллий тадбиркорлар билан ишлаш дастурини амалга ошириш тартибларини назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.
- 19.** Навоий вилояти ҳокимлигининг Хатирчи туманидаги Бахшижар мавзесида **50 гектар** ер майдонида **кичик саноат зонаси** ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин. Бунда:
- (а)** Навоий вилояти ҳокимлиги **2026 йил якунига қадар** тадбиркорлик инфратузилмасини ривожлантириш жамғармаси ва бошқа манбалар ҳисобидан кичик саноат зонаси учун зарур муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини (автомобиль йўли, электр таъминоти, газ ва сув тармоқлари) **тўлиқ қуриб битказиш** чораларини кўрсин;
- (б)** Навоий вилояти ҳокимлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги икки ой муддатда 2026–2027 йилларда ушбу кичик саноат зонасида қиймати камида **100 млн АҚШ доллари** бўлган инвестиция лойиҳаларини жойлаштириш бўйича аниқ манзилли чора-тадбирлар режасини тасдиқласин ва амалга оширсин.
- 20.** Навоий вилояти ҳокимлиги Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда Нурота туманида гранитни қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича амалга оширилаётган лойиҳаларда **таннархни камайтириш** ҳамда **қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни** кенгайтириш мақсадида 2026 йилда:
- (а)** “Истиқлол” МФЙ ҳудудидаги 50 гектар ер майдонида **“Нурота гранит парки”** кичик саноат зонасини ташкил этсин;
- (б)** “Нурфахр” МФЙ ҳудудида 50 гектар ер майдонида **гранитни қайта ишлаш кластерини** ташкил этсин;
- (в)** “Истиқлол” МФЙ ҳудудида **пардозбоп тошлар бозорини** ташкил этсин, ушбу бозорда Хитой Халқ Республикасининг **Нанъан шаҳри тажрибаси** (Хитой Халқ Республикаси) асосида хомашё ва ярим тайёр пардозбоп тош маҳсулотларини қайта ишлаш, савдога чиқариш ва экспорт қилиш тизимини жорий этсин;
- (г)** мазкур банднинг “а” ва “б” кичик бандларида назарда тутилган кичик саноат зоналарида қўшилган қийматли экспортбоп тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган инвестиция лойиҳаларини жойлаштирсин.

- 21.** Марказий банк, “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Навоий вилояти ҳокимлигининг тадбиркорлик субъектлари томонидан пардозбоп тошлар қазиб олиш ва қайта ишлаш натижасида ҳосил бўлаётган саноат чиқиндиларидан цемент хомашёси, оҳак, гипс, йўлак плиталари, газблок ва бошқа турдаги тайёр қурилиш материаллари ишлаб чиқариш лойиҳаларини молиялаштириш учун **имтиёзли кредитлар ажратиш** тўғрисидаги таклифи маъқуллансин. Бунда:
- (а)** ушбу имтиёзли кредитлар бўйича фоизларнинг Марказий банкнинг асосий ставкасидан ошган, бироқ 5 фоизгача бўлган қисми “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” АЖ томонидан Кредит фоиз харажатларини компенсация қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан **қоплаб берилади**;
 - (б)** “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда **бир ой муддатда** мазкур бандда назарда тутилган тартибни амалга ошириш бўйича тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритади.
- 22.** Саноат кооперацияси ва давлат харидлари агентлиги Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда Навоий вилояти ҳокимлиги билан биргаликда вилоятда **маҳаллийлаштирилган саноат маҳсулотлари** ҳажмини кўпайтириш ҳамда саноат корхоналари ўртасида **кооперация алоқаларини янада кенгайтириш** мақсадида:
- (а)** 2026 йилда ҳудудий **маҳаллийлаштириш дастури** доирасида **2,9 трлн сўмлик** маҳсулот ишлаб чиқарилиши ҳамда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ҳажми **250 млн АҚШ долларга** етказилишини;
 - (б)** Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги, “Ўзкимёсаноат” АЖ, “Иссиқлик электр станциялари” АЖ, “Ўзавтосаноат” АЖ билан ҳамкорликда **90 та** кичик ва ўрта корхоналарни **“шатакка олиш”**ни ҳамда ҳисобот даврида уларга **1,2 трлн сўмлик буюртма** берилишини таъминласин.
- 23.** Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги ва Навоий вилояти ҳокимлигининг “Навоий эркин иқтисодий зонаси дирекцияси” АЖ тасарруфида бўлган ер майдонидан мазкур қарорнинг **11-иловасига** мувофиқ **9,19 гектар** ер майдонини **“Навоий саноатни ривожлантириш комплекси”** махсус саноат паркига ажратиш учун туман ҳокимлиги тасарруфига қайтариш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин. Бунда:

(а) “Навоий” эркин иқтисодий зонаси чегараларига тегишли ўзгартиришлар киритилсин;

(б) Навоий вилояти ҳокимлиги **бир ой муддатда** қайтарилган ер участкасини “Навоий саноатни ривожлантириш комплекси” махсус саноат паркига ажратилишини таъминласин.

24. Навоий вилояти ҳокимлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда **бир ой муддатда** Навоий вилоятида тадбиркорлик, ижтимоий ва инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш учун **12-иловага** мувофиқ ер участкаларининг ер фонди тоифасини ўзгартириш бўйича таклифларни Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларининг ер фонди тоифаларини ўзгартириш масалаларини кўриб чиқиш бўйича Ҳукумат комиссиясига киритсин.

25. Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги Навоий вилояти ҳокимлиги билан биргаликда **уч ой муддатда** инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун мазкур қарорнинг **13-иловасига** мувофиқ **норуда фойдали қазилма конлари ва участкаларини** белгиланган тартибда электрон онлайн аукцион савдоларига чиқарсин.

V. Қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик соҳасини ривожлантириш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга қаратилган чора-тадбирлар

26. Сув хўжалиги вазирлиги **2026 йил 1 мартдан бошлаб** “Навоий иссиқлик электр станцияси” АЖга техник сув етказиб бериш бўйича кўрсатилган хизматлар учун Зарафшон магистрал тизимидан фойдаланиш бошқармасининг ривожлантириш жамғармасига келиб тушадиган маблағларнинг **50 фоизигача** бўлган қисмини ҳар ой якуни билан белгиланган тартибда Қўйи Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг ривожлантириш жамғармасига ўтказиб борсин.

27. 2026–2028 йилларда Навоий вилоятидаги Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар тасарруфидаги насос станциялари ва тик қудуқларда сарфланаётган электр энергиясидан самарали фойдаланиш мақсадида **14-иловага** мувофиқ қуйидагиларга **қуёш панеллари ўрнатиш** босқичма-босқич амалга оширилсин:

(а) Сув хўжалиги вазирлиги Қўйи Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси балансидаги насос станцияларига;

(б) Навоий вилояти ҳокимлиги Сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда Қуйи Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси балансидаги тик суғориш қудуқлари ва фермер хўжаликларига қарашли насос агрегатларига ва улардан фойдаланувчи фермер хўжаликларига.

28. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ва Навоий вилояти ҳокимлигининг:

(а) Қўмига доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан берилган **6 млн гектар яйлов** ер майдонларини ижарага беришдан тушадиган ижара тўловларини Навоий вилояти яйлов хўжаликлари бошқармаси ҳисоб рақамига тушириш;

(б) ушбу маблағларни майда шохли молларни суғориш учун тик қудуқлар қазиш, **деградацияга учраган** яйлов ер майдонларига **озуқабоп чўл ўсимликларини** экиш ишларига йўналтириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

29. Навоий вилоятида чорвачилик соҳасини янада ривожлантириш мақсадида шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

(а) 2026 йилда Мўғулистондан **70 минг бош майда шохли мол** олиб келишни қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 17 июлдаги “Мўғулистонга олий даражадаги ташриф давомида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаларида эришилган келишувларни амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–225-сон қарорига асосан майда шохли молларни импорт қилишда қўлланган имтиёзлар 2026–2027 йилларда олиб келинадиган майда шохли моллар учун ҳам татбиқ этилади;

(б) Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ҳамда Навоий вилояти ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 январдаги ПҚ–34-сон қарори ижроси доирасида Навоий вилояти яйлов ерлари сув таъминотини яхшилаш тадбирларига, шу жумладан, 70 та қудуқ бурғилаш ишларига ажратилган **33,8 млрд сўм** маблағларни молиялаштириш ҳамда 2026 йил 1 июнга қадар қудуқларни тўлиқ ишга тушириш чораларини кўради;

- (в) 2026–2027 йилларда Навоий вилоятида **туячилик ва йилқичилик тармоғини ривожлантириш** мақсадида хорижий давлатлардан сут ва гўшт йўналишидаги зотли туя ва отлар олиб келинади;
- (г) грант маблағларини жалб этган ҳолда аҳоли ва чорвачилик хўжаликларидаги мавжуд майда шохли моллар 2026–2027 йиллар давомида **тўлиқ идентификация қилинади**;
- (д) вилоятда чорва моллари, улар учун озуқани сақлаш, етиштириш ва кўпайтириш учун қишлоқ хўжалиги ерлари ва қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи ерлар, шунингдек, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар очиқ электрон онлайн аукцион савдоларига бошланғич нархининг **10 фоизи** қийматида, аниқ ихтисослик ва рухсат этилган фойдаланиш турини белгилаган ҳолда чиқарилади.

VI. Ижтимоий соҳани ривожлантириш ва мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш:

30. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги:

- (а) Рақамли технологиялар вазирлиги ва Навоий вилояти ҳокимлиги билан биргаликда ИТ ва сунъий интеллект соҳасини самарали ривожлантириш учун 2026–2027 йилларда **тажриба-синов** тариқасида Навоий ва Зарафшон шаҳарлари умумтаълим мактабларида **“Бир мактаб – бир ИТ синф”** тамойили асосида ИТ ва сунъий интеллектга ихтисослашган синфларни ташкил этсин. Бунда:
 - (i) ушбу синфлар ИТ ва сунъий интеллект талаблари асосида мослаштирилиб, замонавий жиҳозлар билан таъминланади;
 - (ii) ушбу синфларга 9-синфнинг ИТ ва сунъий интеллектга қизиқувчи ўқувчилари саралаб олинади;
- (б) Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Муҳаммад Ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялар университети (кейинги ўринларда – ТАТУ) билан биргаликда **2026/2027 ўқув йилидан бошлаб**:
 - (i) Навоий вилоятидаги умумтаълим мактабларининг **100 нафар** мутахассис педагогларини ИТ ва сунъий интеллект йўналишида ТАТУ ва хорижда малакасини ошириш;
 - (ii) ТАТУнинг Зарафшон факультетида кундузги таълим шаклида **“Сунъий интеллект ва киберхавфсизлик”** таълим йўналишида ўқитишни йўлга қўйиш чорасини кўрсин.

- 31.** Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Касбий таълим агентлиги ва Навоий вилояти ҳокимлигининг **“Касбий таълим тизимини такомиллаштириш” лойиҳаси** асосида 2026/2027 ўқув йилидан Германия тараққиёт банки (KfW) билан ҳамкорликда Қизилтепа тумани 2-сон техникумида **Германия тажрибаси асосида**, Хитой давлатининг Чунцин Ғарбий ишлаб чиқариш ва таълим интеграцияси тадқиқот институти билан ҳамкорликда Зарафшон шаҳар 1-сон техникумида **Хитой тажрибаси** асосида замонавий дастурлар ва технологияларни жорий этган ҳолда дуал таълимни йўлга қўйиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин. Бунда:
- (а)** техникумни замонавий ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш, илғор касбий тайёргарлик хоналарини ташкил этиш;
 - (б)** меҳнат бозори талабидан келиб чиқиб (кончилик, архитектура-қурилиш, энергетика, енгил саноат ва транспорт йўналишлари) малакали ва рақобатбардош кадрларни тайёрлаш;
 - (в)** педагог ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг малакасини ошириш;
 - (г)** Германия ва Хитой давлатларининг нуфузли корхона ва ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш.

VII. Молиявий ресурслар

32. Иқтисодий ва молия вазирлиги ҳамда Навоий вилояти ҳокимлиги:

- (а)** ушбу қарорнинг 3-бандида назарда тутилган объектларнинг қурилиши ҳудудига тушган ер участкалари Ўзбекистон Республикасининг “Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонунига асосан жамоат эҳтиёжи учун олиб қўйилиши натижасида жисмоний ва юридик шахсларга етказиладиган зарарлар Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Жисмоний ва юридик шахсларга етказилган мулк зарарларни компенсация қилиш бўйича республика мақсадли жамғармаси (кейинги ўринларда – республика компенсация жамғармаси) маблағлари ҳисобидан ҳамда бошқа мақсадлар учун олиб қўйиладиган кўчмас мулк объектлари учун компенсация тўлови ташаббускорлар маблағлари ҳисобидан қоплаш чораларини кўрсин;
- (б)** республика компенсация жамғармасидан маблағ ажратиш учун тегишли ҳужжатлар тўпламини босқичма-босқич Иқтисодий ва молия вазирлигига тақдим этсин;
- (в)** тегишли ҳужжатлар тўплами тақдим этилган кундан бошлаб **ўн иш** кунда республика компенсация жамғармаси кузатув кенгаши йиғилишида кўриб чиқилиши ва қарор қабул қилинишини таъминласин;

(г) республика компенсация жамғармасы кузатув кенгашининг маблағ ажратиш тўғрисидаги тегишли қарори қабул қилингандан сўнг **бир ҳафта муддатда** ушбу қарорга асосан республика компенсация жамғармасы ҳисобидан Навоий вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги ҳудудий компенсация жамғармасига маблағ ажратилишини таъминласин.

33. Навоий вилоятини иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш учун зарур ва барқарор инфратузилма билан таъминлашга 2026 йилда жами **455 миллиард сўм** маблағ, шу жумладан мазкур қарорнинг 10-иловасига мувофиқ Навоий вилоятида амалга ошириладиган муҳим лойиҳалар (объектлар) учун вилоят маҳаллий бюджетига **бир ой муддатда:**

(а) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларига асосан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун назарда тутилган маблағлар ҳисобидан **150 млрд сўм** маблағ;

(б) Тикланиш ва тараққиёт жамғармасы 2 йиллик имтиёзли давр билан 7 йил муддатга **25 млн АҚШ доллари** эквивалентидаги миллий валютада **фоизсиз кредит маблағлари ажратсин**. Бунда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан олинадиган маблағлар 2027 йилдан бошлаб **2027–2032 йилларда тенг улушларда** Навоий вилояти маҳаллий бюджетидан уларни ҳар йилги бюджет параметрларида назарда тутган ҳолда қайтарилади.

34. Халқ депутатлари Навоий вилояти кенгашига:

(а) мазкур қарорда назарда тутилган ижтимоий ва инфратузилма объектларини барпо этиш ишларини ҳар чорақда камида бир маротаба муҳокама қилиб, тегишли қарорлар қабул қилиш;

(б) заруратга кўра, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишган ҳолда мазкур қарорга мувофиқ ажратилаётган маблағларни қайта тақсимлаш ҳамда лойиҳалар рўйхати ва уларнинг параметрларига ўзгартириш киритиш ҳуқуқи берилсин.

VIII. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

35. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига **15-иловага** мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

- 36.** Навоий вилоятида ижтимоий ва инфратузилма объектлари барпо этилишини назорат қилиш мақсадида **16-иловага** мувофиқ таркибда штаб фаолияти ташкил этилсин ҳамда қуйидагилар устидан доимий назоратни амалга ошириш унинг асосий вазифаси этиб белгилансин:
- (а)** мазкур қарорнинг 33-бандида кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан амалга ошириладиган ижтимоий ва инфратузилма лойиҳалари ўз вақтида амалга оширилиши;
- (б)** Кармана туманида туристик марказ, муҳандислик-коммуникация тармоқлари барпо этилиши, молиялаштирилиши, пудрат ташкилотлари аниқланиши, қурилиш ишлари сифатли амалга оширилиб, объектлар ўз вақтида фойдаланишга топширилиши.
- 37.** Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров мазкур қарорга мувофиқ ажратилиши белгиланган маблағларнинг тўлиқ ва ўз муддатида молиялаштирилишини назорат қилиб борсин.
- 38.** Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мазкур қарорга мувофиқ амалга ошириладиган ишларнинг мазмун-моҳияти, мақсад ва вазифалари оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этсин.
- 39.** Қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосарлари А.Ж. Раматов, Ж.А. Қўчқоров ва Ж.А. Ходжаев ҳамда Навоий вилояти ҳокими Н.Т. Турсунов белгилансин.
- 40.** Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 11 февралдаги ПҚ–58-сон қарорига
1-илова

**Навоий вилоятининг 2026 йилга мўлжалланган ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми ва унинг таркиби бўйича
ПРОГНОЗ ПАРАМЕТРЛАРИ**

ўсиш суръати, фоиз

T/p	Ҳудудлар номи	Ялпи ҳудудий маҳсулот	Саноат	Қишлоқ хўжалиги	Қурилиш ишлари	Бозор хизматлари
	Жами	107,9	107,8	105,7	112,3	115,6
1.	Навоий шаҳри		108,1	100,7	113,6	116,1
2.	Зарафшон шаҳри		106,1	100,4	110,8	112,6
3.	Ғозғон шаҳри		107,8	100,8	103,5	112,1
4.	Кармана тумани		107,2	105,9	44,6	115,4
5.	Конимех тумани		106,2	106,1	107,5	112,6
6.	Қизилтепа тумани		107,9	105,3	112,8	111,7
7.	Навбаҳор тумани		105,1	105,6	116,2	112,6
8.	Нурота тумани		104,3	106,4	107,2	114,9
9.	Томди тумани		106,2	105,3	102,7	114,2
10.	Учқудуқ тумани		107,9	104,6	110,8	115,3
11.	Хатирчи тумани		106,1	105,8	113,2	116,7

Навоий вилоятида аҳолини доимий ишга жойлаштириш, даромадини ошириш ва норасмий иш ўринларини легаллаштириш бўйича
МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАР

Т/р	Худудлар номи	Жами	шундан								II.даромадини ошириш	III.иш ўринларини легаллаштириш
			I. Доимий ишга жойлаштириш	шу жумладан						молиявий қўллаб-қувватлаш орқали		
				инвестиция лойиҳаларини ишга тушириш ҳисобига	хизмат кўрсатиш ва сервис лойиҳаларини ишга тушириш ҳисобига	қишлоқ хўжалиги соҳасида	қурилиш соҳасида	бўш иш ўринларига				
Жами		208 798	28 536	3 977	6 729	2 490	915	4 425	10 000	145 424	34 838	
1	Навоий шаҳри	27 749	5 332	928	1 403		276	792	1 933	16 657	5 760	
2	Зарафшон шаҳри	11 965	2 111	375	648		86	417	585	6 514	3 340	
3	Ғозғон шаҳри	2 083	186	33	56		2	46	49	1 338	559	
4	Кармана тумани	32 239	3 957	402	665	522	92	487	1 789	24 282	4 000	
5	Конимех тумани	10 915	1 591	209	321	235	28	333	465	7 250	2 074	
6	Қизилтепа тумани	32 750	4 371	506	873	601	116	563	1 712	24 464	3 915	
7	Навбахор тумани	26 390	2 944	318	509	438	73	424	1 182	19 801	3 645	
8	Нурота тумани	15 016	1 816	296	512	17	68	330	593	9 937	3 263	
9	Томди тумани	3 152	311	53	92	5	7	79	75	2 147	694	
10	Учқудуқ тумани	7 297	1 219	240	414	3	25	267	270	3 958	2 120	
11	Хатирчи тумани	39 242	4 698	617	1 236	669	142	687	1 347	29 076	5 468	

**Навоий вилояти туман (шаҳар)ларини ихтисослашуви, географик жойлашуви, табиий хомашё
ва ер ресурслари ҳамда инфратузилмавий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг қиёсий ўстунлиги
асосида намунали ҳудудга айлантириш бўйича
ЙЎНАЛИШЛАР**

Т/р	Йўналиш номи	Туман (шаҳар)нинг қиёсий ўстунлигини таъминловчи омиллар
Навоий шаҳри		
1.	Саноат	<p>(а) кимё саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, машинасозлик ва металлургия йўналишлари учун ўстунлик юқори;</p> <p>(б) Бунёдкор маҳалласида 7,6 га ер майдонида 2-кичик саноат зонаси ва “Жанубий” МФЙда 2,0 га ер майдонида Ёшлар креатив иқтисодиёт зонаси мавжудлиги ва уларда яратилган инфратузилмавий шарт-шароитлар (<i>темир йўл</i>), бунда қурилиш материаллари, электротехника, машинасозлик, металл парчаларини қайта ишлаш йўналишларида ўстунлик мавжуд;</p> <p>(в) меҳнат ресурсларининг миқдори юқори (<i>иқтисодий фаол аҳоли 110,2 минг нафар</i>).</p>
	Хизмат кўрсатиш	<p>(а) географик жойлашуви: шаҳарнинг 5 та аҳоли гавжум кўчаларида савдо-сервис, гастронимик ва туризм объектлари учун инфратузилма мавжуд;</p> <p>(б) шаҳар марказида ойига 50 минг кишига хизмат қилувчи йирик “Навоий савдо комплекси” АЖ буюм бозори ҳамда ойига 100 минг кишига хизмат қилувчи “Саховат деҳқон бозори” МЧЖ ва унинг 2 та филиали мавжуд;</p> <p>(в) тадбиркорлар ва аҳоли учун қулай инфратузилмани барпо этиш ҳисобига Янги Навоий шаҳарчасида 4-қаватли “NAVOIY CITY MALL” гипермаркети ҳамда 17 га майдонда “NAVOIY CITY PARK” ташкил этиш имкониятлари мавжуд;</p> <p>(г) шаҳарда аҳоли ва туристлар дам олиши учун замонавий истироҳат боғлари, меҳмонхоналар ҳамда ресторан ва умумий овқатланиш объектларини ташкил этиш имкониятлари мавжуд.</p>

Т/р	Йўналиш номи	Туман (шаҳар)нинг қиёсий устунлигини таъминловчи омиллар
Зарафшон шаҳри		
2.	Саноат	<p>(а) қурилиш материаллари, текстиль, мрамар ва гранит тошларини қайта ишлаш йўналишлари учун устунлик юқори;</p> <p>(б) Истиклол маҳалласида 10 га ер майдонида кичик ва ёшлар саноат зонаси мавжудлиги ва уларда яратилган инфратузилмавий шарт-шароитлар, бунда қурилиш материаллари, мебелчилик, электротехника, машинасозлик, металл парчаларини қайта ишлаш йўналишларида устунлик мавжуд.</p>
	Хизмат кўрсатиш	<p>(а) географик жойлашуви: 1 та аҳоли гавжум кўчада савдо-сервис, гастронимик ва туризм объекти учун инфратузилма мавжуд;</p> <p>(б) тадбиркорлар ва аҳоли учун қулай инфратузилмани барпо этиш ҳисобига Баҳор маҳалласида 3-қаватли йирик савдо маркази ҳамда 30 гектар майдонда “ZAR VEGAS” лойиҳасини ташкил этиш имкониятлари мавжуд;</p> <p>(в) шаҳарда аҳоли ва туристлар дам олиши учун замонавий истироҳат боғлари, меҳмонхоналар ҳамда ресторан ва умумий овқатланиш объектларини ташкил этиш имкониятлари мавжуд.</p>
Ғозғон шаҳри		
3.	Саноат	<p>(а) қурилиш материаллари ишлаб чиқариш йўналишлари учун устунлик юқори. Бунда Ғозғон шаҳрида 6,0 млн м³ мрамар ва 4,5 млн м³ гранит захираларидан фойдаланиш имконияти мавжуд;</p> <p>(б) Ғозғон шаҳрида 850 000 м³ саноат чиқиндиларини қайта ишлаш имконияти мавжуд.</p>
	Хизмат кўрсатиш	<p>(а) шаҳарда Шоҳимардон зиёратгоҳи мавжуд бўлиб, бу зиёратгоҳ республика ҳудудида 2 та ҳисобланади. Зиёратгоҳ ҳудудида 2 та чашма ва 7 минг йил аввал қоя тошларга битилган 20 дан ортиқ петроглифлар мавжуд;</p> <p>(б) “Д-209” давлат аҳамиятидаги йўлнинг 15 км қисми шаҳар ҳудудидан ўтган бўлиб, савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат ва бошқа хизматларини ривожлантириш учун кенг имкониятлар мавжуд.</p>
Кармана тумани		
4.	Саноат	(а) қурилиш материаллари, электротехника, фармацевтика, тўқимачилик, йўналишларини

Т/р	Йўналиш номи	Туман (шаҳар)нинг қиёсий устунлигини таъминловчи омиллар
		<p>ривожлантириш имкониятлари юқори;</p> <p>(б) “Навоий” эркин иқтисодий зонаси, халқаро аэропорт, темир йўл, “М-37” магистрал автомобиль йўли каби инфратузилма ҳамда логистика салоҳияти мавжуд;</p> <p>(в) ҳудуд шаҳар атрофида жойлашган <i>(инвесторлар учун жозибали, яъни транспорт қулайлиги, бозорга яқинлиги ва инфратузилма мавжудлиги йирик лойиҳаларни жалб қилади);</i></p> <p>(г) қурилиш материаллари ишлаб чиқариш йўналишлари учун устунлик юқори. Бунда 2,5 млн м³ гипс ишлаб чиқариш учун оҳактош, 13,5 млн м³ бентонит қуми, 79,6 млн тонна кварц ва 21,7 млн м³ силикат қуми каби минерал захиралар мавжуд.</p>
	Хизмат кўрсатиш	<p>(а) Бухоро ва Самарқанд вилоятларини боғловчи “М-37” автомагистраль йўли туман ҳудудидан ўтганлиги, туманда 2300 йиллик тарихга эга маданий мерос объектларини мавжудлиги сабабли ҳудудда туризмни ривожлантиришга катта имконият мавжуд;</p> <p>(б) туманда соҳил бўйи ва унинг марказидан ўтган “М-37” автомагистраль йўли бўйида хизматлар соҳаси <i>(логистика, савдо, умумий овқатланиш, меҳмонхона, туризм, таълим, тиббий хизматлар ва ҳ.к.)</i> учун имкониятлар мавжуд.</p>
	Қишлоқ хўжалиги	<p>(а) 14,9 минг гектар сўғориладиган <i>(шундан аҳоли томорқалари 1,7 минг гектар)</i> ва 49,2 минг гектар яйлов ер майдонлари мавжуд;</p> <p>(б) туманда сув таъминоти оғир, бонитет бали паст бўлган 200 гектар ер майдонида анорчилик кластерини ташкил этиш имкони мавжуд.</p>
Конимех тумани		
	Саноат	<p>туманда 5 турдаги 9 та норуда фойдали қазилма конларида 232,9 минг тонна минерал тузлар, 84 696,5 минг тонна фосфорит рудаси, 2 425,6 минг тонна ёнувчи сланес, 1 591,1 минг тонна гипс ва ангидрит захиралар мавжудлиги янги саноат лойиҳаларини амалга ошириш имконини беради.</p>
5.	Хизмат кўрсатиш	<p>(а) туман ҳудудидан ўтувчи “А-379” халқаро аҳамиятга эга автомобиль йўли бўйида хизмат кўрсатишни ривожлантириш учун улкан имконият мавжуд;</p> <p>(б) Айдаркўл кўли атрофидаги чўл ҳудудларида туризм билан боғлиқ хизматлар <i>(миллий ўтовларда хизмат кўрсатувчи сафари туризми, умумий овқатланиш, меҳмонхона)</i> учун имконият мавжуд.</p>

Т/р	Йўналиш номи	Туман (шаҳар)нинг қиёсий устунлигини таъминловчи омиллар
	Қишлоқ хўжалиги	(а) 4,7 минг гектар суғориладиган (шундан аҳоли томорқалари 0,7 минг гектар) ва 1 238,4 минг гектар яйлов ер майдонлари мавжуд; (б) 9 та маҳалла чорвачиликка (қўйчилик ва эчкичилик) ихтисослашган.
Қизилтепа тумани		
6.	Саноат	(а) туманда мавжуд қурилиш материаллари, енгил саноат, озиқ-овқат саноати ва бошқа табиий қазилма захиралари янги саноат лойиҳаларини амалга ошириш имконини беради; (б) туманда 10 гектар ер майдонида ёшлар саноат зонаси мавжуд; (в) меҳнат ресурсларининг (иқтисодий фаол аҳоли 37 779 нафар) кўплиги.
	Хизмат кўрсатиш	(а) Бухоро ва Самарқанд вилоятларини боғловчи “М-37” автомагистраль йўли туман ҳудудидан ўтганлиги, туманда тарихий маданий мерос объектларини мавжудлиги туризмни ривожлантириш имконини беради; (б) туманда соҳил бўйи ва унинг марказидан ўтган “М-37” автомагистраль йўли бўйида хизматлар соҳаси (логистика, савдо, умумий овқатланиш, меҳмонхона, туризм, таълим, тиббий хизматлар ва ҳ.к.) учун имкониятлар мавжуд.
	Қишлоқ хўжалиги	(а) 23,5 минг гектар суғориладиган (шундан аҳоли томорқалари 2,5 минг гектар) ва 132, 0 минг гектар яйлов ер майдонлари мавжуд; (б) 48 та маҳалла <i>деҳқончилик, чорвачилик, боғдорчиликка</i> ихтисослашган.
Навбаҳор тумани		
7.	Саноат	(а) 4 минг гектар ер майдонида ўзлаштирилмаган гранит кон захиралари мавжудлиги янги саноат лойиҳаларини амалга ошириш имконини беради; (б) меҳнат ресурсларининг (иқтисодий фаол аҳоли 37 779 нафар) кўплиги.
	Хизмат кўрсатиш	(а) туман ҳудудидан ўтувчи “А-379” халқаро аҳамиятга эга автомобиль йўли бўйида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш мумкин; (б) Сармишсой дараси , тоғ ва тоғолди ҳудудларида туризм билан боғлиқ хизматлар (умумий овқатланиш, меҳмонхона) учун имконият мавжуд.
	Қишлоқ	(а) 19,0 минг гектар суғориладиган (шундан аҳоли томорқалари 2,6 минг гектар) ва 108,6 минг гектар

Т/р	Йўналиш номи	Туман (шаҳар)нинг қиёсий устунлигини таъминловчи омиллар
	хўжалиги	яйлов ер майдонлари мавжуд; (б) 8 та маҳалла иссиқхоначиликка (<i>сабзавот экинлари, кўкатчилик</i>) ихтисослашган.
Нурота тумани		
8.	Саноат	(а) туманда гранит, мрамор, олтин ва бентонит кон захиралари мавжудлиги янги саноат лойиҳаларини амалга ошириш имконини беради; (б) меҳнат ресурсларининг (<i>иқтисодий фаол аҳоли 33 419 нафар</i>) кўплиги.
	Хизмат кўрсатиш	туман жойлашуви ва иқлими жиҳатдан туризмга ихтисослашган. Сентоб ва Чуя туризм қишлоқлари, “Чашма” меъморий мажмуаси ва Айдаркўл сув ҳавзаси мавжудлиги туризм хизматларини ривожлантириш имконини беради.
	Қишлоқ хўжалиги	(а) 593,0 минг гектар суғориладиган (<i>шундан аҳоли томорқалари 3,8 минг гектар</i>) ва 443,2 минг гектар яйлов ер майдонлари мавжуд; (б) 3 та маҳалла иссиқхоначиликка (<i>чорвачилик, узумчилик</i>) ихтисослашган.
Томди тумани		
9.	Саноат	(а) Туманда мавжуд кўплаб қазилма конлари (<i>қум-шағал, фосфор, гранит, мрамор, оҳактош каби қурилиш материаллари захиралари</i>) саноат корхоналари учун катта имконият яратади; (б) туман ҳудудида 3,5 гектар ер майдонида 1 та ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонаси мавжудлиги, уларда инфратузилмавий шарт-шароитлар яратилганлиги сабабли ушбу саноат зоналарида қурилиш материаллари, мебель ҳамда бошқа саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш имконияти мавжуд.
	Хизмат кўрсатиш	туманда туя сутидан табиий даволаниш хизматлари, Зарафшон шаҳрига яқин маҳаллаларда савдо ва сервис хизматларини кўпайтириш имкони мавжуд.
	Қишлоқ хўжалиги	яйлов ер майдонлари, чегара ва чўл ҳудудда жойлашганлиги, бунда чорва молларини кўпайтириш, гўшти қайта ишлаш имкониятлари мавжуд.
Учқудуқ тумани		
10.	Саноат	(а) туманда мрамор, гранит, каҳоланг, каолин ва бошқа ерости табиий бойликлари, шу жумладан, ҳозирда туманда фойдаланилаётган 45 та (894 гектар) , бўш турган 20 та (2,8 минг гектар) конлар мавжуд;

Т/р	Йўналиш номи	Туман (шаҳар)нинг қиёсий устунлигини таъминловчи омиллар
		(б) 14 гектар ер майдонида 3 та кичик саноат, ёшлар ва тадбиркорлик зоналари мавжудлиги, қурилиш материаллари, мебель ҳамда бошқа саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш имконияти мавжуд.
	Хизмат кўрсатиш	(а) туманда аҳоли учун соҳил бўйида истироҳат боғи, меҳмонхоналар ҳамда ресторан ва умумий овқатланиш объектларини ташкил этиш имкониятлари мавжуд; (б) тумандаги Қанорбай ата, Ерлер ата, Бедер ата ҳамда “очиқ осмон остидаги музей” деб эътироф этилаётган “Тош ўрмон” ёдгорлигига олиб борувчи йўлларни мукаммал таъмирлаш ҳамда ушбу туризм объектларини туристик маршрутга киритиш орқали туризм фаолиятини ривожлантириш имконияти мавжуд.
	Қишлоқ хўжалиги	(а) туманда яйлов ерларида чорвачилик хўжалиklarини ташкил этиш имконияти мавжуд; (б) Мўғулистон давлатидан 5 минг бош зотли майда шохли молларни келтириб, улар сонини кўпайтириш имкони мавжуд.
Хатирчи тумани		
11.	Саноат	(а) тумандаги кўплаб қазилма конлари (<i>қум-шағал, гранит, мрамор, оҳактош каби қурилиш материаллари захиралари</i>) саноат корхоналари учун катта имконият яратади; (б) тоғ-кон ва қурилиш материаллари саноатида ишлаб чиқаришни кластер усулида ташкил этиш учун бошқа ҳудудларга нисбатан қулайликлар юқори.
	Хизмат кўрсатиш	(а) Лангар ва Ангидон маҳаллаларида туризмни ривожлантириш; (б) Зарафшон дарёси бўйида соҳилбўйи лойиҳаларини амалга ошириш, ҳудудда истироҳат боғи, дам олиш масканлари, савдо ва хизмат соҳаларини ривожлантириш имконияти мавжуд;
	Қишлоқ хўжалиги	(а) 16 та маҳалла узумчиликка (майизчиликка мослаштирилган узум плантациялари) ихтисослашган; (б) туманда 4,1 минг гектар узумзор ер майдонлари мавжуд.

Навоий вилоятининг хорижий инвестицияларни ўзлаштириш бўйича прогноз параметрлари

Т/р	Худуд номи	2026 йил учун ўзлаштириш таклифи			2026 йил учун ўзлаштириш прогнози	
		лойиҳа сони	лойиҳа қиймати	шундан	манзилли лойиҳалар доирасида ўзлаштириш	истиқболли лойиҳалар доирасида ўзлаштириш
				2026 йил учун ўзлаштириш прогнози		
Жами		108	13 536,2	4 937,3	3 489,3	1 448,0
Худудлар		56	2 595,5	1 879,5	1 431,5	448,0
1	Навоий шаҳри	4	125,0	271,0	83,0	188,0
2	Зарафшон шаҳри	3	217,0	92,0	62,0	30,0
3	Ғозғон шаҳри	4	110,0	65,0	65,0	
4	Кармана тумани	19	1 080,0	714,0	689,0	25,0
5	Конимех тумани	5	280,5	102,5	102,5	
6	Қизилтепа тумани	4	125,0	86,0	71,0	15,0
7	Навбаҳор тумани	4	110,0	188,0	78,0	110,0
8	Нурота тумани	4	260,0	170,0	120,0	50,0
9	Томди тумани	1	150,0	60,0	60,0	
10	Учқудуқ тумани	4	53,0	38,0	38,0	
11	Хатирчи тумани	4	85,0	93,0	63,0	30,0

Тармоқ корхоналари		52	10 940,7	3 057,8	2 057,8	1 000,0
1	Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги	20	2 964,5	560,0	560,0	
2	"Навоий КМК" АЖ	7	3 122,8	662,8	262,8	400,0
3	"Ўзкимёсаноат" АЖ	14	912,0	261,0	261,0	
4	"Ўзэлтехсаноат" уюшмаси	1	10,0	1,0	1,0	
5	"Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси	1	18,7	5,0	5,0	
6	"Ўзбекистон темир йўллари" АЖ					
7	Сув хўжалиги вазирлиги					
8	"Ўзсўвтаъминот" АЖ	1	25,0	110,0	10,0	100,0
9	"Ўзбекипаксаноат" уюшмаси	1	5,0	3,0	3,0	
10	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги					
11	Энергетика вазирлиги	5	3 104,0	829,0	829,0	
12	"Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" АЖ	1	10,0	1,0	1,0	
13	Автомобиль йўллари қўмитаси			500,0		500,0
14	"Иссиқлик электр станциялари" АЖ	1	768,7	125,0	125,0	

* Изоҳ: Ушбу параметрлар вилоят ҳокими таклифига асосан Инвестицияларни жалб қилиш, саноатни ривожлантириш ва савдони тартибга солиш бўйича Ҳукумат комиссиясининг қарори билан ўзгартирилиши мумкин.

**Навоий вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш бўйича
МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАРИ**

Т/р	Худудлар номи	Туроператор, турагентлар сони	Янги жойлаш- тириш воситалари	шундан:				Оилавий меҳмон уйи	Ўрин сони	Туризм маҳалласи	Санитария- гигиена шоҳоб- чалари	шундан:	
				меҳмон- хона	Ўрин сони	хостел	Ўрин сони					янгидан қуриш	таъмир- лаш
Жами:		4	15	4	220	1	20	10	100	2	65	49	16
1.	Навоий шаҳри	2	2	1	70	1	20				14	11	3
2.	Зарафшон шаҳри		1	1	50						4	3	1
3.	Ғозғон шаҳри										2	1	1
4.	Кармана тумани	1	2	2	100						8	5	3
5.	Конимех тумани		1					1	10	1	3	2	1
6.	Қизилтепа тумани										9	7	2
7.	Навбаҳор тумани	1									4	3	1
8.	Нурота тумани		5					5	50	1	6	4	2
9.	Томди тумани										1	1	
10.	Учқудуқ тумани										3	2	1
11.	Хатирчи тумани		4					4	40		11	10	1

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 11 февралдаги ПҚ-58-сон қарорига
6-илова

Навоий вилоятида ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича
МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАР

Т/р	Ҳудудлар номи	Нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини янгидан ташкил этиш орқали 2-6 ёшли болаларнинг мактабгача таълим билан қамровини ошириш					Ижтимоий реестрга киритилган оилалар фарзандларининг қизиқишларига кўра қўшимча таълимга (тўғарак) жалб қилиш (нафар)	40 ва ундан катта ёшдаги аҳолини юрак-қон томир ва қандли диабет касаллигини эрта аниқлаш мақсадида оммавий скринингдан ўтказиш (нафар)	2026 йилда ногиронлиги бўлган шахслар бандлигини таъминлаш (нафар)	"Беш ташаббус олимпиадаси"га жалб қилиш (нафар)	Чет элга кетаётган меҳнат мигрантларини хорижий тил ва касб-ҳунар курсларида ўқитиш (нафар)
		оилавий НМТТ		ДХШ асосида МТТ		қамраб олиш даражаси (фоиз)					
		сони	қуввати	сони	қуввати						
Вилоят бўйича жами:		62	1 550	8	765	89,0	1 735	350 917	1 705	386 000	1 500
1	Навоий шаҳри	4	100	3	275	105,0	175	53 557	240	58 000	221
2	Зарафшон шаҳри	3	75	1	75	105,0	50	28 531	120	32 000	47
3	Ғозғон шаҳри	2	50			104,0	42	3 443	30	3 500	20
4	Кармана тумани	8	200				132	46 228	240	50 000	217
5	Конимех тумани	4	100				228	12 734	65	13 500	71
6	Қизилтепа тумани	8	200	1	100	83,0	359	54 481	250	58 000	210
7	Навбаҳор тумани	8	200				120	40 198	220	43 500	188
8	Нурота тумани	10	250	1	75	80,0	272	29 378	180	32 000	179
9	Учқудуқ тумани	3	75				49	10 934	70	14 000	35
10	Томди тумани	3	75				34	5 740	20	5 500	20
11	Хатирчи тумани	9	225	2	240	80,0	274	65 693	270	76 000	292

2026 йилда Навоий вилоятини барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Молиялаш-тириш манбаи	Ижро муддати	Ижро учун масъуллар
I. Инвестиция ва экспорт йўналиши					
1.	Томди туманида қиймати 20 млн доллар бўлган олтин қазиб олиш ва қайта ишлашни ташкил этиш лойиҳасини амалга оширишда зарур бўладиган техник сув ва электр энергия билан таъминлаш.	<ol style="list-style-type: none">1. Коммуникация тармоқларини тортиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш.2. Лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ корхонага зарур бўладиган 5 минг м³ йиллик техник сув учун ер қаъри сувларидан фойдаланишга рухсат бериш.3. “Ўзбекистон МЭТ” АЖ билан келишган ҳолда 35/10 Кв Керез ПСдаги Т-1 қуввати 1000 кВА куч трансформаторини 2500 кВА юқори кучланишли трансформаторга алмаштирган ҳолда ўлаш.	Лойиҳа ташаббускори маблағлари	2026 йил март 2026 йил май	Энергетика вазирлиги, “Ўзбекгидрогеология” ДК, Навоий вилояти ҳокимлиги
2.	Нурота туманида қиймати 45 млн доллар бўлган гранитни қайта ишлаш инвестиция лойиҳасини ташкил этиш.	<ol style="list-style-type: none">1. Лойиҳага Нурота тумани “Истиқлол” МФЙ ҳудудидан танланган 5,1 гектар ҳамда хомашё қазиб олиш учун “Сувлиқ” МФЙ ҳудудидан 10 гектар яйлов ер майдонларининг ер тоифасини ўзгартириш учун туман ҳокимлиги захирасига қайтариш.2. Ер майдонининг тоифасини ўзгартириш масаласини белгиланган тартибда кўриб чиқиш.	Лойиҳа ташаббускори маблағлари	2026 йил март 2026 йил апрель	Инвестицияларни жалб қилиш, саноатни ривожлантириш ва савдони тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси (кейинги ўринларда – Ҳукумат комиссияси),

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Молиялаш-тириш манбаи	Ижро муддати	Ижро учун масъуллар
		<p>3. Ер майдонининг тоифаси ўзгаргандан сўнг ушбу ер майдонини Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги “Ер қаъридан фойдаланиш маркази” давлат муассасасига доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратиш.</p> <p>4. Ажратилган ер участкасини онлайн электрон-аукцион савдоларига чиқариш.</p>		<p>2026 йил июнь</p> <p>2026 йил июль</p>	<p>Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги, Навоий вилояти ҳокимлиги</p>
3.	<p>Нурота туманида қиймати 100 млн доллар бўлган гранит тошлар қазиб чиқариш ва қайта ишлаш инвестиция лойиҳасини ташкил этиш.</p>	<p>1. Лойиҳага Нурота тумани “Нурфахр” МФЙ ҳудудидан танланган 50 гектар ҳамда “Сувлик” МФЙ ҳудудидан 50 гектар ер майдонларининг ер тоифасини ўзгартириш учун туман хокимлиги захирасига қайтариш.</p> <p>2. Ер майдонининг тоифасини ўзгартириш масаласини белгиланган тартибда кўриб чиқиш.</p> <p>3. Ер майдонининг тоифаси ўзгаргандан сўнг ушбу ер майдонини Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги “Ер қаъридан фойдаланиш маркази” давлат муассасасига доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратиш.</p> <p>4. Ажратилган ер участкасини онлайн электрон-аукцион савдоларига чиқариш.</p>	<p>Лойиҳа ташаббускори маблағлари</p>	<p>2026 йил март</p> <p>2026 йил май</p> <p>2026 йил июнь</p> <p>2026 йил июль</p>	<p>Ҳукумат комиссияси, Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги, Навоий вилояти ҳокимлиги</p>
4.	<p>Хатирчи тумани Бахшижар маҳалласи ҳудудида ташкил этилаётган кичик саноат зонасини зарурий инфратузилма билан таъминлаш.</p>	<p>1. Корхонага “Бахшижар” МФЙдаги кичик саноат зонаси ҳудудидан белгиланган тартибда ер майдони ажратиш.</p> <p>2. Кичик саноат зонасининг инфратузилма объектларини қуриш учун зарур маблағларни ажратиш.</p> <p>3. Инфратузилма объектларини қуриш ва фойдаланишга топшириш.</p>	<p>Ҳисоб-китоблар асосида (тадбиркорлик инфратузилма асини ривожлантириш</p>	<p>2026 йил апрель</p> <p>2026 йил май</p> <p>2026 йил июль</p>	<p>Энергетика вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Навоий вилоят</p>

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбаи	Ижро муддати	Ижро учун масъуллар
		4. Лойиҳани зарур инфратузилма тармоқларига улаш.	<i>жамғармаси ва бошқа манбалар ҳисобидан)</i>	2026 йил август	ҳокимлиги
5.	Кармана туманида қиймати 1,0 млрд доллар бўлган “Кимё саноат паркини ташкил этиш” лойиҳаси доирасида импорт қилиб олиб келинаётган технологик ускуналар таркибига кирувчи металл конструкциялар ва пўлат листлар учун божхона имтиёзларини қўллаш.	Туманда амалга оширилаётган кимё саноати лойиҳалари учун зарур бўлган металл конструкция ва пўлат листларга технологик ускуна таркибий қисми сифатида божхона тўловлари (бундан қўшилган қиймат солиғи ва божхона йиғимлари мустасно) бўйича имтиёзларни қўллаш юзасидан Ҳукуматга таклиф киритиш.	–	2026 йил февраль	Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Божхона қўмитаси
6.	Кармана туманида Самарқанд-Бухоро автомагистраль йўли ёқасида амалга оширилаётган “Эко парк” туристик зонаси лойиҳасини жадаллаштириш.	“Эко парк” туристик зонаси лойиҳасини амалга оширишда импорт қилинадиган товарларга божхона тўловлари (бундан қўшилган қиймат солиғи ва божхона йиғимлари мустасно) бўйича имтиёзларни қўллаш юзасидан Ҳукуматга таклиф киритиш.	–	2026 йил февраль	Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Божхона қўмитаси
7.	Навоий вилоятида ер участкалари ва ер қаъридан самарали ва мақсадли фойдаланилишини космик мониторинг қилиб бориш.	<ol style="list-style-type: none"> 1. Навоий вилоятидаги қишлоқ хўжалиги, яйлов ва ўрмон фонди ерлари ҳамда ер қаъри участкаларидан белгиланган ер фонди тоифаси ва рухсат этилган фаолият тури доирасида қонуний фойдаланилиши юзасидан давлат космик мониторингини амалга ошириб бориш. 2. Навоий вилоятида қишлоқ хўжалиги ҳамда тоғ-кон саноати лойиҳаларини амалга ошириш учун қўшимча имкониятларни (ер ресурслари захирасини) аниқлаш. 3. Амалга оширилган ишлар юзасидан ҳар чоракда ушбу қарор билан ташкил этилган вилоят штабига ахборот киритиш. 	–	Доимий равишда Ҳар чоракда	Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги, Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Кадастр агентлиги

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Молиялаш-тириш манбаи	Ижро муддати	Ижро учун масъуллар
8.	<p>Худудий маҳаллийлаштириш дастури доирасида 2026 йилда 2,9 трлн сўмлик, шу жумладан, 1,2 трлн сўмлик машинасозлик йўналишидаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ҳажмини 250 млн долларга етказиш.</p>	<ol style="list-style-type: none"> 1. Маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича белгиланган режа кўрсаткичларини амалга оширишда юзага келган муаммоларни бартараф этиш чораларини кўриш. 2. Навоий шаҳрида қиймати 47,3 млн доллар бўлган 31 турдаги автомобиль эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Navoiy Auto Components” МЧЖ фаолиятини йўлга қўйиш. 3. Навоий шаҳридаги “Navpromlitmash” МЧЖда ишлаб чиқарилаётган лойиҳа қиймати 20 млн доллар бўлган машинасозлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланган ҳолда умумзавод жиҳозлари ва ностандарт ускуналар (насослар, редукторлар, қулфлаш арматураси, босқичли филтрловчи ғалвирлар ва бошқалар)ни ўзлаштириш орқали йиллик ҳажми 220 млрд сўмдан ортиқ бўлган импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш. 	<p>Тармоқ корхоналари маблағлари</p>	<p>Доимий равишда</p> <p>2026 йил IV чорак</p> <p>2026 йил IV чорак</p>	<p>Саноат кооперацияси ва давлат харидлари агентлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, “Ўзавтосаноат” АЖ, Навоий вилояти ҳокимлиги</p>
9.	<p>Вилоят ҳудудида жойлашган тармоқ корхоналари 90 та, шу жумладан, “Навоий КМК” АЖ 45 та, “Навоийуран” ДК 20 та, “Навоийазот” АЖ 15 та ва “Навоий ИЭС” АЖ 4 та, “Ўзавтосаноат” АЖ 6 та кичик ва ўрта корхоналарни “шатак”ка олиб ҳисобот даврида уларга 1,2 трлн сўмлик буюртмалар берилишини таъминлаш.</p>	<ol style="list-style-type: none"> 1. Тармоқ корхоналари ўз эҳтиёжлари учун зарур бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш имкониятига эга маҳаллий саноат корхоналарини “шатак”ка олиш, ҳамкорликда маҳсулот сифатини белгиланган талаблар даражасига етказиш ҳамда ўрнатилган тартибда харид қилиш бўйича шартномалар тузиш чорасини кўриш. 2. Тармоқ корхоналари томонидан импорт қилиниши режалаштирилган ҳамда келиб чиқиши импорт бўлган маҳсулотлар 	<p>–</p> <p>Тармоқ корхоналари маблағлари</p>	<p>2026 йил давомида</p> <p>Ҳар чоракда</p>	<p>Саноат кооперацияси ва давлат харидлари агентлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги, “Ўзкимёсаноат” АЖ, “Иссиқлик электр станциялари” АЖ,</p>

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Молиялаш-тириш манбаи	Ижро муддати	Ижро учун масъуллар
		рўйхатини электрон платформаларининг алоҳида саҳифасига жойлаштириш ва янгилаб бориш.			“Ўзавтосаноат” АЖ, Навоий вилояти ҳокимлиги
10.	Автомобилсозлик ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳаларида маҳаллий ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда юқори қўшилган қийматли янги турдаги маҳсулотлар ўзлаштириш чораларини кўриш.	<ol style="list-style-type: none"> 1. Турин политехника университети билан ҳамкорликда 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети базасида дуал таълим дастури асосида электромобиль ва гибрид автомобилларга хизмат кўрсатиш бўйича мутахассислар тайёрловчи Инженерлар мактабини ташкил этиш. 2. Маҳаллий корхоналар учун жаҳон стандартлари асосида янги маҳсулот ва технологияларни яратишга қаратилган Ривожланиш ва тадқиқот маркази (R&D Center) фаолиятини йўлга қўйиш. 	– “Ўзавтосаноат” АЖ маблағлари	2026 йил август 2026 йил IV чорак	“Ўзавтосаноат” АЖ, Навоий вилояти ҳокимлиги “Ўзавтосаноат” АЖ, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Турин политехника университети, Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети, Навоий вилояти ҳокимлиги
II. Иқтисодиёт, бандлик ва камбағалликни қисқартириш йўналиши					
11.	Зарафшон дарёсининг Навоий вилоятдан оқиб ўтадиган қисмида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини йўлга қўйиш.	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ижро учун масъул вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ўринбосарларидан иборат таркибда Фавқулотда вазиятлар вазирлиги раҳбарлигида Зарафшон дарёси ҳудудида тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш тизимини йўлга қўйиш бўйича республика ишчи гуруҳини тузиш ва унинг йиғилишини ўтказиш. 2. Республика ишчи гуруҳи томонидан 	–	2026 йил февраль 2026 йил март	Фавқулотда вазиятлар вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси,

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Молиялаш-тириш манбаи	Ижро муддати	Ижро учун масъуллар
		<p>қуйидагиларни амалга ошириш:</p> <p>(а) Зарафшон дарёси бўйида, Навбахор, Кармана ва Қизилтепа туманларида, биринчи босқичда камида 20 гектар майдонда соҳил бўйлаб савдо ва хизмат кўрсатиш комплексини, шу жумладан, турар ва нотурар биноларни қуриш имкониятини ўрганиш;</p> <p>(б) савдо ва хизмат кўрсатиш комплексини, шу жумладан, турар ва нотурар объектларни жойлаштириш мумкин бўлган ҳудудларни белгилаш;</p> <p>(в) Зарафшон дарёсининг ўзанини ўзгартириш масаласини кўриб чиқиш.</p> <p>3. Республика ишчи гуруҳи томонидан ўтказилган ўрганиш ва таҳлиллар натижалари бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш.</p> <p>4. Муҳофаза зонасидан қисқартириш мумкин бўлган ва бошқа туташ ҳудудларда туризмни ривожлантириш бўйича мастер-режа ишлаб чиқиш.</p> <p>5. Мастер-режа асосида ер майдонларининг ер фонди тоифасини ўзгартириш бўйича таклиф киритиш, ер участкаларини аукцион савдоларига чиқариш.</p> <p>6. Тадбиркорларни жалб қилган ҳолда лойиҳаларни ишга тушириш.</p>		<p>2026 йил март</p> <p>2026 йил май</p> <p>Ер фонди тоифаси ўзгартирилган санадан бошлаб бир ой ичида</p>	<p>Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Навоий вилояти ҳокимлиги</p> <p>Туризм қўмитаси, Навоий вилояти ҳокимлиги</p>
12.	Оғир тоифадаги туман ва маҳаллаларда аҳоли муносиб турмуш кечириши ва тадбиркорлик фаолияти учун қулай муҳит	<p>1. Қуйидагиларни назарда тутувчи методологияни ишлаб чиқиш:</p> <p>(а) Навоий вилоятидаги оғир тоифадаги туман ва маҳаллаларда маҳаллаларнинг</p>	Ижрочиларнинг маблағлари	2026 йил апрель	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги,

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Молиялаш-тириш манбаи	Ижро муддати	Ижро учун масъуллар
	яратиш бўйича Навоий вилоят тажрибасини яратиш.	<p>ихтисослашувини жадаллаштириш; (б)аҳолининг ўртача даромадини ошириш; (в)тадбиркорлик субъектлари учун қулай бизнес муҳитини шакллантириш.</p> <p>2. Ишлаб чиқилган методологияни амалиётга татбиқ этиш.</p> <p>3. Амалга оширилган ишлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиш.</p>		<p>2026 йил давомида</p> <p>2026 йил декабрь</p>	Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази, Навоий вилоят ҳокимлиги
13.	Навоий вилоятида яйлов ерлардан самарали фойдаланиш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда Покистон, Япония, Саудия Арабистони Подшоҳлиги сингари давлатлар тажрибасини жорий қилиш.	<p>1. Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Покистон, Япония, Саудия Арабистони Подшоҳлигидаги элчихоналари билан биргаликда ушбу давлатларнинг қишлоқ хўжалиги (чорвачилик, картошка етиштириш ва бошқалар) маҳсулотларини тайёрлаш ва хорижга экспорт қилиш бўйича тажрибасини ўрганиш мақсадида ушбу давлатларга хизмат сафарларини ташкил этиш дастурини ишлаб чиқиш. Бунда:</p> <p>(а) ушбу давлатлар тажрибасини ўрганиш ҳамда улардаги тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорлик қилиш истагини билдирган тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжаликлари рўйхатини шакллантириш;</p> <p>(б) шакллантирилган рўйхат асосида мазкур давлатларга хизмат сафари билан юбориладиган Навоий вилояти делегацияси таркибини ишлаб чиқиш ва хизмат сафарларига юбориш.</p> <p>2. Амалга оширилган хизмат сафарлари</p>	Ҳисоб-китобларга асосан <i>(Навоий вилояти маҳаллий бюджети ва ташаббускорлар маблағлари)</i>	<p>2026 йил февраль-март</p> <p>2026 йил март</p>	Навоий вилояти ҳокимлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Молиялаш-тириш манбаи	Ижро муддати	Ижро учун масъуллар
		<p>натижалари юзасидан Навоий вилоятидаги яйлов ерларидан самарали фойдаланиш ҳисобига қишлоқ хўжалиги (чорвачилик, картошка етиштириш ва бошқалар) маҳсулотларини тайёрлаш ва хорижга экспорт қилишда Покистон, Япония ва Саудия Арабистони Подшоҳлигининг илғор тажрибасини жорий этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.</p>		2026 йил май	
14.	<p>Хатирчи туманида маҳаллий бошқарув органлари фаолиятини бир жойда ташкиллаштириш мақсадида 14-умумий ўрта таълим мактаби балансидаги бўш турган бинони таъмирлаш.</p>	<p>1. 14-умумий ўрта таълим мактабининг бўш турган биносини таъмирлаш учун Хатирчи туман ҳокимлигига Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 22 октябрдаги 668-сон қарорига мувофиқ электрон онлайн-аукцион савдолари орқали давлат кўчмас мулк объектларини сотишдан тушган маблағлар ҳисобидан қайтариш шарти билан 5 йил муддатда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан 15 млрд сўм миқдорида фоизсиз ссуда ажратиш.</p> <p>2. 14-умумий ўрта таълим мактабининг бўш турган биносини таъмирлаш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ва қонунчиликда белгиланган тартибда таъмирлаш.</p>	<p>15 млрд сўм (<i>республика бюджети маблағлари</i>)</p>	<p>2026 йил февраль</p> <p>2027 йил январь</p>	<p>Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Навоий вилояти ҳокимлиги</p>

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбаи	Ижро муддати	Ижро учун масъуллар
15.	Вилоятда даромади юқори бўлмаган аҳолининг уй-жой шароитларини яхшилаш мақсадида қўшимча 1 минг нафар фуқарога ипотека кредитлари бўйича бошланғич бадал ва фоиз харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар ажратиш.	<ol style="list-style-type: none"> 1 минг нафар фуқарога қурилиши тугалланган кўп қаватли уйлардан уй-жой ажратишни таклиф қилиш. Уй-жой ажратиш бўйича таклифларни қабул қилган фуқароларга ипотека кредитлари бўйича бошланғич бадал ва фоиз тўловлари учун субсидия маблағларини тегишли тижорат банкларига ўтказиш. 	Ҳисоб-китоблар асосида (<i>республика бюджети маблағлари</i>)	2026 йил давомида	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Марказий банк, Навоий вилояти ҳокимлиги
16.	Навоий вилояти болалар-ўсмирлар футбол академияси балансида бўлган Навоий шаҳар “Матонат” МФЙ, Жасорат кўчаси, 25-А уйда жойлашган бинода давлат хусусий шерикчилик асосида мактабгача таълим муассасасини ташкил этиш.	<ol style="list-style-type: none"> 1. Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан Навоий шаҳар “Матонат” МФЙ, Жасорат кўчаси, 25-А уйда жойлашган бинони Навоий шаҳар мактабгача ва мактаб таълими бўлими балансига ўтказиш. 2. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш. 3. Замонавий мактабгача таълим муассасасини ташкил этиш бўйича давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни имзолаш. 	Ҳисоб-китоблар асосида (<i>лойиҳа ташаббускори маблағлари</i>)	2026 йил апрель 2026 йил сентябрь 2026 йил ноябрь	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Навоий вилояти ҳокимлиги
17.	Навбаҳор туман ҳудудидаги “Карвон” МФЙ ва унга ёндош Савунгар, Арабсарой, Сарой маҳаллалари аҳолисига хизмат кўрсатувчи каналнинг 1 км қисмини тунукун давомида 24/7 режимда хизмат кўрсатиш кўчасига айланттириш.	<ol style="list-style-type: none"> 1. “Карвон” МФЙ ҳудудидан ўтган 2000 йилдан бошлаб фаолият юритмасдан келаётган яроқсиз ҳолдаги каналнинг 1 км қисмини “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасаси балансидан чиқариш ва Навбаҳор тумани ҳокимлиги захирасига қайтариш. 2. Хизмат кўрсатувчи объектларни зарур инфратузилма билан таъминлаш бўйича лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш. 3. Ишлаб чиқилган лойиҳа асосида қурилиш монтаж ишларини бошлаш. 	Ҳисоб-китобларга асосан	2026 йил март 2026 йил май 2026 йил июнь	Сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Навоий вилояти ҳокимлиги

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Молиялаш-тириш манбаи	Ижро муддати	Ижро учун масъуллар
III. Қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш йўналиши					
18.	Қизилтепа туманида 10 гектар яйлов ер майдонида “Паррандачилик маркази”ни ташкил этиш.	<ol style="list-style-type: none"> 1. “Паррандачилик маркази”ни ташкил этиш учун Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси балансидаги ер майдонини туман ҳокимлиги захирасига қайтариш. 2. Ер майдонининг ер фонди тоифасини ўзгартириш масаласини белгиланган тартибда кўриб чиқиш. 3. Ер майдонларини электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқариш. 4. “Паррандачилик маркази”ни ташкил этиш. 	Ташаббускор маблағлари	<p>2026 йил март</p> <p>2026 йил апрель</p> <p>2026 йил ноябрь</p> <p>2026–2027 йиллар</p>	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Навоий вилояти ҳокимлиги
19.	Хатирчи туманида фаолият кўрсатаётган паррандачилик комплексини кенгайтириш ва ишлаб чиқариш циклини яратиш мақсадида 1,3 гектар ер майдони ажратиш.	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ер майдонининг ер фонди тоифасини ўзгартириш масаласини белгиланган тартибда кўриб чиқиш. 2. Ер майдонини электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқариш. 	–	<p>2026 йил апрель</p> <p>2026 йил ноябрь</p>	Навоий вилояти ҳокимлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси
20.	Навоий вилоятида майда шоҳли моллар сонини кўпайтириш ва наслчиликни яхшилаш бўйича “Конимех тажрибаси”ни яратиш.	<ol style="list-style-type: none"> 1. Эксперимент тариқасида қуйидагиларни назарда тутувчи “Конимех тажрибаси”ни амалга ошириш: <ol style="list-style-type: none"> (а) туманда чорвачилик хўжаликлари жойлашган ҳудудларда 30 та замонавий сунъий уруғлантириш пунктини ташкил этиш; (б) майда шоҳли молларни сунъий уруғлантириш учун сунъий уруғлантириш 	Ҳисоб-китоблар асосида (вилоят маҳаллий бюджети маблағлари)	2026 йил май	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, Навоий вилояти ҳокимлиги

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Молиялаш-тириш манбаи	Ижро муддати	Ижро учун масъуллар
		<p>қурилмаси жамланмасини (катетер, шприц/дозатор, вагинал спекулум ва уруғни сақлаш идишлари) харид қилиш; (в) Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институтининг малакали мутахассислари томонидан майда шохли молларни сунъий уруғлантириш бўйича мутахассислар, шу жумладан, йил бўйи яйлов шароитида ишловчи чўпонларни ўқитиш курсини йўлга қўйиш.</p> <p>2. Эксперимент якунлари бўйича “Конимех тажрибаси”ни республиканинг бошқа ҳудудларида жорий этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш.</p>		2026 йил ноябрь	
21.	Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги фермер хўжаликларининг техника паркани такомиллаштириш.	<p>1. Фермер хўжаликларига техника паркани кенгайтириш учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги техникалари рўйхатини шакллантириш.</p> <p>2. Рўйхатга мувофиқ тегишли қишлоқ хўжалиги техникаларини харид қилиш бўйича шартномаларни расмийлаштириш.</p> <p>3. Қишлоқ хўжалиги техникаларини харид қилиш учун 10 йил муддатга имтиёзли (10 фоиз ставка) кредит ажратиш.</p>	Тижорат банкларининг маблағлари	2026 йил март 2026 йил октябр 2026 йил давомида	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Навоий вилояти ҳокимлиги, тижорат банклари
22.	Қишлоқ хўжалиги майдонларига ишлов бериш ҳамда суғориш тизимини яхшилаш мақсадида лазерли текислаш ускуналари ва ёқилғи мойлаш материалларини харид қилиш учун имтиёзли кредит ажратиш.	<p>1. Лазерли текисланадиган қишлоқ хўжалиги майдонлари ҳамда лазерли текислаш ускуналари ва ёқилғи мойлаш материалларини харид қилувчи шахслар рўйхатини шакллантириш.</p> <p>2. Лазерли текислаш ускуналари ва ёқилғи мойлаш материалларини харид қилиш бўйича шартномаларни расмийлаштириш.</p>	Тижорат банкларининг маблағлари	Ҳар йили 1 март 2026-2028 йиллар	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Марказий банк, Навоий вилояти ҳокимлиги, Тижорат банклари

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Молиялаш-тириш манбаи	Ижро муддати	Ижро учун масъуллар
		3. Лазерли текислаш ускуналари ва ёқилғи мойлаш материалларини харид қилиш харажатларини молиялаштириш учун 5 йилгача бўлган муддатда имтиёзли (12 фоиз ставка) кредит ажратиш.		2026-2028 йиллар	
23.	Кармана туманида Янги ариқ маҳалласидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган иссиқхоналар фаолиятини қўллаб-қувватлаш.	1. Иссиқхоналарни иссиқлик таъминоти билан таъминлаш учун газ тақсимлаш станциясини ўрнатиш ва табиий газ тармоғига ўлаш. 2. Иссиқхоналар фаолиятига газ тежовчи технологияларни кенг жорий этиш.	Газ таъминоти корхоналари ва ташаббускорлар маблағи	2026 йил май 2026 йил якунига қадар	Энергетика вазирлиги, “Худудгазтаъминот” АЖ, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
IV. Қурилиш, сув хўжалиги, коммуникация, транспорт ва экология йўналиши					
24.	Навоий вилоятининг туман ва шаҳарларини хавфсиз, ишончли ва арзон транспорт билан таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.	1. Қўйидагиларни назарда тутган ҳолда Навоий вилоятининг туман ва шаҳарларини хавфсиз, ишончли ва арзон транспорт билан таъминлаш бўйича асослантирилган таклифлар ишлаб чиқиш, бунда шу жумладан, қўйидагиларни назарда тутиш: (а) Зарафшон аэропортини ишга тушириш; (б) Навоий-Зарафшон-Учқудуқ йўналишида электропоездлар қатновини йўлга қўйиш; (в) Нурота тумани ва Ғазғон шаҳридаги қурилиш материаллари саноати корхоналари ва аҳоли эҳтиёжлари учун темир йўл тармоғи қуриш; (г) Учқудуқ-Қизилўрда транспорт коридорини ташкил этиш бўйича музокаралар ҳолати ва натижаларини таҳлил қилиш. 2. Ишлаб чиқилган таклифларни Вазирлар Маҳкамаси ва Ислоҳотлар штабида муҳокама қилиш. 3. Якуний таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига тақдим этиш.		2026 йил февраль 2026 йил март 2026 йил апрель	Транспорт вазирлиги “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Инвестициялар, санаот ва савдо вазирлиги, Навоий вилояти ҳокимлиги

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Молиялаш-тириш манбаи	Ижро муддати	Ижро учун масъуллар
25.	Давлат аҳамиятидаги А-379 “Навоий-Учқудуқ (Зарафшон шаҳри орқали)” автомобиль йўлини реконструкция қилиш учун техник-иқтисодий асосларини (ТИА) ишлаб чиқиш.	<ol style="list-style-type: none"> А-379 “Навоий-Учқудуқ (Зарафшон шаҳри орқали)” автомобиль йўлини реконструкция қилиш лойиҳасининг техник-иқтисодий асосларини (ТИА) ишлаб чиқиш учун республика бюджетидан тегишли маблағ ажратиш. Лойиҳанинг техник-иқтисодий асосларини (ТИА) ишлаб чиқиш. Лойиҳани амалга оширишга халқаро молия институтлари маблағларини жалб этиш бўйича таклифлар тайёрлаш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш. 	Ҳисоб-китоблар асосида (республика бюджети маблағлари)	2026 йил май 2026 йил декабрь 2027 йил март	Автомобиль йўллари қўмитаси, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
26.	Навоий вилоятидаги мавжуд бошқарув ташкилотлари балансида бўлган 20 та локал қозонхоналарни “Иссиқлик таъминоти” АЖ тасарруфига ўтказиш.	<ol style="list-style-type: none"> Вилоятдаги бошқарув ташкилотлари балансида бўлган 20 та локал қозонхоналарни хатловдан ўтказиш. Қозонхоналарни далолатнома асосида “Иссиқлик таъминоти” АЖ тасарруфига ўтказиш. 	–	2026 йил давомида	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, “Иссиқлик таъминоти” АЖ
27.	Учқудуқ туманидаги иссиқлик таъминоти қозонхоналарининг фаолияти яхшилаш, тумандаги кўп қаватли турар жойлар ва ижтимоий соҳа объектларини иситиш тизими самарадорлигини ошириш.	<ol style="list-style-type: none"> Учқудуқ туманидаги марказий сув иситиш қозонхонасини реконструкция қилиш ишларини якунлаш. Учқудуқ туманидаги 20 км иссиқлик тармоқларини ППУ қувурларига алмаштириш. Ёпиқ иссиқлик таъминоти тизимини ташкил этиш орқали тизимни рақамлаштириш мақсадида республика бюджетидан зарур маблағ ажратиш ҳамда ушбу маблағ ҳисобидан 426 та кўп қаватли турар жой ва 20 та ижтимоий соҳа объектига индивидуал иссиқлик пунктларини ўрнатиш. 	Ҳисоб-китоблар асосида (республика бюджети маблағлари)	2026 йил сентябрь 2026 йил декабрь 2027 йил декабрь	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, “Иссиқлик таъминоти” АЖ, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Молиялаш-тириш манбаи	Ижро муддати	Ижро учун масъуллар
28.	Кармана тумани “Боғишамол” МФЙ ҳудудида мавжуд насос станциясини Сув хўжалиги вазирлиги балансига ўтказиш.	<ol style="list-style-type: none"> 1. Кармана тумани “Боғишамол” МФЙ ҳудудидаги аҳоли хонадонлари ва фермер хўжаликлари ерларини сув билан таъминлашга мўлжалланган насос станциясини Сув хўжалиги вазирлиги балансига ўтказиш. 2. Сув хўжалиги вазирлиги балансига ўтказилган насос станциясини эксплуатация қилиш. 	–	2026 йил декабрь	Сув хўжалиги вазирлиги, Навоий вилояти ҳокимлиги
29.	Навбаҳор тумани ҳудудидан ўтувчи Конимех-2 насос станцияси имкониятларидан тўлақонли фойдаланиш чорасини кўриш.	<ol style="list-style-type: none"> 1. Конимех-2 насос станциясини таъмирлаш лойиҳасини ишлаб чиқиш. 2. Лойиҳага мувофиқ насос станцияни белгиланган тартибда таъмирлаш ва реконструкция қилиш. 	Ҳисоб китоблар асосида (<i>Республика бюджети маблағлари</i>)	2026 йил июнь 2026 йил ноябрь	Сув хўжалиги вазирлиги, “Ўзсүвтаъминот” АЖ, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
30.	Навоий шаҳрининг 36 та маҳалласи, Кармана, Навбаҳор ва Конимех туманларининг бир қисмини ичимлик суви билан таъминловчи “Навоий сув ишлаб чиқариш” очиқ сув тозалаш иншооти фаолиятини яхшилаш.	<ol style="list-style-type: none"> 1. Лойиҳанинг техник-иқтисодий асосларини (ТИА) ишлаб чиқиш учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан тегишли маблағ ажратиш. 2. Лойиҳанинг техник-иқтисодий асосларини (ТИА) ишлаб чиқиш. 3. Лойиҳани амалга ошириш учун халқаро молия институтлари маблағларини жалб этиш бўйича таклифлар тайёрлаш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш. 	Ҳисоб-китоблар асосида (<i>республика бюджети маблағлари</i>)	2026 йил июнь 2026 йил ноябрь 2027 йил I чорак	“Ўзсүвтаъминот” АЖ, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
31.	Учқудуқ тумани “Мингбулоқ” ОФЙдаги сув иншоотини реконструкция қилиш ва 78 км янги ичимлик сув тармоғини тортиш.	<ol style="list-style-type: none"> 1. Лойиҳанинг техник-иқтисодий асосларини (ТИА) ишлаб чиқиш учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан тегишли маблағ ажратиш. 2. Лойиҳанинг техник-иқтисодий асосларини (ТИА) ишлаб чиқиш. 	Ҳисоб-китоблар асосида (<i>республика бюджети маблағлари</i>)	2026 йил август 2027 йил май	“Ўзсүвтаъминот” АЖ, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Молиялаш-тириш манбаи	Ижро муддати	Ижро учун масъуллар
		3. Лойиҳани амалга ошириш учун халқаро молия институтлари маблағларини жалб этиш бўйича таклифлар тайёрлаш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.		2027 йил II чорак	
32.	Маҳаллаларда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ишларини жадаллаштириш.	<p>1. Суғориш тизими (қудуқ) барпо этиладиган ичимлик суви таъминоти оғир маҳаллаларни танлаб олиш ҳамда қудуқ қазиш тадбирларини молиялаштириш учун Навоий вилояти ҳокимлиги маҳаллий бюджети, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва қонунчиликда таъқиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан маблағ ажратиш.</p> <p>2. Суғориш тизими (қудуқ) барпо этиш. Бунда, қудуқ қазишда ҳар бир объектнинг шартнома қийматининг 30 фоизи миқдорида бир марталик бўнак ажратишга рухсат берилади.</p>	Ҳисоб-китобларга асосан	2026 йил давомида	Навоий вилояти ҳокимлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги
33.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 февралдаги “Жамоат транспорти тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–59-сон қарорига мувофиқ имтиёзли шартлар асосида Навоий шаҳри атрофи ва Зарафшон шаҳрида жамоат транспорти хизматини йўлга қўйиш мақсадида автобус ва микроавтобуслар харид қилиш.	<p>1. Йўловчилар оқими юқори бўлган нуқталарни ва жамоат транспортларига бўлган эҳтиёжни аниқлаш.</p> <p>2. Эҳтиёжлардан келиб чиқиб, автобус ва микроавтобуслар харид қилиш орқали брутто шартномаси асосида жамоат транспорти хизматини ташкил этиш.</p>	Ҳисоб китоблар асосида (тижорат банклари маблағлари)	2026 йил апрель 2026–2027 йиллар	Транспорт вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Марказий банк, Навоий вилояти ҳокимлиги
34.	Навоий шаҳридаги Ҳаёт МФЙдаги 4 та 2 қаватли ва “Ўзбекистон” МФЙдаги 14 та 3 қаватли уйлар, Кармана тумани “Сардоба” МФЙдаги 11 та уйлар	<p>1. Ҳудудларни реновация асосида қайта қуриш учун етишмайдиган ер участкаларини аниқлаш.</p> <p>2. Муҳандислик-коммуникация тармоқлари</p>		2026 йил июнь	Навоий вилояти ҳокимлиги,

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Молиялаш-тириш манбаи	Ижро муддати	Ижро учун масъуллар
	жойлашган ҳудудларни реновация асосида қайта қуриш учун таклифлар тайёрлаш.	<p>учун талаб этиладиган харажатларнинг ҳисоб-китобини қилиш ва молиялаштириш манбасини аниқлаш.</p> <p>3. Ўрганиш натижалари асосида қайта қуриш учун етишмайдиган ер участкасини тадбиркорлик субъектларига ажратишнинг соддалаштирилган тартибини назарда тутувчи таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>		<p>2026 йил август</p> <p>2026 йил октябрь</p>	<p>Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Кадастр агентлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги,</p>
35.	<p>Навоий шаҳридаги вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази ҳудудидан 30 ўринли болалар онкогематология бўлими биносини қуриш учун ер майдони ажратиш.</p>	<p>1. “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ Навоий ҳудудий филиалига қарашли Навоий шаҳар, Бинокор МФЙ, А. Авлоний кўчаси, 160-уй манзилида жойлашган “Навоий шаҳар электр тармоқлари участкаси”нинг умумий 0,62 гектар ер майдонининг 0,4 гектар ер майдони болалар онкогематология бўлими биносини қуриш учун мос келишини Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази ва Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси маркази билан келишиш.</p> <p>2. Ер участкасини шаҳар ҳокимлиги тасарруфига қайтариш, зураратга кўра, “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖнинг устав капиталидаги давлат улушини белгиланган тартибда камайтириш.</p> <p>3. Ер участкасини болалар онкогематология бўлими биносини қуриш учун ажратиш.</p>	–	<p>2026 йил март</p> <p>2026 йил апрель</p> <p>2026 йил май</p>	<p>Энергетика вазирлиги, “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Кадастр агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Навоий вилояти ҳокимлиги</p>
36.	<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 апрелдаги ПҚ–118-сон қарори билан белгиланган Ғозғон шаҳар, Конимех, Навбаҳор, Томди</p>	<p>Навоий вилояти ҳокимлигининг ҳисоб-китоблари асосида:</p>	<p>Ҳисоб-китоблар асосида</p>	<p>2026 йил март-апрель</p>	<p>Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Навоий вилояти ҳокимлиги</p>

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Молиялаш-тириш манбаи	Ижро муддати	Ижро учун масъуллар
	ва Учқудуқ туманларида барча ижтимоий соҳа объектларининг иссиқлик таъминотини давлат-хусусий шерикчилик тамойили асосида тўлиқ модернизация қилиш ишларини якунлаш.	(а) 1 ва 2-босқич бўйича – 2023–2024 йилларда бажарилган ишлардан ҳосил бўлган қарздорликни қоплаб бериш; (б) 3-босқич бўйича – 2025–2026 йилларда бажариладиган ишларга талаб этиладиган маблағ (давлат улуши)ни молиялаштириш чораларини кўриш.	<i>(республика бюджети маблағлари)</i>	2026 йил май-июнь	
37.	Навбаҳор ва Конимех туманлари ҳамда Зафаробод қўрғони ҳудудида ҳосил бўладиган қаттиқ ва маиший чиқиндиларни қабул қилиш полигонини ташкил этиш.	1. Навбаҳор тумани “Мирзо Улуғбек” МФЙ ҳудудидаги 20 гектар ер майдонида қаттиқ ва маиший чиқиндиларни қабул қилиш полигони учун ер ажратиш. 2. Қаттиқ маиший чиқиндиларни қабул қилиш полигонини ташкил этиш учун зарур маблағларни ажратиш. 3. Қаттиқ маиший чиқиндиларни қабул қилиш полигонини ташкил этиш.	Ҳисоб-китоблар асосида <i>(Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси маблағлари)</i>	2026 йил апрель 2026 йил июнь	Навоий вилояти ҳокимлиги Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси
V. Туризм, ёшлар ва ижтимоий соҳани ривожлантириш йўналиши					
38.	Конимех туманидаги Янгиқазған овули ҳамда Нурота туманидаги Кичиксой ва Мушкан қишлоқларини туризм соҳасига ихтисослаштириш.	1. Хорижий ва маҳаллий туристларни қабул қилиш учун 20 та жойлаштириш воситалари (<i>оилавий меҳмон уйлари, ўтовли оромгоҳлар ва б.</i>) ҳамда 5 та туристик хизматлар (<i>таомлар тайёрлаш, туя ва эчки суги билан даволаш, чўлда сайр қилиш, миллий мусиқа, нон тайёрлаш, гилам тўқиш бўйича мастер-класс ва бошқа</i>) кўрсатилишини ташкил этиш. 2. “Туризм овули” ва “Туризм қишлоғи” мақомини олиш учун зарур ҳужжатларни расмийлаштириш.	–	2026 йил сентябрь 2026 йил ноябрь	Туризм қўмитаси, Навоий вилояти ҳокимлиги
39.	Хатирчи туманида жойлашган Лангар ва Ангидон қишлоқларида туризм	1. Лангар ва Ангидон қишлоқларида туризм ва хизмат кўрсатиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш.	–	2026 йил давомида	Туризм қўмитаси, Навоий вилояти ҳокимлиги,

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Молиялаш-тириш манбаи	Ижро муддати	Ижро учун масъуллар
	ва хизмат кўрсатиш лойиҳаларини амалга ошириш.	2. Лойиҳаларга “Микрокредитбанк” АТБ ва АТБ “Туронбанк” томонидан 7 йилга, 2 йиллик имтиёзли даври билан 20 фоиздан имтиёзли кредит ажратиш. 3. Туризм ва хизмат кўрсатиш лойиҳаларини амалга ошириш.			тижорат банклари
40.	Навбаҳор тумани “Сармишсой” давлат музей қўриқхонаси ҳудудида туризм ва хизмат кўрсатиш объектларини ташкил этиш.	1. Археологларни жалб қилган ҳолда маданий қатламни ўрганиш ҳамда аукцион савдоларига чиқариладиган ер майдонларини аниқлаш. 2. Аниқланган ер майдонларида туризмни ривожлантириш бўйича мастер-режа ишлаб чиқиш. 3. Мастер-режа асосида ер майдонларини аукцион савдоларига чиқариш.	Ҳисоб-китоблар асосида (республика бюджетидан маданий мерос объектларини реставрация қилиш ва тиклаш учун ажратилган маблағлар доирасида)	2026 йил июнь 2026 йил сентябрь 2026 йил декабрь	Маданий мерос агентлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирилиги, Навоий вилояти ҳокимлиги, АТБ “Туронбанк”
41.	Хатирчи тумани “Лангар” қўрғонида болалар дам олиш оромгоҳини қуриш.	1. Болалар оромгоҳини қуриш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш. 2. Лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида оромгоҳ қурилишини ташкил этиш.	Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси маблағлари	2026 йил давомида	Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси, Навоий вилояти ҳокимлиги
42.	“НКМК” АЖнинг 6-сон гидрометаллургия заводига яқин бўлган Нурота туманидаги Айдар-Арнасой кўли ҳудудида 2026–2027 йилларда енгил конструкцияли дам олиш масканини барпо этиш.	1. Енгил конструкцияли дам олиш маскани объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш. 2. Объектни қуриш учун ер майдони ажратиш. 3. Лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида объект қурилишини амалга ошириш.	Ҳисоб китоблар асосида (“НКМК” АЖ маблағлари)	2026–2027 йилларда	“Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ, Навоий вилояти ҳокимлиги

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбаи	Ижро муддати	Ижро учун масъуллар
43.	Навоий вилоят ҳокимлиги балансида бўлган Кармана туман “Талқоқ” МФЙ Талқоқ кўчаси, 168-ўйда жойлашган Соғломлаштириш бўлими бино-иншоотлари негизида давлат хусусий шериклик асосида соғломлаштириш ва дам олиш санаториясини ташкил этиш.	<ol style="list-style-type: none">1. Соғломлаштириш ва дам олиш санаториясини ташкил этиш бўйича лойиҳа концепциясини ишлаб чиқиш.2. Қонунчиликда белгиланган тартибда Кармана тумани “Талқоқ” МФЙ, Талқоқ кўчаси, 168-ўйда жойлашган Соғломлаштириш бўлими бино-иншоотларида қурилиш монтаж ишларини амалга ошириш.3. Давлат-хусусий шериклик шартлари асосида замонавий соғломлаштириш ва дам олиш санаториясини ташкил этиш.	Ҳисоб-китоблар асосида <i>(ташаббускор маблағлари)</i>	2026 йил II чорак 2026–2027 йиллар 2027 йил декабрь	Навоий вилояти ҳокимлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 11 февралдаги ПҚ-58-сон қарорига
8-илова

Навоий вилоятида шаҳарсозлик қиёфаси ва йўл инфратузилмасини яхшилаш учун республика компенсация жамғармасидан
маблағ ажратиш бўйича
МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТ*

млн.сўм

Т/р	Объект номи ва манзили	Амалга ошириш муддати	Қиймати*	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
	Вилоят бўйича :		197 800,0		
1	Кармана тумани Кармана кўчасини ("Д-076" h Навоий шаҳрига шохобча автомобиль йўли) кенгайтириш учун 146 та объектни (87 та турар ва 59 та нотурар жойларни) бузиш ишларини ташкил қилиш.	2026–2027 йиллар	146 000,0	Ер участкалари жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан зарарларнинг ўрнини жисмоний ва юридик шахсларга қоплаш бўйича республика жамғармаси	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Навоий вилояти ҳокимлиги
2	"М-37" автомобиль йўлини Навоий шаҳридаги Янги Навоий шаҳарчасига олиб борувчи йўл билан боғлаш учун 35 та объектни (31 та турар ва 4 та нотурар жойларини) бузиш ишларини ташкил қилиш.	2026–2027 йиллар	35 000,0		
3	Кармана тумани Навоий кўчасини "М-37" автомобиль йўли орқали "А-379" автомобиль йўли билан боғлаш учун 14 та объектни (12 та турар ва 2 та нотурар жойларни) бузиш ишларини ташкил қилиш.	2026–2027 йиллар	16 800,0		

* объектлар сони ва қиймати хатлов натижалари ва баҳоловчи ташкилотларнинг ҳисоб-китоблари асосида аниқлаштирилади.

**Навоий вилоятида амалга ошириладиган муҳим лойиҳалар (объектлар)нинг
МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТИ**

млрд сўм

Т/р	Т/р	Объект номи ва манзили*	Амалга ошириш муддати	Лойиҳа қуввати		2026 йил учун талаб этиладиган маблағ**
				ўлчов бирлиги	миқдори	
	21	Вилоят бўйича:				455 000,0
		<i>шу жумладан:</i>				
		Тараққиёт ва тикланиш жамғармаси				305 000,0
		Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларига асосан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун назарда тутилган маблағлар				150 000,0
		<i>шундан:</i>				
		Тараққиёт ва тикланиш жамғармаси				305 000,0
	5	Тўризм объектлари (бўжуртмачи - "Янги Навоий шаҳарчаси ишбилармонлик маркази дирекцияси" ДМ, Маданий мерос агентлиги-тарихий зиёратгоҳлар бўйича)			5	260 000,0
1	1	Кармана шаҳри Кармана кўчасининг 2,4 км қисмини мастер-режа асосида этник услубда комплекс реконструкция қилиш, йўл бўйидаги объектларни таъмирлаш, миллий услубдаги янги савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари қуриш, Қосим шайх хонақоҳи ва Мирсаид Баҳром тарихий зиёратгоҳлари, "Кармана деҳқон бозори", "Янги авлод" (собиқ "Ёшлик") истироҳат боғи ҳамда "Хотира ҳиёбони"ни янгилаш ва ягона мажмуа сифатида ўзаро боғлаш орқали "Қадимий Кармана" туристик марказини ташкил қилиш.	2026–2028 йиллар	объект	1	100 000,0
2	2	Навоий шаҳридаги Алишер Навоий номли маданият ва истироҳат боғи, "Аквапарк" ҳамда уларга туташ ҳудудларни ягона мажмуа сифатида замонавий кўринишда реконструкция қилиш, яшил ҳудудларни кўпайтириш ҳамда "Ёшлик" кўлида замонавий пляж қуриш.	2026–2027 йиллар	объект	1	20 000,0

Т/р	Т/р	Объект номи ва манзили*	Амалга ошириш муддати	Лойиҳа қуввати		2026 йил учун талаб этиладиган маблағ**
				ўлчов бирлиги	миқдори	
3	3	“Янги Навоий шаҳарчаси” ва “Янги Ўзбекистон боғи” ҳудудида қуриладиган объектлар (ички муҳандислик коммуникациялари, йўл инфратузилмаси, ижтимоий соҳа ва савдо, сервис ҳамда хизмат кўрсатиш объектлари)	2026–2027 йиллар	объект	1	120 000,0
4	4	Навоий вилояти тарихи ва маданияти давлат музейини қуриш	2026–2027 йиллар	объект	1	10 000,0
5	5	Кармана туманидаги Мавлоно Ориф Деггароний мажмуасини реконструкция қилиш, ансамбль ва музей ташкил этиш	2026–2027 йиллар	объект	1	10 000,0
	4	Сув хўжалиги объектларини реконструкция қилиш (бюртмачи - Сув хўжалиги вазирлиги)		км	62,5	25 000,0
				объект	3	
6	1	Қизилтепа тумани Ўртачўл каналини реконструкция қилиш	2026–2027 йиллар	км	22,5	10 000,0
7	2	Кармана тумани Касаба-Дўрман каналини реконструкция қилиш ҳамда янгидан қуриш	2026–2027 йиллар	км	40,0	5 000,0
8	3	Конимех туманида янги насос станциясини қуриш	2026–2027 йиллар	объект	1	5 000,0
9	4	Навоий шаҳри ва Учқудуқ тумани маркази ҳудудидаги ирригация ва суғориш тизимини модернизация қилиш, кўп йиллик дарахтларни сув билан таъминлаш	2026–2028 йиллар	объект	2	5 000,0
	2	Электр таъминоти объектлари (бюртмачи - “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ*, “Миллий электр тармоқлари” АЖ**)		объект	2	20 000,0
10	1	Учқудуқ шаҳридаги 1962 йилда қурилган 35/6 кВли “ГПП-22” ва 35/6 кВ “ГПП-23” подстанцияларини модернизация ва реконструкция қилиш.	2027–2028 йиллар	объект	1	10 000,0
11	2	Томди туманидаги 1970 йилда қурилган 35/10 кВли “Томди” ва “Томди-Булоқ” подстанцияларини модернизация ва реконструкция қилиш.	2027–2028 йиллар	объект	1	10 000,0
		Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларига асосан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун назарда тутилган маблағлар				150 000,0
	6	Автомобиль йўллари, кўприklar ва йўл ўтказгичлар (бюртмачи - “Навоий минтақавий йўлларга бюртмачи хизмати” ДМ)		объект/лойиҳа	2	115 000,0
				км	30,8	

Т/р	Т/р	Объект номи ва манзили*	Амалга ошириш муддати	Лойиҳа қуввати		2026 йил учун талаб этиладиган маблағ**
				ўлчов бирлиги	миқдори	
	1	Янги қурилиш		объект/лойиҳа	1	12 000,0
				км		
12	1	"М37" Самарқанд-Бухоро-Туркманбоши автомобиль йўлининг 147-км.дан 181,5-км.гача узунлиги 43 км айланма автомобиль йўлини янгидан қуриш учун техник-иқтисодий асосларини (ТИА) ишлаб чиқиш.	2026 йил	лойиҳа	1	12 000,0
	5	Реконструкция қилиш		объект/лойиҳа	1	103 000,0
				км	30,8	
13	1	Кармана тумани Кармана кўчасини ("D076" "М37" автомобиль йўлидан шохобча: h) Навоий шаҳрига (158 км.дан) миллий услубда пиёдалар ва сайёҳлар учун қулай ва хавфсиз бўлишини таъминлаган ҳолда реконструкция қилиш	2026–2027 йиллар	км	2,4	40 000,0
14	2	"М37" автомобиль йўлини Навоий шаҳридаги Янги Навоий шаҳарчасига олиб борувчи йўл билан Кармана шаҳрининг бош режаси асосида боғлаш	2026–2027 йиллар	км	1,5	30 000,0
15	3	Кармана тумани Алишер Навоий кўчасини "М37" автомобиль йўли орқали "А379" автомобиль йўли билан бош режа асосида боғлаш	2026–2027 йиллар	км	0,5	10 000,0
16	4	Навоий шаҳрининг Алишер Навоий кўчасини таъмирлаш	2026–2027 йиллар	км	4,4	11 000,0
17	5	Халқаро аҳамиятидаги "А379" Навоий-Учқудуқ (Зарафшон шаҳри орқали) автомобиль йўлини реконструкция қилиш учун техник-иқтисодий асосларини (ТИА) ишлаб чиқиш	2026 йил	лойиҳа	1	12 000,0
	3	Сув таъминоти ва канализация (буюртмачи - "Ўзсувтаъминоти" АЖ)		км	328,0	20 000,0
				ТИА/лойиҳа	1	
	3	Реконструкция қилиш		км	328,0	20 000,0
				ТИА/лойиҳа	1	
18	1	Учқудуқ тумани "Мингбулоқ" ОФЙда жойлашган сув олиш иншоотини (1960–1980-йилларда қурилган) реконструкция ва модернизация қилиш учун техник-иқтисодий асосларини (ТИА) ишлаб чиқиш	2026–2027 йиллар	ТИА/лойиҳа	1	10 000,0

Т/р	Т/р	Объект номи ва манзили*	Амалга ошириш муддати	Лойиҳа қуввати		2026 йил учун талаб этиладиган маблағ**
				ўлчов бирлиги	миқдори	
19	2	Навоий, Зарафшон шаҳарлари, Учқудуқ тумани ва Зафаробод қўрғонидаги (1960–1985 йилларда қурилган) оқова сув қувурларини реконструкция қилиш	2026–2028 йиллар	км	124,0	5 000,0
20	3	Навоий, Зарафшон шаҳарлари, Учқудуқ тумани ва Зафаробод қўрғонидаги (1960–1985 йилларда қурилган) ичимлик сув қувурларини реконструкция қилиш	2026–2028 йиллар	км	204,0	5 000,0
	1	Иссиқлик таъминоти объектлари (бўйртмачи - “Кўп квартирали уйларни таъмирлаш бўйича инжиниринг компанияси” ДМ)		объект	2	15 000,0
	1	Реконструкция қилиш		объект	2	15 000,0
21	1	Кармана тумани “Сардоба” МФЙдаги кўп қаватли уй-жой ва ижтимоий соҳа объектларига марказлаштирилган иситиш тизимини йўлга қўйиш учун таъмирталаб қозонхона ва иссиқлик тармоқларини модернизация қилиш	2026–2027 йиллар	объект	1	15 000,0

* объектлар йилдан-йилга ўтувчи объектлар ҳисобланади ва уларнинг қиймати лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш ва тендер (танлов) савдолари натижалари бўйича аниқлаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 11 февралдаги ПҚ-58-сон қарорига
10а-илова

**Навоий вилоятида 2027–2028 йиллардаги ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини
ривожлантириш дастурлари доирасида амалга ошириладиган лойиҳалар (объектлар)нинг
МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТИ***

Т/р	Т/р	Объект номи ва манзили	Амалга ошириш муддати	Лойиҳа қуввати, жами		Жами талаб этилаётган маблағ (млн.сўм) **	Шундан	
				ўлчов бирлиги	миқдори		2027 йил	2028 йил
	29	Вилоят бўйича:				469 300	294 800	174 500
		шу жумладан:						
	2	Автомобиль йўллари, кўприклар ва йўл ўтказгичлар (бюджетмачи - "Навоий минтақавий йўлларга бюджетмачи хизмати" ДМ)		объект/лоийҳа		97 000,0	51 000,0	46 000,0
				км	11,0			
	2	Реконструкция қилиш		объект/лоийҳа		97 000,0	51 000,0	46 000,0
				км	11,0			
1	1	"D-075a" Оқтош ш. – Янгирабод ш. – Лангар қ. – Чуя қ. автомобиль йўлига шохобча: (а) Янгирабод шаҳрига олиб борувчи (12 км.дан) автомобиль йўлининг 0-4 км қисмини реконструкция қилиш	2027–2028 йиллар	км	4	25 000,0	15 000,0	10 000,0
2	2	"D-067" Зарафшон тракти автомобиль йўлининг 133–140 км қисмини реконструкция қилиш	2027–2028 йиллар	км	7	72 000,0	36 000,0	36 000,0
	5	Сув таъминоти ва канализация (бюджетмачи - "Ўзсувтаъминот" АЖ)		км	120,0	140 000,0	76 000,0	64 000,0
				объект	4			
	3	Янги қурилиш		км	117,0	101 000,0	52 000,0	49 000,0
				объект	3			
3	1	Нурота тумани марказидаги "F.Фулум" МФЙ ҳудудида сув иншоотини қуриш ва сув тармоқларини тортиш	2027–2028 йиллар	км	57	36 000,0	20 000,0	16 000,0
				объект	1			
4	2	Қизилтепа тумани марказига айланма асосий сув қувурларини тортиш ва марказий сув иншооти қуриш орқали туман марказида узлуксиз сув таъминотини йўлга қўйиш	2027–2028 йиллар	км	30	30 000,0	15 000,0	15 000,0
				объект	1			
5	3	Нурота тумани марказида янгидан марказлашган оқова сув тизимлари ва оқова сувларни тозалаш иншооти қуриш	2027–2028 йиллар	км	30	35 000,0	17 000,0	18 000,0
				объект	1			
	2	Реконструкция қилиш		км	3,0	39 000,0	24 000,0	15 000,0
				объект	1			
6	1	Конимех тумани Зафаробод қўрғонидаги таъмирталаб ҳолатдаги оқова сувларни тозалаш иншоотини модернизация қилиш	2027-2028 йиллар	дона	1	35 000,0	20 000,0	15 000,0
7	2	Томди тумани Янги Томди қўрғони марказидаги ичимлик сув қувурларини алмаштириш	2027 йил	км	3,0	4 000,0	4 000,0	
	10	Умумтаълим мактаблари (бюджетмачи - Навоий вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги "Капитал қурилишда бюджетмачи хизмати" ДМ)		ўқув ўрни	5 428	89 100,0	50 800,0	38 300,0
				ошхона	1			
				фаоллар зали	1			

	1	Янги қурилиш		Ўқув ўрни	330	7 000,0	7 000,0	0,0
8	1	Томди тумани "Шарқ" ОФЙ Шарқмавзеси ҳудудидан 330 ўринли умумтаълим мактаб биносини қуриш	2027 йил	Ўқув ўрни	330	7 000,0	7 000,0	
	5	Реконструкция		Ўқув ўрни	1 290			
				ошхона	1	28 600,0	22 800,0	5 800,0
				фаоллар зали	1			
9	1	Кармана тумани "Нурафшон" МФЙдаги 13-сонли мактабни реконструкция қилиш	2027 йил	Ўқув ўрни	330			
				ошхона	1	12 000,0	12 000,0	
				фаоллар зали	1			
10	2	Хатирчи тумани "Авоқли" МФЙдаги 74-сонли мактабни реконструкция қилиш	2027 йил	Ўқув ўрни	180	3 200,0	3 200,0	
11	3	Ҳозғон шаҳри "Шайхон" МФЙдаги 4-сон мактабни реконструкция қилиш	2027 йил	Ўқув ўрни	120	2 000,0	2 000,0	
12	4	Қизилтепа тумани "Нурафшон" МФЙдаги 28-сонли мактабни реконструкция қилиш	2027 йил	Ўқув ўрни	330	5 600,0	5 600,0	
13	5	Қизилтепа тумани "Хомработ" МФЙдаги 8-сонли мактабни реконструкция қилиш	2028 йил	Ўқув ўрни	330	5 800,0		5 800,0
	4	Муқаммал таъмирлаш		Ўрин	3 808	53 500,0	21 000,0	32 500,0
14	1	Қизилтепа тумани "Бўстон" МФЙдаги 1-сонли мактабни муқаммал таъмирлаш	2027 йил	Ўқув ўрни	1 176	16 500,0	16 500,0	
15	2	Хатирчи тумани "Маданият" МФЙдаги 50-сонли мактабни муқаммал таъмирлаш	2027 йил	Ўқув ўрни	315	4 500,0	4 500,0	
16	3	Қизилтепа тумани "Ўзбекистон" МФЙдаги 41-сонли мактабни муқаммал таъмирлаш	2028 йил	Ўқув ўрни	750	10 500,0		10 500,0
17	4	Навоий шаҳри "Турон" МФЙдаги 12-сонли мактабни муқаммал таъмирлаш	2028 йил	Ўқув ўрни	1 567	22 000,0		22 000,0
	8	Мактабгача таълим ташкилотлари (бюджетли - Навоий вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги "Капитал қурилишда бюджетчи хизмати" ДМ)		Ўрин	2 610	57 000,0	57 000,0	0,0
	8	Муқаммал таъмирлаш		Ўрин	2 610	57 000,0	57 000,0	0,0
18	1	Навоий шаҳри "Мурувват" МФЙдаги 15-сонли ДМТТни муқаммал таъмирлаш	2027 йил	Ўрин	360	6 000,0	6 000,0	
19	2	Навоий шаҳри "Баҳор" МФЙдаги 30-сонли ДМТТни муқаммал таъмирлаш	2027 йил	Ўрин	360	6 000,0	6 000,0	
20	3	Навоий шаҳри "Дўстлик" МФЙдаги 9-сонли ДМТТни муқаммал таъмирлаш	2027 йил	Ўрин	360	6 000,0	6 000,0	
21	4	Навоий шаҳри "Лочин" МФЙдаги 8-сонли ДМТТни муқаммал таъмирлаш	2027 йил	Ўрин	360	6 000,0	6 000,0	
22	5	Навоий шаҳри "Ғалаба" МФЙдаги 6-сонли ДМТТни муқаммал таъмирлаш	2027 йил	Ўрин	150	5 000,0	5 000,0	
23	6	Зарафшон шаҳри "Кончилар" МФЙдаги 7-сонли ДМТТни муқаммал таъмирлаш	2027 йил	Ўрин	360	6 000,0	6 000,0	
24	7	Навоий шаҳри "Турон" МФЙдаги 18-сонли ДМТТни муқаммал таъмирлаш	2027 йил	Ўрин	240	8 000,0	8 000,0	
25	8	Зарафшон шаҳри "Баҳор" МФЙдаги 9-сонли ДМТТни муқаммал таъмирлаш	2027 йил	Ўрин	420	14 000,0	14 000,0	

	3	Соғлиқни сақлаш ва тиббий-ижтимоий муассасалар (бўйртмачи - Навоий вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги "Капитал қурилишда бўйртмачи хизмати" ДМ)		ўрин	110	73 000,0	53 000,0	20 000,0
				қатнов	80			
				объект	1			
	3	Янги қурилиш		ўрин	110	73 000,0	53 000,0	20 000,0
				қатнов	80			
26	1	Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази Навоий вилояти филиалини қуриш	2027–2028 йиллар	ўрин	60	25 000,0	15 000,0	10 000,0
				қатнов	80			
27	2	Республика тез тиббий ёрдам маркази Навоий филиали биносини қуриш	2027 йил	объект	1	18 000,0	18 000,0	
28	3	Нурота тумани тиббиёт бирлашмаси таркибида 50 ўринли қўшма шикастланишлар ва ўткир қон-томир касалликлари марказини ташкил этиш ва жиҳозлаш	2027–2028 йиллар	ўрин	50	30 000,0	20 000,0	10 000,0
	1	Сув хўжалиги объектларини реконструкция қилиш (бўйртмачи - Сув хўжалиги вазирлиги)		объект	1,0	13 200,0	7 000,0	6 200,0
29	1	Навбаҳор туманида "Конимех-2" насос станциясини реконструкция қилиш	2027–2028 йиллар	объект	1	13 200,0	7 000,0	6 200,0

* дастлабки манзилли рўйхатга Ўзбекистон Республика Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Навоий вилоят халқ депутатлари кенгашининг тегишли қарорига мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиш мумкин;

** лимитлар лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш ва тендер (танлов) савдолари натижалари бўйича аниқлаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 11 февралдаги ПҚ–58-сон қарорига
11-илова

**“Навоий” эркин иқтисодий зонаси ҳудудидан чиқарилаётган
МАЙДОНЛАР РЎЙХАТИ**

Т/р	Ҳудуд манзили ва чегаралари	Контур рақами	Ер майдони (гектар)
1	“Навоий” эркин иқтисодий зонаси (Кармана тумани ҳудуди)	1771қ, 1772қ, 1773қ	9,19

Навоий вилоятида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш шартини билан тоифаси ўзгартирилиши тақлиф этилаётган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонларининг
РЎЙХАТИ

Т/р	Худуд номи	Ердан фойдаланувчи номи	Кадастр рақами	Контур рақами ёки координатаси	Жами ер майдон (гектар)	шундан					Тўпроқ бонитет бали	Ўтказилаётган ер фонди тоифаси	Фойдаланиш мақсади
						Сўғориладиган (гектар)	сўғорилмайдиган (палми) (гектар)	Яйлов ва пичанзорлар (гектар)	Кўп йиллик дарахт зорлар (гектар)	Бошқа ерлар (гектар)			
80	Жами:				2 438,58	6,76		2 431,82					
Фозгон шаҳри					120,68			120,68					
1	Фозгон шаҳри	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ерлари		2811қ	40,00			40,00				саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартириш	Шағал қазиб олишни ташкил этиш
2	"Дилшод-5" мармар участкаси	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ерлари		2695қ, 2696қ	9,56			9,56				саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартириш	Мармар тошларни қазиб олишни ташкил этиш
3	"Гулистон" МФЙ	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ерлари		2693қ, 2695қ	1,62			1,62				саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартириш	Мармар ва гранит тошларни қазиб олишни ташкил этиш
4	"Шайхон" МФЙ	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ерлари		2720қ, 2721қ	1,40			1,40				саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартириш	Мармар ва гранит тошларни қазиб олишни ташкил этиш
5	Фозгон (Талихирман) гранит	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ерлари		2748қ, 2783қ, 2785қ, 2775қ, 2782қ	24,30			24,30				саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартириш	Гранит тошларни қазиб олишни ташкил этиш
6	Фозгон (Талихирман-1), гранит	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ерлари		2801қ	2,20			2,20				саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартириш	Гранит тошларни қазиб олишни ташкил этиш
7	Фозгон (Талихирман-2), гранит	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ерлари		2711қ, 2712қ	1,60			1,60				саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартириш	Гранит тошларни қазиб олишни ташкил этиш
8	Пашот мавзеси	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ерлари			40,00			40,00				саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартириш	Гранит қазиб олишни ташкил этиш
Кармана тумани					28,24	6,00		22,24					
9	Кармана мавзеси	Давлат захира ерлари		414қ	7,50			7,50				саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартириш	Шебен маҳсулотлари қазиб олиш
10	"Янгиариқ" МФЙ	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ерлари		70қ	6,00			6,00				саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартириш	Сульфат кислотаси ишлаб чиқариш заводини қуриш
11	"Кармана-4" участкаси, оҳақтош	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ерлари		7307қ	8,00			8,00				саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартириш	тоғ-кон саноатида кенг қўлланиладиган портловчи моддалар ишлаб чиқариш
12	"Янгиариқ" МФЙ	Давлат ўрмон фонди ерлари		46қ, 39қ, 31қ, 95қ, 94қ, 96қ, 97қ, 99қ, 100қ, 101қ, 95қ, 60қ, 150қ, 151қ, 152қ, 153қ, 154қ, 155қ, 156қ, 157қ, 722қ, 723қ, 724қ, 725қ, 726қ, 727қ, 728қ, 729қ, 728қ, 730қ, 731қ, 732қ, 734қ, 735қ, 736қ, 711қ, 709қ, 705қ	0,38			0,38				саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартириш	Навоий вилоятининг Кармана туманида қуввати 300 МВт бўлган қуёш фотоэлектр станциясини, қуввати 75 МВт (75 МВт соат) бўлган электр энергиясини сақлаш тизими учун ҳаво электр узатиш тармоқларини қуриш.
13	"Калавот" МФЙ	"Қиёт Кармана" фермер хўжалиги	21-03: 000405077	171қ	1,30	1,30						Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар	Янги автомобиль йўли қуриш

T/p	Худуд номи	Ердан фойдаланувчи номи	Кадастр рақами	Контур рақами ёки координатаси	Жами ер майдон (гектар)	шундан					Тупроқ бонитет бали	Ўтказилаётган ер фонди тоифаси	Фойдаланиш мақсади
						Сугориладиган (гектар)	сугорилмайдиган (лалми) (гектар)	Яйлов ва пичанзорлар (гектар)	Кўп йиллик дарахт зорлар (гектар)	Бошқа ерлар (гектар)			
14	"Калавот" МФЙ	"Юксалиш 2018" фермер хўжалиги	21:03:42:02:05:0060	165қ	4,70	4,70						Саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар	Янги автомобиль йўли қуриш
15	"Дегарон" МФЙ Хазора маёиёни-мавзеси	Туман захирасидаги ерлар		787қ	0,36			0,36				Саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар	Қуёш фотоэлектр станциясини қуриш
Конимех тумани					397,79			397,79					
16	Конимех тумани	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ерлари		4қ, 5қ	14,00			14,00				саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартириш	Қум-шағал аралашмасини геологик ўрганиш
17	Конимех тумани	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ерлари		5732қ	0,70			0,70				саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартириш	Туризм дам олиши учун ўтовли лагерлар ташкил этиш
18	"Фосфорит-2" участкаси	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ерлари		7810қ, 7811қ	151,00			151,00				саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартириш	Фосфорит участкасида геологик қидирув ишларини олиб бориш
19	Маданият худуди "Фосфорит-1" участкаси	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ерлари		7435қ, 7437қ	145,00			145,00				саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартириш	Фосфорит участкасида геологик қидирув ишларини олиб бориш
20	Конимех тумани	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ерлари		5729 Қ	1,00			1,00				Саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар	Туризм ва дам олиш масканларини ташкил этиш.
21	Конимех тумани	"Конимех Насл-Чорва" МЧЖ		1045қ, 1044қ, 1043қ, 1042қ	5,00			5,00				Саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар	Чорвачилик комплексини
22	Кулжуктау участкаси	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ерлари			81,09			81,09				саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартириш	Олтинга истиқболли майдонда геология қидирув ишларини амалга ошириш
Қизилтепа тумани					12,50			12,50					
23	"Малиқобод" МФЙ	"Янги аср" Ф/Х		2177, 2168	12,50			12,50				саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартириш	"Замонавий чорвачилик комплекси қуриш ва насли чорва молларини олиб келиш лойиҳаси"ни амалга ошириш
Навбахор тумани					235,55	0,76		234,79					
24	"Келачи" МФЙ, "Кўхрон" МФЙ	Туман захирасидаги ерлар		4237қ (249), 4238қ (356), 4239қ (325), 4251қ (345), 4252қ (345), 4253қ (346), 4235 (205), 7392қ, 7390	1,25	0,76		0,49			72,7	саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартириш	Хон Хўжа Эшон жоме масжидига олиб борувчи йўл қурилиши учун
25	Навбахор тумани	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ерлари		1046қ	32,00			32,00				саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартириш	Қурилиш материаллари гранит қазиб олишни ташкил этиш
26	Навбахор тумани	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ерлари		1046қ 1047қ	71,00			71,00				саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартириш	Қурилиш материаллари гранит қазиб олишни ташкил этиш
27	Навбахор тумани	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ерлари		1230қ, 1244қ	11,00			11,00				саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартириш	Лёссимон жинсларни қазиб олиш
28	Навбахор тумани	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ерлари		1244қ, 1356қ	5,00			5,00				саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартириш	Ишлаб чиқариш учун ер майдони
29	"Мирзо Улугбек" МФЙ	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ерлари		1246қ	1,94			1,94				саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартириш	Шағални қайта ишлаш

Т/р	Худуд номи	Ердан фойдаланувчи номи	Кадастр рақами	Контур рақами ёки координатаси	Жами ер майдон (гектар)	шундан					Тупроқ бонитет бали	Ўтказилаётган ер фонди тоифаси	Фойдаланиш мақсади
						Сугорилади ган (гектар)	сугорилмайдиган (лалми) (гектар)	Яйлов ва пичанзорлар (гектар)	Кўп йиллик дарахт зорлар (гектар)	Бошқа ерлар (гектар)			
30	"Мирзо Улугбек" МФЙ	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ерлари		1486,1480,1484, 1485	4,32		4,32					саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартриш	Қурилиш учун шағал ва қум ишлаб чиқариш
31	"Навбахор-1"	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ерлари		690 к	30,00		30,00					саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартриш	Бентонит қазиб олиш
32	"Мирзо Улугбек" МФЙ	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ерлари		893қ,894қ,895қ	10,00		10,00					саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартриш	қурилиш материаллари (қизил гишт) ишлаб чиқариш ва хомашё қазиб олиш
33	"Мирзо Улугбек" МФЙ	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ерлари		893қ,894қ,895қ	5,00		5,00					саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартриш	қурилиш материаллари (қизил гишт) ишлаб чиқариш
34	"Мирзо Улугбек" МФЙ	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ерлари		1244 к	3,10		3,10					саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартриш	Гранит тошларини қайта ишлаш
35	"Мирзо Улугбек" МФЙ	Давлат ўрмон фонди ерлари		1428 к	0,44		0,44					саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартриш	Кварц қумини қазиб олиш
36	"Мирзо Улугбек" МФЙ	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ерлари			60,50		60,50					саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартриш	Гранит қазиб олишни ташкил этиш
Нурота тумани					405,82		405,82						
37	Сулук-5,6,7,12,13,18,19, 20,21	Давлат захира ерлари		536қ,526қ,528қ, 533қ,537қ,542қ, 535қ,538қ,526қ	82,70		82,70					саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартриш	геологик қидирув ишларини олиб бориш
38	Сулук-16,17	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ерлари		2811қ	10,10		10,10					саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартриш	Мармар қазиб олишни ташкил этиш
39	Сулук-3,4	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ерлари		526қ,536қ,535қ	11,50		11,50					саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартриш	геологик қидирув ишларини олиб бориш
40	Сулук-26	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ерлари		535қ,537қ,542қ	6,73		6,73					саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартриш	геологик қидирув ишларини олиб бориш
41	Нурота тумани	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ерлари		2629қ	11,50		11,50					саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартриш	Мармар тоши қазиб олишни ташкил этиш учун
42	Нурота тумани	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ерлари		13қ	0,20		0,20					саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартриш	Туризм ва дам олиш масканларини ташкил этиш
43	Нурота тумани	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ерлари		1963қ,1964қ	1,20		1,20					саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартриш	Мармар тоши қазиб олишни ташкил этиш учун
44	"Чўя" МФЙ	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ерлари		1677қ,1674қ	31,80		31,80					саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартриш	Қум-шағал қазиб олишни ташкил этиш
45	"Нурфахр" МФЙ	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ерлари		1953қ,1955қ	23,80		23,80					саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартриш	Завод қурилишини кенгайтириш, саноат лойиҳаларини амалга ошириш
46	"Истиқбол" МФЙ	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ерлари		3097қ,1933қ	0,90		0,90					саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартриш	Завод қурилишини кенгайтириш, саноат лойиҳаларини амалга ошириш
47	Деҳбалид МФЙ	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ерлари		2926қ	15,70		15,70					саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартриш	Мармар харсанг тошларини қазиб олишни ташкил этиш
48	"Деҳбалид" МФЙ	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ерлари		2913қ	9,00		9,00					саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартриш	Шебен учун тош маҳсулотлари қазиб олишни ташкил этиш

T/р	Хўдад номи	Ердан фойдаланувчи номи	Кадастр рақами	Контур рақами ёки координатаси	Жами ер майдон (гектар)	шундан					Тупроқ бонитет бали	Ўтказилаётган ер фонди тоифаси	Фойдаланиш мақсади
						Сўғориладиган (гектар)	сўғорилмайдиган (лалми) (гектар)	Яйлов ва пичанзорлар (гектар)	Кўп йиллик дарахт зорлар (гектар)	Бошқа ерлар (гектар)			
49	Лангар-3	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ерлари		1755қ	5,19			5,19				саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартириш	табiiй пардозбop тошлар
50	Лангар-1	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ерлари		1752қ	14,60			14,60				саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартириш	қурилиш тошлари
51	"Истиклол" МФЙ	Давлат захира ерлари		1393қ	50,00			50,00				саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартириш	"Гранит Нурота Парк" саноат лойиҳаларини амалга ошириш
52	"Сувлик" МФЙ	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ерлари			19,70			19,70				саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартириш	Гранит қазиб олишни ташкил этиш Тўғридан-тўғри икки томонлама келишувга асосан ажратиладиган ер майдонлари
53	"Сувлик" МФЙ	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ерлари			0,70			0,70				саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартириш	Геология қидирув ишлари учун
54	"Нурфахр" МФЙ	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ерлари			50,00			50,00				саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартириш	Завод қурилишини кенгайтириш, саноат лойиҳаларини амалга ошириш
55	"Сувлик" МФЙ	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ерлари			30,00			30,00				саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартириш	Гранит тошларини қазиб олишни ташкил этиш
56	"Сувлик" МФЙ	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ерлари			20,00			20,00				саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартириш	Гранит тошларини қазиб олишни ташкил этиш
57	Битав	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ерлари			10,00			10,00				саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартириш	Кварц маъданини қазиб олиш
58	"Муствақиллик" МФЙ А.Навий мавзеси	Туман захирасидаги ерлар		2497қ	0,50			0,50				Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар	Қуёш фотоэлектр станциясини қуриш
Томди тумани					960,20			960,20					
59	Томди тумани	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ерлари		371,378	15,00			15,00				саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартириш	Кварц қумини қазиб олишни ташкил этиш
60	"Томдибулоқ" ОФЙ	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ерлари		342,400	100,00			100,00				саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартириш	Саноат учун ишлаб чиқариш объектларини ташкил этиш
61	Зарафшон-6	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ерлари		362,363,29	24,60			24,60				саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартириш	Гранит қазиб олишни ташкил этиш
62	"Сўкетти" ОФЙ	Давлат ўрмон фонди ерлари			241,90			241,90				саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартириш	Геология қидирув ишлари учун
63	"Сўкетти" ОФЙ	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ерлари			157,60			157,60				саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартириш	Геология қидирув ишлари учун
64	Жетимтау фосфорит участкаси	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ерлари			394,00			394,00				саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартириш	Форфорит конида геология қидирув ишларини олиб бориш
65	Аяққудуқ мавзеси маъсиви	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ерлари			27,10			27,10				саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартириш	Мармар, гранит, кварц тошларини қазиб олиш
Учқудуқ тумани					151,40			151,40					
66	Жўсқудуқ мавзеси	Давлат захира ерлари		рақамсиз	73,00			73,00				саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартириш	Учқудуқ шаҳар ҳудудини кенгайтириш орқали ижтимоий иқтисодий ривожлантириш

T/p	Худуд номи	Ердан фойдаланувчи номи	Кадастр рақами	Контур рақами ёки координатаси	Жами ер майдон (гектар)	шундан					Тупроқ бонитет бали	Ўтказилаётган ер фонди тоифаси	Фойдаланиш мақсади
						Сугориладиган (гектар)	сугорилмайдиган (палми) (гектар)	Яйлов ва пичанзорлар (гектар)	Кўп йиллик дарахт зорлар (гектар)	Бошқа ерлар (гектар)			
67	"Боздун" МФЙ	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ерлари		1573q	11,70			11,70				саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартириш	Қум шағал қазиб олишни ташкил этиш
68	Олтинтов -3	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ерлари		1345қ	43,20			43,20				саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартириш	Каолинни қазиб олиш ва қайта ишлаш, бойитиш
69	Ферузаташ	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ерлари		1015қ	16,00			16,00				саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартириш	феруза тошларини қазиб олиш ва қайта ишлашни ташкил этиш
70	Жанубий Қирққудуқ	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ерлари		950қ	0,50			0,50				саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартириш	қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошларга ишлов бериш
71	Коклатас-2	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ерлари		939қ	7,00			7,00				саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартириш	Кварцни қазиб олиш
Хатирчи тумани					126,40			126,40					
72	"Лангар" МФЙ	Давлат ўрмон фонди ерлари		127қ	29,10			29,10				саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартириш	Кварцни қазиб олиш (карьер)
73	"Лангар" МФЙ	Давлат ўрмон фонди ерлари		127қ	3,00			3,00				саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартириш	Кварцни қайта ишлаш (завод)
74	"Бахшижар" МФЙ	Давлат ўрмон фонди ерлари		1390, 1389	50,00			50,00				саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартириш	Туманда махсус саноат зонаси ташкил қилиш учун
75	"Бахшижар" МФЙ	Давлат ўрмон фонди ерлари		1389q	10,00			10,00				саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартириш	Сув сақлаш иншоотларини қуриш учун
76	"Кўксарой" МФЙ	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ерлари		668q	2,00			2,00				саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартириш	Гранит тошларини ишлаб чиқариш
77	"Кўксарой" МФЙ	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ерлари		129q	1,00			1,00				саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартириш	Чорвачилик лойиҳасини амалга ошириш
78	"Маданият" МФЙ	Давлат ўрмон фонди ерлари		285q, 286q	10,00			10,00				саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартириш	Паррандачилик лойиҳасини амалга ошириш
79	"Бахшижар" МФЙ	Давлат захира ерлари		6q	20,00			20,00				саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартириш	Гранит тошларини ишлаб чиқариш
80	"Дамарик" МФЙ	Давлат захира ерлари		13q	1,30			1,30				саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар фонди тоифасига ўзгартириш	Паррандачилик лойиҳасини амалга ошириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 11 февралдаги ПҚ–58-сон қарорига
13-илова

Навоий вилоятидаги аукцион савдолари орқали реализация қилинадиган
норуда фойдали қазилма кон ва участкалар
РЎЙХАТИ

Т/р	Ҳудуд номи	Хомашё тури	Захира	Географик координаталари	Майдони (гектар)
Кармана тумани					
1	"Янги ариқ" МФЙ	Гранит	геологик ишлар натижасида аниқланади	1. 39°56'57.89"С 65°26'25.80"В 2. 39°56'58.97"С 65°26'38.59"В 3. 39°56'47.95"С 65°26'39.66"В 4. 39°56'47.02"С 65°26'27.49"В	10
2	"Янги ариқ" МФЙ	Гранит	геологик ишлар натижасида аниқланади	1. 39°56'58.97"С 65°26'38.60"В 2. 39°57'00.03"С 65°26'51.10"В 3. 39°56'48.84"С 65°26'51.31"В 4. 39°56'47.95"С 65°26'39.69"В	10
3	"Янги ариқ" МФЙ	Гранит	геологик ишлар натижасида аниқланади	1. 39°57'00.03"С 65°26'51.12"В 2. 39°57'01.07"С 65°27'03.55"В 3. 39°56'49.75"С 65°27'03.25"В 4. 39°56'48.85"С 65°26'51.33"В	10
4	"Янги ариқ" МФЙ	Гранит	геологик ишлар натижасида аниқланади	1. 39°57'01.08"С 65°27'03.63"В 2. 39°57'02.06"С 65°27'15.24"В 3. 39°56'50.72"С 65°27'15.72"В 4. 39°56'49.76"С 65°27'03.28"В	10
5	"Янги ариқ" МФЙ	Гранит	геологик ишлар натижасида аниқланади	1. 39°56'47.00"С 65°26'27.49"В 2. 39°56'47.93"С 65°26'39.67"В 3. 39°56'36.44"С 65°26'40.64"В 4. 39°56'35.50"С 65°26'29.26"В	10

6	"Янги ариқ" МФЙ	Гранит	геологик ишлар натижасида аниқланади	1. 39°56'47.93"С 65°26'39.70"В 2. 39°56'48.82"С 65°26'51.32"В 3. 39°56'37.44"С 65°26'52.80"В 4. 39°56'36.44"С 65°26'40.66"В	10
7	"Янги ариқ" МФЙ	Гранит	геологик ишлар натижасида аниқланади	1. 39°56'48.82"С 65°26'51.34"В 2. 39°56'49.72"С 65°27'03.25"В 3. 39°56'38.41"С 65°27'04.69"В 4. 39°56'37.44"С 65°26'52.81"В	10
8	"Янги ариқ" МФЙ	Гранит	геологик ишлар натижасида аниқланади	1. 39°56'49.74"С 65°27'03.27"В 2. 39°56'50.68"С 65°27'15.72"В 3. 39°56'39.36"С 65°27'16.20"В 4. 39°56'38.42"С 65°27'04.71"В	10
9	"Янги ариқ" МФЙ	Гранит	геологик ишлар натижасида аниқланади	1. 39°56'35.48"С 65°26'29.26"В 2. 39°56'36.42"С 65°26'40.64"В 3. 39°56'24.68"С 65°26'42.54"В 4. 39°56'23.67"С 65°26'31.08"В	10
10	"Янги ариқ" МФЙ	Гранит	геологик ишлар натижасида аниқланади	1. 39°56'36.41"С 65°26'40.66"В 2. 39°56'37.41"С 65°26'52.78"В 3. 39°56'25.69"С 65°26'53.73"В 4. 39°56'24.69"С 65°26'42.56"В	10
Конимех тумани					
11	"Караката" ОФЙ	Кварц қуми	геологик ишлар натижасида аниқланади	1. 41°12'29.63"С 63° 48'51.93"В 2. 41°12'27.31"С 63° 49'05.07"В 3. 41°12'16.77"С 63° 49'03.52"В 4. 41°12'19.02"С 63° 48'51.01"В	10
12	"Караката" ОФЙ	Кварц қуми	геологик ишлар натижасида аниқланади	1. 41°13'15.67"С 63° 49'59.56"В 2. 41°13'24.61"С 63° 50'08.08"В 3. 41°13'19.24"С 63° 50'18.68"В 4. 41°13'10.42"С 63° 50'10.52"В	10

Қизилтепа тумани					
13	Маликчўл массиви	Оҳактош	геологик ишлар натижасида аниқланади	1. 39°57'27.85"C 65° 6'20.27"B 2. 39°57'31.31"C 65° 6'27.59"B 3. 39°57'15.72"C 65° 6'32.62"B 4. 39°57'12.98"C 65° 6'23.66"B	10
14	Маликчўл массиви	Оҳактош	геологик ишлар натижасида аниқланади	1. 39°57'31.33"C 65° 6'27.64"B 2. 39°57'34.61"C 65° 6'34.66"B 3. 39°57'18.36"C 65° 6'41.00"B 4. 39°57'15.72"C 65° 6'32.64"B	10,2
15	Маликчўл массиви	Оҳактош	геологик ишлар натижасида аниқланади	1. 39°57'34.67"C 65° 6'34.75"B 2. 39°57'37.86"C 65° 6'41.53"B 3. 39°57'20.69"C 65° 6'48.78"B 4. 39°57'18.34"C 65° 6'41.10"B	10,2
16	Маликчўл массиви	Оҳактош	геологик ишлар натижасида аниқланади	1. 39°57'37.89"C 65° 6'41.58"B 2. 39°57'41.03"C 65° 6'48.26"B 3. 39°57'22.86"C 65° 6'56.20"B 4. 39°57'20.70"C 65° 6'48.81"B	10,6
17	Маликчўл массиви	Қурилиш қуми	геологик ишлар натижасида аниқланади	1. 39°55'46.40"C 65° 7'28.17"B 2. 39°55'47.86"C 65° 7'37.04"B 3. 39°55'40.39"C 65° 7'37.38"B 4. 39°55'36.43"C 65° 7'27.32"B	6
Нурота тумани					
18	“Орасой” МФЙ	Гранит	геологик ишлар натижасида аниқланади	1. 40°31'28.02"C 65°43'7.13"B 2. 40°31'24.00"C 65°43'15.31"B 3. 40°31'17.87"C 65°43'11.97"B 4. 40°31'19.17"C 65°43'8.56"B 5. 40°31'21.28"C 65°43'2.55"B	5

19	“Сувлиқ” МФЙ	гранит	геологик ишлар натижасида аниқланади	1. 40°40′20.92″С 66°15′13.16″В 2. 40°40′32.27″С 66°15′18.12″В 3. 40°40′33.02″С 66°15′29.11″В 4. 40°40′20.24″С 66°15′24.81″В	10
20	“Сувлиқ” МФЙ	гранит	геологик ишлар натижасида аниқланади	1. 40°40′20.24″С 66°15′24.87″В 2. 40°40′33.05″С 66°15′29.18″В 3. 40°40′33.66″С 66°15′39.01″В 4. 40°40′19.56″С 66°15′35.73″В	10
21	“Сувлиқ” МФЙ	гранит	геологик ишлар натижасида аниқланади	1. 40°39′54.84″С 66°16′09.44″В 2. 40°40′05.63″С 66°16′17.10″В 3. 40°40′02.30″С 66°16′26.66″В 4. 40°39′59.07″С 66°16′22.87″В 5. 40°39′55.90″С 66°16′20.26″В 6. 40°39′51.53″С 66°16′18.02″В	8,5
22	“Сувлиқ” МФЙ	гранит	геологик ишлар натижасида аниқланади	1. 40°39′51.21″С 66°16′18.85″В 2. 40°39′55.47″С 66°16′20.80″В 3. 40°39′58.85″С 66°16′23.46″В 4. 40°39′54.41″С 66°16′36.39″В 5. 40°39′45.80″С 66°16′32.91″В	9,6
23	“Сувлиқ” МФЙ	гранит	геологик ишлар натижасида аниқланади	1. 40°39′59.08″С 66°16′23.71″В 2. 40°40′08.57″С 66°16′36.28″В 3. 40°40′13.05″С 66°16′38.94″В 4. 40°40′12.01″С 66°16′42.34″В 5. 40°40′08.29″С 66°16′42.05″В 6. 40°39′54.57″С 66°16′36.51″В	10,8
Хатирчи тумани					
24	Олтинсой массиви	гранит	1 831.9 минг м ³ (Қазиб олиш)	1. 40°13′15.55″С 65°51′43.09″В 2. 40°13′22.51″С 65°51′40.32″В 3. 40°13′28.80″С 65°51′52.22″В 4. 40°13′22.15″С 65°51′57.02″В	8,18

Ғозғон шаҳар					
25	"Мармаробод" МФЙ	Қум-шағал аралашмаси	геологик ишлар натижасида аниқланади	1. 40°32'57.84"С 65°28'40.15"В 2. 40°33'02.51"С 65°28'48.38"В 3. 40°32'52.26"С 65°28'58.83"В 4. 40°32'47.21"С 65°28'50.42"В	10
26	"Мармаробод" МФЙ	Қум-шағал аралашмаси	геологик ишлар натижасида аниқланади	1. 40°33'02.57"С 65°28'48.45"В 2. 40°33'07.51"С 65°28'57.23"В 3. 40°32'57.26"С 65°29'07.09"В 4. 40°32'52.31"С 65°28'58.90"В	10
27	"Мармаробод" МФЙ	Қум-шағал аралашмаси	геологик ишлар натижасида аниқланади	1. 40°32'47.18"С 65°28'50.45"В 2. 40°32'52.19"С 65°28'58.98"В 3. 40°32'41.88"С 65°29'08.93"В 4. 40°32'36.96"С 65°29'00.26"В	10
28	"Мармаробод" МФЙ	Қум-шағал аралашмаси	геологик ишлар натижасида аниқланади	1. 40°32'52.23"С 65°28'59.10"В 2. 40°32'57.21"С 65°29'07.14"В 3. 40°32'46.63"С 65°29'17.37"В 4. 40°32'41.89"С 65°29'08.98"В	10
29	"Шайхон" МФЙ	гранит	геологик ишлар натижасида аниқланади	1. 40°37'39.26"С 65°34'00.01"В 2. 40°37'47.24"С 65°34'0.58"В 3. 40°37'44.76"С 65°34'14.08"В 4. 40°37'38.31"С 65°34'12.69"В	7
30	"Шайхон" МФЙ	гранит	геологик ишлар натижасида аниқланади	1. 40°37'38.31"С 65°34'12.71"В 2. 40°37'44.73"С 65°34'14.14"В 3. 40°37'42.74"С 65°34'25.01"В 4. 40°37'48.08"С 65°34'27.20"В 5. 40°37'47.86"С 65°34'27.65"В 6. 40°37'37.15"С 65°34'27.91"В	6,8

31	“Шайхон” МФЙ	гранит	геологик ишлар натижасида аниқланади	1. 40°37'54.95"С 65°34'01.10"В 2. 40°37'53.70"С 65°34'09.15"В 3. 40°37'52.18"С 65°34'16.18"В 4. 40°37'58.24"С 65°34'17.18"В 5. 40°37'59.27"С 65°34'01.39"В	5,8
32	“Шайхон” МФЙ	гранит	геологик ишлар натижасида аниқланади	1. 40°37'52.17"С 65°34'16.26"В 2. 40°37'49.72"С 65°34'27.64"В 3. 40°37'57.43"С 65°34'29.59"В 4. 40°37'58.23"С 65°34'17.25"В	6,2
Томди тумани					
33	“Шарқ” ОФЙ	Зарафшон-6 гранит конининг 1- участкаси	3 982,9 минг м ³ (Қазиб олиш)	1. 41°39'38.90"С 64°17'11.11"В 2. 41°39'53.50"С 64°17'11.10"В 3. 41°39'53.58"С 64°17'19.11"В 4. 41°39'38.84"С 64°17'18.85"В	8,3
34	“Шарқ” ОФЙ	Зарафшон-6 гранит конининг 2- участкаси	3 625,3 минг м ³ (Қазиб олиш)	1. 41°39'38.86"С 64°17'18.95"В 2. 41°39'53.55"С 64°17'19.18"В 3. 41°39'53.52"С 64°17'26.95"В 4. 41°39'38.87"С 64°17'26.44"В	8
35	“Шарқ” ОФЙ	Зарафшон-6 гранит конининг 2- участкаси	3 045,6 минг м ³ (Қазиб олиш)	1. 41°39'38.87"С 64°17'26.49"В 2. 41°39'53.51"С 64°17'27.02"В 3. 41°39'53.50"С 64°17'34.60"В 4. 41°39'38.80"С 64°17'34.50"В	8,1
Навбаҳор тумани					
36	“Мирзо Улуғбек” МФЙ	гранит	геологик ишлар натижасида аниқланади	1. 40°15'12.18"С 65°40'33.44"В 2. 40°15'23.89"С 65°40'47.65"В 3. 40°15'10.63"С 65°40'51.87"В 4. 40°15'09.74"С 65°40'38.96"В	10
37	“Мирзо Улуғбек” МФЙ	гранит	геологик ишлар натижасида аниқланади	1. 40°15'17.25"С 65°40'21.44"В 2. 40°15'27.30"С 65°40'31.37"В 3. 40°15'17.41"С 65°40'39.59"В 4. 40°15'12.20"С 65°40'33.42"В	10

38	“Мирзо Улуғбек” МФЙ	гранит	геологик ишлар натижасида аниқланади	1. 40°15'20.09"C 65°40'14.75"B 2. 40°15'35.26"C 65°40'24.76"B 3. 40°15'27.37"C 65°40'31.32"B 4. 40°15'17.29"C 65°40'21.38"B	10
39	“Мирзо Улуғбек” МФЙ	гранит	геологик ишлар натижасида аниқланади	1. 40°15'22.79"C 65°40'08.58"B 2. 40°15'40.91"C 65°40'19.71"B 3. 40°15'35.32"C 65°40'24.69"B 4. 40°15'20.12"C 65°40'14.67"B	10
40	“Мирзо Улуғбек” МФЙ	гранит	геологик ишлар натижасида аниқланади	1. 40°15'26.91"C 65°40'31.90"B 2. 40°15'34.24"C 65°40'44.16"B 3. 40°15'24.08"C 65°40'47.59"B 4. 40°15'17.55"C 65°40'39.71"B	10
41	“Мирзо Улуғбек” МФЙ	гранит	геологик ишлар натижасида аниқланади	1. 40°15'34.71"C 65°40'25.29"B 2. 40°15'41.22"C 65°40'41.90"B 3. 40°15'34.36"C 65°40'44.17"B 4. 40°15'26.97"C 65°40'31.83"B	10
42	“Мирзо Улуғбек” МФЙ	гранит	геологик ишлар натижасида аниқланади	1. 40°15'40.96"C 65°40'19.90"B 2. 40°15'48.45"C 65°40'39.50"B 3. 40°15'41.25"C 65°40'41.89"B 4. 40°15'34.83"C 65°40'25.23"B	10,8

2026-2028 йилларда Навоий вилоятида насос станциялари, насос агрегатлари ва тик қудуқларга қуёш панеллари ўрнатиш прогноз кўрсаткичлари

Т/р	Туманлар номи	Фермер хўжаликлар сони	Қуёш панеллари ўрнатиш режаси, сони	Қуёш панеллари ўрнатиш қуввати, кВт	Шундан					
					2026 йилда		2027 йилда		2028 йилда	
					сон	қуввати	сон	қуввати	сон	қуввати
Сув хўжалиги вазирлигига қарашли насос станциялар										
1	Кармана		3	500			1	200	2	300
2	Навбаҳор		5	1800			2	800	3	1000
3	Қизилтепа		9	2500	3	350	2	900	4	1250
4	Хатирчи		19	2700	5	800	6	800	8	1100
5	Конимех		1	50					1	50
Жами			37	7550,0	8	1150,0	11	2700,0	18	3700,0
Сув хўжалиги вазирлигига қарашли тик қудуқлар										
1	Кармана		14	93			7	45	7	48
2	Навбаҳор		54	100			25	40	29	60
3	Қизилтепа		107	120			50	55	57	65
4	Хатирчи		103	700	33	150	30	250	40	300
5	Конимех		34	211			14	90	20	121
6	Нурота		104	2200	44	900	30	650	30	650
7	Томди		14	70			7	35	7	35
Жами			430	3494	77	1050,0	163	1165,0	190	1279,0
Фермер хўжаликларига тегишли насос агрегатлари										
1	Кармана	71	150	5390	35	1130	45	1640	70	2620
2	Навбаҳор	114	104	3740	26	850	31	1140	47	1750
3	Қизилтепа	168	217	7968	55	1838	65	2460	97	3670
4	Хатирчи	194	215	7945	54	1985	65	2370	96	3590
5	Конимех	29	27	860	8	270	8	280	11	310
6	Нурота	159	100	3110	30	980	30	1010	40	1120
Жами		735	813	29013,0	208	7053,0	244	8900,0	361	13060,0

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 11 февралдаги ПҚ–58-сон қарорига
15-илова

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш ҳамда божхона-тариф жиҳатдан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3818-сон қарорига 1-илованинг 2515-позицияси қуйидаги мазмундаги 2515 11 000 0, 2515 12 000 0 ва 2515 20 000 0-позициялар билан алмаштирилсин:

“

2515 11 000 0, 2515 12 000 0	Мармар, травертин ёки оҳак туф, солиштирма оғирлиги 2,5 ёки ундан кўпроқ бўлган йирик майдаланган ёки майдаланмаган, арраланган ёки арраланмаган ёхуд бошқача тарзда тўғри тўртбурчак (шу жумладан, квадрат) шаклидаги блок ёки плиталарга кесилган	0
2515 20 000 0	Экауссин ҳамда бошқа оҳак солиштирма оғирлиги 2,5 ёки ундан кўпроқ бўлган ҳайкалтарошлик ёки қурилиш учун, алебастр, йирик майдаланган ёки майдаланмаган, арраланган ёки арраланмаган ёхуд бошқача тарзда тўғри тўртбурчак (шу жумладан, квадрат) шаклидаги блок ёки плиталарга кесилган	20

”

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 12 декабрдаги “Навоий вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–430-сон қарорида:

(а) 17-иловада:

(i) 28-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

28.	Ўз биноларига эга бўлмаган 4 та маҳаллани (Фаровон, Янги ҳаёт, Зарафшон, Маърифат) хизмат бинолари билан таъминлаш	Навоий шаҳрида ўз биноларига эга бўлмаган 4 та маҳалланинг (Фаровон, Янги ҳаёт, Зарафшон, Маърифат) хизмат биноларини давлат-хусусий шериклик асосида қуриш.	Ҳисоб-китоблар асосида	2025–2028 йиллар давомида	Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Навоий вилояти ҳокимлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
-----	--	--	------------------------	---------------------------	---

”;

(ii) 30-позицияда “Ижро муддати” устунидаги “2025-2026” рақамлари “2026–2028” рақамлари билан алмаштирилсин;

(iii) 31-позициянинг “Ижро муддати” устунидаги “2025–2026” рақамлари “2026–2028” рақамлари билан алмаштирилсин;

(iv) 44-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

44.	Навбахор туманидаги Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг Қизилрабат, Янгиҳаёт, Карвон маҳаллалари учун янги бино қуриш ва Хашман, Вомитан, Келачи маҳалла биноларини реконструкция қилиш.	<ol style="list-style-type: none"> Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг Қизилрабат, Янгиҳаёт, Карвон маҳаллалари учун янги бинолар қуриш лойиҳасини ишлаб чиқиш. Хашман, Вомитан, Келачи маҳалла биноларини реконструкция қилиш. Намунавий лойиҳалар асосида лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш. Қурилиш ишларини амалга ошириш. 	Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси маблағлари, маҳаллий бюджет маблағлари ва бошқа манбалар	2025–2028 йиллар давомида	Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Навоий вилояти ҳокимлиги
-----	---	---	---	---------------------------	---

”;

(v) 49-позициянинг “Ижро учун масъуллар” устунидаги “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, “Ўзсубтаъминот” АЖ, “Навоий сув таъминоти” АЖ, Навоий вилояти ҳокимлиги” сўзлари “Ўзсубтаъминот” АЖ, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Навоий вилояти ҳокимлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

(vi) 51-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

51.	Учқудуқ тумани маркази, Учқудуқ шаҳри ҳудудидаги яйлов ерларининг тоифасини ўзгартириш орқали ушбу ерларда хизмат кўрсатиш объектларини ташкил этиш.	<p>1. Учқудуқ шаҳридаги тоифаси ўзгартирилаётган ер майдони учун ҳудуднинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, мастер режасини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Мастер режа асосида ҳудудни алоҳида лотларга бўлган ҳолда аукцион савдоларига чиқариш.</p> <p>3. Хизмат кўрсатиш объектларини ташкил этиш бўйича тармоқ жадвалларини ишлаб чиқиш ва белгиланган муддатларда ишга тушириш.</p>	Ҳисоб-китоблар асосида	<p>2026 йил давомида</p> <p>2026–2027 йиллар</p> <p>2026–2028 йиллар Тармоқ жадваллари асосида</p>	Навоий вилояти ҳокимлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Кадастр агентлиги, Учқудуқ тумани ҳокимлиги
-----	--	--	------------------------	--	--

”;

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 17 июлдаги “**Мўғулистонга олий даражадаги ташриф давомида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаларида эришилган келишувларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида**” ги ПҚ–225-сон қарорида:

(а) 1-бандда:

(i) биринчи хатбошидаги “2025-2026 йилларда” сўзлари “2025-2027 йилларда” сўзлари билан алмаштирилсин;

(ii) “(а)” кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“(а) Мўғулистондан Ўзбекистонга 200 минг бош, шундан 2026-2027 йилларда Навоий вилоятига қўшимча 70 минг бош майда шохли молларни олиб келиш ва маҳаллий шароитда наслчилик-селекция ишлари ёрдамида кўпайтириш орқали уларнинг сонини 2029 йил якунига қадар 1 млн бошга етказиш;” ;

(б) 1-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Мўғулистондан Ўзбекистонга импорт қилинадиган майда шохли молларнинг ҳудудлар кесимидаги ТАҚСИМОТИ

Т/р	Ҳудудлар номи	Қўйлар бош сони	Эчкилар бош сони
1.	Бухоро вилояти	5 600	
2.	Жиззах вилояти	41 600	8 400

3.	Наманган вилояти		5 000
4.	Навоий вилояти	110 000	
5.	Сурхондарё вилояти	1 400	
6.	Самарқанд вилояти	1 400	
7.	Қашқадарё вилояти	10 000	
8.	Тошкент вилояти	11 000	5 600
Жами:		181 000	19 00

Изоҳ: Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг таклифига асосан Ветеринария қўмитаси томонидан ушбу рўйхатга ўзгартиришлар киритилиши мумкин”.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 5 июндаги 461-сон қарори билан тасдиқланган **“Business city”** замонавий ишбилармонлик марказлари рўйхати қўйидаги мазмундаги 19-банд билан тўлдирилсин:

“19. “Қадимий Кармана” туристик маркази”.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 19 июндаги 383-сон қарори билан тасдиқланган **Тоғли ва чўл ҳудудларда зиплайн хизматлари ва канатли парк (тайпарк) экстремал туризм мажмуаси ташкил қилиниши режалаштирилган туман ва шаҳарлар рўйхати** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

Т/р	Ҳудуд номи	Туман (шаҳар) номи
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	Амударё тумани
2.		Мўйноқ тумани
3.		Тахтакўпир тумани
4.		Элликқалъа тумани
5.	Андижон вилояти	Хўжаобод тумани
6.		Хонобод шаҳри
7.	Бухоро вилояти	Когон тумани
8.		Ғиждувон тумани
9.		Ромитан тумани
10.	Жиззах вилояти	Арнасой тумани
11.		Бахмал тумани
12.		Зомин тумани
13.		Фориш тумани

14.	Қашқадарё вилояти	Китоб тумани
15.		Шаҳрисабз тумани
16.	Навоий вилояти	Конимех тумани
17.		Нурота тумани
18.		Хатирчи тумани
19.		Зарафшон шаҳри
20.		Учқудуқ тумани
21.		Томди тумани
22.		Наманган вилояти
23.	Поп тумани	
24.	Чортоқ тумани	
25.	Чуст тумани	
26.	Самарқанд вилояти	Самарқанд тумани
27.		Ургут тумани
28.	Сурхондарё вилояти	Бойсун тумани
29.		Сариосиё тумани
30.	Сирдарё вилояти	Сайхунобод тумани
31.	Тошкент вилояти	Ангрен шаҳри
32.		Бўстонлиқ тумани
33.		Оҳангарон тумани
34.		Паркент тумани
35.	Фарғона вилояти	Сўх тумани
36.		Фарғона тумани
37.	Хоразм вилояти	Боғот тумани
38.		Тупроққалъа тумани
39.		Хива тумани
40.		Урганч тумани
41.		Янгибозор тумани

**Навоий вилоятида ижтимоий ва инфратузилма объектлари
барпо этилишини назорат қилувчи**

ШТАБ ТАРКИБИ

1. А. Раматов — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, *Штаб раҳбари*
2. М.Оллоёров — Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси – Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директори, *Штаб раҳбари ўринбосари*
3. Н. Турсунов — Навоий вилояти ҳокими
4. С. Самадов — Бош прокурор ўринбосари
5. Ш. Хидоятлов — қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири
6. И. Норқулов — иқтисодиёт ва молия вазирининг биринчи ўринбосари
7. М. Аллакулиев — адлия вазири ўринбосари
8. Т. Комилов — мактабгача ва мактаб таълими вазири ўринбосари
9. О. Омонов — соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари
10. Р. Қаршиев — сув хўжалиги вазири ўринбосари
11. С. Эшқувватов — қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси бошлиғи
12. А. Аққулов — Туризм қўмитаси раиси
13. Ж. Турсунов — Автомобиль йўллари қўмитаси раиси
14. Б.Абдиқаримов — Маданий мерос агентлиги директори
15. М.Жуманиязов — Вазирлар Маҳкамаси Транспорт, коммуникациялар, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги масалалари котибияти мудири
16. *Лавозимига кўра* — Кадастр агентлиги директори
17. *Лавозимига кўра* — Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси раиси ўринбосари

18. А. Сувонқулов — “Ўзсувтаъминот” АЖ бошқаруви раиси
19. Б. Исломов — “Худудий электр тармоқлари” АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари
20. *Лавозимига кўра* — “Янги Навоий шаҳарчаси” ишбилармонлик маркази дирекцияси” давлат муассасаси директори

Изоҳ: Штаб аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган ёки тегишли функцияларни бажариш зиммасига юкланган шахслар киритилади.





O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2026 yil «11» fevralь

№ ПҚ–59

Стартапларни қўллаб-қувватлашнинг комплекс экотизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан V очиқ мулоқотида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, стартап лойиҳаларни ғоядан бошлаб масштаблаштиришгача бўлган барча босқичларда институционал, молиявий ва инфратузилмавий қўллаб-қувватлаш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсадлар

1. Қуйидагилар **2030 йилга қадар** стартап экотизимини ривожлантиришнинг **мақсадли кўрсаткичлари** этиб белгилансин:

(а) стартап лойиҳалар сонини **5 мингтага** ҳамда жалб қилинган венчур инвестициялар ҳажминини **2 миллиард АҚШ долларига** етказиш;

(б) **500 та** стартап лойиҳани қиймати **1 миллион АҚШ долларидан юқори**, **100 та** стартап лойиҳани қиймати **10 миллион АҚШ долларидан юқори** ҳамда **25 та** стартап лойиҳани қиймати **100 миллион АҚШ долларидан юқори** бўлган компанияларга айлантриш;

(в) стартап лойиҳалар ишга тушиши натижасида **20 мингдан** ортиқ янги иш ўринларини яратиш;

(г) ёшларнинг **2 мингта** стартап ғояларини тижоратлаштириш, камида **400 та** стартап лойиҳасини халқаро бозорларга олиб чиқиш.

2. Стартап ғояни шакллантириш, лойиҳани ишлаб чиқиш, ишга тушириш ҳамда масштаблаштиришни ўз ичига қамраб олувчи **тўрт босқичли** стартап экотизими жорий этилсин.

II. Стартап ғояларни шакллантириш босқичи

3. 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб босқичма-босқич ўрта махсус ва касбий таълим ташкилотлари **ўқувчилари** ҳамда умумий ўрта таълим ташкилотларининг **9–11-синф ўқувчилари** учун **ҳар ойда камида икки маротаба** стартап ғояларни яратишга ўргатувчи **“Моҳирлик ва бизнес соати”** тадбирлари ўтказилиши йўлга қўйилсин. Бунда:

- (а) ўқувчилар ўртасида **“Энг яхши стартап ғояси”** танлови ўтказилади, туман даражасидаги ғолибларга **5 миллион сўмгача**, вилоят даражасида – **10 миллион сўмгача** миқдорда **мукофот** берилади, уларнинг лойиҳаларига Ёшлар ишлари агентлиги ва IT-парк ҳамроҳлик қилади;
- (б) лойиҳалар **ҳар чоракда** ўқувчиларнинг ота-оналари, бизнес ва илмий ҳамжамият вакилларига **тақдимот қилинади**;
- (в) **маркетплейслар** билан ҳамкорлик ўрнатиб, таълим ташкилотларида яратилган маҳсулотларни сотиш йўлга қўйилади.

4. **2026 йил 1 апрелдан** бошлаб муаммо ва масалаларни **краудсорсинг** асосида ҳал қилишнинг қуйидаги тизими жорий этилсин:

- (а) давлат органлари, ташкилотлари ва давлат иштирокидаги корхоналар ўз соҳасидаги ечим талаб қилаётган муаммо ва масалалар бўйича:
 - (i) **краудсорсинг электрон платформасида** эълон жойлаштириб, танлов ташкил қилади;
 - (ii) **ҳар ойда** стартап ташаббускорлари билан учрашувлар (**“Стартап кун”**) ўтказилади;
- (б) масалалар ечими юзасидан самарали деб топилган таклифлар бўйича лойиҳани амалга ошириш учун харид жараёнлари краудсорсинг электрон платформасида ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

5. Белгилансинки, **2026 йилдан** бошлаб **ҳар йили** стартап лойиҳага айлантириш салоҳияти юқори бўлган ғояларни аниқлаш бўйича **“Энг инновацион ғоя”** республика танлови ўтказилади. Бунда:

- (а) танлов давлат **олий таълим ташкилотларида** ўтказилади ва ғолибларга олий таълим ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан **100 миллион сўм** грант берилади;
- (б) республика босқичи **10 та** йўналиш бўйича ўтказилади, мукофот жамғармаси Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармасидан **10 миллиард сўм** этиб белгиланади.

6. Энг яхши ғоялар (идеатонлар) ва IT ечимлар (хакатонлар) танловлари ғолибларига қуйидагиларни тақдим этишга рухсат этилсин:

(а) давлат венчур жамғармалари томонидан – бошланғич даражадаги стартап лойиҳаларга инкубация ёки акселерация дастурларида иштирок этиш шарти билан **20 минг АҚШ доллари** эквивалентигача миқдорда маблағларни **конвертацияланадиган** (кейинчалик стартап устав капиталидаги улушга айлантирилиши мумкин бўлган) **қарз** сифатида;

(б) рақамли технологиялар соҳасидаги стартап лойиҳаларга – “Рақамли стартаплар” дастури доирасида **10 минг АҚШ доллари** эквивалентигача маблағларни **грант** сифатида.

III. Стартап лойиҳани ишлаб чиқиш босқичи

7. **2027 йилдан бошлаб** қуйидагиларда лаборатория ва ускуна (3D-принтер), рақамли инфратузилма, экспертлар, коворкинг зоналари, юридик хизматлар, тест полигонлари ва молиялаштириш инструментларига эга **тадқиқот ва ишланма марказлари** (R&D center) ташкил қилинсин:

(а) Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Инновацион ривожланиш агентлиги томонидан – босқичма-босқич ёшлар технопаркларида ва олий таълим ташкилотларида;

(б) Рақамли технологиялар вазирлиги томонидан – Нурафшон шаҳрида.

8. Белгилаб қўйилсинки, синовдан ўтказиш учун саралаб олинган йилига **10 тагача** истиқболли лойиҳаларга **намунавий модель** (MVP) яратиш харажатларининг **50 фоизигача** қисми, бироқ, **50 минг АҚШ долларидан** ошмаган миқдордаги маблағларни қоплаб бериш учун қуйидагилар ҳисобидан **“R&D” ваучер** тақдим этилади:

(а) Ёшлар технопаркларида ва олий таълим ташкилотларида – Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси;

(б) Рақамли технологиялар вазирлигида – “Рақамли стартаплар” дастури доирасидаги маблағлар.

9. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда олий таълим ташкилотларининг **2026 йил 1 сентябрдан** бошлаб **1-иловага** мувофиқ олий таълим ташкилотларида **“Олийгоҳлар – стартаплар генератори” дастурини** амалга ошириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин. Бунда:
- (а) **олий таълим ташкилотларида** IT-парк ва венчур жамғармалар билан ҳамкорликда **талабалар акселераторлари** жорий этилади;
 - (б) талабалар учун нуфузли халқаро акселераторлар ва университетлар билан стажировка ва алмашинув дастурлари йўлга қўйилади;
 - (в) олий таълим ташкилотларига талабалар ва илмий ходимларнинг **истиқболли стартап лойиҳаларига** инкубация марказлари ва талабалар акселераторлари орқали ҳар бир лойиҳага **20 минг АҚШ долларигача** эквивалентда ўз маблағларини **инвестиция қилиш** ҳуқуқи берилади;
 - (г) талабалар акселераторларида **“стартап менежер”** ва **“стартап трекер”** лавозимлари кўзда тутилади.
10. **2026 йилдан бошлаб ҳар йили** ёшларнинг энг яхши бизнес ва стартап лойиҳаларини аниқлаш ва рағбатлантириш бўйича **“Ёш тадбиркорлар” чемпионати** ўтказилиши йўлга қўйилсин ҳамда унинг натижалари бўйича қуйидагилар белгилансин:
- (а) **100 тагача** бизнес ва стартап лойиҳаларнинг ҳар бирига Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси ва **“Yoshlar ventures”** венчур жамғармаси маблағлари ҳисобидан **1 миллиард сўмгача** инвестиция киритилади;
 - (б) Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш давлат мақсадли жамғармасига ажратилган маблағлар доирасида стартап ва бизнес лойиҳаларни брендга айлантириш учун молиявий ва маркетинг хизматлари бўйича экспертларнинг базавий ҳисоблаш миқдорининг **100 бараваригача** миқдорда харажатлари тўлаб берилади;
 - (в) Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси кенгаши чемпионат ғолибларини давлат мукофотлари, **“Фаол тадбиркор”** ва **“Ўзбекистон белгиси”** кўкрак нишонларига тавсия этиш учун ваколатли органларга таклифлар киритади.

IV. Стартап лойиҳани ишга тушириш босқичи

11. Белгилансинки, 2026 йил 1 апрелдан бошлаб “Рақамли стартаплар” дастурида иштирок этувчи стартап лойиҳаларга **IT-парк резиденти** мақоми берилади ҳамда уларга қонунчиликда белгиланган экспортнинг минимал кўрсаткичлари талабсиз тегишли имтиёз ва преференциялардан фойдаланишга рухсат берилади.

12. 2026 йил 1 апрелдан бошлаб Стартап экотизимининг ягона электрон платформаси (кейинги ўринларда – Платформа)да рўйхатдан ўтган стартап экотизими иштирокчиларига:

(а) 1-иловага мувофиқ масъул ташкилотлар томонидан тегишли соҳаларга оид стартап лойиҳалар бўйича қуйидаги **харажатлар қоплаб берилсин:**

(i) тегишли йўналишлардаги ўқув курсларида **ўқиш** ва **сертификат олиш** ҳамда **нуфузли акселерация ва инкубация дастурларида иштирок этиш** билан боғлиқ харажатларнинг **50 фоизигача** бўлган, бироқ **20 минг АҚШ доллари** эквивалентидан ошмаган миқдорда;

(ii) **патентлаш** ҳамда интеллектуал фаолият натижалари ва савдо белгиларини **рўйхатдан ўтказиш;**

(б) Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси ҳисобидан ёшлар стартап лойиҳалари бўйича қуйидагилар ажратилсин:

(i) стартап студиялар, инкубация ва акселерация марказларини ташкил этиш учун йилига **20 тагача** лойиҳага **1 йил** имтиёзли давр билан **5 йилгача** муддатга **5 миллиард сўмгача** фоизсиз қарз (ссуда);

(ii) маҳаллий инкубация ёки акселерация дастурларида иштирок этиш билан боғлиқ бадал тўловлари учун ойма-ой ажратиладиган ва умумий миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг **100 бараваридан** ошмаган **грант.**

13. 2026 йил 1 апрелдан бошлаб ҳудудларда бевосита Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари раҳбарлигида **Стартаплар клуби** ташкил этилсин ва уларга стартап ташаббускорлари билан **ҳар ой** учрашиш, давлат органлари билан юзага келган масалалари бўйича амалий кўмак кўрсатиш ҳамда ушбу ҳудуддаги йирик тадбиркорлик субъектларини стартап лойиҳаларга бириктириш вазифалари юкланади.

14. 2026 йилдан бошлаб ҳар йили “Стартап экспо” кўргазмаси ўтказилиши йўлга қўйилсин ва унинг доирасида:

- (а)** тадбирларни Савдо-саноат палатаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, Марказий банк, Ёшлар ишлари агентлиги, Инновацион ривожланиш агентлиги ташкил қилсин;
- (б)** стартап лойиҳалар ташаббускорларининг ғоялари ва маҳсулотлари инвесторлар, венчур жамғармалар, йирик корхоналар, давлат идоралари ва олий таълим ташкилотларига тақдимот қилинсин.

15. Платформадаги муваффақиятли стартаплар реестрига киритилган лойиҳалар билан бюджет буюртмачилари ўртасида давлат харидлари доирасида тузиладиган шартномаларда олдиндан тўлов миқдори **500 миллион** сўмгача бўлган харидлар бўйича **50 фоиз**, **500 миллион** сўмдан юқори бўлган харидлар бўйича **30 фоиз** этиб белгилансин.

V. Стартап лойиҳани масштаблаштириш (экспорт қилиш) босқичи

16. Солиқ ва муддати ўтган дебитор қарздорлиги мавжуд бўлмаган ҳамда солиқ хавфи паст бўлган **Платформадаги муваффақиятли стартаплар реестридаги лойиҳаларга** хорижий давлатларда корхоналар ташкил қилиш ва уларнинг устав фондини шакллантиришга (устав фондида иштирок этишга) ёки филиалларни айланма маблағлар билан тўлдиришга алоҳида қарорларсиз йилига **500 минг АҚШ долларигача** маблағларни **хорижий ҳисоб рақамларга ўтказишга** рухсат берилсин.

17. Қуйидагилар:

- (а)** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Рақамли технологиялар вазирлиги, Марказий банк, Ёшлар ишлари агентлиги, Инновацион ривожланиш агентлиги ва Савдо-саноат палатаси билан биргаликда **уч ой муддатда** хорижий давлатларда стартапларни ёки уларнинг филиалини ташкил қилган **стартап лойиҳаларнинг рўйхатини тузсин** ва Ташқи ишлар вазирлигига тақдим этсин;

(б) Ташқи ишлар вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **2026 йилда** стартап лойиҳалар рўйхати асосида тегишли давлатлар ҳудудига кириш учун виза талабларини енгиллаштириш юзасидан музокараларни амалга оширсин ва яқунлари бўйича таклифлар киритсин.

VI. Тўрт босқичли стартап экотизимининг ташкилий чора-тадбирлари

18. Рақамли технологиялар вазирлиги **икки ой муддатда** IT-парк ҳузурида мазкур қарорга **2-иловага** мувофиқ вазифаларни амалга оширадиган **Молиявий консултация ва юридик ёрдам хизматини** ташкил қилсин.

19. Белгилансинки:

(а) Молиявий консултация ва юридик ёрдам хизмати томонидан хизматлар стартап лойиҳаларга улар Платформада рўйхатдан ўтган санадан бошлаб **12 ойгача** бўлган муддатда **бепул** кўрсатилади;

(б) IT-паркка ушбу хизматларни кўрсатиш учун аутсорсинг ташкилотларини жалб қилиш ҳуқуқи берилади.

20. Стартап экотизимини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш **3-иловага** мувофиқ янгиланган таркибда тасдиқлансин ва унга қуйидаги вазифалар юклансин:

(а) стартап экотизимининг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш, стартап экотизимини ривожлантиришнинг **йўналишларини**, энг муҳим самарадорлик **кўрсаткичларини** (KPI), **стартап экотизими иштирокчиларини** қўллаб-қувватлаш тартибларини белгилаш ҳамда уларни амалга ошириш бўйича “йўл хариталари”ни тасдиқлаш;

(б) стартап экотизими иштирокчилари фаолиятини **мувофиқлаштириш**, стартапларни барча босқичларда қўллаб-қувватлаш ишларини ташкил этиш;

(в) стартап лойиҳани амалга оширишда молиялаштириш, инфратузилма ва тартибга солиш билан боғлиқ **муаммоларни ҳал этиш**, тизимли масалалар юзасидан қонунчиликни такомиллаштириш бўйича **таклифлар ишлаб чиқиш**;

(г) стартап экотизимида амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини таҳлил қилиш мақсадида **чораклик йиғилишлар** ўтказиб бориш.

VII. Молиявий ресурслар

21. Тўрт босқичли стартап экотизимини молиялаштириш учун **2026–2027 йилларда** жами **160 миллион АҚШ доллари** ва **130 миллиард сўм** миқдоридаги маблағлар йўналтирилсин, хусусан:

(а) технологиялар соҳасидаги стартап ва бизнес лойиҳалар учун **Жаҳон банкидан** жалб қилинадиган **100 миллион АҚШ доллари**;

(б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 октябрдаги ПҚ–320-сон қарорига мувофиқ “Фондлар фонди” ва “IT Park Ventures” венчур жамғармаларига Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан 2026–2027 йилларда ажратиладиган **50 миллион АҚШ доллари**;

(в) Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси ва “Yoshlar ventures” венчур жамғармасига ажратиладиган **10 миллион АҚШ доллари эквиваленти** миқдоридаги маблағлар;

(г) Инновацион ривожланиш агентлиги томонидан ўтказиладиган танлов асосида стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва инфратузилмани ривожлантириш учун Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармасига ажратиладиган маблағлар доирасида **30 миллиард сўм**;

(д) “UzVC” миллий венчур фондига Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ҳисобидан 2026–2027 йилларда тенг миқдорларда ажратиладиган **100 миллиард сўм**.

VIII. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

22. Тўрт босқичли стартап экотизимини йўлга қўйиш бўйича “йўл харитаси” **4-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига **5-иловага** мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

24. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Рақамли технологиялар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

25. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров белгилансин.

26. Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Ш.Мирзиёев

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 11 февралдаги ПҚ–59-сон қарорига
1-илова

**Стартап экотизимининг йўналишлари бўйича бириктирилган масъул ташкилотлар,
олий таълим ташкилотлари ҳамда банклар рўйхати**

Т/р	Соҳа (йўналиш)	Масъул ташкилот	Олий таълим ташкилоти	Ҳамкорлик қилувчи банк
1.	Рақамли технологиялар, сунъий интеллект (IT, AI)	Рақамли технологиялар вазирлиги	Тошкент ахборот технологиялари университети	АТ “Алоқабанк”
2.	Молиявий технологиялар (FinTech)	Марказий банк	Тошкент шаҳридаги Инха университети	“Ўзмиллийбанк” АЖ
3.	Тиббиёт (HealthTech)	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	Тошкент давлат тиббиёт университети	“Микрокредитбанк” АТБ
4.	Фармацевтика	Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги	Тошкент фармацевтика институти	“Асакабанк” АЖ
5.	Қишлоқ хўжалиги (agritech)	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	Тошкент давлат аграр университети	“Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ
6.	Сув хўжалиги (water tech)	Сув хўжалиги вазирлиги	“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети	“Агробанк” АТБ
7.	Киберхавфсизлик	Ички ишлар вазирлиги	“Cyber university” давлат университети	АТ “Халқ банки”
8.	Таълим ва илм-фан	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги	“Янги Ўзбекистон” университети	“Туронбанк” АТБ
9.	Энергия тежамкорлик	Энергия самарадорлиги миллий агентлиги	Тошкент шаҳридаги Амита университети	“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ

Изоҳ: Стартап экотизимини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш ушбу рўйхатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқига эга.

**IT-парк ҳузуридаги Молиявий консўльтация ва юридик ёрдам
хизматининг асосий вазифалари**

1. Солиқ, молиявий операциялар ва бухгалтерия ҳисоби, инвестиция ва ташқи иқтисодий фаолият соҳаларида IT компаниялар ва стартап лойиҳаларни консўльтатив қўллаб-қувватлаш, шунингдек, имтиёзлар ва преференцияларни қўллаш масалаларида услубий ёрдам кўрсатиш.
2. IT компаниялар ва стартап лойиҳалар манфаатларини ҳуқуқий таъминлаш ва ҳимоя қилиш, шу жумладан, ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, юридик маслаҳатлар бериш, интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш.
3. “Ягона дарча” тамойили бўйича юридик шахсларни рўйхатдан ўтказиш, банк ҳисобварақларини очиш, лицензия ва рухсат берувчи ҳужжатларни олиш, шунингдек, давлат хизматларини олиш бўйича хизматлар кўрсатиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 11 февралдаги ПҚ–59-сон қарорига
3-илова

**Стартап экотизимини ривожлантириш бўйича
мувофиқлаштирувчи кенгаш
ТАРКИБИ**

Ж.А. Қўчқоров	– Бош вазир ўринбосари, <i>Кенгаш раиси</i>
Б.Б. Ходжаев	– Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси департамент бошлиғи, <i>Кенгаш раиси ўринбосари</i>
Т.А. Ишметов	– Марказий банк раиси
Ш.Х. Шерматов	– рақамли технологиялар вазири
К.А. Шарипов	– олий таълим, фан ва инновациялар вазири
Э.Г. Каримова	– мактабгача ва мактаб таълими вазири
А.А. Худаяров	– соғлиқни сақлаш вазири
И.Ю. Абдураҳмонов	– қишлоқ хўжалиги вазири
Ш.Р. Хамраев	– сув хўжалиги вазири
И.И. Норқулов	– иқтисодиёт ва молия вазирининг биринчи ўринбосари
А.З. Саъдуллаев	– Ёшлар ишлари агентлиги директори
Д.А. Ваҳобов	– Савдо-саноат палатаси раиси
<i>Лавозими бўйича</i>	– Инновацион ривожланиш агентлиги директори
Д.Г. Хашимов	– “UzVC” миллий венчур фонди” масъулияти чекланган жамият бош директори
Т.Н. Хусанов	– Иқтисодиёт ва молия вазирлиги департамент бошлиғи, <i>Кенгаш котиби</i>

Изоҳ: *Кенгаш аъзолари бошқа ишга ўтганда, унинг таркибига ушбу лавозимга янги тайинланган ёки зиммасига тегишли вазифаларни бажариш юкланган шахслар киритилади.*

Тўрт босқичли стартап экотизимини йўлга қўйиш бўйича
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
I. Стартап ғояларни шакллантириш босқичи				
1.	Краудсорсинг тизимини жорий этиш	“Startupbase” ахборот тизимида краудсорсинг платформасини жорий этиш.	2026 йил март	Рақамли технологиялар вазирлиги (Шерматов)
2.	“Моҳирлик ва бизнес соати” тадбирларини ўтказиш	<p>1. “Моҳирлик ва бизнес соати” тадбирлари ўтказиладиган таълим ташкилотлари рўйхатини белгилаш ва уни кенгайтириб бориш.</p> <p>2. “Моҳирлик ва бизнес соати”нинг ўқув дастурини ишлаб чиқиш.</p> <p>3. “Моҳирлик ва бизнес соати” бўйича ўқитувчиларни тайёрлаш ёки тегишли мутахассисларни жалб қилиш.</p> <p>4. Ўқувчилар ўртасида “Энг яхши стартап ғояси” танловни ўтказиш тартибини тасдиқлаш. Бунда туман даражасидаги ғолибларга – 5 миллион сўмгача, вилоят даражасида 10 миллион сўмгача миқдорда мукофот берилиши, уларнинг лойиҳаларига Ёшлар ишлари агентлиги ва IT-парк ҳамроҳлик қилиши кўзда тутилади.</p> <p>5. Давлат бюджети параметрларида ўқувчиларга кичик грантлар ажратиш учун зарур маблағларни кўзда тутиш.</p>	<p>2026 йил май, ҳар йили 1 майга қадар</p> <p>2026 йил август</p> <p>2026 йил май</p> <p>2027 йилдан бошлаб ҳар йили</p>	<p>Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Шарипов), Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Каримова), Ёшлар ишлари агентлиги (Саъдуллаев), Инновацион ривожланиш агентлиги</p> <p>Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Норқулов)</p>

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
3.	“Энг инновацион ғоя” республика танловини ўтказиш	<p>“Энг инновацион ғоя” республика танловини ўтказиш тартиби тўғрисида Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш. Бунда қуйидагиларни кўзда тутиш:</p> <p>(а) танлов биринчи босқичда барча давлат олий таълим ташкилотларида олийгоҳ даражасида ўтказилади ва ғолибларга олий таълим ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан 100 миллион сўм грант берилади;</p> <p>(б) республика босқичи 10 та йўналиш бўйича ўтказилади, мукофот жамғармаси Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармасидан 10 миллиард сўм этиб белгиланиб, ҳар бир йўналишга 1 миллиард сўмдан ажратилади;</p> <p>(в) танлов ғолиблари хорижий давлатларга стажировкага ҳамда инкубация ва акселерация дастурларига юборилади.</p>	2026 йил май	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (<i>Шарипов</i>), Инновацион ривожланиш агентлиги, олий таълим ташкилотлари
4.	Идеатон ва ҳакатон танловларини ўтказиш	<p>Танловни қуйидаги босқичларда ўтказиш:</p> <p>(а) умумий ўрта ва касбий таълим ташкилотларининг юқори синф (босқич) ўқувчилари ўртасида идеатон танловларини ўтказиш;</p> <p>(б) идеатон босқичидан муваффақиятли ўтган ўқувчилар ўртасида ҳакатон танловини ўтказиш;</p> <p>(в) республика финал босқичида сараланган энг яхши 200 та лойиҳа эгалари учун “Стартап оромгоҳи”ни ташкил этиш.</p>	2026 йилдан бошлаб ҳар йили	Ёшлар ишлари агентлиги (<i>Саъдуллаев</i>), Рақамли технологиялар вазирлиги (<i>Шерматов</i>), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (<i>Шарипов</i>), Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (<i>Каримова</i>)
5.	Ёшларнинг стартап, бизнес ва креатив ғояларини шакллантириш ва лойиҳаларини	1. Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси ва “Yoshlar ventures” венчур жамғармаси ҳисобидан:	2026 йилдан бошлаб ҳар йили	Ёшлар ишлари агентлиги (<i>Саъдуллаев</i>)

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
	амалга оширишга қаратилган дастурларни йўлга қўйиш	<p>(а) қуйидаги дастурларни амалга ошириш: стартап йўналишида – “Uz-Combinator” интенсив инкубация дастури; бизнес ва тадбиркорлик йўналишида – “Business-Combinator” дастури; креатив маҳсулотлар яратиш йўналишида – “Creative-Combinator” дастури;</p> <p>(б) дастурлар доирасида ёшларни ўқитиш учун зарур шарт-шароит ва моддий техника билан таъминлаш;</p> <p>(в) истиқболли ташаббусга эга ёшларни танлаб олиш ва ўқитиш ҳамда дастур иштирокчиларига базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 баравари миқдорида бир марталик мукофот пули тўлаб бериш;</p> <p>(г) заруратга кўра, бошқа соҳа ва йўналишларда ҳам “Combinator” дастурларини жорий этиш орқали ёшларни қўллаб-қувватлаш имкониятларини кенгайтириш.</p> <p>2. Дастурларни муваффақиятли тугатган ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш, шу жумладан, “Yoshlar ventures” венчур жамғармаси ҳисобидан уларнинг лойиҳаларига улуш ва инвестиция киритиш орқали қўллаб-қувватлаш.</p>		
6.	Краудфандинг фаолиятини тартибга солиш	<p>Краудфандинг фаолиятини тартибга солиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш. Бунда қуйидагиларни назарда тутиш:</p> <p>(а) краудфандинг тушунчаси (рақамли платформа орқали лойиҳаларни амалга ошириш учун жамоавий равишда пул маблағларини жалб этиш);</p> <p>(б) краудфандинг асосий моделлари, иштирокчилар ва платформа операторларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.</p>	2026 йил сентябрь	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Норқулов), Рақамли технологиялар вазирлиги (Шерматов), Адлия вазирлиги (Ташкулов), Марказий банк (Ишметов)

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
7.	Ёшларнинг истиқболли стартап лойиҳалари тақдимотини ўтказиш	<p>“Yoshlar ventures” венчур жамғармаси маблағлари ҳисобидан:</p> <p>(а) ёшлар томонидан ишлаб чиқилган стартап лойиҳаларнинг очиқ тақдимотини (pitch) ўтказиш ҳамда баҳолаш;</p> <p>(б) истиқболли стартапларни танлаб олиш ва уларга венчур фондлар маблағлари ҳисобидан инвестиция киритиш;</p> <p>(в) Ёшлар ишлари агентлиги биносида зарур қулайликларга эга тақдимотлар майдони (Pitch Arena) ташкил этиш.</p>	2026 йилдан бошлаб ҳар йили	Ёшлар ишлари агентлиги (<i>Саъдуллаев</i>), Инновацион ривожланиш агентлиги
II. Стартап лойиҳани ишлаб чиқиш босқичи				
8.	“Ёш тадбиркорлар” чемпионатини ташкил этиш	<p>Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш жамғармаси кенгаши қарори билан “Ёш тадбиркорлар” чемпионатини ўтказиш тартибини тасдиқлаш ва унда қўйидагиларни назарда тутиш:</p> <p>(а) Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш давлат мақсадли жамғармасида Глобал тадбиркорлар лойиҳа офисини ташкил этиш;</p> <p>(б) нуфузли халқаро стартап акселераторлари, инновация марказлари ва инвестиция тузилмалари (Startup Chile, HiCool Global Entrepreneurs Competition, Startup India, Plug and Play каби) ҳамда юқори малакали маҳаллий ва хорижий экспертлар (консультантлар) билан шартнома асосида ҳамкорлик қилиш;</p> <p>(в) ёшларнинг энг яхши бизнес ва стартап лойиҳаларини аниқлаш ва рағбатлантириш тартибини тасдиқлаш;</p>	2026 йил март	Ёшлар ишлари агентлиги (<i>Саъдуллаев</i>), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (<i>Норқулов</i>)

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
		(г) чемпионат ғолибларини нуфузли хорижий акселераторлар ва компанияларга амалиёт ўташ дастурларига юбориш.		
9.	Стартап ғояларни молиялаштиришни кенгайтириш мақсадида “Бизнес-фаришталар” фаолиятини рағбатлантириш	Стартап лойиҳаларининг устав капиталига инвестиция маблағларини киритган инвесторлар (“бизнес-фаришталар”) ушбу ўлушни камида 3 йилдан кейин сотганда, сотишдан олинган даромад (фойда) суммасини солиқдан озод қилиш орқали стартапларга инвестиция киритишни рағбатлантириш механизмини жорий қилишнинг мақсадга мувофиқлигини ўрганиш, натижалари бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш.	2026 йил май	Рақамли технологиялар вазирлиги (<i>Шерматов</i>), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (<i>Хайдаров</i>)
10.	Стартап лойиҳанинг прототипини ишлаб чиқиш учун инфратузилма яратиш	<p>1. Тадқиқот ва ишланма марказлари (R&D center) ташкил этиладиган Ёшлар технопарклари ва олий таълим ташкилотлари рўйхатини белгилаш.</p> <p>2. Синовдан ўтказиш учун саралаб олинган йилига 10 тагача истиқболли лойиҳаларга намунавий модель (MVP) яратиш харажатларининг 50 фоизигача қисми, бироқ 50 минг АҚШ долларидан ошмаган миқдордаги маблағларни қоплаб бериш учун тегишинча Ёшлар ишлари агентлиги ҳузуридаги Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш жамғармаси ва “Рақамли стартаплар” дастури ҳисобидан молиялаштириладиган “R&D” ваучер тақдим этиш тартибини тасдиқлаш.</p> <p>3. Олийгоҳлардаги лаборатория ва инкубация марказларидан мактаб ўқувчилари ҳам фойдаланадиган тизимни йўлга қўйиш.</p>	<p>2026 йил март</p> <p>2026 йил апрель</p> <p>2026 йил апрель</p>	<p>Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (<i>Шарипов</i>), Инновацион ривожланиш агентлиги</p> <p>Стартап экотизимини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш (<i>Қўчқоров</i>)</p> <p>Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (<i>Шарипов</i>),</p>

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
				Рақамли технологиялар вазирлиги (<i>Шерматов</i>)
11.	Трекерлар тайёрлаш дастурини амалга ошириш	IT-парк ва унинг филиалларида стартапларга профессионал асосда кўмаклашувчи мутахассисларни тайёрлашга мўлжалланган Трекерлар тайёрлаш дастурини жорий этиш.	2026 йил март	Рақамли технологиялар вазирлиги (<i>Шерматов</i>)
12.	“Олийгоҳлар – стартаплар генератори” дастурини амалга ошириш	<p>1. “Олийгоҳлар – стартаплар генератори” дастурини амалга ошириш тартибини тасдиқлаш.</p> <p>2. Дастурда иштирок этадиган олий таълим ташкилотлари рўйхатини кенгайтириш бўйича таклиф киритиш.</p>	2026 йил май 2027 йил апрель	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (<i>Шарипов</i>), Рақамли технологиялар вазирлиги (<i>Шерматов</i>), олий таълим ташкилотлари
13.	Ёшларнинг стартап яратиш бўйича билим ва кўникмаларини ошириш	Ёшларга стартап яратиш бўйича билим ва кўникмаларни ўргатишга қаратилган бепул онлайн таълим платформасини ишга тушириш. Бунда: (а) онлайн таълим платформасида таълим модуллари, интерактив дарслар, менторлик хизмати, инвесторлар билан боғланиш, онлайн ҳамжамият ва автоматлашган бизнес воситалари ва бошқа имкониятларни ишга тушириш; (б) платформани яратиш ва сақлаш харажатларини “Yoshlar ventures” венчур жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга ошириш.	2026 йил ноябрь	Ёшлар ишлари агентлиги (<i>Саъдуллаев</i>)
III. Стартапни ишга тушириш босқичи				
14.	Стартап лойиҳаларнинг харажатларини қоплаб бериш	1. Стартап экотизимининг ягона электрон платформасида рўйхатдан ўтган стартап ташаббускорларига мазкур қарорга 1-иловага мувофиқ соҳалар бўйича харажатларни масъул ташкилотлар томонидан қоплаб бериш тартибини тасдиқлаш.	2026 йил март	Стартап экотизимини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш (<i>Қўчқоров</i>)

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
		2. Ўқиш харажатлари қопланадиган ўқув курслари ҳамда нуфузли акселерация ва инкубация дастурлари рўйхатини белгилаш.	2026 йил март	
15.	Рақамли технологиялар йўналишида миллий ва халқаро танловлар ўтказиш тартибини такомиллаштириш	<p>Миллий стартап экотизимини янада бойитиш ва халқаро тажрибани жалб қилиш мақсадида қуйидагиларни кўзда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш:</p> <p>(а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг соврини учун “Рақамли технологиялар йўналишида энг яхши стартап” (President Tech Award) танлови умумий мукофот жамғармасини 1 миллион АҚШ долларида 5 миллион АҚШ долларига кўпайтириш. Бунда қўшимча ажратиладиган маблағлар эса грант шаклида эмас, балки инвестиция кўринишида тақдим этилишини кўзда тутиш;</p> <p>(б) хорижий стартап лойиҳалар ва уларнинг таъсисчиларини Ўзбекистонга жалб этишни кўзда тутувчи умумий мукофот жамғармаси 5 миллион АҚШ доллари бўлган “Стартаплар макони” (“Land of Startups”) янги халқаро танловини жорий этиш.</p>	2026 йил апрель	Рақамли технологиялар вазирлиги (Шерматов)
16.	Ёшлар, ёш стартап ва бизнес вакилларининг тадбиркорлик салоҳиятини ошириш ва бозордаги фаол иштирокини таъминлаш	<p>1. Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари ҳисобидан бизнес-форумлар, ўқув оромгоҳлари, маҳсулот ва хизматлар кўргазмалари, тажриба алмашиш дастурлари ҳамда танловлар ташкил этиш бўйича режа-графикни тасдиқлаш.</p> <p>2. Тасдиқланган режа-графикларга асосан чора-тадбирларни амалга ошириш.</p>	2026 йилдан бошлаб ҳар йили март ойида 2026–2030 йилларда	Ёшлар ишлари агентлиги (Саъдуллаев)

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
17.	Муваффақиятли амалга оширилган стартап лойиҳалар натижасида яратилган маҳсулотлар ва хизматларнинг давлат харидлари тизимида сотилишини йўлга қўйиш	Стартап экотизимининг ягона электрон платформасида муваффақиятли стартаплар реестридаги стартап лойиҳалар натижасида яратилган маҳсулот ва хизматлар бўйича давлат харидлари электрон тизимларида жойлаштирилган оферта ҳамда тузилган шартномалар тўғрисидаги маълумотларни акс эттирувчи саҳифани давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталида яратиш.	2026 йил май	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (<i>Норқулов</i>), Рақамли технологиялар вазирлиги (<i>Шерматов</i>)
18.	Стартаплар клубини ташкил этиш	<ol style="list-style-type: none"> 1. Худудларда бевосита Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари раҳбарлигида стартап лойиҳалар ҳамда худуддаги йирик тадбиркорлик субъектларидан иборат Стартаплар клубини ташкил қилиш. 2. Салоҳиятли стартап лойиҳаларга йирик тадбиркорлик субъектларини бириктириш амалиётини жорий қилиш. 3. Стартаплар клубида стартаплар ҳамда масъул идоралар билан биргаликда доимий давра суҳбатлари ташкил қилиш. 	2026 йил апрель Доимий Доимий	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, Савдо-саноат палатаси (<i>Д.Ваҳобов</i>)
19.	“Стартап экспо” кўргазмасини ўтказиш	“Стартап экспо” кўргазмасини ташкил қилиш тартиби тўғрисида Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2026 йил март	Савдо-саноат палатаси (<i>Ваҳобов</i>), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (<i>Норқулов</i>), Рақамли технологиялар вазирлиги (<i>Шерматов</i>), Ёшлар ишлари агентлиги (<i>Саъдуллаев</i>)

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
IV. Стартапни масштаблаштириш (экспорт қилиш) босқичи ва ташкилий чора-тадбирлар				
20.	Маҳаллий стартапларни халқаро миқёсда ривожлантириш	<p>1. TechCrunch, AlchemistX, Кремний водийси резидентлиги дастури ҳамда “Silkroad Innovation Hub” каби етакчи глобал акселерация ва инкубация дастурлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш. Бунда:</p> <p>(а) етакчи глобал акселерация ва инкубация дастурлари билан музокаралар ўтказиш ва ҳамкорлик ўрнатиш;</p> <p>(б) хорижий бозорга чиқиш имкониятига эга стартапларга халқаро инкубация ёки акселерация дастурларида иштирок этишига кўмаклашиш.</p> <p>2. “Yoshlar ventures” венчур жамғармасининг АҚШнинг Кремний водийсида ўзбекистонлик ёшлар ва маҳаллий стартап асосчиларини халқаро бозордаги йирик компаниялар, инвестор ва акселераторлар билан тўғридан-тўғри боғлайдиган Стартап лойиҳалари офисини ташкил этиш.</p>	2026 йил якунига қадар	Ёшлар ишлари агентлиги (Саъдуллаев), Рақамли технологиялар вазирлиги (Шерматов), Ташқи ишлар вазирлиги (Саидов)
21.	Стартап экотизимини мувофиқлаштириш	<p>1. Стартап экотизими иштирокчиларини қўллаб-қувватлаш тартибларини тасдиқлаш.</p> <p>2. Стартап экотизимини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашнинг йиғилишларини ўтказиб бориш.</p>	2026 йил март Ҳар чорақда	Стартап экотизимини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш (Қўчқоров)
22.	Стартап экотизимининг ягона электрон платформасини жорий этиш	<p>“Startupbase” ахборот тизими негизида қуйидаги имкониятларга эга Стартап экотизимининг ягона электрон платформасини жорий этиш:</p> <p>(а) стартап экотизими иштирокчилари, жумладан, соҳалар ва ҳудудлар кесимида стартап лойиҳалар, шундан, инвестиция олган стартаплар,</p>	2026 йил март	Рақамли технологиялар вазирлиги (Шерматов), Марказий банк (Ишметов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Норқулов),

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
		муваффақиятли стартаплар, венчур фондлар, “бизнес-фаришталар”, акселерация ва инкубация дастурларининг электрон реестрларини юритиш; (б) стартап лойиҳаларини молиялаштирадиган ташкилотлар ҳамда улар томонидан молиялаштириш шартлари (term sheet); (в) краудсорсинг электрон платформасини жорий қилиш.		Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Худаяров), Ёшлар ишлари агентлиги (Саъдуллаев), Инновацион ривожланиш агентлиги
23.	Муваффақиятли стартаплар реестрини жорий этиш	Стартап экотизимининг ягона электрон платформасида муваффақиятли стартаплар реестрини юритиш тартибини тасдиқлаш.	2026 йил март	Стартап экотизимини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш (Қўчқоров)
24.	Стартаплар тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш	<p>1. Стартап экотизими ривожланган хорижий давлатларга Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Президент Администрацияси ҳамда масъул вазирлик ва идораларнинг масъул ходимларидан иборат ишчи гуруҳларнинг ташрифларини уюштириш.</p> <p>2. Стартап экотизими иштирокчилари билан муҳокамалар ўтказиш ҳамда қонун лойиҳасининг концепцияси юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Хорижий тажриба, стартап экотизими иштирокчилари таклифлари, амалдаги ҳолат ва қонунчилик базаси таҳлили асосида қўйидагиларни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва манфаатдор идоралар билан келишиш:</p> <p>(а) стартап экотизими иштирокчиларининг ҳуқуқий мақоми ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;</p> <p>(б) стартап экотизимини мувофиқлаштириш учун масъул орган, вазирлик ва идоралар вазифалари;</p> <p>(в) стартап экотизими иштирокчиларини қўллаб-қувватлаш чоралари ва инструментлари.</p>	<p>2026 йил февраль–июнь</p> <p>2026 йил сентябрь</p> <p>2027 йил март</p>	<p>Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Норқулов), Рақамли технологиялар вазирлиги (Шерматов), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Шарипов), Марказий банк (Ишметов), Ёшлар ишлари агентлиги (Саъдуллаев)</p>

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
		<p>4. Қонун лойиҳасини жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш, жумладан, давра суҳбатлари ташкил қилиш, Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича жамоатчилик кенгаши муҳокамасига киритиш.</p> <p>5. Қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	<p>2027 йил апрель</p> <p>2027 йил июнь</p>	
25.	Тўрт босқичли стартап экотизимини молиялаштириш	Стартап лойиҳалар учун Жаҳон банкдан жалб қилинадиган кредит линиясини Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурининг ташқи давлат қарзи жалб қилинган ҳолда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг манзилли рўйхатига киритиш чораларини кўриш.	2026 йил якунига қадар	Инвестицияларни жалб қилиш, саноатни ривожлантириш ва савдони тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси (<i>Ходжаев</i>), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (<i>Норқулов</i>), Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (<i>Кудратов</i>)
26.	Рақамли стартаплар дастурини такомиллаштириш	Рақамли стартаплар дастури иштирокчилари учун назарда тутилган қўллаб-қувватлаш механизмларини қўллаш тартибини белгиловчи низомларни мазкур қарор талабларидан келиб чиқиб қайта кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.	2026 йил март	Стартап экотизимини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш (<i>Қўчқоров</i>)
27.	Муваффақиятли стартапларни тарғиб қилиш	Муваффақиятли стартаплар тўғрисида мақола ва видеороликлар тайёрлаш, уларни ҳар чоракда ОАВ ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш, шунингдек, стартап эгалари томонидан ўз маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва тақдим этиш бўйича реалити шоуларни ташкил қилиш.	2026 йил апрелдан бошлаб доимий	Рақамли технологиялар вазирлиги (<i>Шерматов</i>), Ёшлар ишлари агентлиги (<i>Саъдуллаев</i>), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (<i>Шарипов</i>), Савдо-саноат палатаси (<i>Ваҳобов</i>), ЎзМТРК (<i>Джурабаев</i>)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 11 февралдаги ПҚ–59-сон қарорига
5-илова

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон
Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 июлдаги “Инвестициявий ва инфратузилмавий лойиҳаларнинг лойиҳаолди, давлат харидига доир тендер бўйича харид қилиш ҳужжатлари ва техник топшириқлар ҳамда шартномаларни экспертизадан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–332-сон қарорига 1-илованинг 2-банди “г” кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“г) молиялаштириш манбаидан қатъи назар, стратегик фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва/ёки қайта ишлашни кўзда тутувчи лойиҳалар (олтин изловчилар усулида қазиб олишдан ташқари, ҳамда ушбу Низомнинг 3-банди “б” кичик бандида кўрсатилган лойиҳалар бундан мустасно), шунингдек, қиймати 10 миллион АҚШ доллари эквивалентидан ортиқ бўлган давлат-хусусий шериклик (ДХШ) асосида амалга ошириладиган лойиҳалар. Бунда хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ва маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги битимлар (МТТБ), давлат-хусусий шериклик (ДХШ) асосида амалга ошириладиган лойиҳаларнинг лойиҳаолди ҳужжатлари ваколатли органларнинг тармоқ илмий-техник кенгашидан тегишли хулосалар олингандан сўнг улар бўйича тузилган битим шартлари асосида техник-технологик ва архитектура-қурилиш ечимлари ҳамда лойиҳанинг молиявий-иқтисодий самарадорлиги ва молиялаштириш манбаларининг мавжудлиги юзасидан экспертиза қилинади”.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 26 февралдаги “Мамлакатимизда рақамлаштириш соҳасидаги хизматлар экспортини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–87-сон қарорининг 9-банди “а” кичик бандида:

(а) биринчи хатбошидаги “IT-парк ваколатхонаси (филиали) фаолиятини” сўзларидан кейин “алоҳида юридик шахс сифатида” сўзлари билан тўлдирилсин;

(б) иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Бунда IT-парк дирекциясига хорижий мамлакатларда алоҳида юридик шахс сифатида ташкил этилган ваколатхоналар (филиаллар) фаолиятини йўлга қўйиш учун 2027 йил 1 январга қадар ҳар бир ваколатхона (филиал)га йилига 500 минг АҚШ доллари эквивалентигача молиялаштириш учун маблағ йўналтиришга рухсат бериш”.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 октябрдаги “Стартап лойиҳалар ва венчур молиялаштириш экотизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–357-сон қарорида:

(а) 2-банднинг “а” кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“а) қуйидаги талабларга мос келувчи стартап лойиҳалар:

фаолият давомийлиги — 5 йилгача;

календарь йилида жами даромади — 10 миллиард сўмдан ошмаган;

рақамли технологияларга асосланган, юқори ўсиш ва хорижий бозорларга чиқиш салоҳияти бўлган бизнес моделга эга;

стартап лойиҳалар экотизими платформасида рўйхатдан ўтган”;

(б) 11-банд ҳамда 2-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 14 февралдаги “Ёшлар тадбиркорлигини ҳамда уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган бизнес лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–60-сон қарорида:

(а) 4-банд “20 нафар тадбиркордан” сўзларидан кейин “ва экспертлардан” сўзлари билан тўлдирилсин;

(б) 11-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“11. Белгилансинки:

а) инкубация ёки акселерация дастурини муваффақиятли яқунлаган ёки стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун ўтказилган нуфузли танловларда ғолиб (совриндор) бўлган ёхуд бошқа венчур жамғармаларидан инвестиция жалб қилган стартап лойиҳаларга қуйидаги йўналишлар бўйича венчур жамғарма томонидан 5 миллиард сўмгача инвестиция ажратилади:

истиқболда муваффақиятга эришиш салоҳияти юқори бўлган намунавий моделни (MVP) ишлаб чиқиш жараёнидаги стартап лойиҳага – 500 миллион сўмгача;

Ўзбекистон бозорида муваффақиятли жорий қилинган стартап лойиҳага – 2 миллиард сўмгача;

хорижий бозорга чиқиш имкониятига эга бўлган стартап лойиҳага – 5 миллиард сўмгача;

б) Жамғарма томонидан қуйидаги харажатларни қоплаш учун субсидия ажратилади:

истиқболда муваффақиятга эришиш салоҳияти юқори бўлган стартап ғоянинг намунавий моделини (MVP) яратиш даражасига олиб чиқиш учун хорижий ва маҳаллий экспертлар, менторлар ва тренерларни жалб қилиш билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизигача, бироқ 100 миллион сўмдан ошмаган миқдорда;

стартап лойиҳалар бўйича ўрнатилган тартибда тасдиқланган йўналишлардаги ўқув курсларида ўқиш ва сертификат олиш ҳамда нуфузли акселерация ва инкубация дастурларида иштирок этиш билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизигача бўлган, бироқ 20 минг АҚШ доллари эквивалентидан ошмаган миқдорда;

патентлаш ҳамда интеллектуал фаолият натижалари ва савдо белгиларини рўйхатдан ўтказиш”;

(в) 12-банднинг учинчи хатбошиси “(консультантлар)ни” сўзидан кейин “ҳамда мутахассисларни” сўзлари билан тўлдирилсин;

(г) 1-илова қуйидаги мазмундаги ўнинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Ўзбекистонда фаолият юритаётган кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларини тизимли ривожлантириш, уларни йирик бизнес даражасигача олиб чиқиш, миллий брендларни халқаро бозорларга олиб чиқиш мақсадида “BIZCOMBINATOR” лойиҳасини амалга ошириш”;

(д) 3-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ёшлар тадбиркорлигини ҳамда уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган бизнес лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш инструментлари РЎЙХАТИ

Т/р	Қўллаб-қувватлаш чораси	Тақдим этувчи ташкилот/ молиялаштириш манбаи	Қўллаб-қувватлаш чораси тақдим этиладиган субъектлар	Фойдаланиш муддати
I. Кредитлар ажратиш*				

1.	<p>Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ресурслари ҳисобидан тадбиркорлик лойиҳаларига** тижорат банклари орқали Марказий банк асосий ставкасидан 4 фоизлик пункт юқори ставкада 100 миллион сўмгача имтиёзли кредитлар ажратиш.</p>	<p>“Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ, АТ “Алоқабанк”, тижорат банклари / Жамғарма</p>	<p>1. Якка тартибдаги тадбиркорлик субъекти сифатида фаолият юритувчи ёш фуқаролар. 2. Деҳқончилик ва ҳунармандчилик фаолияти билан шуғулланадиган ёшлар. 3. Ижтимоий солиқ тўлаган ўзини ўзи банд қилган ёш фуқаролар. 4. Таъсисчиси ёш фуқаро бўлган юридик шахс ташкил этган ҳолда фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектлари.</p>	<p>2 йиллик имтиёзли давр билан 7 йилгача</p>
<p>Бунда лойиҳа хусусиятидан келиб чиқиб, кредитнинг 50 фоизгача қисми айланма маблағларни тўлдириш учун очиқ кредит линияси асосида ҳар 12 ойда сўндириш шарти билан 24 ойгача муддатга ажратилиши мумкин.</p>	<p>Ҳар 1 йилда сўндириш шарти билан 5 йилгача</p>			
2.	<p>Жамғарма ресурслари ҳисобидан тадбиркорлик лойиҳаларига тижорат банклари орқали Марказий банк асосий ставкасидан 4 фоизлик пункт юқори ставкада 100 млн сўмдан юқори, бироқ 500 млн сўмдан ошмаган миқдорда имтиёзли кредитлар ажратиш.</p>		<p>1. Якка тартибдаги тадбиркорлик субъекти сифатида фаолият юритувчи ёш фуқаролар. 2. Деҳқончилик ва ҳунармандчилик фаолияти билан шуғулланадиган ёшлар. 3. Таъсисчиси ёш фуқаро бўлган юридик шахс ташкил этган ҳолда фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектлари.</p>	<p>2 йиллик имтиёзли давр билан 7 йилгача</p>
3.	<p>Жамғарма ресурслари ҳисобидан тадбиркорлик лойиҳаларига тижорат банклари орқали Марказий банк асосий ставкасидан 4 фоизлик пункт юқори ставкада 500 млн сўмдан юқори, 5 миллиард сўмгача имтиёзли кредитлар ажратиш.</p>		<p>1. Таъсисчиси ёш фуқаро бўлган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар. 2. Яратиладиган иш ўринларининг камида 50 фоизига ёшларни ишга жойлаштиришни назарда тутувчи лойиҳани амалга оширувчи юридик шахс ташкил этган ҳолда фаолият</p>	<p>2 йиллик имтиёзли давр билан 7 йилгача</p>

			кўрсатувчи кичик тадбиркорлик субъектлари.	
4.	Жамғарма ресурслари ҳисобидан минитрактор, культиватор, агротехник тадбирларни амалга ошириш, маҳсулотларни саралаш, сақлаш, қайта ишлаш, қадоқлаш ускуналарини харид қилиш ва суғориш тизимлари (қудуқлар бурғилаш) лойиҳалари учун қишлоқ хўжалиги кооперативларига тижорат банклари орқали Марказий банк асосий ставкасидан 4 фоизлик пункт юқори ставкада 5 миллиард сўмгача имтиёзли кредитлар ажратиш.		1. Аъзоларининг учдан икки қисмидан кўпроғини ёшлар ташкил этувчи қишлоқ хўжалиги кооперативлари. 2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 апрелдаги “Ёшларга ер ажратиш орқали уларнинг даромадларини ошириш ва бандлигини таъминлаш, шунингдек, янги ер майдонларини ўзлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–153-сон қарорига мувофиқ қишлоқ хўжалиги ерлари ажратилган ёшларга хизматлар кўрсатувчи қишлоқ хўжалиги кооперативлари.	
II. Компенсациялар тақдим этиш				
5.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 ноябрдаги “Кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–193-сон Фармонида белгиланган тартиб ва шартлар асосида ажратиладиган кредитлар ва лизинглар бўйича компенсация тақдим этиш.	“Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” АЖ	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 ноябрдаги “Кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–193-сон Фармонида белгиланган шартларга жавоб берадиган тадбиркорлик субъектлари.	3 йилгача муддатга
III. Жамғарма томонидан қарз ажратиш*** ҳамда стартапларни молиявий қўллаб-қувватлаш				
6.	Жамғарма томонидан унинг ресурслари ҳисобидан тадбиркорлик фаолияти учун бино ва иншоотларни қуриш, таъмирлаш, жиҳозлаш, шунингдек, бино ва иншоот, ишлаб чиқариш	Жамғарма	1. Таъсисчиси ёш фуқаро бўлган юридик шахс ташкил этган ҳолда фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектлари. 2. Яратиладиган иш ўринларининг камида 50 фоизига ёшларни (шу жумладан, “Ёшлар дафтари”га	1 йиллик имтиёзли давр билан 5 йилгача муддатга

	<p>фаолияти учун хомашё, технология ва асбоб-ускуналарни сотиб олиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 минг бараваригача миқдорда бўлиб-бўлиб тўлаш шрти билан қарз ажратиш.</p>		<p>кирганларни) ишга жойлаштириш бўйича лойиҳани амалга оширувчи юридик шахс ташкил этган ҳолда фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектлари.</p> <p>Бунда рўйхатнинг ушбу позициясида кўзда тутилган субъектлар:</p> <p>Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтинги шкаласи бўйича камида “ББ” (61 – 75 балл) кўрсаткичга эга;</p> <p>ажратиладиган маблағ қийматининг 125 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги мол-мулкни гаров таъминоти сифатида тақдим этган;</p> <p>камида 12 ойдан ортиқ муддат давомида фаолият кўрсатаётган;</p> <p>харид қилинадиган товар ва хизматлар қийматининг тўртдан бир қисми миқдоридида Жамғарма даромадини қўшган ҳолда ажратиладиган жами қарз маблағларини тенг улушларда бўлиб-бўлиб қайтариш юзасидан келишувга эришилган бўлиши лозим.</p> <p>Ҳукумат қарорига мувофиқ рўйхатнинг ушбу позициясида кўзда тутилган субъектларга нисбатан қўшимча талаблар белгиланиши мумкин.</p>	
7.	<p>Инкубация ёки акселерация дастурини муваффақиятли яқунлаган ёки стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун ўтказилган нуфузли танловларда ғолиб (совриндор) бўлган ёхуд бошқа венчур жамғармаларидан инвестиция жалб қилган:</p> <p>– истиқболда муваффақиятга эришиш</p>	<p>Венчур жамғарма / Жамғарма</p>	<p>Стартап лойиҳани амалга ошириш истагини билдирган ўн саккиз ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси кейинчалик юридик шахс ташкил этган ҳолда ёки таъсисчи ёш бўлган юридик шахс мақомидаги тадбиркорлик субъекти.</p>	–

	<p>салоҳияти юқори бўлган намунавий моделни (MVP) ишлаб чиқиш жараёнидаги стартап лойиҳага – 500 миллион сўмгача;</p> <p>– Ўзбекистон бозорида муваффақиятли жорий қилинган стартап лойиҳага – 2 миллиард сўмгача;</p> <p>– хорижий бозорга чиқиш имкониятига эга стартап лойиҳага – 5 миллиард сўмгача инвестиция ажратилади.</p>			
8.	<p>Истиқболда муваффақиятга эришиш салоҳияти юқори бўлган стартап ғоянинг намунавий моделини (MVP) яратиш даражасига олиб чиқиш учун хорижий ва маҳаллий экспертлар, менторлар ва тренерларни жалб қилиш билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизигача бўлган қисмини, бироқ 100 миллион сўмдан ошмаган миқдорда қоплаб бериш.</p>	Жамғарма	<p>Стартап лойиҳани амалга ошириш истагини билдирган ўн саккиз ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси.</p>	–
9.	<p>Стартаплар бўйича ўрнатилган тартибда тасдиқланган йўналишлардаги ўқув курсларида ўқиш ва сертификат олиш ҳамда нуфузли акселерация ва инкубация дастурларида иштирок этиш билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизигача бўлган, бироқ 20 минг АҚШ доллари эквивалентидан ошмаган миқдорда тўлаб бериш.</p>	Жамғарма	<p>Стартап лойиҳани амалга ошириш истагини билдирган ўн саккиз ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси.</p> <p>Бунда йўналишлар рўйхати Стартап экотизимини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан тасдиқланади.</p>	–
10.	<p>Ёшлар технопарки ва олий таълим ташкилотларида Тадқиқот ва ишланма марказларида (R&D center) синовдан ўтказиш учун саралаб</p>	Жамғарма	<p>Бунда ҳар йили саралаб олинган 10 тагача истиқболли лойиҳалар учун маблағ ажратилади.</p>	–

	олинган истиқболли лойиҳаларга намунавий модель (MVP) яратиш харажатларининг 50 фоизигача қисми, бироқ 50 минг АҚШ долларида олмаган миқдордаги харажатлар учун маблағ ажратиш.			
11.	Стартап-студиялар, инкубация ва акселерация марказларини ташкил этиш учун 1 йиллик имтиёзли давр билан 5 йилгача муддатга 5 миллиард сўмгача фоизсиз қарз (ссуда) ажратиш	Жамғарма	Юридик шахс ташкил этган ҳолда фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектлари. Бунда қарз (ссуда) стартап-студиялар, инкубация ва акселерация марказларини ташкил этиш бўйича режа Жамғарма кенгаши томонидан маъқулланганда ажратилади.	1 йиллик имтиёзли давр билан 5 йилгача муддатга
12.	Маҳаллий инкубация ёки акселерация дастурларида иштирок этиш билан боғлиқ бадал тўловлари учун ойма-ой жами базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баравари миқдоригача грант ажратиш.	Жамғарма	Стартап лойиҳани амалга ошириш истагини билдирган ўн саккиз ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан олмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси. Бунда тўловлар ойма-ой ажратилади.	–
13.	Ёшларнинг стартап лойиҳаларини патентлаш ҳамда тадбиркорлик билан боғлиқ интеллектуал фаолият натижалари ва савдо белгиларини рўйхатдан ўтказиш харажатларини қоплаб бериш.	Жамғарма	Ўн саккиз ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан олмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаросига стартап лойиҳаларини патентлаш ҳамда тадбиркорлик билан боғлиқ интеллектуал фаолият натижалари ва савдо белгиларини рўйхатдан ўтказиш харажатларини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида қоплаб берилади.	–
14.	“Ёш тадбиркорлар” чемпионатининг энг яхши 100 тагача бизнес ва стартап лойиҳаларининг ҳар бирига 1 миллиард сўмгача инвестиция киритиш.	Венчур жамғарма / Жамғарма	Ўтказиш тартиби Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси кенгаши томонидан тасдиқланган “Ёш тадбиркорлар” чемпионатининг энг яхши 100 тагача бизнес ва стартап	–

			лойиҳаларига инвестиция киритилади.	
15.	“Ёш тадбиркорлар” чемпионати натижалари бўйича стартап ва бизнес лойиҳаларни брендга айлантириш мақсадида молиявий ва маркетинг хизматлари бўйича экспертларнинг харажатларини тўлаш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваригача миқдорда маблағ ажратиш.	Жамғарма	“Ёш тадбиркорлар” чемпионати натижалари бўйича ғалиб ёки совриндор бўлган стартап ва бизнес лойиҳалари эгалари.	–
16.	Ўзбекистон бозорида муваффақиятли жорий қилинган ва хорижий бозорга чиқиш имкониятига эга бизнес лойиҳаларга улуш киритиш ва 5 миллиард сўмгача инвестиция ажратиш.	Жамғарма	Таъсисчиси ёш фуқаро бўлган юридик шахс ташкил этган ҳолда фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектлари.	–
17.	Олис ва чекка ҳудудлардаги маҳаллаларда хорижий тилларга ўқитиш бўйича таълим хизматлари кўрсатишни ташкил этиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 320 бараваригача миқдорда фоизсиз қарз (ссуда) ажратиш.	Жамғарма	1. Қарз ажратишда қуйидаги талаблар белгиланади: якка тартибдаги тадбиркор бўлган ёш фуқаро ёки юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъектининг ёш таъсисчиси хорижий тиллар бўйича камида С1 даражадаги миллий ёки унга тенглаштирилган мос даражадаги халқаро тан олинган сертификатни олганига икки йилдан ошмаган бўлиши; қарз олувчи субъектлар билан Жамғарма ижро этувчи органи ўртасида афилланганлик ҳолати бўлмаслиги. 2. Қарз қуйидаги субъектларга ажратилади: якка тартибдаги тадбиркорлик субъекти сифатида фаолият юритувчи ёш фуқароларга;	6 ойлик имтиёзли давр билан 3 йилгача муддатга

			устав фонди (устав капитали)нинг камида 50 фоизи қарз ажратилиши вақтида ёш бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаросига (фуқароларига) тегишли бўлган юридик шахс ташкил этган ҳолда фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектларига.	
--	--	--	---	--

Изоҳ:

*1–4 бандлардаги инструментлар бўйича ажратилган кредит маблағлари мақсадсиз ишлатилганлиги аниқланганда ушбу маблағларга нисбатан тижорий фоиз ставкалари татбиқ этилади ва тижорат банки томонидан муддатидан олдин тадбиркорлик субъектидан ундириш чоралари кўрилади. Бунда мазкур шартлар кредит шартномасида назарда тутилади ва кредит бўйича фоиз тўловлари тўланганлиги ҳолатидан қатъи назар тижорий фоиз ставкалари асосида қайта ҳисоб-китоб қилинади.

**Тадбиркорлик лойиҳаси – саноат, хизматлар, савдо ва умумий овқатланиш, туризм, ҳунармандчилик, касаначилик, заргарлик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ҳамда қайта ишлаш, шунингдек, замонавий савдо марказлари ҳамда уларга туташ ҳудудларда ишлаб чиқариш бинолари (ангар ва цехлар)ни қуриш йўналишларида тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва кенгайтириш (модернизация қилиш).

***Жамғарма томонидан унинг ресурслари ҳисобидан қарз ажратиш 2025–2026 йилларда тажриба-синов тариқасида амалга оширилади ҳамда уни молиялаштириш учун 30 млрд сўм йўналтирилади. Мазкур инструмент орқали лойиҳаларни молиялаштириш алоҳида ҳисоб-варақ орқали амалга оширилиб, ундан қайтган маблағлар белгиланган тартибга мувофиқ янги лойиҳаларга ажратилади.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 июлдаги 589-сон қарори билан тасдиқланган Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомда:

(а) 9-банднинг “д” кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

(б) қуйидаги мазмундаги 9¹-банд билан тўлдирилсин:

“9¹. “Рақамли стартаплар” дастури иштирокчиси бўлган стартап лойиҳаларга ушбу низомнинг 9-бандида белгиланган талабларсиз Технопарк резиденти мақоми тўғридан-тўғри берилади”;

(в) 18-бандда:

бешинчи хатбоши қуйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин:

“Бунда “Рақамли стартаплар” дастури иштирокчиси бўлиш орқали резидент бўлган стартап лойиҳаларга жами даромадидан ўтказиладиган ажратмалар миқдори қатъий бир фоиз этиб белгиланади”;

ўн биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“ахборот технологиялари соҳасида ташкил этиладиган таълим хизмати доирасида хорижий тилларни ўқитиш хизматидан тушган маблағлар ҳажми ахборот технологиялари соҳасидаги таълимдан йиллик умумий даромаднинг 40 фоизидан ошмаслигини таъминлаши шарт”;

(г) 21-бандда:

ўнинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“ахборот технологиялари соҳасида ташкил этиладиган таълим хизмати доирасида хорижий тилларни ўқитиш хизматидан тушган маблағлар ҳажми ахборот технологиялари соҳасидаги таълимдан йиллик умумий даромаднинг 40 фоизидан ошганда”;

ўн биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Рақамли стартаплар” дастури иштирокчиси мақоми бекор қилинганда;

(д) Низомга 2-иловада:

17-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“17. Ахборот технологиялари соҳасида, шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали таълим бериш ҳамда ахборот технологиялари соҳасидаги таълимдан йиллик умумий даромаднинг 40 фоизидан ошмаган ҳолда ахборот технологиялари соҳасида ташкил этиладиган таълим доирасида хорижий тилларни ўқитиш бўйича хизмат кўрсатиш фаолияти”;

қуйидаги мазмундаги 24–29-бандлар билан тўлдирилсин:

“24. Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали ахборот хизматларини (бизнес-жараёнлари аутсорсинги) экспорт қилиш фаолияти доирасида, ушбу хизматдан йиллик умумий даромадининг 40 фоизидан ошмаган ҳолда, бизнес-жараёнлар аутсорсинги йўналиши бўйича таълим фаолиятини амалга ошириш.

25. Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали билим жараёнлари аутсорсинги (Knowledge Process Outsourcing) хизматларини хорижий давлатларга экспорт қилиш.

26. Маълумотларни сақлаш ва ишлов бериш қурилмалари учун инфратузилмани ижарага бериш (co-location) хизматини кўрсатиш ва маълумотларни қайта ишлаш маркази фаолияти.

27. Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик фаолияти (R&D).

28. Аэрокосмик технологиялар фаолияти.

29. “Рақамли стартаплар” дастури иштирокчиси бўлган стартап лойиҳалар”.





УЧИНЧИ БЎЛИМ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРЛАРИ



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 9 » fevral

№ 47

Toshkent sh.

Республика радиоактив чиқиндиларни сақлаш маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида

Республикада радиоактив чиқиндиларни кўмишни халқаро стандартлар асосида мувофиқлаштириш, атроф-муҳитни радиоактив ифлосланишдан муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг Фанлар академияси Ядро физикаси институти ҳузуридаги Республика радиоактив чиқиндиларни кўмиш пункти негизида юридик шахс мақомига эга бўлган Ядро физикаси институти ҳузуридаги **Республика радиоактив чиқиндиларни сақлаш марказини** (кейинги ўринларда – Марказ) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Марказ республикадаги радиоактив чиқиндиларни махсус автотранспортда ташиш, қабул қилиш, саралаш ва узоқ муддатли хавфсиз сақлаш бўйича **ягона хизмат кўрсатувчи** давлат муассасаси сифатида фаолият юритади;

Марказ ходимларининг умумий чекланган сони 34 нафар этиб белгиланади;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси томонидан Марказ тузилмаси ва устави тасдиқланади;

Марказ ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий ташкилотлари ходимларига тенглаштирилади;

Марказнинг шартнома асосида бажарилган ишлари ва хизматларидан тушадиган маблағларнинг камида 50 фоизи моддий-техник базани мустаҳкамлашга, кўпи билан 50 фоизгача бўлган қисми ходимларни моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирларига йўналтирилишига рухсат берилади.

3. Куйидагилар Марказнинг **асосий вазифалари** этиб белгилансин:

республикада ишлаб чиқарилган ва унга олиб кирилган, ишлаш муддати тугаган ёки ишдан чиққан радиоактив манбалар, радиоактив моддалар билан ишлаш жараёнида ҳосил бўлган радиоактив чиқиндиларни саралаш, қайта ишлаш, узоқ муддатли сақлаш;

радиоактив чиқиндилар билан муомала қилишнинг инновацион усуллари ишлаб чиқиш ва бу соҳада илмий тадқиқот ўтказиш;

соҳада рақамлаштириш ва ахборот технологияларини қўллаш ҳамда тегишли давлат органлари билан ахборот алмашинувини таъминлаш;

хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш ва соҳага илғор хорижий тажрибаларни татбиқ этиш.

4. Куйидагилар:

Республика радиоактив чиқиндиларни сақлаш марказини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар режаси **1-иловага** мувофиқ;

Республика радиоактив чиқиндиларни сақлаш маркази ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш разрядлари ва тариф коэффициентлари **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

5. Куйидагилар Марказ фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

шартнома асосида бажариладиган ишлар ва хизматлардан тушадиган тушумлар;

халқаро молия институтлари ва донор ташкилотларнинг грант ва мақсадли маблағлари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

Бунда:

2026 йилда Марказни сақлаш билан боғлиқ харажатлар республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига ажратиладиган маблағлар доирасида молиялаштирилади, 2027 йилдан бошлаб эса Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади;

Марказ томонидан бюджет ташкилотларига уларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан, бошқа ҳўжалик юритувчи субъектларга эса ҳўжалик шартномаси асосида хизмат кўрсатилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Марказ худудидаги бино ва иншоотларни реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш, янги маъмурий бино қуриш, Радиоактив чиқиндиларни саралаш лабораториясини ташкил қилиш, шунингдек, Марказ худудини ободонлаштириш ишларини 2026-2027 йилларда амалга ошириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Бунда Марказ ҳудудида режалаштирилган қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари бўйича:

лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун маблағлар 2026 йилги; қурилиш-таъмирлаш ишлари учун маблағлар 2027 йилги Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида инобатга олинади.

7. Вазирлар Маҳкамасининг “Радиоактив чиқиндиларни кўмиш республика пунктининг идоравий мансублиги ва мақоми тўғрисида” 1992 йил 7 февралдаги 52-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Ж. Раматов ҳамда Фанлар академияси президенти Ш.А. Аюпов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил 9 февралдаги 47-сон қарорига
1-илова

Республика радиоактив чиқиндиларни сақлаш марказини янада такомиллаштириш бўйича
ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбаи	Муддатлар	Масъул ижрочилар
1.	Радиоактив чиқиндиларни саралаш лабораториясини ташкил қилиш.	1. Лаборатория биноси учун жой танлаш ва лойиҳани ишлаб чиқиш. 2. Лаборатория бино ва иншоотларини қуриб ишга тушириш. 3. Радиоактив чиқиндиларни саралаш технологиясини ишлаб чиқиш. 4. Зарур ускуналарни харид қилиш, ўрнатиб ишга тушириш. 5. Зарур кадрлар билан таъминлаш.	Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида	2026 йил 2027 йил	Фанлар академияси
2.	Радиоактив чиқиндилар билан ишлаш бўйича мутахассисларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, ижтимоий ҳимояси ва моддий таъминотини ошириш.	1. Ўқув курслари ва семинарлар ўтказиш орқали кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш. 2. Радиоактив чиқиндиларни саралаш амалиётларини ташкил этиш. 3. Ходимлар билимини даврий текшириш. 4. Ходимларни соғломлаштириш, уларнинг дам олиши, моддий таъминоти ва ижтимоий ҳимоясини яхшилаш.	Ажратилган бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар доирасида	2026 йилдан бошлаб – доимий	Фанлар академияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги
3.	Марказга тегишли барча автотранспорт воситаларини босқичма-босқич янгилаш ва янги қишлоқ хўжалиги техникасини харид қилиш.	1. Асбоб-ускуналар ва автотранспорт воситаларини босқичма-босқич янгилаш бўйича режа-жадвал тузиш. 2. Режа-жадвал асосида асбоб-ускуна ва транспорт воситаларини харид қилиш. 3. Қишлоқ хўжалиги техникасини харид қилиш.	Ажратилган бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар доирасида	2026-2027 йиллар	Фанлар академияси

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбаи	Муддатлар	Масъул ижрочилар
4.	Марказ ҳудудида “тоза” ва “зарарланган” зоналар орасидаги санитария назорат пунктини такомиллаштириш.	<ol style="list-style-type: none"> 1. Санитария-назорат пунктини душ ва дозиметрик жиҳозлар билан жиҳозлаш. 2. Махсус автотранспорт воситаларини дезактивация қилиш биносини капитал таъмирлаш. 	Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида	2027 йил	Фанлар академияси
5.	Айдарали қишлоғидан Марказгача бўлган 5 км узунликдаги йўлни мукамал таъмирлаш.	<ol style="list-style-type: none"> 1. Тендер ўтказиш орқали йўлни мукамал таъмирлаш учун пудрат ташкилотини танлаш. 2. Айдарали қишлоғидан Марказгача бўлган йўлни мукамал таъмирлаш. 	Автомобиль йўллари ривожлантириш мақсадли жамғармаси	2027 йил	Тошкент вилояти ҳокимлиги
6.	Радиоактив материалларни рухсатсиз олиб кириш ва олиб чиқиб кетишнинг олдини олиш ва узлуксиз мониторингини амалга ошириш учун назорат-кузатув постини ўрнатиш.	<ol style="list-style-type: none"> 1. Радиация назорат-кузатув пости учун жой танлаш. 2. Радиацион портал мониторинги ўрнатиш ва ишга тушириш. 3. Доимий техник хизмат кўрсатиш. 	Ядро физикаси институтининг бюджетдан ташқари маблағлари	2026 йил	Фанлар академияси
7.	Марказ ҳудудини табиий газ билан таъминлаш.	<ol style="list-style-type: none"> 1. Энг яқин газ тақсимлаш пунктдан Марказ ҳудудигача газ қувурини тортиш ва йиллик газ ҳажмини ажратиш. 2. Марказни иситиш ва иссиқ сув билан таъминлаш учун қозонхона қуриш. 	Ижрочиларнинг маблағлари ҳисобидан	2026 йил	Энергетика вазирлиги, Фанлар академияси
8.	Биоларни реконструкция қилиш, Марказ ҳудудини ободонлаштириш, ичимлик ва суғориш суви билан таъминлаш.	<ol style="list-style-type: none"> 1. Умумий майдони 400 кв метр бўлган 2 қаватли маъмурий бино қуриш. 2. Гараж, омборхоналар, ёқилғи қуйиш шохобчалари, ёнғинга қарши сув ҳовузлари ва ёрдамчи биоларни капитал таъмирлаш ҳамда реконструкция қилиш. 3. Сув дренаж тизимининг узлуксиз ишлашини таъминлаш. 4. Марказ ҳудудини ободонлаштириш. 5. Артезиан қудуқ қазиш. 6. Сув минорасини қуриш. 	Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида	2027 йил	Фанлар академияси

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбаи	Муддатлар	Масъул ижрочилар
9.	Марказ ҳудудини кўриқлаш ва ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш.	<p>1. Марказ ҳудудини “тоза” ва “зарарланган” зоналарга ажратиш ҳамда ўта муҳим объект ҳудудини белгилаб олиш.</p> <p>2. Тоифаланган объектлар бўйича амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланган йўриқнома талабларига мувофиқ объект периметри бўйлаб замонавий видеокузатув камералари, муҳандислик йўлаклари, пост соябонлари, алоқа ва ҳимоя техник воситалари, тунги ёритиш мосламалари билан жиҳозлаш.</p> <p>3. Радиоактив чиқиндиларни сақлаш ҳудудида назорат ўтиш жойи(НЎЖ)ни қуриш.</p> <p>4. НЎЖда замонавий турникет ҳамда юздан таниб олувчи восита (<i>Face ID</i>) ўрнатиш.</p> <p>5. НЎЖ ёнига мудофаа истеҳкомини (ДЗОТ) қуриш. Мудофаа истеҳкомида ташвиш тугмаси ва ички алоқа воситасини ўрнатиш.</p>	Ажратилган бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар доирасида	2026 йил	Фанлар академияси, Ички ишлар вазирлиги

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил 9 февралдаги 47-сон қарорига
2-илова

**Республика радиоактив чиқиндиларни сақлаш маркази ходимлари
меҳнатига ҳақ тўлаш
РАЗРЯДЛАРИ ВА ТАРИФ КОЕФФИЦИЕНТЛАРИ**

Лавозимлар номи	Меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари	Тариф коэффициентлари
Директор		8,748
Бош муҳандис		6,350
Бош бухгалтер*		5,545
Ахборот-коммуникация технологиялари бўйича мутахассис*		2,994
Ходимлар билан ишлаш бўйича бош мутахассис*		4,436
Етакчи муҳандис		4,800
Муҳандислар		3,290
Технологлар		2,770
Автокран машинисти	5	1,269
Электрик	6	1,384
Ҳайдовчилар (махсус автотранспорт)	3 – 6	1,106 – 1,384
Ҳайдовчилар (енгил автомобиллар)*	1 – 3	1,000 – 1,106

*) Алоҳида меҳнат шартлари учун қўшимча тўловлар татбиқ этилмайди.





O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 9 » fevral

№ 48

Toshkent sh.

Ўзравонликдан жабрланган, ўзига нисбатан ўзравонлик содир этилиши хавфи остида ва ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган болалар ҳамда уларнинг оилаларига ижтимоий хизматларни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2026–2030 йилларга мўлжалланган Болаларни ўзравонликнинг барча шаклларида ҳамда қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” 2025 йил 24 декабрдаги ПФ–256-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2026–2030 йилларга мўлжалланган Болаларни ўзравонликнинг барча шаклларида ҳамда қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” 2025 йил 24 декабрдаги ПФ–256-сон Фармони билан Болаларни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий интеграция маркази ҳамда унинг Самарқанд, Фарғона, Хоразм ва Бухоро вилоятларида минтақавий бўлинмалари ташкил этилгани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳамда миллий агентлиги (кейинги ўринларда – Ижтимоий ҳамда миллий агентлиги) ҳузуридаги Болаларни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий интеграция маркази (кейинги ўринларда – Интеграция маркази) фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

ўзравонликдан жабрланган, ўзига нисбатан ўзравонлик содир этилиши хавфи остида ва ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган болаларни (кейинги ўринларда – ижтимоий ҳамда миллий агентлиги) жамиятга интеграция қилиш муаммоларини ўрганиш ҳамда уларни ҳал этишга қаратилган тақдирлар ишлаб чиқиш;

ижтимоий ҳамда миллий агентлиги муҳтож болаларнинг психологик ҳолати ва ҳуқуқ-атворини барқарорлаштириш ҳамда профессионал тутилган ота-оналарни психологик-педагогик қўллаб-қувватлашга қаратилган ижтимоий, шу жумладан, психологик-педагогик хизматларни ташкил этиш;

“Меҳрли оила” хизматини ташкил этиш, шу жумладан, ушбу хизматни кўрсатувчи мутахассисларни ўқитиш ва мувофиқлаштириб бориш;

давлат ва нодавлат ташкилотларга ижтимоий ҳамда миллий агентлиги муҳтож болалар ва уларнинг оилаларига ижтимоий хизматлар кўрсатиш, шу жумладан, уларга процессуал ҳаракатларда ҳамроҳлик қилишда методик ёрдам кўрсатиш;

ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни ва уларнинг оилаларининг ижтимоий реабилитациясини амалга оширувчи мутахассисларни, профессионал тутинган оилаларнинг билим ва кўникмаларини ошириш ишларини ташкил қилиш;

ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ва уларнинг оилаларига қисқа ва узоқ муддатли, шу жумладан, туну кун хизмат кўрсатиш жараёнига яқка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахсларни жалб этиш ҳамда мазкур хизматлар кўрсатилишини мувофиқлаштириш.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунида зўравонликдан жабрланган болани ва ўзига нисбатан зўравонлик содир этилиши хавфи остида бўлган болани ота-онасидан (уларнинг биридан) ёки болани ўз қарамоғига олган бошқа шахслардан боланинг ҳаётига ёки соғлиғига бевосита таҳдид мавжуд бўлганда олиб қўйиш белгилангани маълумот учун қабул қилинсин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2026 йил 1 мартдан** бошлаб ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ва уларнинг оилалари билан ишлаш тизими қуйидаги тартибда амалга оширилади:

ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ва уларнинг ота-оналари (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) ҳақидаги маълумотлар мазкур шахсларнинг ҳаётий вазиятини дастлабки баҳолашдан ўтказиш натижалари билан бирга Интеграция марказига ёки унинг минтақавий бўлинмаларига юборилади;

Интеграция маркази ёки унинг минтақавий бўлинмалари ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ва уларнинг оилалари учун “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари томонидан ишлаб чиқилган ҳимоя қилиш режаси ёки интеграция режасига мувофиқ ижтимоий хизматларни ташкил этади ёхуд уларни ваучер асосида яқка тартибдаги тадбиркорлар ёки юридик шахсларга йўналтиради;

ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ва уларнинг оилалари учун яқка тартибдаги тадбиркорлар ёки юридик шахслар томонидан қисқа ва узоқ муддатли ҳамда туну кун кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар ташкил этилади;

ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ва уларнинг оилаларидаги ҳолат “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази томонидан ҳар ойда мониторинг қилинади.

5. Интеграция марказига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

ўқув жараёнига профессор-ўқитувчиларни ва соҳа бўйича мутахассисларни, шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ва уларнинг оилаларига ижтимоий хизматлар кўрсатишда, зарур ҳолларда, суицидолог, психиатр, реабилитолог ва бошқа тор соҳа мутахассисларини меҳнатига соатбай ҳақ тўлаган ҳолда тўғридан-тўғри фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома асосида жалб этиш;

ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ва уларнинг оилаларига, шунингдек, профессионал тутинган оилаларга ижтимоий хизматларни кўрсатувчилар учун супервизия жараёнларини ташкил этиш, соҳавий тадқиқотлар ўтказиш ва хизматлар самарадорлигини баҳолаш;

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги билан келишган ҳолда халқаро экспертлар ва мутахассисларни жалб қилиш бўйича тўғридан-тўғри шартномалар тузиш.

6. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳузуридаги Болаларни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий интеграция марказининг тузилмаси **1-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳузуридаги Болаларни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий интеграция маркази ҳамда унинг минтақавий бўлинмаларининг “International inclusive hub” халқаро таянч инклюзив профессионал таълим маркази ходимларига тенглаштирилладиган лавозимлари рўйхати **1а-иловага** мувофиқ;

Зўравонликдан жабрланган, ўзига нисбатан зўравонлик содир этилиши хавфи остида ва ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган болалар ҳамда уларнинг оилаларига ижтимоий хизматларни ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги низом **2-иловага** мувофиқ;

Профессионал тутинган оила тўғрисидаги низом **3-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

7. Интеграция маркази ва унинг минтақавий бўлинмаларининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан сақланадиган бошқарув ходимларининг умумий белгиланган чекланган сони 31 нафар этиб белгилансин.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директориغا Интеграция марказининг умумий белгиланган чекланган сони доирасида унинг тузилмасига ўзгартириш киритиш ҳуқуқи берилсин.

8. Қуйидагилар Интеграция маркази фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Давлат бюджети маблағлари;

Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молия институтлари ва бошқа ташкилотларнинг грантлари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

9. Белгилансинки:

а) Интеграция маркази ва унинг минтақавий бўлинмаларининг меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорлари ва рағбатлантириш шартлари Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги муассислигида ташкил этилган “International inclusive hub” халқаро таянч инклюзив профессионал таълим марказига тенглаштирилади. Бунда:

Интеграция маркази ва унинг минтақавий бўлинмаларида ижтимоий хизматларни ташкил этиш ва уларни кўрсатиш билан шуғулланувчи раҳбар ходимлар, психологлар, ижтимоий ходимлар, бўлим бошлиқлари ва шуъба мудирлари, мутахассисларнинг лавозим маошларига 100 фоиз миқдорида,

қолган барча ходимларнинг лавозим маошларига 50 фоиз миқдорида бюджет маблағлари ҳисобидан устамалар тўланади;

Интеграция маркази ва унинг минтақавий бўлинмаларининг барча ходимларига бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан кўшимча ҳар ойлик 200 фоизгача ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси миқдорида устама ҳақи тўланиши мумкин;

умумий иш ҳақи жамғармасига нисбатан 15 фоиз миқдорида бюджет маблағлари ҳисобидан моддий рағбатлантириш махсус фонди ташкил этилади;

б) Интеграция марказига 1 та хизмат енгил автотранспорт воситасини сақлаш учун лимит ажратилади.

10. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги бир ой муддатда:

Интеграция марказининг низомини тасдиқлаш ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда уни малакали кадрлар билан таъминлаш;

Интеграция марказини Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тизимидаги мавжуд биноларга текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштириш чораларини кўрсин.

11. Мазкур қарорда белгиланган тадбирларни молиялаштириш 2026 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигига ажратилган маблағлар ва Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари доирасида амалга оширилади, 2027 йилдан бошлаб эса бюджет қонунчилиги талабларига мувофиқ тақдим этилган бюджет сўровномаларига асосан Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси ҳамда Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

12. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига **4-иловага** мувофиқ ўзгартириш ва кўшимчалар киритилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **5-иловага** мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.


14. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳузуридаги
Болаларни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий интеграция марказининг
ТУЗИЛМАСИ**



Изоҳ.

1. Бошқарув ходимларнинг чекланган сони – 31 нафар, шу жумладан, минтақавий бўлинмаларда – 16 нафар.
2. Техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар учун штатлар сони Жисмоний, ақлий, сенсор ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар учун давлат ихтисослаштирилган таълим муассасалари техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлари учун белгиланган меъёрларга мувофиқ аниқланади.
3. Минтақавий бўлинмалар қамрови:
Фарғона – Фарғона, Наманган ва Андижон вилоятлари;
Самарқанд – Самарқанд, Навоий ва Жиззах вилоятлари;
Бухоро – Қашқадарё, Сурхондарё ва Бухоро вилоятлари;
Хоразм – Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси;
Ижтимоий интеграция маркази – Тошкент шаҳри, Тошкент ва Сирдарё вилоятлари.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “9” февралдаги 48 -сон қарорига
1а-илова

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя
миллий агентлиги ҳузуридаги Болаларни қўллаб-қувватлаш
ва ижтимоий интеграция маркази ҳамда унинг минтақавий
бўлинмаларининг “International inclusive hub” халқаро таянч
инклюзив профессионал таълим маркази ходимларига
тенглаштириладиган лавозимлари
РЎЙХАТИ**

Т/р	Лавозимлар номи (Болаларни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий интеграция маркази ҳамда унинг минтақавий бўлинмалари)	Тенглаштирилган лавозимлар номи (“International inclusive hub” халқаро таянч инклюзив профессионал таълим маркази)
1.	Марказ директори	Марказ директори
2.	Директор ўринбосари	Директор ўринбосари
3.	Бош ҳисобчи	Бош ҳисобчи
4.	Девонхона етакчи мутахассиси	Кадрлар билан ишлаш бўйича етакчи мутахассиси
5.	Кадрлар билан ишлаш бўйича етакчи мутахассис	Кадрлар билан ишлаш бўйича етакчи мутахассис
6.	Бош юрисконсулт	Бош юрисконсулт
7.	Минтақавий бўлинма бошлиғи	Бўлим бошлиғи
8.	Минтақавий бўлинма ижтимоий ходими	Ижтимоий ходим
9.	Минтақавий бўлинма психологи	Психолог
Дастурлар ва методологияларни ишлаб чиқиш шуъбаси		
10.	Шуъба мудири	Бўлим бошлиғи
11.	Бош мутахассис	Бош мутахассис
Ўқув курсларини ташкил этиш шуъбаси		
12.	Шуъба мудири	Бўлим бошлиғи
13.	Бош мутахассис	Бош мутахассис
Мувофиқлаштириш, ҳамроҳлик қилиш, мониторинг ва ваучерлар бўйича шуъба		
14.	Шуъба мудири	Бўлим бошлиғи
15.	Бош мутахассис	Бош мутахассис
Амалиёт ва консалтинг хизмати бўлими		
16.	Бўлим бошлиғи (супервайзер)	Бўлим бошлиғи
17.	Ижтимоий ходим	Ижтимоий ходим
18.	Психолог	Психолог

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “9” февралдаги 48-сон қарорига
2-илова

**Зўравонликдан жабрланган, ўзига нисбатан зўравонлик содир
этилиши хавфи остида ва ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган
болалар ҳамда уларнинг оилаларига ижтимоий хизматларни ташкил
қилиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом зўравонликдан жабрланган, ўзига нисбатан зўравонлик содир этилиши хавфи остида бўлган ва ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган болалар (кейинги ўринларда – ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар) ҳамда уларнинг оилалари учун ижтимоий хизматларни ташкил қилиш ва ушбу хизматларни молиялаштириш тартибини белгилайди.

2. Ижтимоий хизматлар зўравонликдан жабрланган, ўзига нисбатан зўравонлик содир этилиши хавфи остида бўлган болалар ва уларнинг оилалари учун ҳимоя қилиш режасига мувофиқ, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган болалар ва уларнинг оилалари учун индивидуал интеграция режасига мувофиқ кўрсатилади.

Ҳимоя қилиш режаси ва индивидуал интеграция режасининг намунавий шакллари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (кейинги ўринларда – Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги) томонидан тасдиқланади.

Ҳимоя қилиш режаси ва индивидуал интеграция режаси “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази (кейинги ўринларда – “Инсон” маркази) томонидан ишлаб чиқилади.

3. Ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ва уларнинг оилаларига ижтимоий хизматлар кўрсатилишини ташкил этиш ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

4. Ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ва уларнинг оилаларига қуйидаги шаклларда ушбу Низомга 2–2б-иловаларида кўрсатилган паспортларга мувофиқ ижтимоий хизматлар кўрсатилади:

а) ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар учун (бундан профессионал тутинган оилага жойлаштирилган болалар мустасно):

олти ойгача бўлган муддатга қисқа муддатли ижтимоий хизматлар;

бир йилгача бўлган муддатга узоқ муддатли ижтимоий хизматлар;

бир йилгача бўлган муддатга туну кун кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар;

б) ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ва уларнинг оилалари учун “Меҳрли оила” хизмати.

5. Мазкур Низомнинг 4-бандида назарда тутилган ижтимоий хизматлар доирасида ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ва уларнинг оилаларига психологик-педагогик, психоижтимоий, ҳуқуқий ҳамда оилавий терапия хизматлари кўрсатилади.

Профессионал тутинган оилага жойлаштирилган болаларнинг оилаларига заруратга кўра “Меҳрли оила” хизмати кўрсатилади.

6. Ижтимоий хизматлар Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳузуридаги Болаларни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий интеграция маркази (кейинги ўринларда – Интеграция маркази) ҳамда унинг минтақавий бўлинмалари, “Инсон” марказлари, якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахслар томонидан кўрсатилади. Бунда:

Интеграция маркази ҳамда унинг минтақавий бўлинмалари томонидан қисқа ва узоқ муддатли ижтимоий хизматлар;

“Инсон” марказлари томонидан “Меҳрли оила” хизмати;

якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахслар томонидан қисқа ва узоқ муддатли ҳамда туну кун кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар кўрсатилади.

2-боб. Ижтимоий хизматларни кўрсатиш тартиби

1-§. Қисқа ва узоқ муддатли ҳамда туну кун кўрсатиладиган ижтимоий хизматларни кўрсатувчи якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахсларга қўйиладиган талаблар

7. Қисқа ва узоқ муддатли ҳамда туну кун кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар кўрсатиш истагини билдирган якка тартибдаги тадбиркорлар ёки юридик шахслар (кейинги ўринларда – талабгор) “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизимининг (кейинги ўринларда – “Ижтимоий ҳимоя” АТ) Ижтимоий хизматлар кўрсатувчиларнинг ягона реестрига (кейинги ўринларда – Ягона реестр) киритилиши лозим.

8. “Ижтимоий ҳимоя” АТда рўйхатдан ўтиш учун қуйидаги маълумотларни киритиш орқали сўровнома талабгор томонидан тўлдирилади:

юридик шахслар учун солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР), манзили, банк ҳисобварағи, банк реквизитлари ва телефон рақами;

якка тартибдаги тадбиркорлар учун ЖШШИР ва биометрик паспорт ёки идентификацияловчи ID-карта серияси ҳамда рақами;

ижтимоий хизматларни кўрсатиш ҳудуди;

ижтимоий хизматларни кўрсатишга мўлжалланган бино ва иншоотнинг мулк ҳуқуқи ёки бошқа ҳуқуқ асосида унга тегишлилигини тасдиқловчи ҳужжатнинг реквизитлари.

9. Сўровнома тегишлилиги бўйича Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг худудий бошқармасида камида уч нафар ходимдан иборат таркибда тузиладиган ўрганиш гуруҳи (кейинги ўринларда – ўрганиш гуруҳи) томонидан сўровнома келиб тушган кундан бошлаб ўн иш куни ичида талабгорнинг қуйидаги талабларга мувофиқлиги ўрганиб чиқилади:

талабгорда камида 2 нафар психоижтимоий хизмат кўрсатувчи мутахассисларнинг мавжудлиги ва уларнинг камида 1 йиллик иш стажига эга бўлиши ҳамда соғлиғи тўғрисидаги тиббий маълумотноманинг бўлиши;

бино ва иншоотларда санитария ҳолати таъминланганлиги.

10. Интеграция маркази ёки унинг тегишли минтақавий бўлинмаси заруратга кўра талабгорнинг ушбу Низомнинг 9-бандида назарда тутилган талабларга мувофиқлигини танлов асосида ўрганиши мумкин.

11. Ўрганиш натижаси бўйича ўрганиш гуруҳи томонидан талабгорнинг ижтимоий хизматни кўрсатишга тайёр ёки тайёр эмаслиги тўғрисидаги хулоса расмийлаштирилади ва электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда келишилади ҳамда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг худудий бошқармаси бошлиғи томонидан тасдиқланади.

12. Ўрганиш гуруҳи томонидан ижтимоий хизматларни кўрсатиш билан шуғулланиш истагидаги талабгорнинг ижтимоий хизматни (хизматларни) кўрсатишга тайёрлиги тўғрисидаги хулоса тасдиқлангандан сўнг, “Ижтимоий ҳимоя” АТда рўйхатдан ўтиш учун сўровнома тасдиқланади.

Сўровнома тасдиқланганидан сўнг талабгор Ягона реестрга киритилади ва бу тўғрисида унинг “Ижтимоий ҳимоя” АТдаги шахсий кабинетига электрон хабарнома юборилади.

13. Ўрганиш гуруҳи томонидан талабгор ушбу Низомнинг 9-бандида назарда тутилган талабларга мувофиқ келмаган тақдирда, ижтимоий хизматни (хизматларни) кўрсатишга тайёр эмаслиги тўғрисидаги хулоса расмийлаштирилади ҳамда сўровномани тасдиқлаш рад этилади шунингдек, бу ҳақида талабгорнинг “Ижтимоий ҳимоя” АТдаги шахсий кабинетига электрон хабарнома юборилади.

2-§. Қисқа ва узоқ муддатли ҳамда туну кун кўрсатиладиган ижтимоий хизматларни кўрсатиш, шунингдек, улардан фойдаланиш учун ваучер бериш тартиби

14. Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларга қисқа ёки узоқ муддатли, шунингдек, туну кун кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар уларнинг ҳимоя қилиш режаси ёхуд индивидуал интеграция режасига мувофиқ кўрсатилади.

15. Ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ва уларнинг оилаларига ҳимоя қилиш режаси ёки индивидуал интеграция режаси ишлаб чиқилганидан сўнг “Инсон” марказлари томонидан уларнинг яшаш жойи бўйича Интеграция маркази ёки унинг минтақавий бўлинмаларига “Ижтимоий ҳимоя” АТ орқали тақдим этилади.

16. Интеграция маркази ёки унинг минтақавий бўлинмалари ҳимоя қилиш режаси ёхуд индивидуал интеграция режаси келиб тушганидан сўнг, икки иш кунида ижтимоий ҳимояга муҳтож ҳар бир бола ва унинг оиласи бўйича “Ижтимоий ҳимоя” АТда ижтимоий хизмат кўрсатиш муддатлари, вақти ва даврийлигини белгилайди.

Интеграция маркази ёки унинг минтақавий бўлинмалари томонидан зарур ҳолларда, ижтимоий ҳимояга муҳтож боланинг ҳаётий вазиятларини бирламчи ва комплекс баҳолаш натижаларидан келиб чиққан ҳолда, ҳимоя қилиш режаси ёхуд индивидуал интеграция режасига ўзгартириш киритиши мумкин.

Бунда ижтимоий хизматлар турлари, хизмат кўрсатиш муддатлари, вақти ва даврийлиги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директори томонидан тасдиқланган мезонлар асосида белгиланади.

17. Ижтимоий хизмат кўрсатиш муддатлари, вақти ва даврийлиги белгиланганидан сўнг, маълумотлар ижтимоий хизмат кўрсатувчини танлаш учун Интеграция маркази ёки унинг минтақавий бўлинмалари томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож боланинг ота-онаси (уларнинг ўрнини босувчи шахслар)нинг “Ижтимоий ҳимоя” АТдаги шахсий кабинетига юборилади ва бу тўғрисида уларнинг шахсий кабинетига электрон хабарнома шакллантирилади.

Ота-она (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) беш иш кунида ўзининг ва ижтимоий ҳимояга муҳтож боласининг хоҳишига кўра “Ижтимоий ҳимоя” АТда ушбу Низомнинг 6-бандига мувофиқ хизмат кўрсатувчини (бундан “Инсон” марказлари томонидан кўрсатиладиган хизмат мустасно) танлаши лозим.

Ота-она (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) мазкур банднинг иккинчи хатбошисида белгиланган муддат ичида “Ижтимоий ҳимоя” АТ орқали хизмат кўрсатувчини танламаган тақдирда, ижтимоий хизмат кўрсатиш бекор қилинади ва бу ҳақида уларнинг “Ижтимоий ҳимоя” АТдаги шахсий кабинетига электрон хабарнома юборилади.

Бунда мазкур банднинг учинчи хатбошисида белгиланган муддатда хизмат кўрсатувчи узрли сабаблар (оғир касаллиги, яқин қариндошининг вафот этганлиги, хизмат сафарида эканлиги ёки фавқулодда вазиятлар бўлиши ва шу каби бошқа ҳолатлар) натижасида танланмаганда, ота-она (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) ижтимоий хизмат кўрсатувчини танлаш учун Интеграция маркази ёки унинг минтақавий бўлинмаларига мурожаат қилиши мумкин.

18. Ота-она (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) томонидан ижтимоий хизматларни кўрсатувчи сифатида яқка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахс танланганда, Интеграция маркази ёки унинг минтақавий бўлинмалари икки иш кунида “Ижтимоий ҳимоя” АТда ушбу Низомга 3-иловада белгиланган намунадаги ваучер шакллантиради.

Ижтимоий хизмат кўрсатувчи сифатида Интеграция маркази ёки унинг минтақавий бўлинмалари танланганда, ижтимоий хизмат ваучер шакллантирилмасдан бевосита Интеграция маркази ёки унинг минтақавий бўлинмалари томонидан бепул асосларда кўрсатилади.

Бунда ваучерда ижтимоий хизматлар турлари, хизмат кўрсатиш муддатлари, вақти ва даврийлиги кўрсатилади.

19. Шакллантирилган ваучер автоматик равишда ижтимоий ҳимояга муҳтож боланинг ота-онаси (уларнинг ўрнини босувчи шахслар)нинг “Ижтимоий ҳимоя” АТдаги шахсий кабинетига юборилади ва бу тўғрисида ота-она (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) нинг шахсий кабинетига электрон хабарнома юбориш орқали хабардор қилинади.

3-§. Қисқа ва узоқ муддатли ҳамда туну кун кўрсатиладиган ижтимоий хизматлардан фойдаланиш харажатларини ваучер асосида қоплаб бериш ва самарадорлигини баҳолаш

20. Қисқа ёки узоқ муддатли, шунингдек, туну кун кўрсатиладиган ижтимоий хизматлардан фойдаланиш юзасидан ваучернинг фойдаланилган қисми учун субсидия Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан ажратилади.

21. Якка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахс томонидан қисқа ёки узоқ муддатли ижтимоий хизматлар ҳар бир ижтимоий ҳимояга муҳтож бола га индивидуал тарзда кўрсатилади.

Якка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахсга ҳар бир ижтимоий ҳимояга муҳтож болага қисқа ёки узоқ муддатли ижтимоий хизматларни кўрсатган ҳар бир соат учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 12 фоизи миқдорда субсидия ажратилади.

Бунда субсидия ажратишда вилоятлар марказлари ва Нукус шаҳрида ташкил этилган ижтимоий хизмат учун ажратиладиган субсидия миқдорини белгилашда 1,1 нисбатда, Тошкент шаҳри учун 1,3 нисбатда кўпайтирувчи коэффициент қўлланади.

22. Якка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахс томонидан туну кун хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган тақдирда, ҳар бир кун учун ҳар бир 7 ёшгача бўлган ижтимоий ҳимояга муҳтож бола бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг 27 фоизи миқдорда, 7 ёшдан катта бўлган ижтимоий ҳимояга муҳтож бола бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг 33 фоизи миқдорда субсидия ажратилади.

23. Кўрсатилган ижтимоий хизматлар ҳақидаги маълумотлар ва ушбу хизматлардан ҳақиқатда фойдаланган шахснинг биометрик маълумотларини “Ижтимоий ҳимоя” АТга киритиш орқали ушбу маълумотлар асосида автоматик тарзда электрон давомат табели шаклланади ва электрон давомат табели асосида ажратиладиган субсидиянинг ойлик миқдори автоматик ҳисоб-китоб қилинади.

Бунда даволат мобил илова ёки махсус қурилмалар ёрдамида жисмоний шахсни биометрик идентификация қилиш технологияси орқали юритилади.

24. “Ижтимоий ҳимоя” АТга яқка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахс томонидан маълумотлар ўз вақтида тақдим этилмаганда, шу жумладан, узатилиши (янгилаши) таъминланмаганда, унга субсидия ҳисобланмайди ва тўланмайди.

25. “Ижтимоий ҳимоя” АТда шаклланган электрон даволат табелига асосан ваучер асосида субсидия шаклидаги тўловлар ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-санасига қадар шаклланади ва махсус ғазна ҳисобварақларидан икки иш куни ичида Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ахборот тизимлари орқали хизмат кўрсатувчининг тижорат банкидаги ҳисобварағига автоматик равишда ўтказилади.

26. “Ижтимоий ҳимоя” АТда хизмат кўрсатувчининг тижорат банкидаги ҳисобварағига ўтказилган тўловлар ҳақидаги маълумотлар шакллантириб борилади.

27. Қисқа ёки узоқ муддатли, шунингдек, туну кун кўрсатиладиган ижтимоий хизматларнинг самарадорлиги “Инсон” марказлари томонидан ҳар ойда, Интеграция маркази ёки унинг минтақавий бўлинмалари томонидан ҳар уч ойда мониторинг қилинади.

28. Яқка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахслар томонидан кўрсатилган ижтимоий хизматларнинг самарадорлиги бўйича ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) билдирган фикрлар ҳамда мониторинг натижалари асосида яқка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахсларнинг рейтингини Интеграция маркази томонидан “Ижтимоий ҳимоя” АТда юритилади.

29. Мониторинг натижасида Интеграция маркази ёхуд унинг минтақавий бўлинмалари томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож боланинг психоижтимоий ҳолатидаги ўзгаришлар асосида қуйидагилар амалга оширилади:

ҳимоя қилиш режасини ёки индивидуал интеграция режасини қайта кўриб чиқиш ва тегишли ўзгартиришлар киритиш;

ҳимоя қилиш режаси ёки индивидуал интеграция режасининг амал қилишини тугатиш. Бунда:ҳимоя қилиш режаси ёки индивидуал интеграция режасининг амал қилишини тугатиш учун қуйидагилар асос бўлади:

ижтимоий ҳимояга муҳтож боланинг психоижтимоий ҳолати барқарорлашганлиги;

ижтимоий хизматларни кўрсатиш даврийлигининг яқунланганлиги;

ижтимоий ҳимояга муҳтож боланинг ўн саккиз ёшга тўлганлиги;

ижтимоий ҳимояга муҳтож боланинг вафот этганлиги.

4-§. “Меҳрли оила” хизматини ташкил этиш тартиби

30. “Меҳрли оила” хизмати “Инсон” марказлари томонидан кўрсатилади ва Интеграция маркази томонидан мувофиқлаштирилади ҳамда методик таъминланади.

31. “Меҳрли оила” хизматининг асосий мақсади оилага вояга етмаган фарзандларнинг психоэмоционал ва хулқ-атвор хусусиятларини инобатга олган ҳолда уларнинг ота-онаси билан бузилган муносабатларини тиклаш ва ижтимоийлашувига кўмаклашувчи “оилавий терапия” хизматларини кўрсатишдан иборат.

32. Қуйидагилар “Меҳрли оила” хизматининг асосий вазифалари ҳисобланади:

ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар)га болаларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш ҳамда болалари олдидаги мажбуриятларини бажаришга кўмаклашиш;

ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар)га болаларнинг хулқ-атворида салбий таъсир кўрсатмаслик ёки улар билан шафқатсиз муомалада бўлмаслик муносабатларини шакллантириш;

ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар)га бола тарбиясида хулқ-атвори бошқаришни ўргатиш, болалари билан бузилган муносабатларини тиклаш ва ижтимоийлашувига кўмаклашиш;

оиланинг болалар психологияси ва педагогикаси, саломатлигини таъминлаш соҳасидаги билим ва ҳаётий кўникмаларини ривожлантириш;

болаларнинг хулқ-атвори, ёши, иқтидори ва қобилияти асосида қизиқишларини рўёбга чиқаришда ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар)нинг иштирокини оширишга қаратилган кўникмаларини ривожлантириш;

болалар назоратсизлиги ёки қаровсизлигини, уларнинг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавф туғдирадиган ёхуд уларни таъминлаш, тарбиялаш ва таълим бериш талабларига жавоб бермайдиган шароитда бўлишини, шунингдек, ҳуқуқбузарлик ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишини олдини олишда ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар)нинг ҳаётий кўникмаларини ошириш;

болаларнинг ёши ва жинсидан келиб чиқадиган психоэмоционал ўзгаришлар бўйича билим ҳамда кўникмаларини ошириш.

33. “Меҳрли оила” хизматида ўқиш жараёни Интеграция маркази томонидан тасдиқланган ўқув режаси ва дастурига мувофиқ ташкил этилади.

34. Ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) “Меҳрли оила” хизмати доирасида 72 академик соатгача, бироқ 48 академик соатдан кам бўлмаган ўқув дастурига мувофиқ ишдан ажралмаган ҳолда бепул ўқитилади ва ўқув юкмасининг энг кўп ҳажми ҳафтасига 36 академик соат этиб белгиланади.

35. “Меҳрли оила” хизматидан фойдаланиш ҳимоя қилиш режаси ёки индивидуал интеграция режасида назарда тутилган бўлиши лозим.

“Инсон” марказлари “Меҳрли оила” хизматига жалб қилинадиган ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) тўғрисидаги маълумотларни қарор қабул қилиш учун тегишли Болалар масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва туман (шаҳар)комиссияларига (кейинги ўринларда – Болалар масалалари бўйича тегишли ҳудудий комиссия) киритади.

36. “Меҳрли оила” хизматига оилалар Болалар масалалари бўйича тегишли ҳудудий комиссиянинг қарори асосида жалб қилинади.

37. Ўқув жараёни гуруҳда ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар)нинг сони камида 4 нафарни ташкил этганда бошланади. Бунда гуруҳдаги ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) сони 10 нафардан ошмаслиги лозим.

Гуруҳда ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) сони 4 нафардан кам бўлган ҳолатларда, ўқув жараёнини ташкил этиш муддати гуруҳга охириги ота-она (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) қабул қилинган вақтдан бошлаб бир ойдан ошиб кетмаслиги лозим.

38. “Инсон” марказлари ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар)ни ўқув жараёни бошланишидан уч иш куни олдин уларнинг “Ижтимоий ҳимоя” АТ тизимидаги шахсий кабинетига электрон хабарнома юбориш орқали хабардор қилади.

39. Ўқув жараёни онлайн, офлайн ва аралаш машғулотлар шаклида ташкил этилиши мумкин.

Ўқув машғулотлари интерфаол тарзда маъруза, семинар, амалий машғулот, мустақил таълим, кўчма машғулот, тажриба алмашиш шаклларида олиб борилади.

40. Ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) давомати “Инсон” марказлари томонидан гуруҳларнинг электрон журналини юритиш орқали қайд этилади.

41. Узрли (касаллиги, давлат ёки жамоат вазифаларини бажарганлиги, яқин қариндошининг вафоти) сабаблар билан ўқишни давом эттира олмайдиган ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) аризаси билан ушбу Низомнинг 36-бандига мувофиқ қарор чиқарган Болалар масалалари бўйича тегишли ҳудудий комиссияга мурожаат қилиши мумкин.

Бунда Болалар масалалари бўйича тегишли ҳудудий комиссиянинг рухсати билан ушбу ота-она (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) навбатдаги ўқув машғулотларига жалб қилинади.

Узрли сабабсиз ўқув юкламасининг 20 фоизидан кўп ҳажмда ўқув машғулотларида қатнашмаган ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) тўғрисидаги маълумотлар “Инсон” марказлари томонидан Болалар масалалари бўйича тегишли ҳудудий комиссияга тақдим этилади.

42. Ўқув юкломани ўзлаштирган ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар)га Интеграция маркази томонидан QR-код (матрик штрихли код) билан тасдиқланган маълумотнома берилади ва маълумотлар икки иш кунида Болалар масалалари бўйича тегишли худудий комиссияга тақдим этилади.

3-боб. Яқунловчи қоидалар

43. Ижтимоий хизматларни кўрсатувчи Интеграция маркази ҳамда унинг минтақавий бўлинмалари, “Инсон” марказлари, яқка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахслар ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан ижтимоий хизматдан фойдаланувчиларнинг шахсига доир маълумотлардан хабардор бўлган шахслар, шу жумладан, меҳнат шартномаси бекор қилинганидан кейин ҳам ушбу маълумотларнинг сир сақланишини таъминлаши шарт.

44. Ижтимоий хизмат кўрсатувчилар “Ижтимоий ҳимоя” АТга киритилган маълумотларнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлиги бўйича жавобгар ҳисобланади.

45. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Зўравонликдан жабрланган, ўзига нисбатан зўравонлик содир этилиши хавфи остида ва ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган болалар ҳамда уларнинг оилаларига ижтимоий хизматларни ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

Ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ва уларнинг оилаларига ижтимоий хизматларни кўрсатилишини ташкил қилишнинг СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
I. Якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахсларни рўйхатга олиш			
1-босқич	Якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахслар	Ижтимоий хизматларни кўрсатиш билан шуғулланиш учун офертани тасдиқлаш орқали “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизимида (кейинги ўринларда – “Ижтимоий ҳимоя” АТ) рўйхатдан ўтади ва сўровномани тўлдириш орқали мурожаат қилади.	Ўз хоҳишига кўра
2-босқич	Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг (кейинги ўринларда – Агентлик) тегишли ҳудудий бошқармаси	Якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахсларнинг сўровномаси Зўравонликдан жабрланган, ўзига нисбатан зўравонлик содир этилиши хавфи остида ва ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган болалар ҳамда уларнинг оилаларига ижтимоий хизматларни ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги низомга (кейинги ўринларда – Низом) мувофиқ кўриб чиқилиб, тегишли хулоса расмийлаштирилади ҳамда хулоса асосида сўровнома юборган шахслар белгиланган тартибда Ижтимоий хизматлар кўрсатувчиларнинг ягона реестрига киритилади.	Низомда белгиланган муддатларда
II. Қисқа ва узок муддатли ҳамда туну кун кўрсатиладиган ижтимоий хизматларни ташкил қилиш			
1-босқич	“Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари	1. Зўравонликдан жабрланган, ўзига нисбатан зўравонлик содир этилиши хавфи остида бўлган ва ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган болалар ҳамда уларнинг оилалари бўйича ҳимоя қилиш режаси ёки интеграция режасини ишлаб чиқади.	Қонунчиликда белгиланган муддатларда

		<p>2. Ишлаб чиқилган ҳимоя қилиш режаси ёки интеграция режасини боланинг яшаш жойи бўйича Агентлик ҳузуридаги Болаларни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий интеграция маркази ёки унинг минтақавий бўлинмаларига “Ижтимоий ҳимоя” АТ орқали тақдим этади.</p>	
2-босқич	<p>Болаларни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий интеграция маркази ҳамда унинг минтақавий бўлинмалари</p>	<p>1. Ҳимоя қилиш режаси ёки интеграция режаси келиб тушганидан сўнг, ижтимоий ҳимояга муҳтож бола ва унинг оиласи бўйича “Ижтимоий ҳимоя” АТда ижтимоий хизмат кўрсатиш муддатлари, вақти ва даврийлигини белгилайди.</p> <p>2. Маълумотлар ижтимоий хизмат кўрсатувчини танлаш учун ижтимоий ҳимояга муҳтож боланинг ота-онаси (уларнинг ўрнини босувчи шахслар)нинг “Ижтимоий ҳимоя” АТдаги шахсий кабинетига юборилади.</p>	<p>Икки иш кунда</p>
3-босқич	<p>Ота-она (уларнинг ўрнини босувчи шахслар)</p>	<p>Ўзининг ва ижтимоий ҳимояга муҳтож боласининг хоҳишига кўра “Ижтимоий ҳимоя” АТда хизмат кўрсатувчини танлайди.</p> <p>Бунда “Ижтимоий ҳимоя” АТ орқали хизмат кўрсатувчини танламаган тақдирда, ижтимоий хизмат кўрсатиш бекор қилинади ва бу ҳақида уларнинг “Ижтимоий ҳимоя” АТдаги шахсий кабинетига электрон хабарнома юборилади.</p>	<p>Беш иш кунда</p>
4-босқич	<p>Болаларни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий интеграция маркази ҳамда унинг минтақавий бўлинмалари</p>	<p>1. Ота-она (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) томонидан ижтимоий хизматларни кўрсатувчи сифатида яқка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахс танланганда, “Ижтимоий ҳимоя” АТда ваучер шакллантирилади.</p> <p>2. Шакллантирилган ваучер ижтимоий ҳимояга муҳтож боланинг ота-онаси (уларнинг ўрнини босувчи шахслар)нинг “Ижтимоий ҳимоя” АТдаги шахсий кабинетига юборилади ва бу тўғрисида ота-она (уларнинг ўрнини босувчи шахслар)нинг шахсий кабинетига электрон хабарнома юбориш орқали хабардор қилинади.</p>	<p>Икки иш кунда</p> <p>Шакллантирилгач автоматик равишда</p>

III. “Меҳрли оила” хизматини ташкил қилиш			
1-босқич	“Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари	“Меҳрли оила” хизматига жалб қилинадиган ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) тўғрисидаги маълумотларни қарор қабул қилиш учун тегишли Болалар масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва туман (шаҳар) комиссияларга (кейинги ўринларда – Болалар масалалари бўйича тегишли ҳудудий комиссия) киритади.	Ҳимоя қилиш режаси ёки интеграция режасида назарда тутилган ҳолларда
2-босқич	Болалар масалалари бўйича тегишли ҳудудий комиссия	Ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар)ни “Меҳрли оила” хизматига жалб қилиш бўйича қарор қабул қилади.	Қонунчиликда белгиланган муддатларда
3-босқич	Болаларни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий интеграция маркази ҳамда унинг минтақавий бўлинмалари, “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари	“Меҳрли оила” хизматини ташкил қилади. Ўқув жараёни бошланиши тўғрисида ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар)ни уларнинг “Ижтимоий ҳимоя” АТ тизимидаги шахсий кабинетига электрон хабарнома юбориш орқали хабардор қилади. Ўқув жараёнини онлайн, офлайн ва аралаш машғулотлар шаклида ташкил этади.	Ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) сони камида 4 нафарни ташкил этганда Ўқув жараёни бошланишидан уч иш кун олдин Тайёрлов курси давомида
4-босқич	Болаларни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий интеграция маркази	Ўқув юқламани ўзлаштирган ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар)га QR-код (матрик штрихли код) билан тасдиқланган маълумотнома тақдим этади ва маълумотларни Болалар масалалари бўйича тегишли ҳудудий комиссияга тақдим этади.	Икки иш кунда

Зўравонликдан жабрланган, ўзига нисбатан зўравонлик содир этилиши хавфи остида ва ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган болалар ҳамда уларнинг оилаларига ижтимоий хизматларни ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

Қисқа муддатли ижтимоий хизмат ПАСПОРТИ

1.	Ижтимоий хизмат номи	Қисқа муддатли ижтимоий хизмат*.
2.	Ижтимоий хизматдан фойдаланувчи	Зўравонликдан жабрланган, ўзига нисбатан зўравонлик содир этилиши хавфи остида бўлган ва ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган болалар.
3.	Ижтимоий хизматни кўрсатиш ҳажми ва даврийлиги	Ҳар бир бола учун ишлаб чиқилган ҳимоя қилиш режаси ёки интеграция режасида белгиланган ҳажмда ва олти ойгача бўлган муддатга кўрсатилади.
4.	Ижтимоий хизмат кўрсатувчи	Якка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахс.
5.	Ижтимоий хизматни кўрсатиш шакли	Хизматдан фойдаланувчининг яшаш жойида ёки якка тартибдаги тадбиркор ёхуд юридик шахснинг биносиди.
6.	Ижтимоий хизматдан фойдаланиш учун бериладиган ваучер қиймати	Якка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахсга ижтимоий хизматларни кўрсатган ҳар бир соат учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 12 фоизи миқдорда субсидия ажратилади. Бунда субсидия ажратишда вилоятлар марказлари ва Нукус шаҳрида ташкил этилган ижтимоий хизмат учун ажратилган субсидия миқдори белгиланганда 1,1 нисбатда, Тошкент шаҳри учун 1,3 нисбатда кўпайтирувчи коэффициент қўлланади.
7.	Ваучер қийматини хизмат кўрсатувчига тўлаб бериш шартлари	“Ижтимоий ҳимоя” АТга қуйидаги маълумотларнинг ижтимоий хизмат кўрсатилган кунда киритилганлиги: кўрсатилган ижтимоий хизмат ҳақидаги маълумотлар; ижтимоий хизматдан ҳақиқатда фойдаланган шахснинг биометрик маълумотлари.

* Мазкур хизмат Болаларни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий интеграция маркази ҳамда унинг минтақавий бўлинмалари томонидан ҳам кўрсатилиши мумкин, бунда ушбу паспортнинг 7-позициясида кўрсатилган маълумотлар белгиланган тартибда “Ижтимоий ҳимоя” АТга киритиб борилади.

Зўравонликдан жабрланган, ўзига нисбатан зўравонлик содир этилиши хавфи остида ва ижтимоий жиҳатдан хавfli аҳволда бўлган болалар ҳамда уларнинг оилаларига ижтимоий хизматларни ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
2а-илова

Узоқ муддатли ижтимоий хизмат ПАСПОРТИ

1.	Ижтимоий хизмат номи	Узоқ муддатли ижтимоий хизмат*.
2.	Ижтимоий хизматдан фойдаланувчи	Зўравонликдан жабрланган, ўзига нисбатан зўравонлик содир этилиши хавфи остида бўлган ва ижтимоий жиҳатдан хавfli аҳволда бўлган болалар.
3.	Ижтимоий хизматни кўрсатиш ҳажми ва даврийлиги	Ҳар бир бола учун ишлаб чиқилган ҳимоя қилиш режаси ёки интеграция режасида белгиланган ҳажмда ва бир йилгача бўлган муддатга кўрсатилади.
4.	Ижтимоий хизмат кўрсатувчи	Якка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахс.
5.	Ижтимоий хизматни кўрсатиш шакли	Хизматдан фойдаланувчининг яшаш жойида ёки якка тартибдаги тадбиркор ёхуд юридик шахснинг биносида.
6.	Ижтимоий хизматдан фойдаланиш учун бериладиган ваучер қиймати	Якка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахсга ижтимоий хизматларни кўрсатган ҳар бир соат учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 12 фоизи миқдорда субсидия ажратилади. Бунда субсидия ажратишда вилоятлар марказлари ва Нукус шаҳрида ташкил этилган ижтимоий хизмат учун ажратиладиган субсидия миқдорини белгилашда 1,1 нисбатда, Тошкент шаҳри учун 1,3 нисбатда кўпайтирувчи коэффициент қўлланади.
7.	Ваучер қийматини хизмат кўрсатувчига тўлаб бериш шартлари	“Ижтимоий ҳимоя” АТга қуйидаги маълумотларнинг ижтимоий хизмат кўрсатилган кунда киритилганлиги: кўрсатилган ижтимоий хизмат ҳақидаги маълумотлар; ижтимоий хизматдан ҳақиқатда фойдаланган шахснинг биометрик маълумотлари.

* Мазкур хизмат Болаларни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий интеграция маркази ҳамда унинг минтақавий бўлинмалари томонидан ҳам кўрсатилиши мумкин, ушбу паспортнинг 7-позициясида кўрсатилган маълумотлар белгиланган тартибда “Ижтимоий ҳимоя” АТга киритиб борилади.

Зўравонликдан жабрланган, ўзига нисбатан зўравонлик содир этилиши хавфи остида ва ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган болалар ҳамда уларнинг оилаларига ижтимоий хизматларни ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
26-илова

Туну кун кўрсатиладиган ижтимоий хизмат ПАСПОРТИ

1.	Ижтимоий хизмат номи	Туну кун кўрсатиладиган ижтимоий хизмат.
2.	Ижтимоий хизматдан фойдаланувчи	Зўравонликдан жабрланган, ўзига нисбатан зўравонлик содир этилиши хавфи остида бўлган ва ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган болалар.
3.	Ижтимоий хизматни кўрсатиш ҳажми ва даврийлиги	Ҳар бир бола учун ишлаб чиқилган ҳимоя қилиш режаси ёки интеграция режасида белгиланган ҳажмда ва бир йилгача бўлган муддатга кўрсатилади.
4.	Ижтимоий хизмат кўрсатувчи	Якка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахс.
5.	Ижтимоий хизматни кўрсатиш шакли	Якка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахснинг биносида.
6.	Ижтимоий хизматдан фойдаланиш учун бериладиган ваучер қиймати	Ҳар бир кун учун ҳар бир 7 ёшгача бўлган бола бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг 27 фоизи миқдорда, 7 ёшдан катта бўлган бола бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг 33 фоизи миқдорда субсидия ажратилади.
7.	Ваучер қийматини хизмат кўрсатувчига тўлаб бериш шартлари	а) болани камида уч маҳал овқатлантириш, болани ҳимоя қилиш режаси ёки индивидуал интеграция режасида белгиланган ижтимоий хизматларни амалга ошириш; б) “Ижтимоий ҳимоя” АТга қуйидаги маълумотларнинг ижтимоий хизмат кўрсатилган кунда киритилганлиги: кўрсатилган ижтимоий хизмат ҳақидаги маълумотлар; ижтимоий хизматдан ҳақиқатда фойдаланган шахснинг биометрик маълумотлари.

Зўравонликдан жабрланган, ўзига нисбатан
зўравонлик содир этилиши хавфи остида ва ижтимоий
жихатдан хавфли аҳволда бўлган болалар ҳамда
уларнинг оилаларига ижтимоий хизматларни ташкил
қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
3-илова

Ижтимоий хизматлардан фойдаланиш харажатларини давлат томонидан қоплаб бериш бўйича махсус ваучер _____-сон (____ . ____ . ____)				
1. Ваучерни тасдиқлаган ташкилот номи:		<input type="checkbox"/> Болаларни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий интеграция маркази		
		<input type="checkbox"/> Болаларни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий интеграция марказининг _____ вилоятидаги минтақавий бўлинмаси		
2. Ижтимоий хизматдан фойдаланувчининг Ф.И.О.:				
3. Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами:				
4. Туғилган санаси:				
5. Яшаш жойи ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтган манзили:				
6. Ваучернинг тасдиқланган санаси:		20 ____ йил “ ____ ” _____		
Т/р	Хизмат тури	Хизмат кўрсатиш муддати	Хизмат кўрсатиш вақти	Хизмат кўрсатиш даврийлиги
1.				
2.				
3.				
		QR-код		

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 9 ” февралдаги 48 -сон қарорига
3-илова

Профессионал тутинган оила тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом зўравонликдан жабрланган, ўзига нисбатан зўравонлик содир этилиши хавфи остида ва ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган болалар (кейинги ўринларда – ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар) учун профессионал тутинган оилани ташкил этиш ҳамда уларга ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни тарбияга бериш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ваколатли орган – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (кейинги ўринларда – Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги)нинг туман (шаҳар)лардаги “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази;

номзодлар – ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни профессионал тутинган оиллага олиш истагини билдирган фуқаролар;

профессионал тутинган оила – ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни қисқа ёки узок муддатга шартнома асосида оиллага олган, уларга хавфсиз муҳит ташкил этиш, хулқ-атвори бошқариш ва ғамхўрлик кўрсатиш, шунингдек, психоижтимоий қўллаб-қувватлаш кўникмалари бўйича махсус дастурлар асосида тайёрланган фуқаролар;

худудий бошқармалар – Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бошқармалари.

3. Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни профессионал тутинган оиллага тарбияга бериш уларнинг хоҳишини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Ўзаро қариндош бўлган ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар, қоидага кўра, битта профессионал тутинган оиллага берилади, тиббий кўрсаткичлар бўйича ёки бошқа сабабларга кўра улар бирга тарбияланиши мумкин бўлмаган ҳоллар бундан мустасно.

4. Профессионал тутинган оила жойлашган худуддаги ваколатли орган ижтимоий ҳимояга муҳтож боланинг қонуний вакили ҳисобланади ҳамда унинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилади, ота-она ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинмаган ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланмаган ҳоллар бундан мустасно.

5. Қуйидагилар профессионал тутинган оиланинг асосий вазифалари ҳисобланади:

ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар учун хавфсиз оилавий муҳитни ташкил қилиш;

ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг психоэмоционал ва жисмоний саломатлигини барқарорлаштиришда психоижтимоий хизматлардан фойдаланиш учун шароит яратиш, уларга ҳамроҳлик қилиш ҳамда ғамхўрлик кўрсатиш;

ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларга оид ҳар қандай маълумотнинг сир сақланиши, уларнинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларини таъминлаш;

ваколатли орган билан биргаликда ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни уларнинг шаъни ва кадр-қимматига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига ғайриқонуний аралашувлардан ҳимоя қилиш;

ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг ўзлари томонидан хулқ-атвори бошқаришни ўргатиш, уларнинг ота-оналари (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) билан бузилган муносабатларини тиклаш ва ижтимоийлашувига кўмаклашиш;

ваколатли орган билан биргаликда ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг хулқ-атвори, ёши, иқтидори, қобилияти, қизиқишлари ва бошқа омилларни инобатга олган ҳолда уларни таълимга, кўшимча тўғаракларга жалб қилиш;

ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларда оилавий муносабатлар, маиший-хўжалик, рўзғор юритиш билан боғлиқ иқтисодий кўникмаларни шакллантириш, уларни касб танлаши учун шарт-шароитлар яратиш орқали мустақил ҳаётга тайёрлаш.

6. Профессional тутинган оилага тарбиялаш учун кўпи билан 3 нафаргача бола берилади. Бунда оиладаги ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг умумий сони, ўз болалари ва фарзандликка олинган ёки тутинган болалар билан биргаликда, қоидага кўра, 5 нафардан ошмаслиги керак.

7. Ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар профессионал тутинган оилаларга ваколатли орган билан болани олиш истагини билдирган шахслар ўртасида тузиладиган шартнома асосида берилади.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни профессионал тутинган оилага тарбиялаш учун бериш тўғрисидаги шартнома намунаси Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан тасдиқланади.

8. Профессional тутинган оилаларда ижтимоий ҳимояга муҳтож бола тарбияси ва парвариши болани ҳимоя қилиш режаси ёки индивидуал интеграция режасига (ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган болалар учун) мувофиқ амалга оширилади.

9. Ички ишлар органлари профессионал тутинган оилаларга жойлаштирилган ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг хавфсизлигини таъминлашга, зўравонликнинг такроран содир этилишининг олдини олишга кўмаклашади.

2-боб. Профессионал тутинган оилани ташкил этиш

10. Профессионал тутинган оилани ташкил этиш ушбу Низомга 1-иловадаги схемага мувофиқ амалга оширилади.

11. Ўзбекистон Республикасининг 30 ёшдан 65 ёшгача бўлган фуқаролари, оилавий ҳолатидан қатъи назар, профессионал тутинган оилани ташкил этишлари мумкин, қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тарбияга жойлаштиришнинг барча шаклларига болаларни олиши тақиқланган, шунингдек, оиласи Ижтимоий реестрга киритилган шахслар бундан мустасно.

12. Номзод ўзининг яшаш жойи бўйича ваколатли органга бевосита келган ҳолда, шунингдек, ўзи мустақил равишда “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизими (кейинги ўринларда – “Ижтимоий ҳимоя” АТ) ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) орқали ариза ва мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ талаб этиладиган ҳужжатларни тақдим этади.

Аризада номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи, оилавий ҳолати, агар болалари (шу жумладан, фарзандликка олинган болалари) мавжуд бўлган тақдирда, уларнинг сони ва ёши кўрсатилади.

Зарур ҳужжатлар ва маълумотлар ваколатли орган томонидан мустақил равишда “Рақамли ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали олинади.

Номзодлар Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя тизими ходимларининг малакасини ошириш марказининг профессионал тутинган оилаларни тайёрлаш курсидан ўтган бўлса, сертификат ваколатли орган томонидан мустақил равишда олинади.

13. Ваколатли орган бошқа давлат органлари ва ташкилотлар билан биргаликда номзодлардан ариза ва тегишли ҳужжатларни қабул қилган кундан бошлаб ўн иш куни ичида уларнинг турмуш ва таъминот шароитларини ўрганиб чиқади ҳамда бу ҳақида мазкур Низомга 3-иловада келтирилган намунага мувофиқ далолатнома тузади.

Номзодларнинг турмуш ва таъминот шароитлари ўрганилаётганда ваколатли орган турар жойнинг маиший-хўжалик шароитларини, бола учун яратилган шарт-шароитни, ариза берувчининг шахсий фазилатлари, уларнинг болалар билан ишлаш тажрибаси, оила аъзоларининг болани тарбиялаш учун оилага қабул қилинишига нисбатан муносабатини ўрганади.

14. Ваколатли орган томонидан ўрганиш яқунлари бўйича уч иш куни ичида номзодларнинг профессионал тутинган оилани ташкил этиш мумкинлиги (мумкин эмаслиги) тўғрисида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан тасдиқланган намунадаги хулоса берилади.

Номзодларнинг профессионал тутинган оилани ташкил этиш мумкинлиги тўғрисида хулоса беришга қуйидагилар асос ҳисобланади:

турар жой санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларига мослиги;

тақдим қилинган ҳужжатларнинг қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги;

тайёрлов курсларида ўқиганлигини тасдиқловчи сертификатнинг мавжудлиги;

ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни тарбиялаш учун оилага олиш истагини билдирган номзодларнинг болаларни тарбиялашда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган мажбуриятларини бажара олиш имкониятлари;

номзодларнинг психологик ҳолатининг барқарорлиги ва бола тарбиялашда етарлича кўникмалари мавжудлиги;

болаларни тарбиялаш учун оилага олиш истагини билдирган номзодларнинг болаларга ижтимоий, психологик-педагогик, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш борасида билим ва кўникмага эгаллиги.

Ваколатли орган ижобий хулосани тегишли ҳудудий бошқармага тақдим этади.

15. Профессional тутинган оила ваколатли органнинг ижобий хулосаси асосида ҳудудий бошқарманинг қарори билан ташкил этилади ва бу тўғрисида номзодни бир иш кунида хабардор қилган ҳолда “Ижтимоий ҳимоя” АТда ҳисобга қўйилади.

16. Қуйидаги ҳолатлар ваколатли органнинг салбий хулосасига асос бўлади: турар жой санитария нормалари, қоидалари ва гигиена норматив талабларига жавоб бермаслиги;

тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри маълумотлар кўрсатилганлиги ёки ҳужжатлар тўлиқ шакллантирилмаганлиги;

номзод қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тарбияга жойлаштиришнинг барча шаклларида болаларни олиши тақиқланган шахслар тоифасига мансуб бўлса;

болаларни тарбияга олишга оила аъзоларидан бирининг қарши эканлиги.

17. Ваколатли орган ушбу Низомнинг 16-бандида назарда тутилган асослар мавжуд бўлса, аризани асослантирган ҳолда рад қилади ва бу тўғрисида номзодни “Ижтимоий ҳимоя” АТ ёки ЯИДХПдаги шахсий кабинетига электрон хабарнома юбориш орқали хабардор қилади.

Номзод аризининг рад қилинганлигидан норози бўлган тақдирда, белгиланган тартибда юқори турувчи ташкилотга ёки суд тартибида шикоят қилиши мумкин.

18. Ҳудудий бошқарманинг профессионал тутинган оилани ташкил этиш тўғрисидаги қарорида профессионал тутинган оиланинг номи (агар мавжуд бўлса) ва манзили кўрсатилади.

19. Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни тарбиялашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида фаолият юритган, шунингдек, болалар билан бевосита ишлаш тажрибасига эга номзодларга устунлик ҳуқуқи берилади.

3-боб. Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни профессионал тутинган оиллага бериш тартиби

20. Ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар профессионал тутинган оиллага ваколатли орган ва профессионал тутинган оила ўртасида тузилган шартнома асосида 6 ойгача бўлган муддатга, бироқ ўн саккиз ёшга тўлгунга (вояга етгунга) қадар жойлаштирилади.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг профессионал тутинган оиллада бўлиш муддати уларнинг эҳтиёжлари, индивидуал хусусиятлари, ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солувчи омилларнинг бартараф этиш ҳолати, шунингдек, болаларни ҳимоя қилиш режаси ёки индивидуал интеграция режасини қайта кўриб чиқиш асосида ваколатли орган томонидан қўшимча 6 ойгача узайтирилиши мумкин.

21. Ваколатли орган ижтимоий ҳимояга муҳтож бола профессионал тутинган оиллага жойлаштирилганидан сўнг:

а) “Ижтимоий ҳимоя” АТга қуйидаги маълумотларни бир иш кунида киритади:

ижтимоий ҳимояга муҳтож боланинг профессионал тутинган оиллага жойлаштирилган сана ва унинг ёши;

профессионал тутинган оилани ташкил этган фуқаронинг номига очилган тижорат банкдаги ҳисобварағи;

б) қуйидаги ҳужжатларни уч иш куни ичида электрон шаклда профессионал тутинган оиланинг “Ижтимоий ҳимоя” АТдаги шахсий кабинетига тақдим этади:

ижтимоий ҳимояга муҳтож боланинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси ёки биометрик паспорти (идентификацияловчи ID-карта) маълумотлари;

ваколатли органнинг болани ҳимоя қилиш режаси (агар ишлаб чиқилган бўлса) ёки хулосаси (ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган болалар учун);

болани ҳимоя қилиш режаси ёки индивидуал интеграция режаси;

боланинг ота-оналари (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) тўғрисидаги маълумотлар.

22. Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни жойлаштириш муддатининг тугаши ёки бошқа сабабларга кўра оиладан чиқарилишига қараб профессионал тутинган оиллага янги болалар қабул қилиниши мумкин.

23. Агар профессионал тутинган оилани ташкил этган фуқаро 65 ёшга тўлса, шунингдек, бу бола манфаатига зид бўлса, бундай ҳолларда оиллага янги ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар олишга йўл қўйилмайди.

Профессионал тутинган оилани ташкил этган фуқаро 65 ёшга тўлса, ўз фаолиятини жойлаштирилган ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг бўлиш муддати якунига қадар, шунингдек, улар бошқа сабабларга кўра оиладан олингунига қадар амалга оширади.

24. Ижтимоий ҳимояга муҳтож бола қуйидаги ҳолларда профессионал тутинган оиладан чиқарилади:

ушбу Низомнинг 20-бандида назарда тутилган муддат тугаганда;

ижтимоий ҳимояга муҳтож бола ўз ота-онасига қайтарилганда;

ижтимоий ҳимояга муҳтож бола бошқа муқобил жойлаштириш шаклларига жойлаштирилганда;

ижтимоий ҳимояга муҳтож бола вафот этганда;

профессионал тутинган оилани ташкил этган фуқаролар вафот этганда, суд томонидан вафот этган деб эълон қилинганда ёки бедарак йўқолган деб топилганда;

ваколатли орган ва профессионал тутинган оила ўртасида тузилган шартнома тарафларнинг ташаббуси билан бекор қилинганда.

25. Ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар профессионал тутинган оиладан чиқарилганда, уни жойлаштириш бўйича профессионал тутинган оила билан тузилган шартнома бекор қилинади ва бу тўғрисидаги маълумот ваколатли орган томонидан “Ижтимоий ҳимоя” АТга киритилади.

4-боб. Профессионал тутинган оилалар ва болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

26. Профессионал тутинган оила қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг руҳий ва жисмоний ривожланиши ҳамда соғлиғи тўғрисида батафсил маълумотларни олиш;

ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг ота-оналари (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) тўғрисидаги маълумотларни олиш ва тегишли ҳужжатлар билан танишиш;

ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни оилага қабул қилишда мазкур Низомнинг 21-банди “б” кичик бандида келтирилган ҳужжатларнинг тўлиқ тақдим этилишини талаб қилиш;

болаларга ғамхўрлик кўрсатиш ва уларни ижтимоий реабилитация қилишда ваколатли орган, бошқа давлат органлари ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш.

Профессионал тутинган оила қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин. Профессионал тутинган оиланинг ҳуқуқларини болаларнинг ҳуқуқларига зид равишда амалга оширилишига йўл қўйилмайди.

27. Профессионал тутинган оила қуйидагиларга мажбур:

болани ҳимоя қилиш режаси ёки индивидуал интеграция режасида профессионал тутинган оила учун белгиланган вазифаларни бажариш;

ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг асосий эҳтиёжларини қондириш (соғлиғи, таълим олиши ва жисмоний ривожланиши ҳамда моддий таъминоти), улар учун хавфсиз оилавий ва дўстона муҳитини ташкил қилиш;

ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларга оид ҳар қандай маълумотнинг сир сақланиши, уларнинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларини таъминлаш;

ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни уларнинг шаъни ва кадр-қимматига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига ғайриқонуний аралашувлардан ҳимоя қилиш;

ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг психоэмоционал ҳолатини барқарорлаштириш, уларнинг ота-оналари (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) билан бузилган муносабатларини тиклаш ва ижтимоийлашувига кўмаклашиш;

ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларда оилавий муносабатлар, маиший-ҳўжалик, рўзғор юритиш билан боғлиқ иқтисодий кўникмаларни шакллантириш, уларни касб танлаши учун шарт-шароитлар яратиш орқали мустақил ҳаётга тайёрлаш;

ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни тарбиялашда қонунчилик ҳужжатларига ва халқаро нормалар талабларига қатъий амал қилиш.

Профessional тутинган оила зиммасига қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

28. Ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар куйидаги ҳуқуқларга эга:

оилада фикрлаш, сўз, виждон ва эътиқод эркинлигидан фойдаланиш;

таълим олиш;

тиббий ёрдам олиш;

қизиқиш ва қобилиятлари доирасида кўшимча таълим олиш;

ёши, соғлиғининг ҳолати ва касбий тайёргарлигига мувофиқ қонунчиликда белгиланган тартибда меҳнат қилиш, фаолият турини ва касбни эркин танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш.

5-боб. Профessional тутинган оилага берилган ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг моддий таъминоти

29. Профessional тутинган оилага берилган ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг моддий таъминоти куйидагича амалга оширилади:

ҳар бир ижтимоий ҳимояга муҳтож боланинг яшаш харажатлари учун ҳар ойда 7 ёшгача бўлган болаларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 баравари миқдорида, 7 ёшдан катта бўлган болаларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 7 баравари миқдорида;

ҳар бир ижтимоий ҳимояга муҳтож болани тарбиялагани (парваришлаш) учун профessional тутинган оилага меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 2 баравари миқдорида маблағлар тўланади.

Профessional тутинган оила ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни озиқ-овқат, кийим-бош, пойабзал ва юмшоқ жиҳозлар, шахсий гигиена буюмлари билан таъминлаши, уларни ўқув курсларида ўқиш учун шароит яратиб бериши лозим.

30. Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг барча яшаш харажатлари ва профессионал тутинган оилага тўланадиган тўловлар Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан алоҳида очилган шахсий ғазна ҳисобварағи орқали амалга оширилади. Бунда “Ижтимоий ҳимоя” АТда:

ҳар бир ижтимоий ҳимояга муҳтож бола ва профессионал тутинган оила учун белгиланган маблағлар боланинг ёши ва сонига мутаносиб равишда профессионал тутинган оилага ўтказиладиган маблағ автоматик ҳисоб-китоб қилинади;

тўлов қайдномаси ва тўлов топшириқномаси ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5-санасига қадар шаклланади ва Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармасининг махсус ғазна ҳисобварағидан икки иш куни ичида Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ахборот тизимлари орқали профессионал тутинган оилани ташкил этган фуқаронинг тижорат банкдаги ҳисобварағига автоматик равишда ўтказилади.

31. Профессионал тутинган оила жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилиши мумкин.

32. Профессионал тутинган оилага пул маблағларини ажратиш унга ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар қабул қилингандан сўнг амалга оширилади.

Янги қабул қилинган ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар учун улар қабул қилинган ойда ажратиладиган маблағлар миқдори бир нафар болага белгиланган суммани бола қабул қилинган ой кунларига пропорционал бўлиш орқали ҳисобланади.

33. Ижтимоий ҳимояга муҳтож бола ой давомида профессионал тутинган оиладан чиқарилганда, у учун ажратилган маблағлар Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармасига қайтарилади ёки келгуси тўловлар ҳисобига ҳисобга олинади.

34. Ажратилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш бўйича жавобгарлик профессионал тутинган оила зиммасига юклатилади.

6-боб. Профессионал тутинган оилага берилган ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг ҳолатини мониторинг қилиш

35. Профессионал тутинган оилага берилган ижтимоий ҳимояга муҳтож боланинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, унинг турмуш шароитлари ва тарбияланишини, болани ҳимоя қилиш режаси ёки индивидуал интеграция режасининг амалга оширилишини ҳамда унинг оилага мослашганлиги мониторинги профессионал тутинган оила яшаётган жойидаги ваколатли орган томонидан олиб борилади.

Мониторинг ҳар ойда камида бир маротаба профессионал тутинган оила яшаётган хонадонга ташриф буюрган ҳолда амалга оширилади.

36. Профессионал тутинган оилаларни мониторинг қилишда профилактика инспекторлари жалб қилиниши мумкин.

37. Мониторинг қилишда қуйидаги ҳолатларга алоҳида эътибор қаратилади:
болани ҳимоя қилиш режаси ёки индивидуал интеграция режасининг амалга оширилиши ҳолати;

ижтимоий ҳимояга муҳтож боланинг яшаши ва ривожланиши учун шароитлар мавжудлиги;

хонадоннинг маиший-хўжалик шароитлари;

ижтимоий ҳимояга муҳтож боланинг оила муҳитига ва оила аъзоларининг бола хулқи ва характериға мослашганлиги;

ижтимоий ҳимояга муҳтож боланинг тарбияси, таълими, ақлий ривожланиши, соғлиғи, ташқи кўриниши, гигиенаға риоя қилиниши, эмоционал ҳамда жисмоний ривожланиши;

ижтимоий ҳимояга муҳтож боланинг алоҳида қизиқиш ва қобилиятларининг қўллаб-қувватланиши;

оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари;

ижтимоий ҳимояга муҳтож боланинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш учун таълим, спорт, маиший ва санъат соҳаларига оид қўшимча машғулотларға жалб этилганлиги ва бошқалар.

38. Юридик ёки жисмоний шахслар томонидан профессионал тутинган оилаға берилган ижтимоий ҳимояга муҳтож болани парваришлаш ва тарбиялаш билан боғлиқ мажбуриятлар лозим даражада бажармаётганлиги ёхуд бола ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг бузилиши ҳақидаги мурожаатлар келиб тушган тақдирда, ваколатли орган режадан ташқари мониторингни амалга ошириши мумкин.

39. Мониторинг давомида ижтимоий ҳимояга муҳтож боланинг тарбияси, ривожланиши, ҳуқуқлари таъминланиши билан боғлиқ муаммо ёки камчиликлар аниқланган тақдирда, ваколатли орган тегишли давлат ва нодавлат ташкилотларини жалб қилган ҳолда, муаммони бартараф этишға қаратилган маслаҳат, психологик-педагогик, ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий ва бошқа ижтимоий хизматлар ташкил этилишини таъминлайди. Бунда зарур ҳолларда, ваколатли орган томонидан болани ҳимоя режаси ёки индивидуал интеграция режасига тегишли ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

40. Профессионал тутинган оилани ташкил этган фуқаролар томонидан ўзларига юклатилган мажбуриятлар бажарилмаганлиги ёки ижтимоий ҳимояга муҳтож боланинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари таъминланмаганлиги билан боғлиқ далиллар аниқланган тақдирда, ваколатли орган ўрганиш далолатномасида ушбу ҳолатларни акс эттириши лозим.

Мониторинг давомида профессионал тутинган оила зиммасига юклатилган мажбуриятларни лозим даражада бажарилмаганлиги ёки бажарилмаганлиги аниқланганда, ваколатли орган уларнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилиш юзасидан тегишли давлат органларига таклифлар киритади.

41. Профессional тутинган оилалар томонидан ҳаракатлар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талаблар, улар билан тузилган шартнома шартларига зид равишда амалга оширилаётган тақдирда ёхуд уларнинг ҳаракатлари ижтимоий ҳимояга муҳтож боланинг соғлиғи, ҳаёти, жисмоний, психологик, ахлоқий ривожланишига жиддий зарар етказаётган бўлса, шунингдек, мониторинг мобайнида аниқланган камчиликларни ижтимоий ҳимояга муҳтож болани оиладан олмасдан ҳал қилиб бўлмаслиги маълум бўлганда, ваколатли орган мониторинг ўтказилгандан сўнг уч иш кун ичида:

профессional тутинган оилани белгиланган мажбуриятларини бажаришдан четлаштириш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож болани оиладан олиш ҳақида қарор қабул қилади;

профессional тутинган оила билан тузилган шартномани бекор қилади; ижтимоий ҳимояга муҳтож боланинг хавфсизлигини таъминлайди.

42. Профессional тутинган оила яшаш манзилини ўзгартирган тақдирда, бу тўғрисида яшаш жойидаги ваколатли органни хабардор қилади ҳамда янги манзилда жойлашган ҳудуддаги ваколатли орган 10 кун ичида режадан ташқари мониторингни амалга ошириши шарт.

43. Мониторинг натижалари “Ижтимоий ҳимоя” АТга киритилади.

7-боб. Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни тарбияга олиш тўғрисидаги шартноманинг бекор қилиниши

44. Қуйидаги ҳолатларда профессионал тутинган оила билан тузилган шартнома ваколатли органнинг ташаббуси билан бир томонлама бекор қилинади: профессионал тутинган оила томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож болага ғамхўрлик кўрсатилмаганда, мазкур Низомда ва шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилмаганда;

ижтимоий ҳимояга муҳтож боланинг парвариши ва таъминоти, кийим-бош ва пойабзал харажатлари учун бериладиган маблағларни боланинг манфаатлари йўлида сарфланмаганда;

ваколатли орган томонидан олиб бориладиган мониторинг натижасида профессионал тутинган оила билан тузилган шартномани бекор қилишга сабаб бўладиган ҳолатлар мавжуд бўлганда;

профессional тутинган оилани ташкил этган фуқаро ёки тарбияга берилган ижтимоий ҳимояга муҳтож бола вафот этганда.

45. Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни тарбияга олиш тўғрисидаги шартнома муддатидан олдин қуйидаги сабаблар бўлганда профессионал тутинган оиланинг ташаббуси билан бекор қилиниши мумкин:

узоқ вақт (бир ойдан ортиқ бўлган муддатда) касал бўлганда;

ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар билан ўзаро бир-бирини тушунмаслик ва бошқалар.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни профессионал тутирган оилага тарбиялаш учун бериш тўғрисидаги шартнома ушбу болалар ота-оналарига қайтарилганда ёки жойлаштиришнинг бошқа муқобил шаклига берилганида муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин.

8-боб. Яқунловчи қоидалар

46. Ушбу Низомни қўллаш жараёнида юзага келган низоларни ҳал қилиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

47. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Профессионал тутинган оила
тўғрисидаги низомга
I-илова

**Профессионал тутинган оилани ташкил этиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Профессионал тутинган оилани ташкил этиш истагини билдирган фуқаро	Ўзининг яшаш жойи бўйича “Инсон” ижтимоий хизматлар марказларига бевосита келган ҳолда ёки ўзи мустақил равишда “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизими ёхуд Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали профессионал тутинган оилани ташкил этиш бўйича ариза (унга талаб этиладиган ҳужжатларни илова қилган ҳолда) билан мурожаат қилади.	Ўз хоҳишига кўра
2-босқич	“Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари	<p>1. Номзоднинг аризасини ва тақдим этган ҳужжатларини ўрганиб чиқади.</p> <p>2. Зарур ҳужжатларни “Рақамли ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали олади.</p> <p>3. Болани тарбиялаш учун оиласига қабул қилиш истагини билдирган шахсларнинг турмуш ва таъминот шароитларини ўрганиб чиқади ҳамда бу ҳақида тегишли далолатнома тузади.</p> <p>4. Ўрганиш яқунлари бўйича профессионал тутинган оилани ташкил этиш мумкинлиги тўғрисидаги ижобий хулосани Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг тегишли ҳудудий бошқармасига тақдим этади.</p> <p>5. Аризани рад қилишга асослар мавжуд бўлса, аризани асослантирган ҳолда рад қилади ва бу тўғрисида номзодни унинг “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизими ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталидаги шахсий кабинетиغا электрон хабарнома юбориш орқали хабардор қилади.</p>	<p>Ариза қабул қилинган кундан бошлаб ўн иш куни ичида</p> <p>уч иш куни ичида</p> <p>бир иш куни ичида</p>
3-босқич	Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг ҳудудий бошқармалари	“Инсон” ижтимоий хизматлар марказларининг ижобий хулосаси асосида профессионал тутинган оилани ташкил этиш бўйича қарор қабул қилади ва бу тўғрисида номзодни унинг “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизими ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталидаги шахсий кабинетиغا электрон хабарнома юбориш орқали хабардор қилган ҳолда “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизимида ҳисобга қўяди.	бир иш куни ичида

Профессионал тутинган оила
тўғрисидаги низомга
2-илова

Болаларни профессионал тутинган оилага қабул қилиш истагини билдирган номзодларни ҳисобга олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар РЎЙХАТИ

1. Номзодлар томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати:

- а) ариза*;
- б) тиббиёт муассасаси врачлик-маслаҳат комиссиясининг номзодлар соғлиғи тўғрисидаги хулосаси;
- в) сил касаллигига қарши курашиш ва тери-таносил диспансеридан олинган маълумотномалар;
- г) шахсининг ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганлиги (қилинмаганлиги), муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганлиги (топилмаганлиги), фарзандлик бекор қилинганлиги (қилинмаганлиги) ҳақидаги суд қарори (маълумот).

2. “Рақамли ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали олинган маълумотлар рўйхати:

- а) шахсни тасдиқловчи ҳужжат тўғрисидаги маълумотлар;
- б) никоҳ қайд этилганлиги (агар никоҳда бўлса) тўғрисидаги маълумот;
- в) судланганлик (судланмаганлик) ҳолати ҳақида маълумот;
- г) иш жойи, эгаллаб турган лавозими ва иш ҳақи кўрсатилган (агар мавжуд бўлса) ёки бошқа даромад манбалари тўғрисидаги маълумот**;
- д) турар жойга бўлган мулк ҳуқуқини ёки турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи маълумотлар;
- е) наркология диспансери ҳисобида туриши ёки турмаслиги тўғрисидаги маълумот;
- ж) руҳий касалликлар бўйича диспансер ҳисобида туриши ёки турмаслиги тўғрисидаги маълумот.

Изоҳ.

**Агар ариза эр-хотиндан бири томонидан берилса, иккинчисининг розилиги аризага илова қилинади, Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожат қилинган тақдирда, тегишли розилик уни бераётган шахс томонидан масофадан туриб биометрик идентификациялаш (электрон рақамли имзо, Mobile-ID, Face-ID ёки бошқа) технологиялари орқали тасдиқланади.*

*** Ушбу маълумот “Рақамли ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали белгиланган мезонлар асосидаги скоринг баҳолаш натижаларига кўра автоматлаштирилган ҳолда шакллантирилади.*

Профессионал тутинган
оила тўғрисидаги низомга
3-илова

Профессионал тутинган оилани ташкил этишни хоҳловчи фуқароларнинг турмуш
ва яшаш шароитларини ўрганиш бўйича _____-сон
ДАЛОЛАТНОМА

20__ йил “___” _____
(далолатнома тузилган жой)

Номзоднинг Ф.И.О. _____

Телефон рақами: _____

Туғилган санаси (кун/ой/йил) _____ Маълумоти: _____

Паспорт (ID-карта) маълумотлари: _____
(серияси, рақами, ким томонидан ва қачон берилган, тузилган санаси, рўйхатдан ўтган манзил)

Касбий фаолият тури/иш жойи _____

Яшаш манзили: _____

Яшаш хонадони ва унинг ҳолати _____
(кўп қаватли уй, ҳовли, яшаш хоналари сони, ер майдони, хонадоннинг ҳолати, қўшимча қурилма, шароитлар ва бошқалар)

Турар жой мақоми: _____
(миқдор, ижара ва бошқалар)

Уй хўжалигида мавжуд уй ҳайвонлари (тури ва сони): _____

Биз куйида имзо чекувчилар, _____
(“Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ходимлари)

ва _____,
(маҳалла раиси* Ф.И.О., Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг туман (шаҳар) бўлими вакили** Ф.И.О. лавозими)

Номзод иштирокида унинг яшаш хонадонида турмуш ва яшаш шароитлари ўрганиш вақтидаги ҳолат куйидагилардан иборат:

- Фуқаролиги _____
- Оилавий аҳволи _____
- Турмуш ўртоғининг Ф.И.О. (оилали бўлса) _____
- Қачондан буён никоҳда туради _____
- Фарзандларининг мавжудлиги, сони _____

Т/р	Фарзанди Ф.И.О.	Туғилган йили, ой, санаси	Яшаш манзили
1.			
2.			
...			

6. Нафақа олиши ҳақида маълумот _____

7. Даромади миқдори _____
8. Хонадондаги хоналар сони, ҳолати ва жиҳозланганлиги _____
9. Болалар учун ажратилган хоналар сони _____
10. Ҳар бир хонада яратилган шароитлар ҳолати _____

Номзод билан бирга яшаётган ҳар бир оила аъзосининг Ф.И.О., ёши ва уларнинг розилиги.

1. _____
2. _____

Номзоднинг шахсий фазилати (жумладан, характери, фарзандликка олувчи ва тутинган ота-оналарни тайёрлаш курсида ўқиганлиги, болалар билан ишлаш тажрибаси ва бошқалар):

Номзод оиласи аъзоларининг ўзаро муносабатлари характери (оила аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабат):

Болани оиласига олиши сабаби (мотиви): _____

**“Инсон” ижтимоий хизматлар
марказининг Болаларни ижтимоий
ҳимоя қилиш шуъбаси ходими:**

(имзо)

(Ф.И.О.)

**“Инсон” ижтимоий хизматлар
марказининг ижтимоий ходими:**

(имзо)

(Ф.И.О.)

МФЙ раиси:

(имзо)

(Ф.И.О.)

**Санитария-эпидемиологик
осойишталик ва жамоат
саломатлиги қўмитасининг туман
(шаҳар) бўлими ходими:**

(имзо)

(Ф.И.О.)

Номзод:

(имзо)

(Ф.И.О.)

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 9 ” февралдаги ~~48~~ сон қарорига
4-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига қиритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Болалар масалалари бўйича миллий комиссия тўғрисидаги низомни ва Болалар масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) комиссиялари тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида” 2022 йил 6 июлдаги 363-сон қарорида:

а) 2-иловада:

8-банднинг тўққизинчи хатбошисидан “республика ўқув-тарбия муассасаларида,” сўзлари чиқариб ташлансин;

42-бандда:

ўнинчи хатбошидан “республика ўқув-тарбия муассасаларида,” сўзлари чиқариб ташлансин;

ўн бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

ўн олтинчи – йигирманчи хатбошилар тегишлича ўн бешинчи – ўн тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

45-банддан “республика ўқув-тарбия муассасаларида ҳамда” сўзлари чиқариб ташлансин;

48-банддан “ҳамда республика ўқув-тарбия муассасаларига” сўзлари чиқариб ташлансин;

50-бандда:

еттинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

саккизинчи хатбоши еттинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

52-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

56-банддан “республика ўқув-тарбия муассасасидан,” сўзлари чиқариб ташлансин;

60-банддан “ёки республика ўқув-тарбия муассасаларида” сўзлари чиқариб ташлансин;

71-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 3-илованинг 9-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 26 июндаги 263-сон қарори билан тасдиқланган Педагог ходимлар учун йиллик узайтирилган меҳнат таътили давомийлиги меъёрларининг II бўлими 1-бобининг номидаги “, Республика ўқув-тарбия муассасалари” сўзлари чиқариб ташлансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 28 декабрдаги 687-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси тўғрисидаги низомнинг 18-банди ўттиз тўртинчи хатбошиси “Инсон” ижтимоий хизмат марказлари ходимлари” сўзларидан олдин “Агентлик тизимидаги муассасаларнинг ижтимоий ходимлари,” сўзлари билан тўлдирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Энг фаол ижтимоий ходим” кўрик-танловини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 3 февралдаги 69-сон қарорида:

а) 3-бандда:

“б” кичик банддан “ижтимоий ходим ассистентлари,” сўзлари чиқариб ташлансин;

“г” кичик банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“г) кўрик-танловнинг республика финал босқичи ғолиб ва совриндорлари бир йўла тўланадиган пул мукофоти билан куйидаги миқдорда тақдирланади:

1-ўрин учун – меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 15 баравари миқдорида;

Агентлик томонидан белгиланган ҳар бир номинация учун – меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 10 баравари миқдорида”;

б) иловада:

1-банддан “ижтимоий ходим ассистентлари,” сўзлари чиқариб ташлансин;

2-банддан тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

3-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“3. Кўрик-танловда “Энг фаол ижтимоий ходим” номинацияси бўйича ижтимоий ходимлар иштирок этади”;

20-банд куйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Бунда кўрик-танловнинг ҳудудий саралаш босқичида ижтимоий иш соҳасидаги онлайн тест ҳамда IQ (интеллектуал коэффициент) ва индивидуал психологик хусусиятлари бўйича даражани аниқлашга қаратилган синовлардан 71 фоиздан юқори тўплаган иштирокчилар яқка тартибдаги суҳбат синовида кўйилади”;

24-банддаги “1, 2 ва 3-ўринларни эгаллаган иштирокчилар” сўзлари “1-ўринни эгаллаган иштирокчилар” сўзлари билан алмаштирилсин;

29-банднинг “б” кичик банди куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“б) республика финал босқичида:

1-ўрин учун – меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 15 баравари миқдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти;

Агентлик томонидан белгиланган ҳар бир номинация учун – меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 10 баравари миқдориди”;

иловада:

3-босқич “Тадбирлар” устунининг 1-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1. Кўрик-танловнинг “Энг фаол ижтимоий ходим” номинацияси бўйича ҳудудий саралаш босқичини ўтказди”;

5-босқич “Тадбирлар” устуни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Кўрик-танловнинг “Энг фаол ижтимоий ходим” номинацияси бўйича ғолиб ва совриндорларни тақдирлайди”.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Темир дафтар” орқали ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 2024 йил 31 майдаги 313-сон қарориди:

а) 1-банднинг учинчи хатбошисидаги, 2¹-банднинг учинчи хатбошисидаги ва 5-банддаги “Камбағал оилалар реестрига” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-иловада:

6-банд “уй-жой таъмирлаш” сўзларидан кейин “ёки тиклаш ёхуд мослаштириш” сўзлари билан тўлдирилсин;

8-банддаги, 10-банднинг биринчи хатбошисидаги ва 23-банднинг бешинчи хатбошисидаги тегишли келишиқдаги “Камбағал оилалар реестри” сўзлари тегишли келишиқдаги “Ижтимоий реестр” сўзлари билан алмаштирилсин;

16-банднинг тўртинчи хатбошисидаги “Оилаларни камбағалликдан чиқариш бўйича индивидуал режада камбағал оилаларга” сўзлари “Ижтимоий реестрга киритилган оилалар бўйича ишлаб чиқилган индивидуал режада” сўзлари билан алмаштирилсин;

24-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“24. Мазкур Низомнинг 3, 5, 8 ва 9-иловаларига мувофиқ паспортда назарда тутилган уй-жой таъмирлаш ёки тиклаш ёхуд мослаштириш учун қурилиш материаллари, кўмир ёки ёқилғи маҳсулотлари ҳамда озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа энг зарур товарларни (кейинги ўринларда – товар) харид қилиш тарзидаги ижтимоий ёрдамлар электрон тижорат воситасида электрон савдо платформаси орқали кўрсатилади”;

33-банддаги “3, 5 ва 8-иловаларига” сўзлари “3, 5, 8 ва 9-иловаларига” сўзлари билан алмаштирилсин;

1-илованинг 8-позицияси учинчи устунининг тўртинчи ва олтинчи хатбошиларидаги “Камбағал оилалар реестрига” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин;

2-иловада:

3-позициянинг учинчи устунидаги “Камбағал оилалар реестрига киритилган ёки ойлик даромади” сўзлари “Ижтимоий реестрга киритилган ёки ойлик ўртача жами даромади” сўзлари билан алмаштирилсин;

5-позициянинг учинчи устунида:

“а” кичик банддаги “Камбағал оилалар реестрида рўйхатда” сўзлари “Ижтимоий реестрда” сўзлари билан алмаштирилсин;

“б” кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“б) ойлик ўртача жами даромади оила аъзоларининг ҳар бирига минимал истеъмом харажатлари миқдорининг 2 бараваридан кўп бўлмаган оила аъзоси. Бунда оиланинг ойлик ўртача жами даромади Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган оилани “давлат таъминотидаги оила” ёки “камбағал оила” тоифасига киритиш жараёнида баҳолашдан ўтказиш тартибига мувофиқ аниқланади”;

3-иловада:

3-позициянинг учинчи устунидаги “Камбағал оилалар реестрига” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин;

5-позициянинг учинчи устунидаги “Камбағал оилалар реестрида рўйхатда” сўзлари “Ижтимоий реестрда” сўзлари билан алмаштирилсин;

6-позициянинг учинчи устуни иккинчи хатбошисидаги “бир йилда икки маротаба” сўзлари “ҳар ярим йилда бир маротаба” сўзлари билан алмаштирилсин;

4-иловада:

3-позициянинг учинчи устунидаги “Камбағал оилалар реестрига” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин;

5-позициянинг учинчи устунидаги “Камбағал оилалар реестрида рўйхатда” сўзлари “Ижтимоий реестрда” сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги 8-позиция билан тўлдирилсин:

“

8.	Изоҳ:	Ижтимоий реестрга киритилган оиланинг мурожаати асосида ижтимоий ёрдамни кўрсатиш қўшимча олти ойга узайтирилиши мумкин. Мазкур ижтимоий ёрдам тури бўйича компенсация яқин қариндошлар ўртасида тузилган ижара шартномаси учун тўлаб берилмайди.
----	-------	--

”;

5-иловада:

3-позициянинг учинчи устуни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“а) уй-жойни таъмирлаш учун – Ижтимоий реестрга киритилган ёки ойлик ўртача жами даромади оила аъзоларининг ҳар бирига минимал истеъмом харажатлари миқдорининг 2 бараваригача бўлган оилалар;

б) яшаш шароитини мослаштириш учун – Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ва ёлғиз кексалар ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларнинг реестрига киритилган шахслар. Бунда ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ва ёлғиз кексалар ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар Ижтимоий реестрда туриши ёки ойлик ўртача жами даромади оила аъзоларининг ҳар бирига минимал истеъмол харажатлари миқдорининг 2 бараваридан кўп бўлмаган оиланинг аъзоси бўлиши лозим”;

4-позиция куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

4.	Ижтимоий ёрдамни олиш учун тақдим қилинадиган ҳужжатлар:	–
----	--	---

”;

5-позициянинг учинчи устунида:

“а” кичик банддаги “Камбағал оилалар реестрида рўйхатда” сўзлари “Ижтимоий реестрда” сўзлари билан алмаштирилсин;

“б” кичик банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“б) ойлик ўртача жами даромади оила аъзоларининг ҳар бирига минимал истеъмол харажатлари миқдорининг 2 бараваридан кўп бўлмаган оиланинг аъзоси бўлиши. Бунда оиланинг ойлик ўртача жами даромади Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган оилани “давлат таъминотидаги оила” ёки “камбағал оила” тоифасига киритиш жараёнида баҳолашдан ўтказиш тартибига мувофиқ аниқланади”;

6-позициянинг учинчи устунидаги “Фақат” сўзи “Икки йилда” сўзлари билан алмаштирилсин;

7-позициянинг учинчи устунида:

1-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1. Мазкур ёрдам бўйича қурилиш материаллари хариди ва таъмирлаш ёки мослаштириш учун маблағлар:

а) туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармалари, ёки “Маҳалла сервис компанияси”га шартномага мувофиқ пул ўтказиш йўли билан тақдим этилади. Бунда:

туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармалари ёки “Маҳалла сервис компанияси” томонидан таъмирлаш ёки мослаштириш ишларини амалга ошириш учун зарур бўлган қурилиш материаллари тўғридан-тўғри шартнома асосида харид қилинади;

туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармалари ёки “Маҳалла сервис компанияси” томонидан уй-жойни таъмирлаш ёки мослаштириш ишларини бажариш имкони бўлмаганда, мазкур ишлар ушбу банднинг “б” кичик бандида кўрсатилган тартибда ёрдам олувчи томонидан амалга оширилиши мумкин;

таъмирлаш ёки мослаштириш ишларини бошлаш учун туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармалари ёки “Маҳалла сервис компанияси”га “маҳалла еттилиги”нинг коллегиял қарорида кўрсатилган маблағларнинг 50 фоизи аванс сифатида шартномага асосан ўтказиб берилади;

б) “маҳалла еттилиги”нинг коллегиял қарорида уй-жойни таъмирлаш ёки мослаштириш ишлари ёрдам олувчи томонидан амалга оширилиши кўрсатилган тақдирда, ёрдам олувчига кўпи билан мазкур паспортнинг 2-позициясида назарда тутилган ижтимоий ёрдам миқдорининг 85 фоизигача бўлган қийматдаги ваучер тақдим этилади.

Бунда қурилиш материалларини электрон савдо платформаси ёки савдо майдончаси орқали харид қилинади”;

2-банднинг биринчи хатбошисидаги “Шаҳарлар ва туманлар” сўзлари “Туман (шаҳар)” сўзлари билан алмаштирилсин;

8-позицияда:

иккинчи устундаги “озик-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак ва бошқа энг зарур товарлар” сўзлари “уй-жойни таъмирлаш ёки мослаштириш учун қурилиш маҳсулотлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи устундаги “Уй-жойини таъмирлаш учун қурилиш маҳсулотлари рўйхати” сўзлари “Уй-жойини таъмирлаш ёки мослаштириш учун қурилиш маҳсулотлари рўйхати” сўзлари билан алмаштирилсин;

9-позициянинг учинчи устуни “а” кичик бандида:

учинчи хатбошидаги “пол қисмини” сўзлари “пол ва девор қисмларини” сўзлари билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидаги “Камбағал оилалар реестрига” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин;

изоҳ қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“* Мазкур ижтимоий ёрдам бўйича харид қилинадиган уй-жойини таъмирлаш учун қурилиш маҳсулотлари рўйхатига Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан ўзгартириш киритилиши мумкин ҳамда ушбу рўйхат бўйича қурилиш маҳсулотлари “маҳалла еттилиги”нинг коллегиял қарори билан уй-жойни таъмирлаш ишлари ёрдам олувчи томонидан амалга оширилиши белгиланган ҳолатларда харид қилинади”;

6-иловада:

3-позициянинг учинчи устунидаги “Камбағал оилалар реестрига” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин;

5-позициянинг учинчи устунидаги “Камбағал оилалар реестрида рўйхатда” сўзлари “Ижтимоий реестрда” сўзлари билан алмаштирилсин;

6-позициянинг учинчи устуни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Бир куз-қиш мавсумида кўпи билан икки мартаба (1 октябрдан 15 мартга қадар)”;

7-позициянинг учинчи устуни куйидаги тахрирда баён этилсин:

“Мазкур ёрдам бўйича маблағлар коммунал хизматлар бўйича таъминот корхоналарига электрон ахборот дастури орқали тўғридан-тўғри ўтказиб берилади”;

7-иловада:

3-позициянинг учинчи устунидаги “Камбағал оилалар реестрига” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин;

5-позициянинг учинчи устунидаги “Камбағал оилалар реестрида рўйхатда” сўзлари “Ижтимоий реестрда” сўзлари билан алмаштирилсин;

6-позициянинг учинчи устуни куйидаги тахрирда баён этилсин:

“Бир куз-қиш мавсумида кўпи билан икки маротаба (1 октябрдан 15 мартга қадар)”;

7-позициянинг учинчи устунидаги “шартномага мувофиқ” сўзлари “электрон ахборот дастури орқали” сўзлари билан алмаштирилсин;

8-иловада:

2-позициянинг учинчи устуни куйидаги тахрирда баён этилсин:

“БХМнинг 3 бараваригача”;

3-позициянинг учинчи устунидаги “Камбағал оилалар реестрига” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин;

5-позициянинг учинчи устуни куйидаги тахрирда баён этилсин:

“Оиланинг Ижтимоий реестрда туриши”;

6-позициянинг учинчи устуни куйидаги тахрирда баён этилсин:

“Бир куз-қиш мавсумида кўпи билан икки маротаба”;

9-иловада:

3-позициянинг учинчи устунидаги “Камбағал оилалар реестрига” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин;

4-позициянинг учинчи устуни куйидаги тахрирда баён этилсин:

“Содир бўлган ёнғин тўғрисида давлат хизматлари маркази томонидан тақдим қилинган маълумотнома ёки Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 25 ноябрдаги 747-сон қарори билан тасдиқланган Табiiй офатлар оқибатида аҳолига етказилган зарарни қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга асосан Табiiй офатлар оқибатида жабрланган шахсларга етказилган зарарни аниқлаш ва баҳолаш бўйича ишчи гуруҳ томонидан табiiй офатлар оқибатида етказилган зарарни аниқлаш ва баҳолаш бўйича тузилган далолатнома”;

5-позициянинг учинчи устунида:

“а” кичик банддаги “Камбағал оилалар реестрида рўйхатда” сўзлари “Ижтимоий реестрда” сўзлари билан алмаштирилсин;

“б” кичик банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

“б) ойлик ўртача жами даромади оила аъзоларининг ҳар бирига минимал истеъмол харажатлари миқдорининг 2 бараваридан кўп бўлмаган оиланинг аъзоси бўлиши. Бунда оиланинг ойлик ўртача жами даромади Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган оилани “давлат таъминотидаги оила” ёки “камбағал оила” тоифасига киритиш жараёнида баҳолашдан ўтказиш тартибига мувофиқ аниқланади”;

7-позициянинг учинчи устунида:

1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1. Мазкур ёрдам бўйича қурилиш материаллари ва таъмирлаш учун маблағлар:

а) туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармалари ёки “Маҳалла сервис компанияси” шартномага мувофиқ пул ўтказиш йўли билан тақдим этилади. Бунда:

туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармалари ёки “Маҳалла сервис компанияси” томонидан таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун зарур бўлган қурилиш маҳсулотлари тўғридан-тўғри шартнома асосида харид қилинади;

тиклаш ва таъмирлаш ишларини бошлаш учун туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармалари ёки “Маҳалла сервис компанияси”га “маҳалла етилиги”нинг коллегиял қарорида кўрсатилган маблағларнинг 50 фоизи аванс сифатида шартномага асосан ўтказиб берилади;

б) “маҳалла етилиги”нинг коллегиял қарорида уй-жойни таъмирлаш ёки мослаштириш ишлари ёрдам олувчи томонидан амалга оширилиши кўрсатилган тақдирда, ёрдам олувчига кўпи билан мазкур паспортнинг 2-позициясида назарда тутилган ижтимоий ёрдам миқдорининг 85 фоизигача бўлган қийматдаги ваучер тақдим этилади.

Бунда қурилиш материалларини электрон савдо платформаси ёки савдо майдончаси орқали харид қилинади”;

2-банднинг биринчи хатбошисидagi “Шаҳарлар ва туманлар” сўзлари “Туман (шаҳар)” сўзлари билан алмаштирилсин;

10-илованинг 3 ва 5-позициялари учинчи устунидаги ҳамда 11-илованинг 3, 5 ва 8-позициялари учинчи устунидаги тегишли келишиқдаги “Камбағал оилалар реестри” сўзлари тегишли келишиқдаги “Ижтимоий реестр” сўзлари билан алмаштирилсин;

12-илованинг 3-позицияси учинчи устуни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Қуйидаги тоифадаги кўп хонадонли турар-жойларда яшовчи таянч ҳаракатида нуқсон бор ўриндиқли аравачада ҳаракатланувчи ногиронлиги бўлган шахслари ёки болалари (бундан, вақтинча аравачада ҳаракатланувчилар мустасно) мавжуд оилалар:

а) Ижтимоий реестрга киритилган оила;

б) Ижтимоий реестрга киритилмаган бироқ ойлик ўртача жами даромади оила аъзоларининг ҳар бирига минимал истеъмол харажатлари миқдорининг 2 бараваридан кўп бўлмаган оила. Бунда, оиланинг ойлик ўртача жами даромади Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган оилани “давлат таъминотидаги оила” ёки “камбағал оила” тоифасига киритиш жараёнида баҳолашдан ўтказиш тартибига мувофиқ аниқланади”.

6. Вазирлар Маҳкамасининг “Етим болалар ва ота-она қармоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шакллари бўйича айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2024 йил 27 декабрдаги 893-сон қарорида:

а) 3-иловага 1-илованинг 2-банди “б” кичик бандидаги “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида” сўзлари “Ижтимоий реестрда” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 6-иловада:

1-банддан “зўравонликдан жабр кўрганлиги сабабли оиласидан олинган ҳамда” сўзлари чиқариб ташлансин;

2-банднинг тўртинчи хатбошисидаги “зўравонликдан жабр кўрганлиги сабабли оиласидан олинган ҳамда” сўзлари “шу жумладан,” сўзлари билан алмаштирилсин;

7-банддан “зўравонликдан жабр кўрганлиги сабабли оиласидан олинган ҳамда” сўзлари чиқариб ташлансин;

18-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“қисқа муддатли жойлаштириш – хорижда ота-онаси қармоғидан маҳрум бўлганлиги сабабли Ўзбекистон Республикасига олиб келинган болалар, етим болалар ва ота-она қармоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий мақоми ва кейинги жойлаштириш шакли белгилангунига қадар кўпи билан олти ойгача бўлган муддатда тарбиялаш. Бунда тутинган болаларни оилавий болалар уйининг мазкур шаклига жойлаштиришда болаларнинг ижтимоий мақомини белгилаш талаб этилмайди”;

в) 7-иловада:

1-банд “оилага тарбияга (патронат) олаётган” сўзларидан кейин “, профессионал тутинган оила” сўзлари билан тўлдирилсин;

5-банд “Бунда” сўзидан кейин “профессионал тутинган оила ва” сўзлари билан тўлдирилсин;

6-банднинг тўртинчи хатбошиси “оилавий болалар уйини” сўзларидан олдин “профессионал тутинган оила ва” сўзлари билан тўлдирилсин;

27-банд “тутинган ота-оналарнинг” сўзларидан кейин “ва профессионал тутинган оилани ташкил этган фуқароларнинг” сўзлари билан тўлдирилсин;

г) 10-иловада:

2-банднинг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“**тарбияланувчилар** – 18 ёшгача бўлган етим, ота-она қарамоғидан махрум бўлган, шу жумладан, топиб олинган ёки қолдириб кетилган болалар, шунингдек, психик ва жисмоний ривожланишида бузилишлари ҳамда ногиронлиги бўлган болалар, зўравонликдан жабрланган, ўзига нисбатан зўравонлик содир этилиши хавфи остида бўлган ва ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган болалар”;

3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“3. Кичик ҳажмли болалар уйлари ижтимоий етимликнинг олдини олиш ва тарбияланувчиларга индивидуал ёндашув асосида оилага яқин муҳитда ғамхўрлик кўрсатиш ҳамда тарбиялаш хизматини кўрсатиш мақсадида ташкил этилади.

Бунда кичик ҳажмли болалар уйлари зўравонликдан жабрланган, ўзига нисбатан зўравонлик содир этилиши хавфи остида бўлган ва ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган болалар учун кичик ҳажмли ижтимоий кўмак марказлари сифатида ташкил этилади”;

5-бандда:

қуйидаги мазмундаги олтинчи ва еттинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“тарбияланувчиларнинг психоэмоционал ва жисмоний саломатлигини барқарорлаштиришда психоижтимоий хизматлардан фойдаланиш учун шароит яратиш, уларга ҳамроҳлик қилиш ҳамда ғамхўрлик кўрсатиш;

тарбияланувчиларнинг ўзлари томонидан хулқ-атвори бошқаришни ўргатиш, уларнинг ота-оналари (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) билан бузилган муносабатларини тиклаш ва ижтимоийлашувига кўмаклашиш”;

олтинчи хатбоши саккизинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

13-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Психик ва жисмоний ривожланишида бузилишлари ва ногиронлиги бўлган болалар Психологик-тиббий-педагогик комиссияларнинг хулосаси билан уч ойгача бўлган муддатга, зўравонликдан жабрланган, ўзига нисбатан зўравонлик содир этилиши хавфи остида бўлган ва ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган болалар ваколатли органнинг қарори билан бир йилгача бўлган муддатга жойлаштирилиши мумкин”;

35-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“35. Кичик ҳажмли болалар уйларига:

ҳар бир тарбияланувчининг озиқ-овқат харажатлари учун бир кунга 7 ёшгача бўлган болаларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 6 фоизи миқдорида, 7 ёшдан катта бўлган болаларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 фоизи миқдорида;

ҳар бир тарбияланувчига кийим-бош ва пойабзал харид қилиш учун йилда бир маротаба меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 3 баравари миқдорида;

ҳар бир тарбияланувчининг дори воситалари ва тиббиёт буюмлари, шахсий гигиена воситалари, канцелярия моллари ва бошқалар билан таъминлаш учун бир ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида;

болаларни тиббий муассасалар, дам олиш ва кўнгилочар ҳамда савдо маиший хизмат кўрсатиш масканлари, шунингдек, дарсдан ташқари машғулотларга олиб бориб келиш билан боғлиқ транспорт харажатларини қоплаш учун ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида қўшимча маблағ ажратилади”;

38-банддаги “Истеъмол харажатлари учун (озик-овқат, гигиена воситалари ва бошқалар) харидлар” сўзлари “Мазкур Низомнинг 35-бандида назарда тутилган товарлар (ишлар, хизматлар) хариди” сўзлари билан алмаштирилсин;

50-банддаги “, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга” сўзлари “ва тарбияланувчиларга” сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг “Ногиронлиги бўлган болалар учун кундузги парвариш хизматини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 27 февралдаги 126-сон қарорида:

а) 9-бандда:

“а” кичик банднинг биринчи хатбошисидаги “Камбағал оилалар реестрига” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин;

“б” кичик бандда:

биринчи хатбошидаги “камбағал” сўзи “Ижтимоий реестрга киритилган” сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги “Камбағал оилалар реестрига” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-иловада:

6-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“6. Кундузги парвариш хизмати беш кунлик иш ҳафтасида, қоида тариқасида, 9 соатли иш режимида ташкил этилади. Бунда Ижтимоий реестрга киритилган ва боласини ёлғиз тарбиялаётган расмий банд бўлган она ёки отанинг фарзандлари учун олти кунлик иш ҳафтаси ташкил этилиши мумкин”;

18-банд “юримдик шахс томонидан ташкил этилганда” сўзларидан кейин “ҳар бир манзилда” сўзлари билан тўлдирилсин;

в) 2-иловада:

6-банднинг учинчи хатбошисидаги “Камбағал оилалар реестрига” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин;

9-банднинг иккинчи хатбошиси “беш кунлик” сўзларидан кейин “, Ижтимоий реестрга киритилган ва боласини ёлғиз тарбиялаётган расмий банд бўлган она ёки отанинг вояга етмаган фарзандининг олти кунлик” сўзлари билан тўлдирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг “Транспорт хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш орқали кўриш ва ҳаракатланиш билан боғлиқ касалликларга чалинган алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун таълим олиш шароитларини яхшилаш тўғрисида” 2025 йил 28 февралдаги 132-сон қарорида:

а) 2-бандда:

“б” кичик банднинг учинчи хатбошиси “Ғамхўрлик” гуруҳлари,” сўзларидан кейин “нодавлат умумий ўрта таълим ташкилотлари,” сўзлари билан тўлдирилсин;

“в” кичик банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри ёки Камбағал оилалар реестрига” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) иловада:

2-бандда:

учинчи хатбоши “Ғамхўрлик” гуруҳлари,” сўзларидан кейин “нодавлат умумий ўрта таълим ташкилотлари,” сўзлари билан тўлдирилсин;

“б” кичик банддаги “Психологик-тиббий-педагогик комиссия ва” сўзларидан кейин “ёки” сўзи қўшилсин;

“г” кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“г) Вазирлар Маҳкамасининг “Ногиронлиги бўлган болалар учун кундузги парвариш хизматини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 27 февралдаги 126-сон қарорига мувофиқ тарбияланувчининг келиб-кетишига транспорт хизматини йўлга қўйганлиги учун кундузги парвариш хизматини ташкил қилган хусусий шерикка компенсация тўланаётган бўлса, ушбу тарбияланувчи учун мазкур Низом талаблари асосида транспорт хизматидан фойдаланиш харажатларини қоплашга субсидия ажратилмайди”;

6-банднинг “б” кичик банди учинчи хатбошисидаги, 12-банднинг бешинчи хатбошисидаги, 18-банднинг “а” кичик банди иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги ҳамда “б” кичик банди биринчи хатбошисидаги “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри ёки Камбағал оилалар реестрига” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг “Етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2025 йил 5 майдаги 294-сон қарорида:

а) 2-банднинг “б” кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“б) ота-онаси уч ойдан ортиқ муддатга чет давлатга вақтинча чиқиб кетаётганлиги муносабати билан васийлик ёки ҳомийлик тайинланган ва Ижтимоий реестрга киритилган оилаларнинг фарзандларига (кейинги ўринларда – васийлик ёки ҳомийликдаги Ижтимоий реестрга киритилган оила фарзандлари)”;

б) 3-бандда:

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“васийлик ёки ҳомийликдаги Ижтимоий реестрга киритилган оила фарзандларига ижтимоий ёрдамлар уларнинг оиласи бўйича ишлаб чиқилган индивидуал режада назарда тутилган тақдирда кўрсатилади”;

тўртинчи хатбошидаги “камбағал” сўзи “Ижтимоий реестрга киритилган” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 4-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“4. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ишсиз болаларни касб-хунарга ўқитган тадбиркорлик субъектлари учун ўқиш тўловини жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилансинки, ушбу ўқиш тўлови 2026 йил 1 мартдан бошлаб 17 ёшдан 23 ёшгача бўлган ҳар бир етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола деб эътироф этилган шахсларни ўқитган тадбиркорлик субъектларига Тошкент шаҳрида базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 бараваригача, Нукус шаҳри ва вилоятлар марказларида базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,5 бараваригача, қолган ҳудудларда базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 бараваригача миқдорда тўланади”;

г) 1-иловада:

1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1. Ушбу Низом етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга ижтимоий ёрдамлар кўрсатиш тартибини белгилайди.

Ушбу Низом талаблари ота-онаси уч ойдан ортиқ муддатга чет давлатга вақтинча чиқиб кетаётганлиги муносабати билан васийлик ёки ҳомийлик тайинланган ва Ижтимоий реестрга киритилган оилаларнинг фарзандларига (кейинги ўринларда – васийлик ёки ҳомийликдаги Ижтимоий реестрга киритилган оила фарзандлари) нисбатан ҳам татбиқ этилади. Бунда:

ушбу Низом асосида васийлик ёки ҳомийликдаги Ижтимоий реестрга киритилган оила фарзандларига ижтимоий ёрдамлар уларнинг оиласи бўйича ишлаб чиқилган индивидуал режада назарда тутилган тақдирда кўрсатилади;

васийлик ёки ҳомийликдаги Ижтимоий реестрга киритилган оила фарзандларига ижтимоий ёрдам кўрсатишда алоҳида мурожаат қилиш талаб этилмайди”;

9-банднинг бешинчи хатбошисидаги “Камбағал оилалар реестридан” сўзлари “Ижтимоий реестрдан” сўзлари чиқариб ташлансин;

12-бандда:

учинчи хатбоши чиқариб танлансин;

тўртинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

учинчи хатбоши “ушбу Низомга” сўзларидан кейин “2,” рақами билан тўлдирилсин;

13-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

39-банддаги “камбағал” сўзи “Ижтимоий реестрга киритилган” сўзлари билан алмаштирилсин;

1-илованинг “1-босқич” блоки “Тадбирлар” устуни “тарбияланаётган” сўзидан кейин “(битирган)” сўзи билан тўлдирилсин;

2-илова қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

**Касб-хунарга ўқитиш курслари харажатларини қоплаш тарзидаги
ижтимоий ёрдамни кўрсатиш
ПАСПОРТИ***

1.	Ижтимоий ёрдам номи:	Касб-хунарга ўқитиш курслари харажатларини қоплаш
2.	Ижтимоий ёрдам кўрсатиладиган дастур:	Бандликни таъминлашга кўмаклашиш дастури
3.	Ижтимоий ёрдам миқдори:	Ҳар бир курс учун бир ойда қуйидаги миқдорларда: Тошкент шаҳрида базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 бараваригача; Нукус шаҳри ва вилоятлар марказларида базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,5 бараваригача; қолган ҳудудларда базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 бараваригача.
4.	Ижтимоий ёрдам кўрсатилувчи болалар тоифаси:	Қуйидаги етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар: ҳомийлик белгиланган болалар; тутинган (фостер) оилага берилган болалар; “SOS – Ўзбекистон болалар маҳаллалари” уюшмасининг болаларни муқобил парвариш қилиш хизмати тарбияланувчилари ва битирувчилари; республика ўқув-тарбия муассасаларининг битирувчилари; Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ва битирувчилари; Кичик ҳажмли болалар уйлари тарбияланувчилари ва битирувчилари.

5.	Ижтимоий ёрдамдан фойдаланувчининг ёш тоифаси:	17 – 23 ёш
6.	Ижтимоий ёрдамдан фойдаланиш учун тақдим қилинадиган ҳужжатлар:	Касб-хунарга ўқитиш курсларини ташкил этган тадбиркорлик субъекти билан тузилган шартнома**.
7.	Ижтимоий ёрдамни кўрсатиш талаблари ва шартлари:	Қуйидаги мажбуриятлар юклатилади: касб-хунарга, шу жумладан, тадбиркорликка ўқитиш курсларига мунтазам қатнашиш; ўқув курси якуни бўйича белгиланган намунадаги бериладиган сертификатни олиш.
8.	Ижтимоий ёрдам кўрсатиш даврийлиги:	Фақат бир турдаги курс учун бир маротаба, 6 ойгача бўлган муддатда
9.	Ижтимоий ёрдам кўрсатиш шакли:	Мазкур паспортнинг 4-позициясида назарда тутилган болаларни касб-хунарга ўқитган (ўргатган) тадбиркорлик субъектларига ўқув курси ташкил этилган ҳудуд учун белгиланган миқдорларда электрон шаклда тузилган шартномага мувофиқ субсидия шаклида ўтказилади. Шартномага мувофиқ субсидия тўловлари ўқув курси давомийлигидан қатъий назар 6 ойгача бўлган давр учун ойма-ой мазкур паспортнинг 3-позициясида белгиланган миқдорлардан кўп бўлмаган миқдорда тўлаб борилади.

* Мазкур ёрдам, истисно тариқасида, ота-онаси уч ойдан ортиқ муддатга чет давлатга вақтинча чиқиб кетаётганлиги муносабати билан ҳомий тайинланган Ижтимоий реестрга киритилган оилаларнинг фарзандларига ҳам кўрсатилиши мумкин.

** Шартнома тадбиркорлик субъекти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг тегишли ҳудудий бошқармаси ҳамда етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола (ёки унинг қонуний вакили) ўртасида “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизимида электрон шаклда расмийлаштирилади”;

3-иловада:

4-позициянинг учинчи устуни бешинчи хатбошисидан “тарбияланувчилари ва” сўзлари чиқариб ташлансин;

изоҳ қисмининг биринчи хатбошисидаги “Камбағал оилалар реестрига” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин;

4-илованинг изоҳ қисми биринчи хатбошисидаги “Камбағал оилалар реестрига” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин;

5-иловада:

4-позициянинг учинчи устуни бешинчи хатбошисидан “тарбияланувчилари ва” сўзлари чиқариб ташлансин;

9-позициянинг учинчи устуни куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Нодавлат таълим ташкилотига шартномага мувофиқ ўтказилади.
Бунда:

ижтимоий ёрдам нодавлат таълим ташкилотига ўқув курси ташкил этилган ҳудуд учун белгиланган миқдорларда амалга оширилади;

шартномага мувофиқ субсидия тўловлари ўқув курси давомийлигидан қатъий назар 6 ойгача бўлган давр учун ойма-ой мазкур паспортнинг 3-позициясида белгиланган миқдорлардан кўп бўлмаган миқдорда тўлаб борилади”;

изоҳ қисмининг биринчи хатбошисидаги “Камбағал оилалар реестрига” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин;

6-иловада:

4-позициянинг учинчи устуни бешинчи хатбошисидан “тарбияланувчилари ва” сўзлари чиқариб ташлансин;

изоҳ қисмида:

биринчи хатбошидаги “Камбағал оилалар реестрига” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги” сўзларидан кейин “давлат олий таълим ташкилотлари бакалавриат босқичининг сиртки шаклига ҳамда” сўзлари билан тўлдирилсин;

7-иловада:

4-позициянинг учинчи устуни бешинчи хатбошисидан “тарбияланувчилари ва” сўзлари чиқариб ташлансин;

изоҳ қисмининг биринчи хатбошисидаги “Камбағал оилалар реестрига” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин;

8-илованинг изоҳ қисмидаги “Камбағал оилалар реестрига” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин;

9-илованинг изоҳ қисми биринчи хатбошисидаги “Камбағал оилалар реестрига” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин;

11-иловада:

3-позициянинг учинчи устуни куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“жарроҳлик амалиётисиз даволаниш харажатларини қоплаш учун Давлат тиббий суғурта жамғармаси томонидан қоплашини белгиланган базавий нархлар доирасида;

жарроҳлик амалиётини ўтказиш, шу жумладан, амалиёт ўтказиладиган тиббиёт муассасасида жарроҳлик амалиётини ўтказишга қадар тиббий кўрик ва таҳлилларни ўтказиш ҳамда даволаш билан боғлиқ харажатларини қоплаш учун Давлат тиббий суғурта жамғармаси томонидан қоплашини белгиланган базавий нархлар доирасида”;

4-позициянинг учинчи устуни “б” кичик банди еттинчи хатбошисидан “тарбияланувчилари ва” сўзлари чиқариб ташлансин;

изоҳ қисмидаги “Камбағал оилалар реестрига” сўзлари “Ижтимоий реестр” сўзлари билан алмаштирилсин;

12-илованинг изоҳ қисми биринчи хатбошисидаги “Камбағал оилалар реестрига” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин;

13-иловада:

3-позициянинг иккинчи устунидаги “номи” сўзи “миқдори” сўзи билан алмаштирилсин;

9-позициянинг учинчи устуни “электрон шартномага мувофиқ” сўзларидан кейин “(мазкур паспортнинг 3-позициясида белгиланганидан кўп бўлмаган миқдорда)” сўзлари билан тўлдирилсин;

изоҳ қисми биринчи хатбошисидаги “Камбағал оилалар реестрига” сўзлари “Ижтимоий реестрга” сўзлари билан алмаштирилсин;

14-илованинг 9-позицияси учинчи устунида:

қўйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“уй-жойнинг иситиш тизими мавжуд бўлмаса ёки таъмирталаб бўлса, иситиш тизимини қуриш ёки таъмирлаш, шунингдек, заруратга кўра, иситиш қозонларини ёки қуёш панелларини харид қилиш, ўрнатиш ва таъмирлаш учун”;

еттинчи–тўққизинчи хатбошилар тегишлича саккизинчи–ўнинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “9” февралдаги 48 -сон қарорига
5-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган
деб ҳисобланаётган баъзи қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Республика ўқув-тарбия муассасалари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 17 октябрдаги 880-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида” 2021 йил 20 апрелдаги ЎРҚ–682-сон Қонуни)” 2022 йил 4 апрелдаги 153-сон қарорига илованинг 731-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2025 йил 1 мартдаги 135-сон қарорига 1-илованинг 63-банди.





O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 10 » fevral

№ 49

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Миллий координаталар тизимини жорий этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Геодезия ва картография фаолияти тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Миллий координаталар тизимини жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи **Ўзбекистон Республикаси Миллий координаталар тизими тўғрисидаги низом** иловага мувофиқ тасдиқлансин:

Миллий координаталар тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тартиби;

Миллий координаталар тизими маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш тартиби;

Миллий координаталар тизими маълумотлар базасидан фойдаланиш тартиби;

Миллий координаталар тизимини ривожлантириш ва метрологик таъминлаш тартиби.

2. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Миллий координаталар тизими тўғрисидаги низом талаблари давлат органлари, хўжалик юритувчи субъектлар ва бошқа манфаатдор ташкилотлар учун мажбурий ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги (кейинги ўринларда – Кадастр агентлиги) Миллий координаталар тизими маълумотлар базасини шакллантириш ва юритишга масъул ҳисобланади;

Миллий координаталар тизими маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш ишлари Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети параметрларида Кадастр агентлиги учун назарда тутиладиган маблағлар доирасида молиялаштирилади.

3. Кадастр агентлиги **уч ой муддатда** Миллий координаталар тизими маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда веб-саҳифасини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича техник топшириқ тасдиқланишини ҳамда **2026 йил 1 сентябрга қадар** ахборот тизимининг тўлиқ ишга туширилишини таъминласин.

4. Давлат органлари, хўжалик юритувчи субъектлар ва бошқа манфаатдор ташкилотлар Кадастр агентлиги билан ҳамкорликда **2030 йил 1 январга қадар** фойдаланишда бўлган координата тизимларини Миллий координаталар тизими маълумотлар базасига киритилишини таъминласин.

2030 йил 1 январдан фақат Миллий координаталар тизими маълумотлар базасига киритилган координата тизимларидан фойдаланилади.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида координаталар халқаро геодезия тизимларини қўллаш ва улардан очик фойдаланиш тўғрисида” 2017 йил 26 декабрдаги 1022-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг **икки ой** муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А.Ж. Раматов ва Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “10” февралдаги 49 -сон қарорига
илова

Ўзбекистон Республикаси Миллий координаталар тизими тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Миллий координаталар тизими ва унинг параметрларини ўрнатиш, жорий этиш ҳамда фойдаланиш, шунингдек, Миллий координаталар тизимининг маълумотлар базасини шакллантириш, юритиш, фойдаланиш, Миллий координаталар тизимига асосланган янги координаталар тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, Миллий координаталар тизимини ривожлантириш ҳамда метрологик таъминлаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда куйидаги асосий тушунчалар қўлланади:

бошланғич ноль нукта – Ўзбекистон Республикасининг Миллий координаталар тизими учун бош геодезия таянч пункти ҳисобланади;

Буюртмачи – геодезия, картография, кадастр ёки бошқа фазовий маълумотларга оид ишларни буюртма қилувчи ва техник топшириқ берувчи жисмоний ёки юридик шахс;

геоид – денгиз сатҳини энг яхши тарзда ифодаловчи сатҳий юза, у ҳар қандай нуктада шовун чизиққа перпендикуляр бўлади;

геодезия референс датуми – ер билан боғланган икки ёки уч ўлчамли координата тизими ўртасидаги ўзаро боғлиқликни (алоқани) таърифлаб берувчи референс асос ёки датум;

датум – координата тизимининг бош нуктаси, масштаб ва йўналишини аниқловчи параметр ёки параметрлар тўплами;

Ер гравитация майдонининг глобал модели – Ернинг гравитация майдони ва геоид юзасини ифодаловчи математик модель бўлиб, сунъий йўлдош кузатувлари ва гравиметрия маълумотлари асосида шакллантирилади ҳамда геодезия, картография ва навигацияда баландлик ва координата тизимларини уйғунлаштириш учун қўлланади;

координата эпохаси (coordinate epoch) – динамик координата референс тизимидаги координаталар боғланган эпоха вақт нуктаси;

координаталар турлари силжиши (грид модели) – геоахборот тизимлари, топографик хариталар ва режалар координаталарини турли координата турларидан янги эпохадаги координаталарга аниқ трансформация қилиш учун олдиндан ҳисобланган координата турлари силжишлари қийматлари мажмуаси;

маҳаллий координаталар тизими – давлат худудининг чекланган қисмига нисбатан ўрнатиладиган шартли координаталар тизими, унинг координаталар саноқ боши ва координаталар ўқлари йўналиши давлат координаталар тизимининг координаталар саноқ боши ва координаталар ўқлари йўналишига нисбатан сурилган бўлади;

Миллий геодезия референс датуми (UZGD2024) – Ўзбекистон Республикасида геодезия ҳисоблашларини тартибга солиш мақсадида қабул қилинган Миллий геодезия референс датуми. Халқаро геодезия ва геофизика иттифоқи Бош ассамблеяси тавсиясига кўра GRS80 (Geodetic Reference System 1980) унинг эллипсоиди сифатида қабул қилинган;

Миллий координаталар тизими – Миллий геодезия референс датуми асосида яратилган проекцияланган референс координаталар ва геодезия моделлари тўплами;

Миллий координаталар тизими маълумотлар базаси – Миллий геодезия референс датуми асосида шакллантирилган проекцияланган координата тизимлари, геодезия пунктлари, баландликлар ва геоид моделлари ҳақидаги маълумотларни сақлайдиган ҳамда фойдаланиш учун тақдим этувчи давлат ахборот манбаи. Ушбу тизим очиқ ва ёпиқ қисмдан иборат бўлиб, давлат сирлари билан боғлиқ маълумотлар ва материаллар ушбу тизимнинг ёпиқ қисмида сақланади;

Миллий координаталар тизими маълумотлар базаси оператори (кейинги ўринларда – Оператор) – Миллий координаталар тизими маълумотлар базасини шакллантириш, юритиш, хизмат кўрсатиш ва маълумотларнинг сақланишини таъминлашга масъул Ўзбекистон Республикаси Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг (кейинги ўринларда – Кадастр агентлиги) “Республика аэрогеодезия маркази” давлат муассасаси;

шахсий кабинет – Миллий координаталар тизими маълумотлар базасида маълумотларни киритиш, юклаш, сақлаш, юбориш ва қайта ишлаш функцияларини амалга ошириш мақсадида бириктирилган саҳифа;

ITRS (International Terrestrial Reference System) – Ернинг оғирлик марказига асосланган, вақт билан мувофиқлаштирилган, глобал геоцентрик координата тизими бўлиб, геодезия ўлчашлари учун назарий асос ҳисобланади. Унинг амалиётдаги реализацияси ITRF орқали таъминланади;

ITRF (International Terrestrial Reference Frame) – ITRSнинг амалиётдаги реализацияси бўлиб, глобал GNSS ва сунъий йўлдош геодезия маълумотлари асосида янгиланиб борадиган, Ер юзасидаги геодезия станцияларининг аниқ координаталари ҳамда уларнинг вақт давомидаги ҳаракатини ифодалайди.

3. Амалдаги Давлат координаталари тизимини Миллий координаталар тизимига киритиш параметрларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш ушбу Низомнинг 4-бобида белгиланган тартибда Кадастр агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги билан ҳамкорликда амалга оширилади.

4. Халқаро келишувлар бўлганда, бошқа координаталар тизимидан фойдаланиш учун шартнома имзолаган ташкилотлар томонидан трансформация параметрлари Кадастр агентлигига тақдим этилади ва Оператор томонидан Миллий координаталар тизимининг маълумотлар базасига киритилади.

2-боб. Миллий координаталар тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тартиби

5. Миллий координаталар тизими Ўзбекистон Республикасида бажариладиган геодезия ва картография фаолиятига оид ишларни халқаро нормалар талабларига мувофиқлаштириш, барча геофазовий маълумотларни ягона координаталар тизимида интеграция қилиш, уларни аниқ ва ишончли бошқариш, геодезия, картография ҳамда навигация соҳаларида геодезия ўлчовларини тартибга солиш, шунингдек, Миллий координаталар тизими маълумотлар базасини шакллантириш мақсадида ишлаб чиқилади.

6. Миллий координаталар тизими қуйидаги асосий таркибий қисмлардан иборат бўлади:

Миллий геодезия референс датуми;

Ер гравитация майдонининг глобал модели;

Миллий координаталар тизимининг бошланғич ноль нуқтаси;

Давлат геодезия тармоғи пунктлари каталоглари;

Миллий координаталар тизими маълумотлар базаси.

7. Миллий координаталар тизимининг бошланғич ноль нуқтаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳридаги Чўпонота тепалигида жойлашган Давлат геодезия пункти ҳисобланади.

8. Миллий геодезия референс датуми ушбу Низомга 1-иловадаги жадвалда келтирилган параметрлар асосида ишлаб чиқилади.

9. EGM2008 Миллий координаталар тизимининг Ер гравитация майдонининг глобал модели ҳисобланади.

Ер гравитация моделининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига мос рақамли модели учун илмий-тадқиқот ишлари Кадастр агентлиги томонидан вазирлик ва идоралар мутахассислари ҳамда соҳа олимларини жалб қилган ҳолда олиб борилади.

10. Миллий координаталар тизимининг бошланғич ноль нуқтаси Халқаро геодезия ассоциацияси (IAG) томонидан таклиф этилган ITRF2020 глобал геоцентрик координата тизимига асосланади. Ушбу нуқта глобал геодезия тизимлари билан Миллий координаталар тизимини бирлаштиради.

11. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган Давлат геодезия тармоғи пунктлари Миллий координаталар тизимининг асосий геодезия инфратузилмаси ҳисобланади. Миллий координаталар тизимидаги барча геодезия пунктлари координаталари ITRF2020 глобал геоцентрик координата тизимида 2025 йил 1 октябрь эпохасига мувофиқ қайта ҳисобланади ва янгиланган координаталар рўйхати тузилади.

12. Глобал геодид модели маълумотлари, давлат геодезия, нивелир ва гравиметрия тармоқларида амалга оширилган ўлчов ишлари натижалари Миллий координаталар тизими параметрларини ҳисоблаш учун асос бўлади.

13. ITRF2020 глобал геоцентрик тизимидаги координата эпохаси ўзгарган тақдирда, Миллий координаталар тизимида қайд этилган барча геодезия пунктлари координаталари қайта ҳисобланади ва янги координата эпохасига трансформация қилинади. Ушбу жараёнда трансформация параметрлари ва қайта ҳисоблаш натижалари Миллий координаталар тизими маълумотлар базасига киритилади.

14. Миллий координаталар тизими Миллий геодезия референс датуми асосида ишлаб чиқилган проекцияланган референс координаталар тизимлари ва геодезия моделларини ягона маълумотлар базасига киритиш орқали амалга оширилади.

15. Миллий координаталар тизими қуйидагилар орқали жорий этилади:
мавжуд координата тизимларининг янги датумга асосланган координаталар тизимини яратиш ва ўтиш параметрларини ишлаб чиқиш;
геодезия пунктлари координаталарини Миллий геодезия референс датуми асосида қайта ҳисоблаш ва координаталар каталогларини (рўйхатларини) тузиш;

дастурий таъминотларга ҳамда глобал навигация сунъий йўлдош тизимлари геодезия ўлчов воситаларига тегишли координата параметрларини киритиш;

геоахборот тизимлари, топографик харита ва режаларни Миллий координаталар тизимига трансформация қилиш GRID моделини янги эпохада яратиш ва уни ҳисобга олиш.

16. Давлат топографик хариталари ва режаларини Миллий координаталар тизимида янгилаш даврийлиги қуйидагича белгиланади:

1:25 000 ва 1:50 000 масштабдаги хариталар – ҳар 10–15 йилда;

1:10 000 масштабдаги хариталар – ҳар 5–10 йилда камида бир марта;

1:10 000, 1:25 000 масштабдаги қишлоқ хўжалиги хариталари – ҳар 5 йилда камида бир марта;

1:2 000 ва 1:5 000 масштабдаги режалар – умумий картография мониторинги асосида.

17. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида давлат ахборот ресурсларининг майдон ўлчамларига оид геодезия ўлчов ишлари ва картография материаллари Миллий координаталар тизимининг UzREF24 проекцияланган координаталар тизими асосида ишлаб чиқилади.

Маълумотлар ва материаллар очиқ фойдаланишда бўлади ҳамда ушбу Низомга 2-иловада келтирилган жадвалдаги параметрларга асосланади.

18. Маҳаллий координаталар тизими ўрнатилган ҳудудларда (шаҳарлар ва аҳоли пунктлари) Миллий координаталар тизимининг ҳудудга мос янги проекцияланган координаталар тизими Кадастр агентлиги томонидан ишлаб чиқилади.

3-боб. Миллий координаталар тизими маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш тартиби

19. Миллий координаталар тизими маълумотлар базаси ягона Миллий геодезия референс датуми асосида шакллантирилган проекцияланган координата тизимлари, геодезия пунктлари, баландликлар ва геоид моделлари ҳақидаги маълумотларни киритиш, сақлаш ҳамда фойдаланиш учун тақдим этиш имкониятини берувчи ахборот ресурси ҳисобланади.

20. Миллий координаталар тизими маълумотлар базаси қуйидагилардан ташкил топади:

UZGD2024 датум параметрлари – эллипсоид ўлчамлари, трансформация маълумотлари ва уларнинг техник файллари;

Ер гравитация майдонининг моделлари – Ер гравитация майдонининг глобал модели, миллий геоид модели, уларнинг рақамли маълумотлари ва изоҳловчи ҳужжатлар;

ITRF глобал геоцентрик координата тизимига боғланган маълумотлар – координаталар, ортометрик баландлик параметрлари ва мониторинг натижалари;

геодезия тармоғи очиқ маълумотлари – республика ҳудудидаги геодезия пунктларининг координаталари, баландликлари, техник тавсифлари ва уларнинг даврий янгиланиши тўғрисидаги очиқ фойдаланишдаги маълумотлар;

координата тизимлари ва проекциялар – амалдаги барча координата тизимлари, геодезия маълумотлари ва картография проекциялари тўғрисидаги маълумотлар;

Миллий координаталар тизимини юритиш ва ривожлантириш учун зарур бўлган қўшимча маълумотлар.

21. Миллий координаталар тизими маълумотлар базасида фойдаланилиши ёпиқ координаталар тизими тўғрисида метамаълумотлар келтирилади.

4-боб. Миллий координаталар тизимига асосланган янги координаталар тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тартиби

22. Миллий координаталар тизимига асосланган янги координаталар тизимини ишлаб чиқиш учун Буюртмачи Операторга Миллий координаталар тизимининг веб-саҳифаси орқали техник топшириқни ушбу Низомга 3-иловада келтирилган схемага мувофиқ юборди.

23. Техник топшириқда қуйидаги маълумотлар акс эттирилади:

янги координаталар тизимини ўрнатишнинг мақсади;

янги координаталар тизими ўрнатилаётган ҳудуднинг жойлашуви, шу жумладан, маъмурий жойлашуви, чегаралари ва майдони;

янги координаталар тизимини амалга киритиш муддатлари;

ўлчамлар аниқлигига қўйилган талаблар.

24. Оператор техник топшириқни кўриб чиқади ва икки иш кунида техник топшириққа мувофиқ шартномани шакллантиради ҳамда Буюртмачига юборди.

25. Шартномага мувофиқ Оператор техник лойиҳани ишлаб чиқади ва Вазирлар Маҳкамасининг “Махсус электрон тизим орқали рухсат этиш хусусиятига эга айрим хужжатларни бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги ягона низомни тасдиқлаш ҳақида” 2022 йил 22 февралдаги 86-сон қарорига мувофиқ геодезия ва картография ишларини Кадастр агентлигида рўйхатдан ўтказади.

26. Оператор техник лойиҳада кўрсатилган геодезия ва картография ишларини амалга оширади ҳамда техник ҳисоботни Кадастр агентлигига янги координаталар тизимини маълумотлар базасига киритишга хулоса олиш учун тақдим қилади.

27. Кадастр агентлиги техник ҳисоботни кўриб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 июндаги 395-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилдиган, умумдавлат ҳамда махсус (тармоққа оид) аҳамиятига молик геодезия ва картографияга оид ишларни бажариш натижасида олинган геодезия ва картографияга доир материалларни (маълумотларни) экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом талабларига мувофиқ экспертизадан ўтказади.

Ижобий хулоса берилган тақдирда, маълумотларни базага киритиш тўғрисидаги хулосани Операторга юборади.

Салбий хулоса берилган тақдирда, техник ҳисоботни камчиликларни бартараф этиш учун Операторга қайтаради.

28. Оператор Миллий координаталар тизими маълумотлар базасини янгилайди ва Миллий координаталар тизимининг веб-саҳифасида янги координата тизими тўғрисидаги маълумотларни жойлаштиради ҳамда Буюртмачига уч иш кунида бу ҳақда ахборот юборади.

5-боб. Миллий координаталар тизими маълумотлар базасидан фойдаланиш тартиби

29. Миллий координаталар тизими маълумотлар базасидан Миллий координаталар тизимининг веб-саҳифаси орқали фойдаланилади.

30. Миллий координаталар тизими веб-саҳифасининг бош саҳифасида янгиликлар ва Миллий координаталар тизими ҳамда маълумотлар базаси тўғрисида умумий маълумотлар берилади.

31. Миллий координаталар тизимининг веб-саҳифасидан авторизациядан ўтган ихтисослашган ташкилотга шахсий кабинети орқали буюртма бериш, маълумотларни юклаб олиш, мурожаат ва аризалар қолдириш имконияти яратилади.

Шахсий кабинетга Рақамли ҳукумат фойдаланувчиларининг Ягона идентификация тизими орқали кирилади.

32. Буюртмачи шахсий кабинети орқали маълумотлар базасидан ўзига зарур ҳудудда жойлашган геодезия пунктларига оид кўчирма олади, зарур бўлганда, Миллий координаталар тизимининг веб-саҳифаси орқали ушбу Низомга 4-иловада келтирилган схемага мувофиқ авторизациядан ўтади ва шахсий кабинетидан геодезия пунктларига оид кўчирма олиш саҳифасига ўтади.

Саҳифада объектнинг чегараси кўрсатилган, рақамли кўринишда DWG, ShP, KML вектор форматларида файл юкланади ва кўчирмани олишдан мақсад ҳамда асослар изоҳ бериш саҳифасида келтирилади.

Кадастр агентлиги тақдим қилинган ҳужжатларни Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 январдаги 22-сон қарори билан тасдиқланган Картография ва геодезия материалларининг (маълумотларининг) чекловчи грифларини белгилаш, фойдаланиш учун очиқ бўлган хариталарни яратиш, махфий картография ва геодезия материалларини бериш, ҳисобга олиш ва сақлаш тартиби ҳамда геодезия ва картография соҳасидаги давлат сирларининг сақланишини таъминлаш бўйича рухсат бериш тартиботлари тўғрисидаги низом талабларига асосан ўрганади ҳамда хулоса ижобий бўлган тақдирда, веб-саҳифа орқали Операторга рухсатнома юборади.

Оператор Буюртмачи томонидан сўралган маълумотларни тайёрлайди ва Буюртмачининг шахсий кабинетига тегишли файлни юклаб олиш ҳаволасини юборади.

33. Буюртмачи Миллий координаталар тизими веб-саҳифасидаги шахсий кабинетидан буюртмаси бўйича маълумотларни юклаб олади.

6-боб. Миллий координаталар тизимини ривожлантириш ва метрологик таъминлаш тартиби

34. Миллий координаталар тизими Кадастр агентлиги томонидан метрологик таъминланади.

Бу жараён Миллий координаталар тизимининг бошланғич ноль нуқтасини ишчи ҳолатда сақлаб туриш, геодезия эталон базисларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш, илмий-тадқиқот ишларини йўлга қўйиш, замонавий лабораториялар фаолиятини ташкил этиш ҳамда уларнинг моддий-техник базасини ривожлантиришни ўз ичига олади.

35. Миллий координаталар тизимининг бошланғич ноль нуқтаси ҳамда геодезия эталон базислари метрологик таъминлаш бўйича давлат аҳамиятидаги объектлар бўлиб, улар жойлашган ҳудудларнинг ер тоифаси ўзгартирилиши ва ер участкасини ажратиш талаб этилмайди ҳамда Кадастр агентлиги томонидан ҳисобга олинади.

36. Геодезия эталон базислари ва метрологик ўлчов ускуналари камида ҳар беш йилда бир марта метрологик текширувдан ўтказилади ҳамда халқаро эталонлар билан таққосланади (интеркалибрация қилинади).

37. Миллий координаталар тизимининг метрологик таъминотини илмий жиҳатдан ривожлантириш ва инновацияларни жорий этиш фундаментал ҳамда амалий тадқиқотларни бажариш орқали амалга оширилади.

7-боб. Яқунловчи қондалар

38. Миллий координаталар тизимининг параметрлари ва улардан фойдаланиш тартибига Кадастр агентлигининг таклифига асосан, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритилади.

39. Ушбу Низом талабларининг бажарилиши Кадастр агентлиги томонидан назорат қилинади.

40. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Ўзбекистон Республикаси
Миллий координаталар
tizими тўғрисидаги низомга
1-илова

Миллий геодезия референс датуми
ПАРАМЕТРЛАРИ

Т/р	Параметр номлари	Ўлчамлари
1.	Номланиши	Uzbekistan Geodetic Datum 2024 (UZGD2024)
2.	Бурчак бирлиги, радиан	0,0174532925199433 ($1^\circ = \pi/180$ рад)
3.	Бош меридиан	Гринвич
4.	Эллипсоид	GRS 1980
5.	Эллипсоид катта ярим ўқи, метр	6378137.0
6.	Эллипсоид кичик ярим ўқи, метр	6356752.314140356
7.	Кутбий сиқилиш	1:298.257222101
8.	Гравитация доимийси	(GM) 3.986005×10^{14} м ³ /с ²
9.	Ернинг айланиш бурчак тезлиги	(Ω): 7.292115×10^{-5} рад/с
10.	EPSG базасидаги кодлари	EPSG:10723 UZGD2024 (Geocentric) EPSG:10724 UZGD2024 (Geographic 3D) EPSG:10725 UZGD2024 (Geographic 2D)

Ўзбекистон Республикаси
Миллий координаталар
tizими тўғрисидаги низомга
2-илова

**UzREF24 проекцияланган координата тизими
ПАРАМЕТРЛАРИ**

Т/р	Параметр номлари	UZREF24			
		40-худуд	41-худуд	42-худуд	43-худуд
1.	Геодезия референс датуми	UzGD2024			
2.	Эллипсоиди	GRS80			
3.	Проекцияси	Кўндаланг цилиндрик			
4.	Меридиан ўқи, шарққа сурилиш масофаси, (м)	350000,0			
5.	Экватордан шимолга сурилиши, (м)	0,0			
6.	Меридиан ўқи, (градус)	57,0	63,0	69,0	75,0
7.	Масштаб коэффициенти	0,9999984965	0,99999730738	0,9999962402	0,999995546
8.	Кенглик бошланиши, (градус)	40,0	37,0	36,0	39,0
9.	Чизикли ўлчам бирлиги (м)	1,0			
10.	EPSG базасидаги кодлари	EPSG:10726	EPSG:10727	EPSG:10728	EPSG:10729

Ўзбекистон Республикаси
Миллий координаталар
tizими тўғрисидаги низомга
3-илова

**Миллий координаталар тизими базасига киритиладиган
маълумотларни ишлаб чиқиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Ижро муддатлари
1-босқич	Буюртмачи	Миллий координаталар тизими базасига киритиладиган маълумотларни тавсифловчи техник топшириқни илова қилган ҳолда операторга ёзма муражат қилади.	Ихтиёрига кўра
2-босқич	Оператор	Техник топшириққа мувофиқ харажатлар сметасини шакллантиради ва буюртмачига жўнатади.	2 иш куни
3-босқич	Буюртмачи	Харажатлар сметасини кўриб чиқади ва тасдиқланган харажатлар сметасини операторга тақдим қилади.	5 иш куни
4-босқич	Оператор	Техник лойиҳани ишлаб чиқади ҳамда license.gov.uz ахборот тизимида геодезия ва картография ишларини рўйхатдан ўтказиши.	10 иш куни
5-босқич	Оператор	Техник лойиҳада кўрсатилган геодезия ва картография ишларини амалга оширади ҳамда техник ҳисоботни Кадастр агентлигига рухсат олиш учун киритади.	Техник лойиҳада кўрсатилган муддатда
6-босқич	Кадастр агентлиги	Техник ҳисоботни кўриб чиқиб, маълумотларни базага киритиш тўғрисидаги қарорни операторга юборади.	10 иш куни
7-босқич	Оператор	Миллий координаталар тизими маълумотлар базасини янгилайди ва веб-саҳифада янги координата тизими тўғрисидаги қарор маълумотларини жойлаштиради ҳамда буюртмачига ёзма ахборотни юборади.	1 иш куни

Ўзбекистон Республикаси
Миллий координаталар
тизими тўғрисидаги низомга
4-илова

**Миллий координаталар тизими маълумотлар базасидан геодезия
пунктларига оид кўчирма бериш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Ижро муддатлари
1-босқич	Буюртмачи	1. Веб-саҳифада авторизациядан ўтади. 2. Шахсий кабинетидан геодезия пунктларига оид кўчирма олиш саҳифасига ўтади. 3. Саҳифада объектнинг чегараси кўрсатилган, рақамли кўринишда DWG, ShP, KML вектор форматларида файл юкланади ҳамда кўчирмани олишдан мақсад ва асослар изох бериш саҳифасида келтирилади.	Ихтиёрига кўра
2-босқич	Кадастр агентлиги	Тақдим қилинган хужжатларни ўрганади ва хулосани саҳифа орқали буюртмачига юборади.	2 иш куни
3-босқич	Кадастр агентлиги	Тақдим қилинган хужжатларни Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 январдаги 22-сон қарори билан тасдиқланган Низом талабларига асосан ўрганади ва хулоса ижобий бўлган тақдирда, веб-саҳифа орқали операторга рухсатнома юборади.	Хулоса билан бирга
4-босқич	Оператор	Буюртмачининг шахсий кабинетига тегишли файлни юклаб олиш ҳаволасини юборади.	1 иш куни





О`ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 11 » fevral

№ 51

Toshkent sh.

Халқаро таълим дастурлари жорий қилинган техникумлар ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Касбий таълимда малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва халқаро таълим дастурларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 16 октябрдаги ПФ–158-сон Фармониға мувофиқ касбий таълим ташкилотлари ходимлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва уларни рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Касбий таълимда малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва халқаро таълим дастурларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 16 октябрдаги ПФ–158-сон Фармониға мувофиқ халқаро таълим дастурлари жорий қилинган техникумларда меҳнатга ҳақ тўлашнинг алоҳида тартиби жорий этилиши белгилангани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки, халқаро таълим дастурлари жорий қилинган техникумларда:

Халқаро таълим дастурини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғининг базавий тариф ставкаси умумий ўрта таълим ташкилоти директори ўринбосарининг базавий тариф ставкасига;

Халқаро таълим дастурини мувофиқлаштириш бўлими ўқув-услубий ва методик таъминлаш бўйича бош мутахассисининг базавий тариф ставкаси умумий ўрта таълим ташкилотининг иккинчи малака тоифали ўқитувчиси базавий тариф ставкасига;

Халқаро таълим дастурини мувофиқлаштириш бўлими сифат ва назорат бўйича бош мутахассиси, регистратор офиси мутахассиси ва маркетинг бўйича менежерининг базавий тариф ставкалари умумий ўрта таълим ташкилотининг олий маълумотли ўқитувчиси базавий тариф ставкасига тенглаштирилади.

3. Қўйидагиларни назарда тутувчи Халқаро таълим дастурлари жорий қилинган техникумлар ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

халқаро таълим дастурлари жорий қилинган техникумларда халқаро таълим дастурларини ўқитишга жалб этилган ўқитувчилар, ишлаб чиқариш таълими усталари, Халқаро таълим дастурини мувофиқлаштириш бўлими ходимлари, техникум директори ва бош бухгалтери меҳнатига ҳақ тўлаш, шунингдек, устама белгилаш ва уларни рағбатлантириш тартиби;

меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 50 фоизи миқдорида моддий рағбатлантириш жамғармасини ташкил этиш тартиби;

халқаро таълим дастурлари жорий қилинган техникумларнинг директори ва Халқаро таълим дастурларини мувофиқлаштириш бўлими ходимлари фаолиятини баҳолаш мезонлари;

фаолиятида юқори натижаларга эришган, халқаро таълим дастурлари жорий қилинган техникумларда халқаро таълим дастурларини ўқитишга жалб этилган ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталарини рағбатлантириш.

4. Белгилаб қўйилсинки, ушбу қарор ижроси бўйича талаб этиладиган харажатлар 2026 йилда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига биринчи даражали бюджет маблағлари тақсимловчиси сифатида ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилади, 2027 йилдан бошлаб эса Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазири К.А. Шарипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 11 ” февралдаги 51-сон қарорига
илова

**Халқаро таълим дастурлари жорий қилинган техникумлар ходимларининг
меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом халқаро таълим дастурлари жорий қилинган техникумларда (кейинги ўринларда – техникум) халқаро таълим дастурларини ўқитишга жалб этилган ўқитувчилар, ишлаб чиқариш таълими усталари, техникум директори, бош бухгалтери ва Халқаро таълим дастурини мувофиқлаштириш бўлими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш, шунингдек, устама белгилаш ва уларни рағбатлантириш тартибини белгилайди.

2. Техникумларда халқаро таълим дастурларини ўқитишга жалб этилган ўқитувчилар, ишлаб чиқариш таълими усталари, техникум директори, бош бухгалтери ва Халқаро таълим дастурини мувофиқлаштириш бўлими ходимларига тўланадиган ҳар ойлик устама тўловлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

**2-боб. Техникумларда халқаро таълим дастурларини ўқитишга жалб
этилган ўқитувчилар, ишлаб чиқариш таълими усталари, техникум
директори, бош бухгалтери ва Халқаро таълим дастурини
мувофиқлаштириш бўлими ходимларига устама белгилаш
ва рағбатлантириш**

3. Техникумларда халқаро таълим дастурларини ўқитишга жалб этилган ўқитувчилар, ишлаб чиқариш таълими усталари, техникум директори, бош бухгалтери ва Халқаро таълим дастурини мувофиқлаштириш бўлими ходимларига техникумлар учун белгиланган иш ҳақи ва бошқа тўловлар ҳамда ушбу Низомда назарда тутилган устама ва рағбатлантириш тўловлари қўшимча тарзда тўланади.

4. Техникумларда халқаро таълим дастурларини ўқитишга жалб этилган ўқитувчилар, ишлаб чиқариш таълими усталари, техникум директори, бош бухгалтери ва Халқаро таълим дастурини мувофиқлаштириш бўлими ходимларининг иш ҳақи миқдорларига ҳар ойлик 100 фоизлик устама Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўланади ҳамда йиллик харажатлар сметаларини тузишда штатлар жадвали ва тарификацияларни шакллантириш жараёнида уларнинг тариф ставкасига қўшимча тарзда белгиланади.

5. Техникумларда халқаро таълим дастурларини ўқитишга жалб этилган ўқитувчилар, ишлаб чиқариш таълими усталари, техникум директори, бош бухгалтери ва Халқаро таълим дастурини мувофиқлаштириш бўлими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш фондининг 50 фоизи миқдорида моддий рағбатлантириш жамғармаси ташкил этилади.

Моддий рағбатлантириш жамғармаси маблағлари халқаро таълим дастурлари жорий қилинган техникумларнинг йиллик харажатлар сметасининг 41 11 230-моддасида режалаштирилади.

6. Моддий рағбатлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан техникумларда халқаро таълим дастурларини ўқитишга жалб этилган, фаолиятида юқори натижаларга эришган ўқитувчилар, ишлаб чиқариш таълими усталари, техникум директори ва Халқаро таълим дастурини мувофиқлаштириш бўлими ходимлари уларнинг тариф ставкасига нисбатан ушбу жамғарма маблағлари доирасида 200 фоизгача миқдорда рағбатлантирилади.

Бунда тариф ставкасига ҳар ойлик рағбатлантириш миқдори техникумларда халқаро таълим дастурларини ўқитишга жалб этилган ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталарига ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ, техникум директори ва Халқаро таълим дастурини мувофиқлаштириш бўлими ходимларига ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ баҳолаш мезонлари асосида белгиланади.

3-боб. Техникумларда халқаро таълим дастурларини ўқитишга жалб этилган ўқитувчилар, ишлаб чиқариш таълими усталари, техникум директори ва Халқаро таълим дастурини мувофиқлаштириш бўлими ходимлари фаолиятини баҳолаш

7. Техникумларда халқаро таълим дастурларини ўқитишга жалб этилган ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталарига рағбатлантириш миқдорини белгилаш бўйича техникумда доимий фаолият юритувчи ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда – Техникум ишчи гуруҳи) тузилади.

Техникум директори ва Халқаро таълим дастурини мувофиқлаштириш бўлими ходимларига рағбатлантириш миқдорини белгилаш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Касбий таълим агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри касбий таълим бошқармаларида (кейинги ўринларда – Худудий бошқарма) доимий фаолият юритувчи ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда – Худудий ишчи гуруҳи) тузилади.

8. Техникум ишчи гуруҳи техникум директори томонидан камида беш кишидан иборат қуйидаги таркибда тасдиқланади:

техникум директори – ишчи гуруҳ раҳбари;

Халқаро таълим дастурини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи – ишчи гуруҳнинг масъул котиби;

директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари;

Халқаро таълим дастурини мувофиқлаштириш бўлими ходими (танлов асосида);

касаба уюшмаси қўмитаси раиси.

Худудий ишчи гуруҳи Худудий бошқарма ходимлари орасидан камида беш кишидан иборат таркибда бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланади ва ушбу ишчи гуруҳ раҳбари Худудий бошқарма бошлиғи ҳисобланади.

9. Техникум ишчи гуруҳи ва Худудий ишчи гуруҳ йиғилишларини ташкил этиш ва тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш унинг масъул котиблари томонидан амалга оширилади.

10. Техникумларда халқаро таълим дастурларини ўқитишга жалб этилган ўқитувчилар, ишлаб чиқариш таълими усталари, техникум директори ва Халқаро таълим дастурини мувофиқлаштириш бўлими ходимларига рағбатлантириш миқдорини белгилаш бўйича ходимларнинг фаолияти натижаларига оид тақдим этилган ҳужжатлар белгиланган мезонларга мувофиқ уч иш куни ичида ишчи гуруҳлар томонидан кўриб чиқилади.

Ишчи гуруҳлар йиғилиши, қоида тариқасида, ҳар ўқув семестри якуни бўйича ўтказилади.

Ишчи гуруҳлар томонидан белгиланган мезонларга мувофиқ барча ҳужжатлар тўлиқ, асосланган ҳолда тақдим этилгани аниқланганда, халқаро таълим дастурларини ўқитишга жалб этилган ўқитувчилар, ишлаб чиқариш таълими усталари, техникум директори ва Халқаро таълим дастурини мувофиқлаштириш бўлими ходимларига рағбатлантириш миқдорини белгилаш тўғрисида, тақдим этилган ҳужжатларда камчилик мавжудлиги, ҳужжатларнинг ҳақиқий эмаслиги аниқланганда эса, рағбатлантиришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Ишчи гуруҳларнинг қарори очиқ овоз бериш орқали ишчи гуруҳлар йиғилишларида иштирок этаётган аъзоларнинг кўпчилиги овози билан қабул қилинади ва ишчи гуруҳлар раҳбарлари томонидан тасдиқланган баённомалар билан расмийлаштирилади.

11. Баённомаларга асосан, уч иш кунидан кечиктирмаган ҳолда, рағбатлантириш бўйича:

халқаро таълим дастурларини ўқитишга жалб этилган ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталари бўйича техникум директорининг буйруғи;

техникум директори ва Халқаро таълим дастурини мувофиқлаштириш бўлими ходимлари бўйича Худудий бошқарма бошлиғининг буйруғи қабул қилинади.

12. Халқаро таълим дастурларини ўқитишга жалб этилган ўқитувчилар, ишлаб чиқариш таълими усталари, техникум директори ва Халқаро таълим дастурини мувофиқлаштириш бўлими ходимларига белгиланган рағбатлантириш миқдори янги ўқув семестри бошланган кундан ҳисобланади.

13. Халқаро таълим дастурларини ўқитишга жалб этилган ўқитувчилар, ишлаб чиқариш таълими усталари, техникум директори ва Халқаро таълим дастурини мувофиқлаштириш бўлими ходимлари ушбу техникумда халқаро таълим дастури доирасида бошқа лавозимга ўтказилганда, уларга белгиланган рағбатлантириш миқдори сақланиб қолинади.

14. Рағбатлантириш белгиланган халқаро таълим дастурларини ўқитишга жалб этилган ўқитувчилар, ишлаб чиқариш таълими усталари, техникум директори ва Халқаро таълим дастурини мувофиқлаштириш бўлими ходимлари меҳнат шартномаси ва ижро интизоми шартларига ҳамда техникумнинг ички тартиб-қоидаларига амал қилишлари шарт.

Ушбу шартларга амал қилмаган халқаро таълим дастурларини ўқитишга жалб этилган ўқитувчилар, ишлаб чиқариш таълими усталари, техникум директори ва Халқаро таълим дастурини мувофиқлаштириш бўлими ходимларига белгиланган рағбатлантириш ишчи гуруҳлар қарори билан бекор қилинади.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

15. Молиявий-иқтисодий фаолиятни амалга ошириш, ҳисоб ва ҳисобот, иш ҳақи бўйича ҳисоб-китобларнинг тўғрилиги ва мажбурий тўловларнинг ўз вақтида тўланишига техникум директори ва бош бухгалтер жавобгар бўлади.

16. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Халқаро таълим дастурлари жорий қилинган
техникумлар ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш
тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

**Халқаро таълим дастурларини ўқитишга жалб этилган ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталари
фаолиятини баҳолаш
МЕЗОНЛАРИ**

Т/р	Баҳолаш мезони	Кўрсаткичлар	Балл
1.	Халқаро таълим дастурларида ўқиётган ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичи	Ўзлаштириш кўрсаткичи – 86-100 фоиз	30
		Ўзлаштириш кўрсаткичи – 71-85 фоиз	20
		Ўзлаштириш кўрсаткичи – 56-70 фоиз	10
2.	Ўқув жараёнини режалаштириш ва методик таъминотнинг мавжудлиги <i>“Кўрсаткичлар”нинг ҳар бири учун алоҳида балл ҳисобланади. Жами тўплаш мумкин бўлган балл 80 баллни ташкил этади.</i>	Ўқув ва баҳолаш материалларининг халқаро таълим дастурларига мослиги	40
		Замонавий таълим технологиялари ва электрон ресурслардан фойдаланиши	30
		Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологиялари ва сунъий интеллект технологияларидан фойдалангани	10
3.	Ўқитувчи ёки ишлаб чиқариш таълими устасининг дарсларни сифатли ўтгани (семестр давомида халқаро таълим дастурларида ўқиётган ўқувчилар орасида ўтказилган сўровнома натижалари асосида)	Ижобий – 80-100 фоиз	15
		Яхши – 59-79 фоиз	10
		Қониқарли – 1-58 фоиз	5
4.	Ўқитувчи (хорижий тил фани ўқитувчилари бундан мустасно) ёки ишлаб чиқариш таълими устасининг хорижий тилни билиш даражаси бўйича миллий ёки халқаро сертификатлари мавжудлиги	Камида В2 даражадаги миллий ёки унга тенглаштирилган мос даражадаги халқаро тан олинган сертификатга эга бўлса	15

5.	Яратган таълим контентлари мавжудлиги “Кўрсаткичлар”нинг ҳар бири учун алоҳида балл ҳисобланади. Жами тўплаш мумкин бўлган балл 40 баллни ташкил этади.	Дарслик ёки ўқув қўлланмалар яратгани учун	15
		Рақамли таълим ресурсини ишлаб чиққани учун	15
		Фанларни (модул) ўқитиш материаллари тўпламларини ишлаб чиққани учун	10
6.	Ўқитувчи ёки ишлаб чиқариш таълими устасининг илмий мақолалар чоп этгани “Кўрсаткичлар”нинг ҳар бири учун алоҳида балл ҳисобланади. Жами тўплаш мумкин бўлган балл 20 баллни ташкил этади.	Семестр давомида Scopus ва Web of Science маълумотлар базаларида индексация қилинган журналларда мақола чоп этган бўлса	15
		Семестр давомида маҳаллий ва халқаро журналларда мақола чоп этган бўлса	5
7.	Нуфузли халқаро рейтинг ташкилотларининг юқори 1 000 талик рўйхатига киритилган олий таълим ташкилотларида таҳсил олгани “Кўрсаткичлар”нинг энг юқори бўлган биттаси инobatга олинади.	Халқаро рейтинг ташкилотларининг юқори 1 000 талик рўйхатига киритилган олий таълим ташкилотларининг камида PhD ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражасига эга бўлса	50
		Халқаро рейтинг ташкилотларининг юқори 1 000 талик рўйхатига киритилган олий таълим ташкилотларининг камида магистратура ёки унга тенглаштирилган дипломига эга бўлса	30
		Халқаро рейтинг ташкилотларининг юқори 1 000 талик рўйхатига киритилган олий таълим ташкилотларининг камида бакалавр ёки унга тенглаштирилган дипломига эга бўлса	10
8.	Ўз фани бўйича ўқувчиларни спортнинг Олимпия ва Паралимпия ўйинлари, Осиё ва Параосиё ўйинлари дастурларига киритилган ҳамда техник ва амалий турлари бўйича, фан олимпиадалари, касбий таълим соҳасидаги танловларга тайёрлагани “Кўрсаткичлар”нинг энг юқори бўлган биттаси инobatга олинади.	Ўқувчиларнинг халқаро босқичидаги совринли (1, 2, 3-ўрин) ўрини учун	100
		Ўқувчиларнинг республика босқичидаги совринли (1, 2, 3-ўрин) ўрини учун	60
		Ўқувчиларнинг вилоят босқичидаги совринли (1, 2, 3-ўрин) ўрини учун	30

9.	Ўз фани бўйича спортнинг Олимпия ва Паралимпия ўйинлари, Осиё ва Параосиё ўйинлари дастурларига киритилган ҳамда техник ва амалий турлари бўйича, фан олимпиадалари, касбий таълим соҳасидаги танловларда ғолиб бўлгани “Кўрсаткичлар”нинг энг юқори бўлган биттаси инобатга олинади.	Халқаро босқичда совринли (1, 2, 3-ўрин) ўрин учун	100
		Республика босқичида совринли (1, 2, 3-ўрин) ўрин учун	60
		Вилоят босқичида совринли (1, 2, 3-ўрин) ўрин учун	30

Рағбатлантириш миқдорини белгилаш жадвали

Тўпланган баллар	Рағбатлантириш миқдори
160<	200 фоиз
130–159	150 фоиз
100–129	100 фоиз
<99	Рағбатлантириш берилмайди

Изоҳ.

- Ушбу баҳолаш мезонларининг 5, 8 ва 9-бандлари бўйича ўқитувчи ёки ишлаб чиқариш таълими устасининг тўплаган бали кейинги 2 семестр давомида уларга рағбатлантириш миқдорини белгилашда инобатга олинади.
- Ушбу баҳолаш мезонларига Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Касбий таълим агентлиги томонидан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

Халқаро таълим дастурлари жорий қилинган
техникумлар ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш
тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

**Техникум директори ва Халқаро таълим дастурини мувофиқлаштириш
бўлими ходимлари фаолиятини баҳолаш
МЕЗОНЛАРИ**

Т/р	Баҳолаш мезони	Кўрсаткичлар	Балл
1.	Халқаро таълим дастурларини жорий этиш бўйича ташкилотлар билан ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар мавжудлиги <i>“Кўрсаткичлар”нинг ҳар бири учун алоҳида балл ҳисобланади. Жами тўплаш мумкин бўлган балл 40 баллни ташкил этади</i>	Халқаро таълим дастурларини жорий этиш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатларни расмийлаштиргани учун	10
		Педагог ва ходимлар малакасини ошириш дастурларини жорий этгани учун	10
		Ўқитувчилар ва ўқувчиларни таълим контентлари билан таъминлагани учун	10
		Халқаро таълим дастурларини жорий этишни ривожлантириш бўйича иш режаси мавжудлиги ҳамда режага мувофиқ амалий ишларни бажаргани учун	10
2.	Халқаро таълим дастурлари жорий қилингани <i>“Кўрсаткичлар”нинг ҳар бири учун алоҳида балл ҳисобланади. Жами тўплаш мумкин бўлган балл 20 баллни ташкил этади</i>	Халқаро таълим дастурлари бўйича квалификацияларни ўқитишни йўлга қўйгани учун (камида 2 та)	10
		Халқаро таълим дастурларига қамраб олинган ўқувчилар улуши учун (камида 2 та гуруҳ)	10

3.	<p>Касбга йўналтириш ишлари ташкил этилгани</p> <p><i>“Кўрсаткичлар”нинг ҳар бири учун алоҳида балл ҳисобланади. Жами тўплаш мумкин бўлган балл 30 баллни ташкил этади</i></p>	Касбга йўналтириш тадбирларини ташкил этиш бўйича замонавий контентлар ишлаб чиққани учун	10
		Умумтаълим мактабларида ўқувчиларни касбга йўналтириш бўйича тренинглар ва кўргазмалар ташкил этгани учун (семестр давомида камида 2 марта турли мактабларда)	10
		Техникумда мактаб ўқувчилари, ёшлар ва банд бўлмаган аҳоли учун “Касб ва карьера куни” тадбирини ташкил этгани учун (семестр давомида камида 1 марта)	10
4.	<p>Битирувчилар бандлигини таъминлашга кўмаклашиш бўйича амалий ишлар мавжудлиги</p> <p><i>“Кўрсаткичлар”нинг ҳар бири учун алоҳида балл ҳисобланади. Жами тўплаш мумкин бўлган балл 25 баллни ташкил этади</i></p>	Иш берувчилар иштирокида “Карьера куни” тадбирларини ўтказгани учун (семестр давомида камида 1 марта)	10
		Соҳасида юқори натижаларга эришган мутахассислар, бизнес вакиллари билан мотивацион мастер-класслар ташкил этгани учун (семестр давомида камида 1 марта)	5
		Иш берувчилар, хусусий бандлик агентликлари ва рекрутинг компаниялари билан битирувчилар ўртасида учрашувлар ташкил этгани учун (семестр давомида камида 1 марта)	10
5.	<p>Халқаро таълим дастурларини жорий этиш бўйича халқаро ва маҳаллий грант лойиҳалари жалб этилгани</p>	Халқаро таълим дастурларини жорий этиш бўйича халқаро ва маҳаллий грант лойиҳаларини жалб этгани учун	20
6.	<p>Битирувчиларнинг таълимнинг кейинги босқичини давом эттириши бўйича таълим ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйгани</p>	Битирувчиларнинг таълимнинг кейинги босқичини давом эттириши бўйича халқаро рейтинг ташкилотларининг юқори 1 000 талик рўйхатига киритилган олий таълим ташкилотлари билан “1+2”, “1+3” ва “2+2” каби таълим дастурларини жорий этгани учун	25

	<i>“Кўрсаткичлар”нинг ҳар бири учун алоҳида балл ҳисобланади. Жами тўплаш мумкин бўлган балл 50 баллни ташкил этади</i>	Битирувчиларнинг таълимнинг кейинги босқичини давом эттириши бўйича Ўзбекистон олий таълим ташкилотлари билан “1+2”, “1+3” ва “2+2” каби таълим дастурларини жорий этгани учун	15
		Битирувчиларнинг таълимнинг кейинги босқичини давом эттириши бўйича хорижий касбий таълим ташкилотлари билан “1+2” ва “2+1” каби таълим дастурларини жорий этгани учун	10
7.	Педагог кадрларнинг касбий ривожланиши бўйича амалий ишлар мавжудлиги <i>“Кўрсаткичлар”нинг ҳар бири учун алоҳида балл ҳисобланади. Жами тўплаш мумкин бўлган балл 20 баллни ташкил этади</i>	Ҳамкорлик шартномаларига мувофиқ педагог кадрлар учун малака ошириш курсларини ташкил этгани учун (семестр давомида камида 1 марта)	10
		Педагог кадрларга ихтисослиги бўйича корхона ва ташкилотларда стажировкалар ташкил этгани учун	10
8.	Халқаро таълим дастурлари бўйича педагог кадрлар дарс жараёнининг назорат қилингани <i>“Кўрсаткичлар”нинг ҳар бири учун алоҳида балл ҳисобланади. Жами тўплаш мумкин бўлган балл 15 баллни ташкил этади</i>	Педагог кадрлар дарс жараёнининг сифатини ўргангани учун (семестр давомида ҳар бир педагогнинг дарс жараёни камида 4 марта ўрганилади)	10
		Педагог кадрларнинг дарсларни ўтиш сифати юзасидан ўқувчиларнинг фикр-мулоҳазаларини ўргангани учун (семестр давомида камида 2 марта)	5
9.	Ўқувчилар тўғрисидаги маълумотларни рақамли платформаларга киритилгани <i>“Кўрсаткичлар”нинг ҳар бири учун алоҳида балл ҳисобланади. Жами тўплаш мумкин бўлган балл 20 баллни ташкил этади</i>	Халқаро таълим дастурларида таълим олаётган ўқувчилар тўғрисидаги маълумотларни тегишли ахборот тизимларига тўғри киритгани учун	10
		Ўқувчилар тўғрисидаги маълумотлар базасини мунтазам янгиланиб боргани учун	5
		Ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётлари бўйича шартномаларни махсус платформалар орқали ўз мутахассислиги бўйича тўғри расмийлаштирилгани мониторинги учун	5

10.	Таълим жараёни сифати назорат қилингани <i>“Кўрсаткичлар”нинг ҳар бири учун алоҳида балл ҳисобланади. Жами тўплаш мумкин бўлган балл 35 баллни ташкил этади</i>	Халқаро таълим дастурларида ўқиётган ўқувчиларнинг фанлардан ўзлаштириш кўрсаткичларини мониторинг қилиб боргани учун	10
		Ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичларини яхшилаш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар ва уларни амалга оширгани учун	5
		Ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётларини касб ва мутахассислик ихтисослигига мос корхоналарда ташкил этилганини ўргангани учун	10
		Имтиҳон жараёнларининг шаффоф ўтказилишини таъминлагани учун (онлайн кузатув имконияти яратилгани ва назорати)	10
11.	Илмий мақолалар чоп этгани <i>“Кўрсаткичлар”нинг ҳар бири учун алоҳида “Балл” ҳисобланади. Жами тўплаш мумкин бўлган балл 20 баллни ташкил этади.</i>	Семестр давомида “Scopus” ва “Web of Science” маълумотлар базаларида индексация қилинган журналларда мақола чоп этган бўлса	15
		Семестр давомида маҳаллий ва халқаро журналларда мақола чоп этган бўлса	5
12.	Нуфузли халқаро рейтинг ташкилотларининг юқори 1 000 талик рўйхатига киритилган олий таълим ташкилотларида таҳсил олганлиги <i>“Кўрсаткичлар”нинг энг юқори бўлган биттаси инобатга олинади.</i>	Халқаро рейтинг ташкилотларининг юқори 1 000 талик рўйхатига киритилган олий таълим ташкилотларининг камида PhD ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражасига эга бўлса	50
		Халқаро рейтинг ташкилотларининг юқори 1 000 талик рўйхатига киритилган олий таълим ташкилотларининг камида магистратура ёки унга тенглаштирилган дипломига эга бўлса	30
		Халқаро рейтинг ташкилотларининг юқори 1 000 талик рўйхатига киритилган олий таълим ташкилотларининг камида бакалавр ёки унга тенглаштирилган дипломига эга бўлса	10

13.	Хорижий тилни билиш даражаси бўйича миллий ёки халқаро сертификатлари мавжудлиги	Камида В2 даражадаги миллий ёки унга тенглаштирилган мос даражадаги халқаро тан олинган сертификатга эга бўлса	15
-----	--	--	----

Рағбатлантириш миқдорини белгилаш жадвали

Тўпланган баллар	Рағбатлантириш миқдори
160<	200 фоиз
130–159	150 фоиз
100–129	100 фоиз
<99	Рағбатлантириш берилмайди

Изоҳ.

1. Ушбу баҳолаш мезонлари (11, 12 ва 13-бандлар бундан мустасно) асосида техникум директори ва Халқаро таълим дастурини мувофиқлаштириш бўлими фаолияти баҳоланади ҳамда умумий тўпланган балл бўлимнинг барча ходимлари ва техникум директори учун амал қилади.

2. Техникум директори ва халқаро таълим дастурини мувофиқлаштириш бўлими ходимлари ушбу баҳолаш мезонларининг 11, 12 ва 13-бандлари бўйича индивидуал тартибда баҳоланади. Индивидуал тартибда тўпланган ва умумий фаолиятни баҳолаш натижасида тўпланган умумий баллар йиғиндиси асосида техникум директори ва Халқаро таълим дастурини мувофиқлаштириш бўлимнинг ҳар бир ходимининг рағбатлантириш миқдори аниқланади.

3. Ушбу баҳолаш мезонларига Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Касбий таълим агентлиги томонидан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.





O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 11 » fevral

№ 53

Toshkent sh.

Юк кўтариш қурилмаларини техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги соҳасида давлат назоратини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2024 йил 24 декабрдаги ПФ–224-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, юк кўтариш қурилмаларининг техник соҳада сақланишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи **Юк кўтариш қурилмаларини техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом** иловага мувофиқ тасдиқлансин:

юк кўтариш қурилмаларини техник кўриқдан ўтказувчи ихтисослашган ташкилотларга қўйиладиган талаблар;

тегишли рухсатномага эга бўлган ихтисослашган ташкилотлар томонидан юк кўтариш қурилмаларини техник кўриқдан ўтказиш тартиби.

2. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси **уч ой** муддатда:

барча хавфли ишлаб чиқариш объектларида мавжуд бўлган юк кўтариш қурилмаларини хатловдан ўтказсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирасин.

3. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан **уч ой ўтгач** кучга киради.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси раиси А.В. Рафиқов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “II” Феврал даги 53 -сон қарорига
илова

**Юк кўтариш қурилмаларини техник кўриқдан ўтказиш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом юк кўтариш қурилмаларини техник кўриқдан ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланади:

ваколатли орган – Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси;

динамик синов – юк кўтариш қурилмаларининг механизмлари, хавфсизлик қурилмалари ва тормоз тизими созлигини аниқлаш;

дастлабки техник кўриқ – янги ўрнатилган юк кўтариш қурилмасини ишга туширишдан аввал унинг (шу жумладан, механизмлари ва узелларини) мустаҳкам ва созлигини аниқлаш;

даврий техник кўриқ – юк кўтариш қурилмасидан фойдаланиш жараёнида унинг мустаҳкам ва соз ҳолатда сақланишини аниқлаш;

ихтисослашган ташкилот – юк кўтариш қурилмаларини кўриқдан ўтказиш учун малакали мутахассислар ва зарур моддий-техник базага эга бўлган ҳамда белгиланган тартибда ваколатли органнинг рухсатномасини олган юридик шахс;

кўчмас асосга ўрнатилган юк кўтариш қурилмаси – асоси пойдевор ёрдамида жойига ҳаракатсиз ҳолатида қотирилган ёки рельс йўлагиди ҳаракатланувчи юк кўтариш қурилмалари (темир йўл кранлари бундан мустасно);

модернизация (реконструкция) – юк кўтариш қурилмаси паспорти кўрсаткичларини ўзгартиришга олиб келадиган (масалан, юритма хили, стрела узунлиги, минора баландлиги, юк кўтариш қуввати ортиши ёки камайиши) кран конструкциясини ўзгартириш, юк кўтариш қурилмаларини ва уларнинг электр схемасини қайта жиҳозлаш;

навбатдан ташқари техник кўриқ – юк кўтариш қурилмаларида носозликлар юзага келганда, унда ўтказилган таъмирлаш ишларидан сўнг унинг соз ҳолатда эканини аниқлаш;

паспорт – юк кўтариш қурилмасини ишлаб чиқарувчи корхона томонидан берилган, унинг техник хусусиятларини ифодаловчи ҳужжат;

статик синов – юк кўтариш қурилмаларини ёки уларнинг алоҳида ускуналарини мустаҳкамлиги ва конструктив жиҳатдан барқарорлигини текшириш;

таъмирлаш – бузилган, емирилган ёки носоз ҳолатга келган юк кўтариш қурилмаларининг узелларини ишчи ҳолатга келтириб, қайта тиклаш;

тўлиқ техник кўрик – қисман техник кўриққа қўшимча равишда динамик ва статик синовларни ўтказиш;

юк кўтариш қурилмалари – юкларни кўтариш, тушириш, бир жойдан бошқа жойга кўчириш ишларини амалга оширувчи кўчмас асосга ўрнатилган ёки ҳаракатланувчи кранлар, тельферлар ва таллар;

юк кўтариш қурилмаси мулкдори – юк кўтариш қурилмасига нисбатан эгалик ҳуқуқи бўлган ёки юк кўтариш қурилмаси ўрнатилган бино ва иншоотга эгалик қилувчи юридик ҳамда жисмоний шахслар;

қисман техник кўрик – юк кўтариш қурилмасининг асоси, кўтариш, ҳаракатлантирувчи ва тўхтатиш қисмларини тўлиқ кўздан кечириш ҳамда хавфсизлик мосламаларининг ишлаш ҳолатини амалда ишлатиб кўриш орқали текшириш.

2-боб. Умумий талаблар

3. Янги ўрнатилган, модернизация (реконструкция) қилинган ёки мукамал таъмирланган юк кўтариш қурилмалари фойдаланишга топширилгунга қадар тўлиқ техник кўриқдан ўтказилиши шарт.

Фойдаланишда бўлган юк кўтариш қурилмалари бир йилда камида бир марта қисман техник кўриқдан ва уч йилда бир марта тўлиқ техник кўриқдан ўтказилиши керак.

4. Юк кўтариш қурилмаларининг техник кўриги юк кўтариш қурилмасининг паспорти ёки юк кўтариш кранлари тузилиши ва уларни хавфсиз ишлатиш қоидалари талабларига мувофиқ ўтказилади.

5. Юк кўтариш қурилмаларининг техник кўриги ихтисослашган ташкилотлар томонидан ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ Юк кўтариш қурилмаларини техник кўриқдан ўтказиш схемасига мувофиқ ўтказилади.

3-боб. Юк кўтариш қурилмаларини техник кўриқдан ўтказиш тартиби

6. Юк кўтариш қурилмаларининг техник кўриги мулкдорнинг ёзма ёки электрон тарздаги мурожаатига асосан, ихтисослашган ташкилот томонидан ўтказилади.

7. Юк кўтариш қурилмалари дастлабки, даврий ва навбатдан ташқари техник кўриқдан ўтказилади.

8. Дастлабки, даврий ва навбатдан ташқари техник кўриқлар мулкдорнинг ёзма ёки электрон тарздаги мурожаати асосида ихтисослашган ташкилот томонидан мулкдор билан тузилган шартномага мувофиқ ўтказилади.

9. Ихтисослашган ташкилот тузилган шартнома муддати давомида юк кўтариш қурилмаларини даврий техник кўриқдан ўтказади.

4-боб. Даствлабки техник кўриқдан ўтказиш тартиби

10. Юк кўтариш қурилмалари давлат рўйхатига олинишидан аввал даствлабки техник кўриқдан ўтказилиши шарт.

11. Юк кўтариш қурилмаларининг даствлабки техник кўригида мулкдор томонидан қуйидаги хужжатлар нусхалари ихтисослашган ташкилотга тақдим этилади:

мувофиқлигини тасдиқловчи хужжатлар (аввал фойдаланишда бўлган юк кўтариш қурилмалари бундан мустасно);

кўчмас асосга ўрнатилган юк кўтариш қурилмасининг ўрнатиш бўйича лойиҳа хужжатининг экспертизадан ўтказилгани тўғрисида хулосаси (қурилиш ишларида вақтинча фойдаланиладиган юк кўтариш қурилмалари бундан мустасно);

кўчмас асосга ўрнатилган юк кўтариш қурилмасини ўрнатиш далолатномаси;
ишлаб чиқарувчи завод томонидан берилган паспорти ёки унинг дубликати;
кўчмас асосга ўрнатилган юк кўтариш қурилмасини ўрнатиш бўйича йўриқнома;

фойдаланиш йўриқномаси.

12. Ихтисослашган ташкилот томонидан юк кўтариш қурилмаларининг ҳолати тақдим этилган хужжатларга мослиги тўлиқ текширилади ва ушбу Низомнинг 4-бандида белгиланган тартибда юк кўтариш қурилмалари даствлабки техник кўриқдан ўтказилади.

13. Даствлабки техник кўриқни ташкил қилиш ва уни ўтказиш билан боғлиқ барча харажатлар юк кўтариш қурилмаларининг мулкдори зиммасига юкланади.

14. Ваколатли орган томонидан давлат рўйхатига олинган юк кўтариш қурилмаларининг бошқарув кабинаси ёки асос қисмига ихтисослашган ташкилот томонидан ёзуви ўчиб кетмайдиган мустаҳкам жисмдан тайёрланган ушбу Низомга 2-иловада келтирилган шаклга мувофиқ Техник кўриқдан ўтказилган юк кўтариш қурилмасининг ёрлиғи ўрнатилади.

5-боб. Даврий техник кўриқдан ўтказиш тартиби

15. Юк кўтариш қурилмаларини ушбу Низомнинг 3-бандида белгиланган муддатларда даврий техник кўриқдан ўтказиш мажбурияти юк кўтариш қурилмаларининг мулкдори зиммасига юкланади.

16. Юк кўтариш қурилмаларининг даврий техник кўригида мулкдор томонидан ушбу Низомнинг 11-бандида кўрсатилган хужжатлар нусхалари ихтисослашган ташкилотга тақдим этилади.

17. Ихтисослашган ташкилот томонидан юк кўтариш қурилмаларининг ҳолати тақдим этилган ҳужжатларга мослиги тўлиқ текширилади ва ушбу Низомнинг 4-бандида белгиланган талаблар асосида юк кўтариш қурилмалари даврий техник кўриқдан ўтказилади.

18. Даврий техник кўриқ ихтисослашган ташкилот ва мулкдор иштирокида ўтказилади.

19. Мулкдор даврий техник кўриқдан ўтказишда ихтисослашган ташкилотга кўриқ тўлиқ ўтказилиши учун зарур шароит яратиб бериши шарт.

20. Ихтисослашган ташкилот юк кўтариш қурилмаларини даврий техник кўриқдан ўтказишда мулкдор томонидан зарур шароит яратилмаган тақдирда, бу ҳақда ваколатли органни хабардор қилиши шарт.

21. Даврий техник кўриқдан ўтказиш натижасида юк кўтариш қурилмаларида носозликлар аниқланган тақдирда, юк кўтариш қурилмаларининг мулкдори томонидан қайта таъмирлаш ишлари амалга оширилиши лозим.

22. Даврий техник кўриқ натижалари салбий бўлганда, ихтисослашган ташкилот юк кўтариш қурилмаларининг мулкдорига ёзма хабар беради ва юк кўтариш қурилмаларидан фойдаланишни ўттиз кунга тақиқлайди.

Мулкдор томонидан ушбу муддат ичида камчиликлар бартараф этилмаган тақдирда, ихтисослашган ташкилот бу ҳақда ваколатли органни ёзма ёки электрон тарзда хабардор қилади.

Ваколатли орган келиб тушган хабарлар асосида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда камчиликларни бартараф этмаган мулкдорга нисбатан текширув ўтказади.

6-боб. Навбатдан ташқари техник кўриқдан ўтказиш тартиби

23. Юк кўтариш қурилмаларида наватдан ташқари техник кўриқ уларда амалга оширилган таъмирлаш, модернизация ёки реконструкция ишларидан сўнг ўтказилади.

24. Юк кўтариш қурилмаларини наватдан ташқари техник кўриқдан ўтказишга мулкдор масъул ҳисобланади.

25. Юк кўтариш қурилмаларининг асос қисмларига ўзгартириш киритилганда ёки таъмирланганда, уларни ишга туширишдан аввал наватдан ташқари тўлиқ техник кўриқдан ўтказилади.

Агар юк кўтариш қурилмаларининг кўтарувчи ёки асос бўлмаган қисмларида конструктив ўзгартиришлар ёки таъмирлаш ишлари (электр қисми, асосга ва юк кўтаришга тааллуқли бўлмаган иккиламчи қисмлари) амалга оширилган бўлса, қисман техник кўриқ ўтказилади.

7-боб. Техник кўриқ натижаларини расмийлаштириш

26. Юк кўтариш қурилмаларини техник кўриқдан ўтказиш натижалари юк кўтариш қурилмаларининг паспортида ихтисослашган ташкилот томонидан қайд этилади.

27. Юк кўтариш қурилмаларининг паспортида ихтисослашган ташкилот томонидан техник кўрик санаси, юк кўтариш қурилмаларининг жойлашган манзили ёки синов ўтказилган манзил, завод рақами, кўтариш қуввати, ўтказилган динамик ва статик синовларнинг натижалари ҳамда келгусида ўтказиладиган қисман ёки тўлиқ техник кўрик муддати кўрсатилади.

28. Юк кўтариш қурилмаларининг мулкдори техник кўрик натижалари тўғрисидаги маълумотни уч кун муддатда ваколатли органга юборади.

8-боб. Яқунловчи қоида

29. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.


Юк кўтариш қурилмаларини техник кўриқдан
ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

Юк кўтариш қурилмаларини техник кўриқдан ўтказиш
СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Ижро муддати
1-босқич	Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси (Ваколатли орган)	Юк кўтариш қурилмалари назоратини амалга оширади.	Доимий
2-босқич	Юк кўтариш қурилмасининг мулкдори	Юк кўтариш қурилмасини дастлабки, даврий ва навбатдан ташқари техник кўриқдан ўтказишни ташкиллаштиради.	Уч йилда бир марта
3-босқич	Ихтисослашган ташкilot	Юк кўтариш қурилмасини дастлабки, даврий ва навбатдан ташқари техник кўриқдан ўтказилади.	Шартномага кўра
4-босқич	Ихтисослашган ташкilot	Юк кўтариш қурилмасини дастлабки, даврий ва навбатдан ташқари техник кўриқ натижалари тўғрисидаги маълумотларни юк кўтариш қурилмасининг паспортига қайд этади.	Кўриқ натижаларига кўра
5-босқич	Юк кўтариш қурилмасининг мулкдори	Юк кўтариш қурилмасида техник кўриқ натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этади.	Ўттиз кунда
6-босқич	Ваколатли орган	Ихтисослашган ташкilotларнинг белгиланган талабларга мувофиқ фаолият кўрсатиши устидан назорат тадбирларини ўтказилади.	Доимий

Юк кўтариш қурилмаларини техник кўриқдан
ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

Техник кўриқдан ўтказилган юк кўтариш қурилмасининг ёрлиғи намунаси





O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 11 » fevral

№ 56

Toshkent sh.

Рақамли маркировкаланган товарларнинг ҳаракатини кузатиб бориш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Товарларнинг ҳаракати устидан давлат назорати самарадорлигини ошириш, яширин иқтисодиётни янада қисқартириш ҳамда маҳсулотларнинг ноқонуний айланмасига йўл қўймаслик, шунингдек, товарларни рақамли идентификация қилиш соҳасида халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мажбурий рақамли маркировкалаш тизими самарадорлигини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2025 йил 23 майдаги ПҚ–190-сон қарорига мувофиқ қуйидагилар:

хавфни таҳлил қилиш тизимида мажбурий рақамли маркировкалаш қоидаларини бузиш ҳолатлари солиқ хавфи даражасини юқори деб баҳолаш учун асос бўлиши;

мажбурий рақамли маркировкаланган маҳсулотларни реализация қилишда маркировка коди бириктирилмаган электрон ҳисобварақ-фактурани расмийлаштиришга йўл қўйилмаслиги;

маркировка коди киритилгандан сўнг онлайн назорат-касса техникасининг касса чеки шакллантирилиши;

аввал фойдаланилган маркировка кодлари киритилганда, онлайн назорат-касса техникасининг касса чеки шаклланишига йўл қўйилмаслиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитасининг (кейинги ўринларда – Солиқ қўмитаси) **2026 йил 1 июндан** бошлаб Ўзбекистон Республикаси ва ҳамкор давлатлар ўртасида сув ҳамда салқин ичимликларга нисбатан рақамли маркировка кодларини ўзаро тан олишни жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

3. Белгилансинки, Солиқ қўмитаси ҳамкор давлатларнинг рақамли маркировка кодларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тан олиш бўйича ваколатли орган ҳисобланади.

4. Солиқ қўмитаси:

2026 йил 1 апрелга қадар рақамли маркировка кодлари маълумотлари бўйича ахборот алмашишга қўйиладиган талабларни белгиласин ҳамда уларнинг хавфсизлигини таъминласин. Бунда ушбу талаблар рақамли маркировка кодларини ўзаро тан олиш ва товарларнинг ҳаракатини кузатиб боришда иштирок этувчи барча давлат органлари ва ташкилотлари учун мажбурий ҳисобланади;

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўзаро тан олинган хорижий давлатларнинг рақамли маркировка кодларини электрон ҳисобварақ-фактура ҳамда онлайн назорат-касса техникасининг касса чекларида акс эттириш имкониятини яратсин;

ҳар йили 15 январга қадар рақамли маркировкакани ўзаро тан олиш борасида амалга оширилаётган ишлар жараёни ва унинг натижалари тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот тақдим этиб борсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси:

Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган мажбурий рақамли маркировкакани лозим бўлган товарларда рақамли маркировка кодлари мавжудлиги назорат қилинишини;

товарларнинг ноқонуний айланишининг олдини олиш мақсадида ҳамкор давлатларнинг божхона органлари билан маълумот алмашиш йўлга қўйилишини таъминлансин.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

“Asl belgisi” маҳсулотларни маркировкалаш ва кузатиб бориш миллий ахборот тизими оператори рақамли маркировка маълумотларини қабул қилиш, қайта ишлаш, сақлаш ва ҳимоя қилишни таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида шакллантириладиган ва муомалада бўладиган рақамли маркировка маълумотлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган дата-марказлар доирасида сақланиши ва қайта ишланиши шарт;

товарларнинг рақамли маркировкакани тўғрисидаги маълумотлар хорижий давлат органлари ва бошқа ташкилотларга халқаро шартномалар асосида ҳамда ахборот хавфсизлиги талабларига риоя этилган ҳолда узатилади;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мажбурий рақамли маркировкакани лозим бўлган товарларни эркин муомалага чиқаришга фақат “Asl belgisi” маҳсулотларни маркировкалаш ва кузатиб бориш миллий ахборот тизимида уларга татбиқ этилган рақамли идентификация воситаларининг ҳақиқийлиги тасдиқлангандан сўнг йўл қўйилади.

7. Манфаатдор вазирлик ва идоралар томонидан ушбу қарорни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини бажариш мақсадида ҳамкор давлатларнинг ваколатли органлари билан ўзаро ҳамкорликни таъминлансин.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда Солиқ қўмитаси раиси Ф.Ж. Пулатов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов



БЕШИНЧИ БЎЛИМ

**ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ
ВА ИДОРЛАРИНИНГ ЎЗБЕКISTОН
РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА
ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛГАН
НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИ**



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 1747-3
2026 - yil 09 - Fevral

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TRANSPORT VAZIRLIGI HUZURIDAGI
FUQARO AVIATSIYASI AGENTLIGI DIREKTORINING BUYRUG'I

“O‘zbekiston Respublikasi fuqaro aviatsiyasi aviakorxonalarida tibbiy-uchish ekspert komissiyalarini tayinlash tartibi to‘g‘risida nizomni tasdiqlash to‘g‘risida”gi buyruq, shuningdek unga o‘zgartirishlarni o‘z kuchini yo‘qotgan deb topish haqida

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 27-oktabrdagi PF–193-son “Fuqaro aviatsiyasi sohasida davlat siyosati yuritishni tartibga solish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi [Farmoniga](#) muvofiq **buyuraman:**

1. Ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlar ilovaga muvofiq o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin.
2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Transport vazirligi va Sog‘liqni saqlash vazirligi bilan kelishilgan.
3. Mazkur buyruq 2026-yil 1-apreldan e‘tiboran kuchga kiradi.

Direktor
2026-yil 30-yanvar
13-n-son



NAZAROV TAXIR
ALIMJANOVICH

Kelishildi:

Vazir
2026-yil 15-yanvar



XUDAYAROV ASILBEK
ANVAROVICH

Vazir
2026-yil 6-yanvar



MAXKAMOV ILXOM
RUSTAMOVICH

O‘zbekiston Respublikasi Transport vazirligi huzuridagi
Fuqaro aviatsiyasi agentligi direktorining 2026-yil
30-yanvar 13-n-son buyrug‘iga
ILOVA

**O‘z kuchini yo‘qotgan deb topilayotgan idoraviy normativ-huquqiy
hujjatlar
RO‘YXATI**

1. O‘zbekiston Respublikasi Parvozlarda xavfsizligini nazorat qilish davlat inspeksiyasi boshlig‘ining 2007-yil 15-noyabrda 167-son “O‘zbekiston Respublikasi fuqaro aviatsiyasi aviakorxonalarida tibbiy-uchish ekspert komissiyalarini tayinlash tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1747, 2007-yil 11-dekabr) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2007-y., 50-51-son, 525-modda).

2. O‘zbekiston Respublikasi Parvozlarda xavfsizligini nazorat qilish davlat inspeksiyasi boshlig‘ining 2016-yil 8-aprelda 74-N-son “O‘zbekiston Respublikasi fuqaro aviatsiyasi aviakorxonalarida tibbiy-uchish ekspert komissiyalarini tayinlash tartibi to‘g‘risidagi nizomning 32-bandiga o‘zgartirish kiritish haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1747-1, 2016-yil 4-may) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2016-y., 18-son, 207-modda).

3. O‘zbekiston Respublikasi transport vazirining 2023-yil 22-iyunda 9-son “O‘zbekiston Respublikasi fuqaro aviatsiyasi aviakorxonalarida tibbiy-uchish ekspert komissiyalarini tayinlash tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1747-2, 2023-yil 12-iyul) (Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi, 14.07.2023-y., 10/23/1747-2/0473-son).



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3609-1
2026 - yil 09 - Fevral

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ФУҚАРО АВИАЦИЯСИ АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ БУЙРУҒИ

Фуқаро авиациясининг авиация ходими гувоҳномасини бериш” Ўзбекистон Республикасининг авиация қоидаларига (ЎЗР АҚ-61) қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 14 июндаги ПФ–94-сон “Маъмурий ислохотлар доирасида транспорт соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги [Фармонига](#) мувофиқ буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги директорининг 2025 йил 7 январдаги 1-Н-сон [буйруғи](#) (рўйхат рақами 3609, 2025 йил 24 февраль) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 24.02.2025 й., 10/25/3609/0174-сон) билан тасдиқланган “Фуқаро авиациясининг авиация ходими гувоҳномасини бериш” Ўзбекистон Республикасининг авиация қоидаларига (ЎЗР АҚ-61) иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан келишилган.

3. Ушбу буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Директор
2026 йил 17 январь
14-Н-сон



НАЗАРОВ ТАХИР
АЛИМЖАНОВИЧ

Келишилди:

Вазир
2026 йил 14 январь



МАХКАМОВ ИЛХОМ
РУСТАМОВИЧ

Вазир
2025 йил 27 декабрь



ЗАХИДОВ БОТИР
ЭРКИНОВИЧ

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги Ҳузуридаги
Фуқаро авиацияси агентлиги директорининг
2026 йил 17 январдаги 14-Н-сон буйруғига
ИЛОВА

“Фуқаро авиациясининг авиация ходими гувоҳномасини бериш” Ўзбекистон Республикасининг авиация Қоидаларига (ЎЗР АҚ-61) киритилаётган Қўшимча ва ўзгартиришлар

1. 1-бандда:

Қуйидаги мазмундаги тўққизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“ташқи учувчи – масофадан бошқариладиган Ҳаво кемасининг парвозини амалга ошириш бўйича зарур вазифаларни бажариш учун Ҳаво кемаси эгаси (эксплуатант) томонидан тайинланган ҳамда парвоз давомида учишни бошқариш мосламаларини бошқарадиган шахс;”;

тўққизинчи хатбоши ўнинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

2. 5-бандда:

ўн тўртинчи хатбошидаги “ТА” серияси.” деган сўзлар “ТА” серияси;” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

Қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“ташқи учувчи гувоҳномаси – ушбу Қоидаларнинг 19¹-иловасига мувофиқ “ТА” серияси.”.

3. 7-бандда:

1) “а” кичик банднинг тўртинчи ва бешинчи хатбошилари Қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“мутахассислик бўйича ишга яроқлилик тўғрисидаги амалдаги ижобий тиббий хулоса (бундан Ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш бўйича мутахассислар мустасно);

учувчи, штурман, борталоқачилар, ҲҲБ диспетчерлари учун ИКАОнинг тил билиш шкаласи бўйича инглиз тилини билиш даражаси тўғрисидаги Ҳужжатнинг (сертификатнинг) нусхаси (камида 4-даража);”;

2) “б” кичик банднинг тўртинчи хатбошиси Қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“мутахассислик бўйича ишга яроқлилик тўғрисидаги амалдаги ижобий тиббий хулоса;”;

3) “в” кичик бандда:

биринчи хатбоши “планер учувчилар” деган сўзлардан кейин “ва ташқи учувчилар” деган сўзлар билан тўлдирилсин;

иккинчи хатбоши Қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“фуқаро авиациясининг сертификатланган ўқув муассасасида тегишли ҳаво кемаси тури бўйича учувчиларни тайёрлаш курсларини тўлиқ тамомлаганлик тўғрисидаги ҳужжат нусхаси;”;

Қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Ўзавиация” агентлигида тест синовларидан ўтиш ёки имтиҳон топшириш учун икки нусхада ушбу Қоидаларнинг 22-иловасига мувофиқ шаклдаги тақдимнома;

мутахассислик бўйича ишга яроқлилик тўғрисидаги амалдаги ижобий тиббий хулоса;”;

4) Қуйидаги мазмундаги “г” кичик банд билан тўлдирилсин:

“г) фуқаро авиацияси учувчиси гувоҳномасини олишда ҳарбий учувчилар учун:

“Ўзавиация” агентлигида тест синовларидан ўтиш ёки имтиҳон топшириш учун икки нусхада ушбу Қоидаларнинг 22-иловасига мувофиқ шаклдаги тақдимнома;

Ҳарбий таълим муассасасининг транспорт авиацияси учувчиси мутахассислиги бўйича диплом нусхаси;

мутахассислик бўйича ишга яроқлилик тўғрисидаги амалдаги ижобий тиббий хулоса;

ИКАОнинг тил билиш шкаласи бўйича инглиз тилини билиш даражаси тўғрисидаги ҳужжатнинг (сертификатнинг) нусхаси (камида 4-даража);

фуқаро авиациясининг сертификатланган ўқув муассасасида тегишли ҳаво кемаси тури бўйича қайта ўқитиш курсларини тўлиқ тамомлаганлик тўғрисидаги ҳужжат нусхаси;

Ҳарбий-транспорт авиациясида (турлари ва лавозимлари бўйича) ўқиш соатларини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси.

Бунда, Ҳарбий учувчилар томонидан фуқаро авиацияси учувчиси гувоҳномасини олишда номзоднинг парвоз фаолиятидаги танаффуси беш йилдан ошмаган бўлиши лозим.”.

4. 23-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“23. Хорижий давлат томонидан берилган авиация ходими (учувчилар, штурманлар, бортмуҳандислар, бортмеханиклар, борталоқачилар, бортоператорлар, ҲҲБ диспетчери, Ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш бўйича мутахассис ва кабина экипажи аъзолари) гувоҳномасини тан олиш учун фуқаро авиацияси ташкилоти «Ўзавиация» агентлигига мазкур Қоидаларнинг 21-иловасига мувофиқ шаклда ариза билан ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилади.

Бунда, ушбу аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

хорижий давлат томонидан берилган фуқаро авиацияси мутахассиси гувоҳномасининг нусхаси (барча малака белгилари билан бирга);

тижорат авиацияси учуш таркиби учун авария-қутқарув тайёргарлиги (Қуруқлик, сув) ва хавфли юкларни ташиш бўйича ўқув курслари сертификатлари нусхалари;

мутахассислик бўйича ишга яроқлилик тўғрисидаги амалдаги ижобий тиббий хулоса (бундан Ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш бўйича мутахассислар мустасно);

учувчи, штурман, борталоқачилар, ҲҲБ диспетчерлари учун ИКАОнинг тил билиш шкаласи бўйича инглиз тилини билиш даражаси тўғрисидаги ҳужжатнинг (сертификатнинг) нусхаси (камида 4-даража);

учуш таркиби учун таълим ташкилотида назарий курс, тренажёр ва учуш (амалий) тайёргарликдан ўтилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари (Ҳаво кемасида учуш текшируви ва тренажёрда ўтказилган охириги машғулот (текширув) саналари кўрсатилган ҳолда).”.

5. 24-банддаги “ўн иш куни” деган сўзлар “ўттиз кун” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 26-банддаги “имтиҳонга” деган сўз “суҳбатга” деган сўз билан алмаштирилсин.

7. 27-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“27. Суҳбат номзодга Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво Ҳудудида парвозларни амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари ва Қонунчилиги бўйича маълумот бериш мақсадида ўтказилади.”.

8. 28-банд Қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“28. Ўзавиация” агентлиги томонидан хорижий давлат томонидан берилган авиация ходими гувоҳномасини ИКАО стандартлари ва тавсия қилинган амалиётларини инобатга олган ҳолда тан олишда ушбу авиация ходимига мазкур Қоидаларнинг 26-иловасига мувофиқ шаклда сертификат тақдим қилинади.”.

9. Қуйидаги мазмундаги 28¹-банд билан тўлдирилсин:

“28¹. Хорижий давлат томонидан берилган авиация гувоҳномаси эгасининг малакасини ошириш, касбий билим ва амалий тажрибасини лозим даражада ушлаб туриш ИКАО стандартлари ва тавсия қилинган амалиётларига мувофиқ амалга оширилади.”.

10. 29-банднинг тўртинчи хатбошиси Қуйидаги таҳрирда баён этилсин

“мутахассислик бўйича ишга яроқлилик тўғрисидаги амалдаги ижобий тиббий хулоса (бундан Ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш бўйича мутахассислар мустасно)”.

11. 30-банд “Учувчилар таркиби,” деган сўзлардан кейин “кабина экипажи аъзолари,” деган сўзлар билан тўлдирилсин.

12. 36-банднинг иккинчи хатбошисидаги “планер учувчиларига” деган сўзлардан кейин “, ташқи учувчиларга,” деган сўзлар билан тўлдирилсин.

13. 3-иловада:

1) 1-бандда:

Қуйидаги мазмундаги ўнинчи ва ўн биринчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“планер учувчиси;

ташқи учувчи;”;

ўнинчи – ўн тўртинчи хатбошилар тегишли равишда ўн иккинчи – ўн олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

2) 5-бандда:

биринчи хатбоши куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“5. Гувоҳнома Қуйидаги ёшдан кичик бўлмаган шахсларга берилади:”;
учинчи хатбошидаги “учиш аппарати учувчиларига” деган сўзлар “учиш
аппарати учувчилари ва ташқи учувчиларга” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

14. 4-илованинг 10-банди “планер учувчиси,” деган сўзлардан кейин
“ташқи учувчи,” деган сўзлар билан тўлдирилсин.

15. Мазкур Қўшимча ва ўзгартиришларнинг иловасига мувофиқ
таҳрирдаги 19¹-илова билан тўлдирилсин.

16. 22-илованинг “Баҳолар варақаси” бўлими изоҳ қисмида:

Қуйидаги мазмундаги ўн тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“ташқи учувчилар: 1–10, 13-кичик бандлар”;

ўн тўртинчи хатбоши ўн бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин.


“Фуқаро авиациясининг авиация ходими гувоҳномасини бериш” Ўзбекистон Республикасининг авиация Қоидаларига (ЎЗР АҚ-61) киритилаётган Қўшимча ва ўзгартиришларга
ИЛОВА

“Фуқаро авиациясининг авиация ходими гувоҳномасини бериш” Ўзбекистон Республикасининг авиация Қоидаларига (ЎЗР АҚ-61)
19¹-ИЛОВА

**ФУҚАРО АВИАЦИЯСИНИГ
ВАКОЛОТЛИ ИДОРАСИ**

**ПОЛНОМОЧЕННЫЙ ОРГАН
ГРАЖДАНСКОЙ АВИАЦИИ**

CIVIL AVIATION AUTHORITY



VII. _____
ШАХСИЙ ИМЗО/ПОДПИСЬ ВЛАДЕЛЬЦА/OWNER
SIGNATURE

**I. ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАИ
REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

**II. ФУҚАРО АВИАЦИЯСИ
ТАШҚИ УЧУВЧИСИНИНГ
ГУВОҲНОМАСИ**

**СВИДЕТЕЛЬСТВО
ВНЕШНЕГО ПИЛОТА
ГРАЖДАНСКОЙ АВИАЦИИ**

**CIVIL AVIATION
REMOTE
PILOT LICENCE**

III. ТА № 0000

”.



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3770
2026 - yil 09 - Fevral

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI HUZURIDAGI
SANOAT, RADIATSIYA VA YADRO XAVFSIZLIGI QO'MITASINING
QARORI

**Atom energiyasidan foydalanish obyektining to'liq "hayotiy"
davri mobaynida sifatni ta'minlashning umumiy dasturiga
qo'yiladigan talablarni tasdiqlash haqida**

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 24-dekabrda PF-224-son "Sanoat, radiatsiya va yadro xavfsizligi sohasida davlat nazoratini takomillashtirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi [Farmoni](#) va O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 28-martdagi 141-son "Yadroviy qurilmani va (yoki) saqlash punktini joylashtirish uchun maydonchadan foydalanishga ruxsatnoma berish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi [qaroriga](#) muvofiq O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Sanoat, radiatsiya va yadro xavfsizligi qo'mitasi qaror qiladi:

1. Atom energiyasidan foydalanish obyektining to'liq "hayotiy" davri mobaynida sifatni ta'minlashning umumiy dasturiga qo'yiladigan talablar ilovaga muvofiq tasdiqlansin.
2. Mazkur qaror O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo'yicha vakil, Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Atom energiyasi agentligi, Vazirlar Mahkamasi huzuridagi O'zbekiston texnik jihatdan tartibga solish agentligi, Savdo-sanoat palatasi hamda Fanlar akademiyasi bilan kelishilgan.
3. Ushbu qaror rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Qo'mita raisi
29-Yanvar 2026-yil
35-son



RAFIQOV ABDUVAQQOS
VOHIDOVICH

Kelishildi:

Rais
27-Yanvar 2026-yil



VAXABOV DAVRON
ABDUJALALOVICH

Tadbirkorlarning huquqlarini
himoya qilish bo'yicha vakil
23-Yanvar 2026-yil



BURIYEV ABDUMANNOP
ABDURAXMATOVICH

Direktor
19-Dekabr 2025-yil



JUMANAZAROV AKMAL
RUZIKULOVICH

Fanlar akademiyasi birinchi vitse-
prezidenti
15-Dekabr 2025-yil



SAGDULLAYEV
SHAMANSUR
SHAXSAIDOVICH

Direktor
11-Dekabr 2025-yil



AXMEDXADJAYEV AZIM
ISRAILOVICH

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Sanoat,
radiatsiya va yadro xavfsizligi qo'mitasining 2026-yil
29-yanvardagi 35-son qaroriga

ILOVA

**Atom energiyasidan foydalanish obyektining to'liq "hayotiy"
davri mobaynida sifatni ta'minlashning umumiy dasturiga
qo'yiladigan
TALABLAR**

Mazkur hujjat atom energiyasidan foydalanish obyektining to'liq "hayotiy" davri mobaynida sifatni ta'minlashning umumiy dasturiga (bundan buyon matnda dastur deb yuritiladi) qo'yiladigan talablarni belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Mazkur hujjatda quyidagi tushunchalar qo'llaniladi:

atom energiyasi – atom yadrolarida mavjud bo'lgan va yadroviy reaksiyalar hamda radioaktiv parchalanish chog'ida ajralib chiqadigan energiya;

atom energiyasidan foydalanish obyekti – saqlash punkti hamda yadroviy qurilmalar;

dastur – atom energiyasidan foydalanish obyektlarining xavfsizligini ta'minlash bo'yicha tashkiliy va texnik tadbirlar majmuasini belgilaydigan hujjat;

ekspluatatsiya qiluvchi tashkilot (bundan buyon matnda tashkilot deb yuritiladi) – O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi tomonidan tashkil etilgan hamda yadroviy qurilma va (yoki) saqlash punkti uchun mas'ul etib tayinlangan hamda o'z kuchlari bilan yoki boshqa yuridik shaxslarni jalb etgan holda yadroviy qurilmani va (yoki) saqlash punktini ekspluatatsiya qilishga qodir bo'lgan yuridik shaxs.

2. Tashkilot dastur yuzasidan quyidagilarni amalga oshirishi lozim:

dasturning ishlab chiqilishini tashkil etish, tasdiqlash, amalga kiritish, bajarilishini ta'minlash, bajarilish holatini tekshirish va uning natijadorligini baholash;

dastur doirasida pudratchi va subpudratchi tashkilotlarning ishlarini nazorat qilish va bajarish natijadorligini baholash.

3. Tashkilot atom energiyasidan foydalanish sohasida O‘zbekiston Respublikasi “Atom energiyasidan tinchlik maqsadlarida foydalanish to‘g‘risida”gi Qonunining [7-moddasida](#) ko‘rsatilgan faoliyat turlarini boshlashdan oldin dasturni tasdiqlashi va amalga kiritishi lozim.

2-bob. Dastur va uning bo‘limlarining mazmuniga qo‘yiladigan talablar

4. Dastur quyidagi bo‘limlarni o‘z ichiga olishi kerak:

- 1) sifatga qo‘yiladigan talablar;
- 2) tashkilotning tashkiliy faoliyatiga qo‘yiladigan talablar;
- 3) xodimlarni boshqarishga qo‘yiladigan talablar;
- 4) hujjatlarni yuritishga qo‘yiladigan talablar;
- 5) loyihalashni (konstruksiyalashni) nazorat qilishga qo‘yiladigan talablar;
- 6) uskunalar, butlovchi buyumlar, materiallar, yarim tayyor mahsulotlar va dasturiy vositalarni xarid qilish hamda taqdim etiladigan xizmatlarni boshqarishga qo‘yiladigan talablar;
- 7) ishlab chiqarish faoliyatiga qo‘yiladigan talablar;
- 8) metrologik ta’minotga qo‘yiladigan talablar;
- 9) dasturiy vositalar hamda hisoblash metodikalarining sifatini ta’minlashga qo‘yiladigan talablar;
- 10) ishonchlilikni ta’minlashga qo‘yiladigan talablar;
- 11) nomuvofiqliklarni boshqarishga qo‘yiladigan talablar;
- 12) auditga (tekshiruvga) qo‘yiladigan talablar.

5. Sifatga qo‘yiladigan talablar bo‘limida:

atom energiyasidan foydalanish sohasidagi faoliyatni amalga oshirishda atom energiyasidan foydalanish obyektlari xavfsizligini ta'minlash ustuvorligi;

sifatga qo'yiladigan talablarning asosiy maqsadlari va ularga erishish usullari;

tashkilot rahbariyatining majburiyatlari nazarda tutilishi kerak.

6. Tashkilotning tashkiliy faoliyatiga qo'yiladigan talablar bo'limida quyidagilar keltirilishi kerak:

tashkilotning tashkiliy tuzilmasi haqidagi ma'lumotlar hamda tashkilotdagi tashkiliy o'zgarishlarni boshqarish tartibining tavsifi;

tashkilotning tarkibiy bo'limalarining vazifa va funksiyalari hamda ularning o'zaro hamkorlik qilish tartibi to'g'risidagi ma'lumotlar;

dasturning bajarilishi va natijadorligini baholash hamda nazorat qilish tartibi.

7. Xodimlarni boshqarishga qo'yiladigan talablar bo'limida:

xodimlarga bo'lgan ehtiyoj, ularning soni, tayyorgarlik darajasi va malakasiga qo'yiladigan talablar;

xodimlarni himoya vositalari va dozimetrik nazorat vositalari bilan ta'minlashga qo'yiladigan talablar;

radiatsiyaviy avariya yuz berishi mumkin bo'lgan holatlarga tayyorlikni ta'minlash va ularni bartaraf etish bo'yicha tezkor javob choralariga qo'yiladigan talablar;

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 10-yanvardagi 13-son qarori bilan tasdiqlangan Atom energiyasidan foydalanish sohasida faoliyat olib boradigan ekspluatatsiya qiluvchi tashkilotlar va boshqa yuridik shaxslar xodimlarini tayyorlash, qayta tayyorlash, ularning malakasini oshirish hamda ularni attestatsiyadan o'tkazish tartibi to'g'risidagi [nizomga](#) ko'ra, tashkilot xodimlarini tayyorlash, qayta tayyorlash, ularning malakasini oshirish hamda ularni attestatsiyadan o'tkazishni tashkil etishga oid chora-tadbirlar;

Xodimlarni tibbiy ko'rikdan o'tkazish tartibi to'g'risidagi [nizomga](#) (ro'yxat raqami 2387, 2012-yil 29-avgust) muvofiq xodimlarni tibbiy ko'rikdan o'tishini tashkil etish bo'yicha talablar belgilanadi.

8. Hujjatlarni yuritishga qo'yiladigan talablar bo'limida:

hujjatlarni rasmiylashtirish hamda ularni saqlash, yo'q qilish va tiklashga qo'yiladigan talablar;

hujjatlarni ishlab chiqish, kelishish, tasdiqlash, identifikatsiyalash, hisobga olish, amalga kiritish, tarqatish, ularga zarur o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish, shuningdek o'z ahamiyatini yo'qotgan hujjatlarni bekor qilishga qo'yiladigan talablar;

tashkilotda foydalaniladigan atom energiyasidan foydalanish sohasidagi normalar va qoidalar ro'yxatini shakllantirishga qo'yiladigan talablar nazarda tutiladi.

9. Loyihalashni (konstruksiyalashni) nazorat qilishga qo'yiladigan talablar bo'limida:

atom energiyasidan foydalanish obyekti loyihasida atom energiyasidan foydalanish sohasidagi normalar va qoidalar talablariga rioya etilishini nazorat qilish tartibi;

atom energiyasidan foydalanish obyekti loyihasining sifatini ta'minlash va nazorat qilish tartibi, shu jumladan, kirish va chiqish ma'lumotlari ustidan nazoratni, loyihalash (konstruksiyalash) jarayonini hamda uning hujjatlarini tekshirish tartibi;

loyihalash (konstruksiyalash) hujjatlariga, shuningdek atom energiyasidan foydalanish obyektlarining binolari va inshootlari konstruksiyalariga hamda atom energiyasidan foydalanish obyektlari xavfsizligi uchun tizimlarga (elementlarga) o'zgartirishlar kiritish tartibi belgilanadi.

10. Uskunalar, butlovchi buyumlar, materiallar, yarim tayyor mahsulotlar va dasturiy vositalarni xarid qilish hamda taqdim etiladigan xizmatlarni boshqarishga qo'yiladigan talablar bo'limida:

tashkilot uchun ishlarni amalga oshiradigan pudratchi va subpudratchi tashkilotlarni baholash va tanlash tartibi;

uskunalar, butlovchi buyumlar, materiallar, yarim tayyor mahsulotlar va dasturiy vositalarning sifati va xavfsizligi bilan bog‘liq talablarga rioya etilishini ta‘minlash maqsadida taqdim etiladigan xizmatlarga oid hujjatlarni tahlil qilish tartibi;

uskunalar, butlovchi buyumlar, materiallar, yarim tayyor mahsulotlar va dasturiy vositalarni identifikatsiya qilish hamda nazorat va sinov turlarining to‘liqligini ta‘minlash, muvofiqligini baholash, ularni saqlashni, tashishni, konservatsiya qilishni, qadoqlashni va bajarilgan ishlarni, taqdim etilgan xizmatlarni qabul qilish tartibi qamrab olinadi.

11. Ishlab chiqarish faoliyatiga qo‘yiladigan talablar bo‘limida:

bajariladigan asosiy ishlab chiqarish jarayonlarini rejalashtirish va nazorat qilish tartib-taomillarining tavsifi;

texnik nazorat (buzilmaydigan nazorat usullari qo‘llanilgan taqdirda), shuningdek hamrohlik va servis xizmatlarini ko‘rsatish tartib-taomillari;

muhim tizimlarni (elementlarni) texnik ko‘rikdan o‘tkazish, ta‘mirlash, rekonstruksiya va modernizatsiya qilish, ularning resursini uzaytirish, shuningdek ularni nazorat qilish (metallning ekspluatatsiyaviy nazoratini qo‘shgan holda), diagnostika, sinash va tekshirishni, shuningdek ularga xizmat ko‘rsatishni belgilangan jadval va mezonlarga muvofiq amalga oshirish tartibi;

payvandlash texnologiyasi, ularni nazorat va diagnostika uslubiyotlarini attestatsiyalash, materiallarning muvofiqligini baholash hamda atom energiyasidan foydalanish obyektida avariya tayyorgarlik tartibini ta‘minlash tavsifi belgilanadi.

12. Metrologik ta‘minotga qo‘yiladigan talablar bo‘limi:

o‘lchash vositalarini ishchi holatida saqlash va qiyoslashdan o‘tkazish tartibini;

sinov vositalarini hamda o‘lchashlarni bajarish uslubiyotini hisobga olish va metrologik attestatsiyadan o‘tkazish tartibini;

tashkilotda ishlab chiqilayotgan hujjatlarni metrologik ekspertizadan o‘tkazish choralarini;

o'lchash vositalari, etalonlar va o'lchash uslubiyotlarining holati va ulardan foydalanish ustidan metrologik nazoratni amalga oshirish, shuningdek o'lchash vositalarini qiyoslash grafiklariga rioya etilishini ta'minlash tartibini o'z ichiga oladi.

13. Dasturiy vositalar va hisoblash metodikalarining sifatini ta'minlashga qo'yiladigan talablar bo'limi:

atom energiyasidan foydalanish obyektlari xavfsizligini asoslash va (yoki) xavfsizligini ta'minlashda, tizimlarning (elementlarning) xususiyatlarini, ularning quvvatini, chidamliligini va ishdan chiqmasligini baholashda foydalaniladigan amaldagi hisoblash va attestatsiya qilingan dasturiy vositalarning ro'yxatini va unga havolalarni;

dasturiy vositalar va hisoblash metodikalarining sifatini ta'minlash bo'yicha amaldagi tartib-taomillar, shu jumladan ularni attestatsiyadan o'tkazish va identifikatsiya qilishni nazarda tutadi.

14. Ishonchlilikni ta'minlashga qo'yiladigan talablar bo'limida:

atom energiyasidan foydalanish obyektlari xavfsizligi uchun tizimlar (elementlar) ishonchliligini atom energiyasidan foydalanish sohasidagi normalar va qoidalarga muvofiqligini ta'minlash va ularning ishonchlilik ko'rsatkichlarini ekspluatatsiya muddati davomida, shuningdek muddat uzaytirilganda ham nazorat qilish tartibi;

atom energiyasidan foydalanish obyektlari xavfsizligi uchun birinchi darajada ahamiyatga ega bo'lgan tizimlarning (elementlarning) ishonchliligi to'g'risidagi ma'lumotlarni to'plash, ro'yxatdan o'tkazish, qayta ishlash, saqlash, tahlil qilish va manfaatdor tashkilotlarga (tashkilot uchun ishlarni amalga oshiradigan va (yoki) xizmat ko'rsatadigan tashkilotlarga) berish tartibi belgilanadi.

15. Nomuvofiqliklarni boshqarishga qo'yiladigan talablar bo'limida:

nomuvofiqliklarni aniqlash va ro'yxatga olish tartibi;

aniqlangan nomuvofiqliklar sabablarini aniqlash va tahlil qilish (nomuvofiqliklarni atom energiyasidan foydalanish obyektlari xavfsizligiga ta'sirini hisobga olgan holda) tartibi;

muvofiglik sertifikatiga talablariga mos kelmagan mahsulotlardan foydalanishga, shuningdek standartlarga mos bo'lmagan hollarda bajarilgan ishlar va (yoki) xizmatlarni qabul qilishga yo'l qo'ymaslik tartibi;

nomuvofigliklar to'g'risida rahbariyatni xabardor qilish tartibi;

nomuvofigliklarning tahlili natijalari bo'yicha qoidabuzarliklarning sabablari va xususiyatlarining o'zgarishi tendensiyalarini aniqlash tartibi;

tuzatuvchi va ogohlantiruvchi harakatlarning bajarilishini ishlab chiqish, amalga oshirish, nazorat qilish, ularning samaradorligini tahlil qilish tartibi nazarda tutiladi.

16. Auditga (tekshiruvga) qo'yiladigan talablar bo'limida:

pudratchi (subpudratchi) tashkilotlarning dasturlarini auditdan (tekshirishdan) o'tkazish tartibi;

audit (tekshiruv) o'tkazish uchun tegishli soha va faoliyat mutaxassislaridan komissiya tuzish tartibi;

dastur bajarilishining natijadorligini baholash mezonlarini ishlab chiqish tartibi;

dasturlar bajarilishining natijadorligini baholash mezonlari;

dasturlar bajarilishi yuzasidan o'tkaziladigan audit (tekshirish) natijalarini qayd etish tartibi;

tashkilot rahbariyati tomonidan dasturni bajarish natijalarini va uning natijadorligini ko'rib chiqish, shuningdek zarur bo'lganda tuzatishlar kiritish va dastur ijrosi ustidan nazoratni amalga oshirish tartibi belgilanadi.

3-bob. Dasturni rasmiylashtirishga qo'yiladigan talablar

17. Dastur talablarini bayon qilish har xil talqin qilish imkoniyatini istisno qiluvchi lo'nda va aniq bo'lishi kerak. Majburiy talablarni bayon qilishda dasturda "kerak", "lozim", "zarur" va ulardan hosil bo'luvchi so'zlar qo'llaniladi.

18. Dasturni bayon qilishda:

atamalar va ta'riflar;

fizik miqdorlar qo'llanilishi kerak.

19. Hajmi va mazmuniga bog'liq ravishda dastur quyidagi pasayib boruvchi tarkibiy birliklarga bo'linadi: bo'limlar, boblar, paragraflar, bandlar, kichik bandlar va xatboshilar. Xatboshilarni boshqa tarkibiy birliklarga bo'lishga yo'l qo'yilmaydi.

Bo'limlar va boblar rim raqamlari bilan belgilanadi va ularda sarlavha bo'ladi. Paragraflar "§" belgisi bilan belgilanadi, ularga arab raqamlari bilan tartib raqami qo'yiladi va ularda sarlavha bo'ladi.

20. Dasturning har bir bandida bitta tugallangan talab bo'lishi kerak.

21. Jadvallar, grafiklar, xaritalar, sxemalar, hujjatlar va blankalarning namunalari, qoidaga ko'ra, ilovalarda joylashtirilishi, matnda esa tegishli havolalar ko'rsatilishi kerak.

4-bob. Yakuniy qoida

22. Mazkur talablarning buzilishida aybdor bo'lgan shaxslar qonunchilik hujjatlariga muvofiq javob beradi.



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3771
2026 - yil 09 - Fevral

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI HUZURIDAGI
SANOAT, RADIATSIYA VA YADRO XAVFSIZLIGI QO'MITASINING
QARORI

**Atom elektr stansiyasi blokini ekspluatatsiyadan chiqarishda
xavfsizlikni ta'minlash qoidalarini tasdiqlash to'g'risida**

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 24-dekabrda PF-224-son "Sanoat, radiatsiya va yadro xavfsizligi sohasida davlat nazoratini takomillashtirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi [Farmoniga](#) muvofiq O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Sanoat, radiatsiya va yadro xavfsizligi qo'mitasi **qaror qiladi:**

1. Atom elektr stansiyasi blokini ekspluatatsiyadan chiqarishda xavfsizlikni ta'minlash qoidalari ilovaga muvofiq tasdiqlansin.
2. Mazkur qaror O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Atom energiyasi agentligi va O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi bilan kelishilgan.
3. Ushbu qaror rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Qo'mita raisi
19-Yanvar 2026-yil
33 son



RAFIQOV ABDUVAQQOS
VOHIDOVICH

Kelishildi:

Direktor
07-Yanvar 2026-yil



AXMEDXADJAYEV AZIM
ISRAILOVICH

Fanlar akademiyasi birincni vitse-
prezidenti
12-Dekabr 2025-yil



SAGDULLAYEV
SHAMANSUR
SHAXSAIDOVICH

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar
Mahkamasi huzuridagi Sanoat, radiatsiya
va yadro xavfsizligi qo'mitasining
2026-yil 19-yanvardagi 33-son qaroriga
ILOVA

Atom elektr stansiyasi blokini ekspluatatsiyadan chiqarishda xavfsizlikni ta'minlash QOIDALARI

Mazkur Qoidalar atom elektr stansiyasi blokini ekspluatatsiyadan chiqarishda xavfsizlikni ta'minlashga qo'yiladigan talablarni belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Ushbu Qoidalarda quyidagi tushunchalar qo'llaniladi:

atom elektr stansiyasi blokini ekspluatatsiyadan chiqarish bosqichi – atom elektr stansiyasi blokini ekspluatatsiyadan chiqarish loyihasida belgilangan holatga erishishga qaratilgan, muayyan vaqt oralig'ida amalga oshiriladigan tashkiliy hamda texnik chora-tadbirlar va yechimlar majmui;

ekspluatatsiyadan chiqarilayotgan atom elektr stansiyasi bloki maydonchasi – atom elektr stansiyasi blokini ekspluatatsiyadan chiqarish loyihasida belgilangan, ushbu blok hamda unga qarashli binolar va inshootlarni o'z ichiga olgan hudud (atom elektr stansiyasining boshqa (ishlab turgan) bloklari bilan umumiy bo'lgan binolari, inshootlari, tizimlari va elementlari bundan mustasno);

ekspluatatsiya qiluvchi tashkilot – O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi tomonidan tashkil etilgan hamda yadroviy qurilma va (yoki) saqlash punkti uchun mas'ul etib tayinlangan hamda o'z kuchlari bilan yoki boshqa yuridik shaxslarni jalb etgan holda yadroviy qurilmani va (yoki) saqlash punktini ekspluatatsiya qilishga qodir bo'lgan yuridik shaxs.

2. Atom elektr stansiyasi blokini ekspluatatsiyadan chiqarishga tayyorlash hamda uni ekspluatatsiyadan chiqarish bo'yicha faoliyat atom elektr stansiyasi bloki xavfsizligini asoslash bo'yicha hisobot yoki ushbu hisobot asosida ishlab chiqilgan atom elektr stansiyasi blokini ekspluatatsiyadan chiqarish dasturi, atom elektr stansiyasi bloki uskunalari va tizimlarini demontaj qilish ishlarining dasturi va jadvaliga, shuningdek atom elektr stansiyasi blokini ekspluatatsiyadan chiqarish bo'yicha loyiha hujjatlariga muvofiq tasdiqlangan ekspluatatsiyadan chiqarish konsepsiyasiga muvofiq amalga oshirilishi zarur.

3. Atom elektr stansiyasi blokini ekspluatatsiyadan chiqarishda xavfsizlikni ta'minlash maqsadida ekspluatatsiya qiluvchi tashkilot quyidagi choralarni ko'rishi zarur:

xavfsizlik madaniyatini rivojlantirish;

bajariladigan ishlar sifatini ta'minlash bo'yicha dasturlarni ishlab chiqish;

atom elektr stansiyasi blokini xavfsiz ekspluatatsiyadan chiqarish uchun zarur bo'lgan uskunalar, tizimlar, binolar va inshootlarning ishga yaroqliligini ta'minlash hamda ularni soz holatda saqlash;

atom elektr stansiyasi blokini ekspluatatsiyadan chiqarish ishlarini bajaruvchi xodimlarni tanlash, ularning tayyorgarligi va malaka darajasini nazorat qilish;

radioaktiv moddalar va radioaktiv chiqindilar bilan bog'liq ishlarni amalga oshirishda ishlarning xavfsizligini, shuningdek ularni hisobga olish va nazorat qilishni ta'minlash.

4. Ko'p blokli atom elektr stansiyasi maydonchasida joylashtirilgan atom elektr stansiyasi blokini ekspluatatsiyadan chiqarish bo'yicha ishlar ushbu maydonchada joylashgan boshqa (ishlab turgan) atom elektr stansiyasi bloklarining xavfsizligiga ta'sir ko'rsatmasligi lozim.

5. Ekspluatatsiya qiluvchi tashkilot atom elektr stansiyasi blokining loyihaviy xizmat muddati tugashidan kamida 5 yil oldin atom elektr stansiyasi blokini xavfsiz ekspluatatsiyadan chiqarish bo'yicha konsepsiya ishlab chiqishi zarur.

6. Atom elektr stansiyasi blokini xavfsiz ekspluatatsiyadan chiqarish bo'yicha konsepsiya quyidagi ma'lumotlarni o'z ichiga olishi lozim:

atom elektr stansiyasi blokini ekspluatatsiyadan chiqarishning mumkin bo'lgan variantlari tavsiflanishi va taqqoslanishi, bunda ushbu blok ekspluatatsiyasi to'xtatilgandan keyingi radiatsiyaviy vaziyat prognozi hamda ekspluatatsiyadan chiqarish yakunida erishilishi rejalashtirilgan taxminiy (maqsadli) holatlarni;

ekspluatatsiya qiluvchi tashkilot tomonidan tanlangan ekspluatatsiyadan chiqarish varianti, uni tanlash talablari hamda tanlovning asoslarini;

ekspluatatsiyadan chiqarish uchun to'xtatilgan atom elektr stansiyasi blokining ekspluatatsiyadagi konfiguratsiyasini;

atom elektr stansiyasi blokini ekspluatatsiyadan chiqarishda hosil bo'ladigan radioaktiv chiqindilarning umumiy miqdori (hajmi va faolligi), turi, toifasi va sinflarini baholash natijalarini;

atom elektr stansiyasi blokini ekspluatatsiyadan chiqarishga tayyorlash va ekspluatatsiyadan chiqarish tadbirlar ro'yxati, tavsifi va bajarilish muddatini.

2-bob. Atom elektr stansiyasi blokini ekspluatatsiyadan chiqarishda xavfsizlikni ta'minlash

7. Atom elektr stansiyasi blokini ekspluatatsiyadan chiqarish jarayonida ekspluatatsiyadan chiqarilayotgan atom elektr stansiyasi bloki maydonchasidagi radiatsiyaviy fonning qiymatini to'g'ri baholash maqsadida, uni joylashtirishdan oldingi davrga tegishli radiatsiyaviy fon ma'lumotlari olinishi kerak.

8. Ekspluatatsiya qiluvchi tashkilot tomonidan atom elektr stansiyasi bloki xavfsizligini asoslash bo'yicha hisobot ishlab chiqilishi lozim. Hisobotda quyidagi texnik va tashkiliy chora-tadbirlar nazarda tutilishi lozim:

atom elektr stansiyasi blokining konstruksiyalari, tizimlari va elementlari uchun qo'llaniladigan materiallar hamda ularni tayyorlash bo'yicha talablar;

atom elektr stansiyasi blokini ekspluatatsiya qilish davrida tizimlar, elementlar va xonalarning radionuklidlar bilan yuzaki ifloslanishini eng kam darajaga tushirishga qaratilgan texnologik yechimlar va usullar;

atom elektr stansiyasi blokini ekspluatatsiyadan chiqarish davrida dezaktivatsiya va demontaj ishlarining texnik yechimlari, shu jumladan uskunani butunligicha yoki yirik qismlar bilan demontaj qilish hamda uni keyinchalik parchalash va (yoki) dezaktivatsiya maydonchalariga ko'chirish talablari;

atom elektr stansiyasi blokini ekspluatatsiyadan chiqarish ishlarini bajarish uchun zarur bo'lgan blok tizimlari va elementlarining ro'yxati;

blok binolari va inshootlarning qurilish konstruksiyalari uchun yuk ko'tarish qobiliyatiga oid talablar;

atom elektr stansiyasi blokini ekspluatatsiyadan chiqarish muddati davomida, shuningdek ekspluatatsiyadan chiqarish ishlari jarayonida yuzaga kelishi mumkin bo'lgan yuklamalar to'g'risidagi ma'lumotlar;

atom elektr stansiyasi blokini ekspluatatsiyadan chiqarish davrida ishlaydigan hamda ushbu jarayonni amalga oshirish uchun zarur bo'lgan tizimlar va elementlarning ishchanligi, shu jumladan resurs tugaganda uskunalar va tizim elementlarini almashtirish orqali ularning uzluksiz ishlashini ta'minlashga oid talablar;

ekspluatatsiyadan chiqarilayotgan atom elektr stansiyasi bloki maydonchasida hosil bo'ladigan radioaktiv chiqindilarni qayta ishlash va (yoki) konditsiyalash hamda saqlash uchun mo'ljallangan qurilmalar va omborxonalarni joylashtirish mumkin bo'lgan joylar belgilanishi;

atom elektr stansiyasi blokini ekspluatatsiyadan chiqarish bo'yicha ishlarni bajarishda blokning asosiy tizimlari va elementlarini demontaj qilish va (yoki) dezaktivatsiya qilish texnologiyalari oldindan tanlanishi;

atom elektr stansiyasi blokini ekspluatatsiyadan chiqarish bo'yicha ma'lumotlar bazasini shakllantirish va yuritish tartibiga qo'yiladigan talablar (ekspluatatsiyadan chiqarishga tayyorgarlik ko'rish va uni amalga oshirish ishlarini rejalashtirish hamda bajarish uchun zarur bo'lgan ma'lumotlarni qayd etish, to'plash, saqlash va taqdim etish vositalari hamda usullari);

atom elektr stansiyasining blokini ekspluatatsiyadan chiqarish jarayonida radiatsiyaviy xavfsizlikni asoslash to'g'risidagi ma'lumotlar;

atom elektr stansiyasi blokini ekspluatatsiyadan chiqarishda yuz berishi mumkin bo'lgan avariylarning tahlili;

radiatsiyaviy nazoratda qo'llaniladigan o'lchov vositalari, metrologik va uslubiy ta'minoti to'g'risidagi ma'lumotlar;

atom elektr stansiyasi blokini ekspluatatsiyadan chiqarishda fizik himoya tizimini asoslash to'g'risidagi ma'lumotlar.

9. Ekspluatatsiya qiluvchi tashkilot atom elektr stansiyasi blokining "hayotiy" davrida atom elektr stansiyasi blokini ekspluatatsiyadan chiqarish dasturi va loyihasini ishlab chiqish uchun xavfsizlikni ta'minlashga oid quyidagi ma'lumotlarni to'plashi va saqlashni ta'minlashi lozim:

atom elektr stansiyasi blokining tizimlari, elementlari va xonalarining radionuklidlar bilan ifloslanish darajasini baholash to'g'risidagi;

atom elektr stansiyasi blokining binolari, inshootlari, tizimlari va elementlarining texnik holatini o'rganish hamda qoldiq resursini tekshiruvlar natijalari to'g'risidagi;

atom elektr stansiyasi bloki xonalaridagi hamda ekspluatatsiyadan chiqarilayotgan atom elektr stansiyasi bloki maydonchasidagi radiatsiyaviy vaziyat, shuningdek ushbu blok to'xtatilgandan keyin ekspluatatsiyadan chiqarish uchun sanitariya-muhofaza zonasi va kuzatuv zonasi to'g'risidagi;

atom elektr stansiyasi blokini ekspluatatsiyadan chiqarish jarayonida hosil bo'ladigan radioaktiv chiqindilarni joylashtirish maqsadida ekspluatatsiyadan chiqarilayotgan atom elektr stansiyasi bloki maydonchasidagi radioaktiv chiqindilarni saqlash punktlari va omborxonalarining mavjud (bo'sh) hajmlari to'g'risidagi.

10. Ekspluatatsiya qiluvchi tashkilot atom elektr stansiyasi blokini ekspluatatsiyadan chiqarish dasturini ishlab chiqishi lozim. Ushbu dastur quyidagilarni o'z ichiga olishi kerak:

atom elektr stansiyasi blokini uzil-kesil to'xtatilishigacha bo'lgan davrda ekspluatatsiyadan chiqarishga tayyorlash bo'yicha tadbirlarni;

atom elektr stansiyasi blokini ekspluatatsiyadan chiqarishga tayyorlash jarayonini (mazkur jarayon blok uzil-kesil to'xtatilgan paytdan boshlab ekspluatatsiyadan chiqarish ishlari boshlanguniga qadar bo'lgan davr).

11. Atom elektr stansiyasi blokini ekspluatatsiyadan chiqarishda quyidagi tadbirlar amalga oshirilishi zarur:

radioaktiv chiqindilar bilan bog'liq tadbirlar;

atom elektr stansiyasi bloki uskunalari, tizimlari va qurilish konstruksiyalarini demontaj qilish va dezaktivatsiya qilish;

takroran foydalaniladigan materiallar bilan muomala qilish;

yuzaga kelishi mumkin bo'lgan radiatsiyaviy avariya oqibatlarini bartaraf etish;

radiatsiyaviy nazorat;

jisman himoya;

atom elektr stansiyasi blokini ekspluatatsiyadan chiqarish jarayonida foydalaniladigan uskunalari, tizimlar, binolar va inshootlarni soz holatda saqlash, shuningdek ularning resurslari tugaganda hamda ta'mirlash imkonsiz yoki maqsadga muvofiq bo'lmaganda ularni almashtirish;

atom elektr stansiyasi blokining uskunalari, tizimlari va qurilish konstruksiyalarini konservatsiya qilish hamda yuqori faollikka ega uskunalardan foydalanish.

12. Atom elektr stansiyasi blokini ekspluatatsiyadan chiqarishga tayyorgarlik ko'rish jarayonida ekspluatatsiya qiluvchi tashkilot quyidagilarni ta'minlashi zarur:

atom elektr stansiyasi blokidan barcha yadroviy materiallar, shu jumladan yangi yadroviy yoqilg'i va ishlatib bo'lingan yadroviy yoqilg'ini chiqarib tashlash;

ekspluatatsiyadan chiqarilayotgan atom elektr stansiyasi bloki maydonchasi doirasida yadroviy yoqilg'ini maxsus uskunalari va transport vositalaridan foydalangan holda oldindan yo'nalishlar bo'yicha tashishni tashkil etish;

atom elektr stansiyasi bloki uskunalari va texnologik tizimlaridan radioaktiv moddalarni olib tashlash;

atom elektr stansiyasi blokini ekspluatatsiyadan chiqarishga tayyorlash ishlarini bajarish uchun zarur bo'lgan hajmda atom elektr stansiyasi blokining binolari, inshootlari, tizimlari va elementlarini dezaktivatsiya qilish;

atom elektr stansiyasi blokidan foydalanish davrida unda to'plangan radioaktiv chiqindilarni qayta ishlash va konditsiyalash, ularni radioaktiv chiqindilar saqlanadigan omborga joylashtirish va (yoki) saqlash yoki ko'mib tashlash uchun ekspluatatsiyadan chiqarilayotgan atom elektr stansiyasi bloki maydonchasi chegarasidan tashqariga transportda tashish;

atom elektr stansiyasi blokini ekspluatatsiyadan chiqarish loyihasini ishlab chiqish uchun atom elektr stansiyasi blokini kompleks muhandislik va radiatsiya tekshiruvidan o'tkazish, olingan natijalar bo'yicha hisobot tayyorlash;

mazkur Qoidalarning 3-bobiga muvofiq atom elektr stansiyasi blokini kompleks muhandislik va radiatsiyaviy tekshiruvdan o'tkazish;

kompleks muhandislik va radiatsiya tekshiruv natijalari hisobga olingan holda atom elektr stansiyasi blokini ekspluatatsiyadan chiqarish dasturini yangilash;

tanlangan atom elektr stansiyasi blokini ekspluatatsiyadan chiqarish varianti bo'yicha atom elektr stansiyasi blokini ekspluatatsiyadan chiqarish loyihasini ishlab chiqish;

atom elektr stansiyasi blokini ekspluatatsiyadan chiqarish loyihasi va dasturi asosida atom elektr stansiyasi blokini ekspluatatsiyadan chiqarishda xavfsizlikni asoslash bo'yicha hisobotni ishlab chiqish;

atom elektr stansiyasi blokini ekspluatatsiyadan chiqarish jarayonida sifatni ta'minlash bo'yicha dasturni ishlab chiqish;

atom elektr stansiyasi blokini ekspluatatsiyadan chiqarish jarayonida avariya sodir bo'lganda xodimlarni (ishchi-xizmatchilarni) himoya qilish bo'yicha chora-tadbirlar rejasini ishlab chiqish.

Ushbu Qoidalarning mazkur bandida ko'rsatilgan tadbirlar va ishlarni bajarish muddatlari atom elektr stansiyasi blokini ekspluatatsiyadan chiqarish dasturida belgilanishi zarur.

13. Issiqlik ajratuvchi elementlar buzilishi hamda bo'linadigan materiallarning texnologik tizimlarga, konstruksiya elementlariga yoki issiqlik ajratuvchi elementlarni saqlash havzasiga tushishi oqibatida yuz bergan avariya so'ng atom elektr stansiyasi bloki to'xtatilgan taqdirda, ushbu blokni yadroviy xavfsiz holatga keltirish avariya oqibatlarini hisobga olgan holda ishlab chiqilgan atom elektr stansiyasi blokini ekspluatatsiyadan chiqarish dasturiga muvofiq amalga oshirilishi lozim.

14. Kompleks muhandislik va radiatsiya tekshiruv natijalari to'g'risidagi hisobotda quyidagi ma'lumotlar ko'rsatilishi zarur:

o'tkazilgan tekshiruvning maqsadlari, vazifalari va hajmi;

tekshiruvni o'tkazishda qo'llanilgan o'lchash usullari hamda texnik vositalar to'g'risidagi ma'lumotlar;

tekshiruv jarayonida nazorat qilingan parametrlar va tavsiflar;

kompleks muhandislik va radiatsiya tekshiruv davomida olingan natijalar hamda xulosalar.

15. Atom elektr stansiyasi blokini ekspluatatsiyadan chiqarish loyihasida atom elektr stansiyasi blokini xavfsiz tarzda ekspluatatsiyadan chiqarishni ta'minlovchi chora-tadbirlar nazarda tutilishi hamda unda quyidagilar keltirilishi lozim:

atom elektr stansiyasi blokini ekspluatatsiyadan chiqarish bosqichlarining tavsifi hamda bosqichlarni bajarish ketma-ketligi;

ekspluatatsiyadan chiqarilayotgan atom elektr stansiyasi bloki maydonchasining chegaralari;

atom elektr stansiyasi bloki ekspluatatsiyadan chiqarilgandan keyingi yakuniy holatning tavsifi;

ko'p blokli atom elektr stansiyasida atom elektr stansiyasi blokini ekspluatatsiyadan chiqarish bo'yicha ishlarning ekspluatatsiya qilinayotgan boshqa atom elektr stansiyasi bloklariga ta'sir ko'rsatishi ehtimolini bartaraf etuvchi chora-tadbirlar (mazkur chora-tadbirlarni ishlab chiqish atom elektr stansiyasi loyihasini ishlab chiquvchi ishtirokida amalga oshirilishi kerak);

radiatsiyaviy xavfsizlikni ta'minlash bo'yicha texnik va tashkiliy yechimlar;

atom elektr stansiyasi bloki xonalarida, ekspluatatsiyadan chiqarilayotgan atom elektr stansiyasi bloki maydonchasida, sanitariya-muhofaza zonasida va kuzatuv zonasida dozimetrik nazorat hamda radiatsiyaviy vaziyatni nazorat qilish hajmi, shuningdek radiatsiyaviy nazoratning texnik vositalariga qo'yiladigan talablari;

chiqarib tashlanadigan radioaktiv chiqindilar, shu jumladan ikkilamchi radioaktiv chiqindilar bo'yicha ularning miqdori (hajmi va faolligi), radionuklid tarkibi va sinfi, shuningdek radioaktiv chiqindilar bilan bog'liq ishlarni bajarish uchun konteynerlarning turi va qancha miqdorda kerakligiga oid talablar;

shamollatish tizimi (ventilyatsiya), gazni tozalash, changni bostirish va oqava suvlarni chiqarib yuborish tizimlarining texnik tavsiflari;

atom elektr stansiyasi blokini ekspluatatsiyadan chiqarish bosqichi yakunlangandan keyin atom elektr stansiyasi blokining holati (erishiladigan holat tavsifi);

atom elektr stansiyasi blokini ekspluatatsiyadan chiqarish paytida xodimlar nurlanishining minimallashtirish talablari;

atom elektr stansiyasi blokini ekspluatatsiyadan chiqarishda sanoat, ekologik va portlash xavfsizligiga oid talablar;

ekspluatatsiyadan chiqarilayotgan atom elektr stansiyasi bloki maydonchasidagi radioaktiv ifloslanishni bartaraf etish natijalari;

tashqi ta'sirlardan himoya qilish usullari;

atom elektr stansiyasi bloki xodimlarini radiatsiyaviy avariya haqida ogohlantirish va xabardor qilish usullari;

atom elektr stansiyasi blokini ekspluatatsiyadan chiqarish bo'yicha ishlar yakunlangandan so'ng, loyihada belgilangan yakuniy holat hamda kelgusida ekspluatatsiyadan chiqarilayotgan atom elektr stansiyasi bloki maydonchasidan rejalashtirilayotgan foydalanish sharoitida saqlanib qolishi mumkin bo'lgan ionlashtiruvchi nurlanishning texnogen manbalari bilan bog'liq holda xodimlar va aholining nurlanish dozalarini prognoz baholash natijalari.

16. Atom elektr stansiyasi blokini ekspluatatsiyadan chiqarishning har bir bosqichi yakunlangandan so'ng ekspluatatsiyadan chiqarilayotgan blokning amaldagi holati ekspluatatsiyadan chiqarish loyihasida belgilangan reja holatiga muvofiqligi tekshirilib, quyidagilar bo'yicha tahlil o'tkazilishi lozim:

atom elektr stansiyasi blokini qo'shimcha muhandislik va radiatsiya tekshiruvidan o'tkazish zarurati;

atom elektr stansiyasi blokini ekspluatatsiyadan chiqarish dasturini va loyihasini yangilash zarurati.

17. Atom elektr stansiyasi blokini ekspluatatsiyadan chiqarishning barcha bosqichlarida ekspluatatsiya qiluvchi tashkilot tomonidan ekspluatatsiyadan chiqarilayotgan atom elektr stansiyasi blokining nazorat qilinadigan kirish zonasi chegaralari belgilanishi, shuningdek qo'riqlash signalizatsiyasi vositalaridan foydalanish va xodimlarning ushbu zonaga ruxsatsiz kirishining oldini olish bo'yicha choralar ko'rilishi kerak.

18. Atom elektr stansiyasi blokini ekspluatatsiyadan chiqarish jarayonida har bir bosqich yakunlangandan so'ng rasmiylashtiriladigan ma'lumotlar quyidagilarni o'z ichiga olishi kerak:

foydalanilgan texnologiyalar, demontaj va dezaktivatsiya qilish usullari va texnik vositalarini; radiatsiyaviy xavfli ishlarning har bir turi uchun xodimlarning olgan individual va jamoaviy nurlanish dozalarini;

atom elektr stansiyasi bloki xonalaridagi va ekspluatatsiyadan chiqarilayotgan atom elektr stansiyasi bloki maydonchasidagi radiatsiyaviy vaziyatini;

atom elektr stansiyasi blokini ekspluatatsiyadan chiqarish loyihasida nazarda tutilgan qo'shimcha muhandislik to'siqlarini yaratish bo'yicha amalga oshirilgan ishlarni.

19. Atom elektr stansiyasini ekspluatatsiya qiluvchi tashkilot blokni ekspluatatsiyadan chiqarishning har bir bosqichi boshlanishidan oldin quyidagi ko'rsatkichlar bo'yicha nazorat darajalarini belgilashi lozim:

atom elektr stansiyasi bloki xonalaridagi ishchi yuzalar hamda havo muhitining radionuklidlar bilan ifloslanish darajasini;

atom elektr stansiyasi blokini ekspluatatsiyadan chiqarish jarayonida atrof-muhitga radioaktiv moddalarning chiqarilishi va tashlanishi bo'yicha ruxsat etilgan (nazorat) darajalarini.

20. Atom elektr stansiyasi blokini ekspluatatsiyadan chiqarishning barcha bosqichlarida radiatsiyaviy nazoratning hajmi, usullari va texnik vositalari atom energiyasidan foydalanish sohasidagi normalar va qoidalar talablariga muvofiq belgilanishi va quyidagilar amalga oshirilishi zarur:

atom elektr stansiyasi blokini ekspluatatsiyadan chiqarish ishlarini bajarayotgan xodimlarning individual dozimetrik nazorati;

muhandislik to'vushlarining butunligi va ishga yaroqliligi nazorati.

21. Tashqi nurlanish dozasining quvvati va (yoki) havodagi radionuklidlarning hajmiy faolligi nazorat darajalaridan oshishi ehtimoli mavjud bo'lgan joylarda atom elektr stansiyasi blokini ekspluatatsiyadan chiqarish ishlari bajarilganda, nazorat darajasi oshganligi haqida xabar beruvchi tovush va yorug'lik signalizatsiyasiga ega radiatsiyaviy nazorat vositalari o'rnatilishi va ular soz holatda bo'lishi lozim.

22. Atom elektr stansiyasi blokini ekspluatatsiyadan chiqarish jarayonida hosil bo'ladigan radioaktiv chiqindilar bilan muomalada bo'lishda Radioaktiv chiqindilar bilan muomalada bo'lishning xavfsizlik talablariga (ro'yxat raqami 3694, 2025-yil 28-oktabr) rioya qilinishi lozim.

23. Ekspluatatsiya qiluvchi tashkilot O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 10-yanvardagi 13-son qarori bilan tasdiqlangan Atom energiyasidan foydalanish sohasida faoliyat olib boradigan ekspluatatsiya qiluvchi tashkilotlar va boshqa yuridik shaxslar xodimlarini tayyorlash, qayta tayyorlash, ularning malakasini oshirish hamda ularni attestatsiyadan o'tkazish tartibi to'g'risidagi [nizomga](#) ko'ra atom elektr stansiyasi blokini ekspluatatsiyadan chiqarish bo'yicha ishlarni bajarishda, bajaruvchi va xizmatlar ko'rsatuvchi tashkilotlar xodimlarini tayyorlash, qayta tayyorlash hamda malakasi oshirilishini ta'minlashi kerak.

24. Ekspluatatsiyadan chiqarilayotgan atom elektr stansiyasi blokida avariya sodir bo'lganda: ekspluatatsiyadan chiqarish loyihasini amalga oshirish uchun mas'ul tarkibiy bo'linma tomonidan atom elektr stansiyasining ma'muriy rahbariyati darhol xabardor qilinishi;

loyihani amalga oshirayotgan bo'linmaning ma'muriy rahbariyati avariyaning rivojlanishini to'xtatishi, xodimlar va aholining nurlanish dozalarini, shuningdek nurlanishga uchragan shaxslar sonini hamda atom elektr stansiyasi bloki xonalari va atrof-muhitning radioaktiv ifloslanishini eng kam darajaga keltirish choralarini ko'rish kerak.

3-bob. Atom elektr stansiyasi blokini kompleks muhandislik va radiatsiyaviy tekshirish

25. Atom elektr stansiyasi blokining kompleks muhandislik va radiatsiyaviy tekshiruvini quyidagilarni o'z ichiga olishi kerak:

loyiha hujjatlarini o'rganish hamda ekspluatatsiyadan chiqarilayotgan blokda amalga oshirilgan yechimlarning loyiha yechimlariga muvofiqligini tahlil qilish;

qurilish konstruksiyalari, tizimlar va asbob-uskunalaridan ekspluatatsiyadan chiqarish jarayonida foydalanishni asoslash maqsadida blokning ekspluatatsiya hujjatlarini tahlil qilish;

atom elektr stansiyasi bloki xonalari ichida va tashqarisida radiatsiyaviy vaziyatni tahlil qilish; qurilish konstruksiyalari, tizimlari va uskunalarning holatini uskunalarning yordamida tekshiruvdan o'tkazish.

26. Atom elektr stansiyasi blokining binolari va inshootlarining muhandislik tekshiruvini natijalari quyidagilarni o'z ichiga olishi kerak:

atom elektr stansiyasi bloki, shuningdek unga tegishli binolar va inshootlarning tavsifini;

atom elektr stansiyasi bloki qurilish konstruksiyalarining tekshiruv o'tkazilgan paytdagi haqiqiy texnik holati va ularning qoldiq resursi bo'yicha baholashni;

atom elektr stansiyasi blokini joylashtirish bo'yicha qabul qilingan texnik yechimlar ro'yxatini; elektr, issiqlik, gaz, havo va suv ta'minotining asosiy sxemalarini;

atom elektr stansiyasi bloki ishlab chiqarish binolari, inshootlari va xonalari o'rtasidagi texnologik hamda transport aloqalarining sxemalari va xususiyatlarini.

27. Atom elektr stansiyasi blokining ishlab chiqarish xonalarining muhandislik tekshiruv natijalari quyidagilarni o'z ichiga olishi kerak:

atom elektr stansiyasi bloki belgilari, shuningdek qat'iy va erkin rejim zonalari bo'yicha xonalarining raqamlari va nomlari ko'rsatilgan to'liq ro'yxatini;

xonaning tavsiflarini (geometrik o'lchamlari, xona toifasi, portlash va yong'in xavfi sinfi, elektr xavfsizligi sinfi, havo almashinuvi darajasi, pol, shift va devor qoplamalarining tavsiflari, tirqishlar tavsiflari);

binolarda joylashtirilgan yoki binolar orqali tranzit o'tuvchi asbob-uskunalar, qurilmalar, tizimlar hamda kommunikatsiyalar ro'yxati va ularning texnik va massa-gabarit tavsiflarini;

tekshirish paytida uskunalar, qurilmalar va tizimlarning amaldagi texnik holati hamda ularning qoldiq xizmat muddati to'g'risidagi ma'lumotlarni.

28. Radiatsiyaviy vaziyat to'g'risidagi axborot quyidagi ma'lumotlarni o'z ichiga olishi kerak:

gamma-nurlanish dozalarining quvvatlari, atom elektr stansiyasi bloki xonalaridagi alfa-va beta-zarrachalar oqimlarining zichliklari, atom elektr stansiyasi bloki xonalari havosidagi radioaktiv aerozollar va gazlarning konsentratsiyalarini;

atom elektr stansiyasi bloki binolari va inshootlaridan tashqaridagi gamma-nurlanish dozalari quvvatlari, ekspluatatsiyadan chiqarilayotgan atom elektr stansiyasi bloki maydonchasi hududining va atom elektr stansiyasi bloki binolari va inshootlari tashqi sirtlarining radioaktiv ifloslanish darajalari, shuningdek atmosferadagi radioaktiv aerozollar va gazlar konsentratsiyalarini.

29. Atom elektr stansiyasi blokini radiatsiyaviy tekshirish natijalari quyidagilarni o'z ichiga olishi kerak:

ekspluatatsiyadan chiqarilayotgan atom elektr stansiyasi bloki maydonchasi, sirtlar (devorlar, tomlar) va qoplamalar turi, radionuklidlar tarkibi, ularning faolligi ko'rsatilgan holda radioaktiv ifloslanishga uchragan obyektlari (atom elektr stansiyasi bloki binolari va inshootlari) ro'yxatini;

omborlarda to'plangan suyuq radioaktiv chiqindilar hajmlari, ularning solishtirma va integral faolligi, radionuklid va kimyoviy tarkibi, agregat holatini;

to'plangan qattiq radioaktiv chiqindilar hajmlari, ularning solishtirma va umumiy faolligi, radionuklid tarkibi, kimyoviy tarkibini;

atom elektr stansiyasi blokida mavjud bo'lgan qattiq va suyuq radioaktiv chiqindilar omborlarining to'ldirilganligi to'g'risidagi ma'lumotlarni;

dozalar quvvati va nurlanish maydonlari kartogrammalarini;

kommunikatsiyalar, omborxonalarining qurilish va himoya inshootlarining bo'linish mahsulotlari hamda boshqa radionuklidlar bilan ifloslanganlik darajasini.

30. Blok xonalarida radiatsiyaviy tekshiruv o'tkazilgandan so'ng atom elektr stansiyasida quyidagilar aniqlanishi lozim:

atom elektr stansiyasi bloki binolaridagi radioaktiv ifloslanish zonalari va ularning chegaralari;

nazorat qilinadigan foydalanish zonasi;

binolarda joylashgan yoki binolar orqali tranzit tarzda o'tuvchi uskunalar, tizimlar va qurilish konstruksiyalarining yuzasi radioaktiv modda bilan ifloslanish darajasi;

asbob-uskunalar va qurilish konstruksiyalari materiallarining tashqi sirtidan ichkariga qarab radionuklidlar bilan ifloslanish darajalari;

uskunalar ichidagi radioaktiv cho'kindilarning hajmi va nuklidlar tarkibi.

31. Radiatsiyaviy tekshiruvdan so'ng ekspluatatsiyadan chiqarilayotgan atom elektr stansiyasi bloki maydonchasida quyidagilar aniqlanishi kerak:

atom elektr stansiyasi hududidagi yer osti va yer usti suvlaridagi radionuklidlarning konsentratsiyasi va tarkibi;

atom elektr stansiyasi hududi tuprog'idagi radionuklidlarning konsentratsiyasi va tarkibi.

4-bob. Atom elektr stansiyasining blokini ekspluatatsiyadan chiqarish bo'yicha ishlarni yakunlash

32. Atom elektr stansiyasi blokini ekspluatatsiyadan chiqarish ishlari atom elektr stansiyasi blokini ekspluatatsiyadan chiqarish loyihasida belgilangan yakuniy holatga erishilganligi tasdiqlangandan keyingina tugallangan hisoblanishi lozim.

33. Atom elektr stansiyasi bloki ekspluatatsiyadan chiqarilgandan keyingi yakuniy holatga erishilganligini asoslash maqsadida ekspluatatsiya qiluvchi tashkilot atom elektr stansiyasi blokini yakuniy tekshiruvdan o'tkazishi hamda yakuniy tekshiruv natijalari bo'yicha hisobotni ishlab chiqishi kerak.

34. Yakuniy tekshiruv natijalari bo'yicha hisobotda quyidagilar ko'rsatilishi kerak:

yakuniy tekshiruvni o'tkazishda foydalanilgan o'lchov usullari va texnik vositalar to'g'risidagi ma'lumotlar;

yakuniy tekshiruv davomida olingan natijalar;

ekspluatatsiyadan chiqarilayotgan atom elektr stansiyasi bloki maydonchasida qolgan ionlashtiruvchi nurlanish manbalarining ko'p omilli ta'sirida xodimlar va aholining prognoz qilinayotgan nurlanish dozalarini baholash natijalari;

atom elektr stansiyasi blokining amaldagi holati ekspluatatsiyadan chiqarish loyihasida ko'rsatilgan atom elektr stansiyasi bloki ekspluatatsiyadan chiqarilgandan keyingi yakuniy holatga muvofiqligini asoslash natijalari.

5-bob. Yakuniy qoida

35. Mazkur Qoidalarning buzilishida aybdor bo'lgan shaxslar qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda javobgar bo'ladilar.



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3772
2026 - yil 09 - Fevral

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI HUZURIDAGI
MIGRATSIYA AGENTLIGI DIREKTORINING
BUYRUG'I

**Xorijdagi bo'sh ish o'rinlarini xususiy bandlik agentliklari
o'rtasida taqsimlash tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash
haqida**

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 17-oktabrdagi PQ-367-son "Xorijda mehnat faoliyatini amalga oshirish jarayonlarini tartibga solish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi qarorining [6-bandiga](#) muvofiq buyuraman:

1. Xorijdagi bo'sh ish o'rinlarini xususiy bandlik agentliklari o'rtasida taqsimlash tartibi to'g'risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.
2. Mazkur buyruq O'zbekiston Respublikasi Savdo-sanoat palatasi bilan kelishilgan.
3. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Direktor
2026-yil 26-yanvar
1-son



MUSAYEV BEXZOD
ANVAROVICH

Rais
2026-yil 9-yanvar



VAXABOV DAVRON
ABDUJALALOVICH

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi
Migratsiya agentligi direktorining 2026-yil
26-yanvardagi 1-son buyrug'iga
ILOVA

**Xorijdagi bo'sh ish o'rinlarini xususiy bandlik agentliklari
o'rtasida taqsimlash tartibi to'g'risidagi
NIZOM**

Ushbu Nizom O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi [Migratsiya agentligi](#) (bundan buyon matnda Agentlik deb yuritiladi) tomonidan xorijiy ish beruvchilar va rekruting tashkilotlaridan jalb qilingan bo'sh ish o'rinlarini xususiy bandlik agentliklari o'rtasida ochiq tanlov yo'li bilan taqsimlash [tartibini](#) belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Ushbu Nizomda quyidagi asosiy tushunchalar qo'llaniladi:

Xorijdagi ish o'rinlarini xususiy bandlik agentliklari o'rtasida taqsimlash komissiyasi (bundan buyon matnda Komissiya deb yuritiladi) – xorijdagi bo'sh ish o'rinlarini taqsimlash va uning nazoratini olib boruvchi, xususiy bandlik agentliklaridan kelib tushgan arizalarni ko'rib chiqishni amalga oshiruvchi va doimiy asosda faoliyat yurituvchi kollegial organ;

kvota – xorijiy ish beruvchilar va rekruting tashkilotlaridan jalb qilingan xorijdagi bo'sh ish o'rinlari;

kvotalar to'g'risidagi e'lon – xorijiy ish beruvchilar va rekruting tashkilotlaridan jalb qilingan bo'sh ish o'rinlari to'g'risidagi ma'lumotlardan iborat bo'lgan hamda Agentlik tomonidan elektron platformaga joylashtiriladigan xabarnoma;

“Xorijda ish” mehnat migratsiyasi elektron dasturiy majmuasi (bundan buyon matnda elektron platforma deb yuritiladi) – xorijda ishlash istagini bildirgan va ish qidirayotgan shaxslarni ro'yxatga olish, kvotalarni xususiy bandlik agentliklari o'rtasida taqsimlash va ularning faoliyatini baholashni, monitoringni, hujjatlar almashinuvini amalga oshiruvchi Agentlikning elektron platformasi.

2. Kvotalar O'zbekiston Respublikasidan tashqaridagi ishni qidirayotgan shaxslarni ishga joylashtirish bo'yicha faoliyatni amalga oshirish uchun [litsenziyaga](#) (bundan buyon matnda litsenziya deb yuritiladi) ega xususiy bandlik agentliklari o'rtasida teng taqsimlanadi, bundan O'zbekiston Respublikasining xalqaro shartnomasida va idoraviy kelishuvlarida nazarda tutilgan hollar [mustasno](#).

2-bob. Kvotalar to'g'risidagi axborotni xususiy bandlik agentliklariga yetkazish

3. Agentlik xorijiy ish beruvchilar va rekruting tashkilotlaridan jalb qilingan bo'sh ish o'rinlari to'g'risidagi ma'lumotlarni elektron platformada e'lon qiladi hamda bu haqida xususiy bandlik agentliklarining elektron platformadagi shaxsiy kabinetlariga avtomatik ravishda xabarnoma yuboriladi.

Elektron platformada kvotalar to'g'risidagi e'lon xorijiy ish beruvchi tomonidan qo'yilgan shartlar doirasida shakllantiriladi.

4. Kvotalar to'g'risidagi e'lonning muddati besh ish kunidan kam bo'lmasligi kerak va unda quyidagi ma'lumotlar aks ettirilishi lozim:

xorijiy ish beruvchining joylashgan davlati;

xorijiy ish beruvchi haqidagi ma'lumotlar (xorijiy ish beruvchining nomi, aloqa ma'lumotlari, manzili va boshqa qo'shimcha ma'lumotlar);

bo'sh ish o'rni uchun taklif etilayotgan kasb nomi va ajratilgan ishchi o'rinlari soni;

ish sharoitlari, ish haqi miqdori, kunlik (haftalik) ish vaqti me'yorlari, lavozim majburiyatlari, transport, ovqatlanish va yashash joyini taqdim etish shartlari;

nomzodlarga qo'yiladigan talablar (malaka, til bilish darajasi, yosh chegarasi, jinsi, tibbiy ko'rsatkichlari, avvalgi ish tajribasi va hokazo);

ariza topshirish tartibi va muddatlari.

5. Xususiy bandlik agentliklari elektron platformada kvotalar to'g'risidagi e'lon joylashtirilgan kundan boshlab undagi belgilangan muddat tugagunga qadar Agentlikka kvota taqsimotida ishtirok etish uchun shaxsiy kabineti orqali ariza

yuborishlari mumkin. Ushbu ariza xususiy bandlik agentliklari tomonidan elektron raqamli imzo (bundan buyon matnda ERI deb yuritiladi) bilan tasdiqlanadi.

3-bob. Komissiya tomonidan arizalarni ko'rib chiqish tartibi va uning vakolatlari

6. Komissiya tarkibi Agentlik direktorining buyrug'i bilan uch yil muddatga shakllantiriladi hamda besh nafar a'zo va bir nafar Komissiya kotibidan iborat bo'ladi. Bunda Komissiya a'zolaridan biri uning faoliyatiga raislik qiladi.

Komissiya qarorlari uning majlisida qatnashayotgan komissiya a'zolarining ko'pchilik ovozi bilan, ochiq ovoz berish orqali qabul qilinadi. Ovozlar teng bo'lganda, raislik qiluvchining ovozi hal qiluvchi ovoz hisoblanadi.

Komissiya majlisi, agar unda Komissiya a'zolarining yarmidan ko'pi qatnashsa, vakolatli (kvorumga ega) hisoblanadi.

Komissiya tomonidan arizalar ko'rib chiqilgandan so'ng ularning natijasi bo'yicha bayonnoma rasmiylashtiriladi hamda ushbu bayonnoma Komissiyaning barcha a'zolari tomonidan imzolanadi va Komissiya raisi tomonidan tasdiqlanadi.

7. Komissiya a'zolari xususiy bandlik agentliklari tomonidan yuborilgan ariza va hujjatlarni kvotalar to'g'risidagi e'lon bo'yicha arizalarni qabul qilish muddati tugagan kundan boshlab yetti ish kuni ichida quyidagilar nuqtai nazaridan ko'rib chiqadi:

faol [litsenziyaning](#) mavjudligi;

kvotalar to'g'risidagi avvalgi e'lonlar bo'yicha taqsimlangan kvotalarning belgilangan muddat va shartlarda to'ldirilganlik holati;

xorijda ishlash istagini bildirgan shaxslarni kvotalar to'g'risidagi e'lon doirasida ishga joylashtirganlik holati;

ish qidirayotgan shaxslar tomonidan xususiy bandlik agentliklari ustidan qilingan shikoyatlarning tahlili.

Komissiya tomonidan arizalarni ko'rib chiqish natijalari bo'yicha xususiy bandlik agentligiga uning arizasi ijobiy qabul qilinganligi yoki rad etilganligi

to'g'risidagi xabarnoma Komissiya qarori qabul qilingandan so'ng ikki ish kuni ichida elektron platforma orqali yuboriladi.

Komissiyaning rad etish to'g'risidagi qarori asoslantirilgan bo'lishi lozim.

Arizasi ijobiy qabul qilingan xususiy bandlik agentligi avtomatik ravishda kvota taqsimotida ishtirok etuvchilar ro'yxatiga kiritiladi.

8. Quyidagilar xususiy bandlik agentliklarining arizasi rad etilishiga asos bo'ladi:

faol [litsenziyaning](#) mavjud emasligi;

kvotalar to'g'risidagi avvalgi e'lonlar bo'yicha taqsimlangan kvotalarni belgilangan muddat va shartlarda to'ldirish choralarining ko'rilmaganligi;

xususiy bandlik agentliklari tomonidan ish qidirayotgan shaxslarning huquq va manfaatlari buzilganligini tasdiqlovchi dalillar mavjud bo'lganda.

Boshqa sabablarga ko'ra arizani qabul qilishni rad etish ta'qiqlanadi.

9. Komissiya qaroridan norozi bo'lgan xususiy bandlik agentliklari qonunchilikda belgilangan tartibda Agentlikka yoki sudga shikoyat qilish huquqiga ega.

4-bob. Kvotalarni taqsimlash tartibi

10. Kvotalar Komissiya qaroriga ko'ra arizasi ijobiy qabul qilingan xususiy bandlik agentliklari o'rtasida teng taqsimlanadi.

11. Kvotalarni taqsimlashda quyidagilar elektron platformada avtomatik tarzda amalga oshiriladi:

har bir kvota taqsimoti elektron platformada qayd etiladi va har bir xususiy bandlik agentligining shaxsiy kabinetida aks ettiriladi;

agar umumiy kvota soni talabgor xususiy bandlik agentliklari soniga teng bo'linmasa (teng taqsimotdan so'ng qoldiq kvotalar mavjud bo'lsa) yoki ularning soni mavjud kvotalar sonidan kam bo'lsa, kvotalar xususiy bandlik agentliklari

tomonidan elektron platformaga arizalar kelib tushgan vaqtga qarab avtomatik tarzda ketma-ket taqsimlanadi;

kvotalar to'g'risidagi e'lon bo'yicha xususiy bandlik agentliklari tomonidan birorta ariza topshirilmagan taqdirda, ushbu e'lon xuddi shu muddatga avtomatik ravishda uzaytiriladi.

12. Har bir xususiy bandlik agentligi o'ziga ajratilgan kvota doirasida xorijiy ish beruvchi bilan O'zbekiston Respublikasi "Xususiy bandlik agentliklari to'g'risida"gi Qonunining [15¹-moddasida](#) belgilangan shartnomani tuzadi va uni elektron platformaga yuklaydi.

5-bob. Taqsimlangan kvotalar bo'yicha majburiyatlarni bajarish va nazorat qilish tartibi

13. Xususiy bandlik agentliklari o'zlariga ajratilgan kvotalarni xorijiy ish beruvchi tomonidan qo'yilgan shartlarga mos ravishda to'liq va o'z vaqtida to'ldirish choralarini ko'rishi kerak. Bunda xususiy bandlik agentliklari ajratilgan kvotalar doirasida nomzodlarni ro'yxatdan o'tkazadi va kvotalarning to'ldirilish holati elektron platformada real vaqt rejimida aks ettiriladi.

14. Xususiy bandlik agentliklari tomonidan fuqarolar ish joylariga yetkazilganligi va ular bilan mehnat shartnomalari rasmiylashtirilganligi haqidagi hujjatlarning elektron nusxalari (ishga kirish to'g'risidagi buyruq nusxasi, mehnat shartnomasi nusxasi yoki ish beruvchi fuqarolarni qabul qilib olganligi to'g'risida ish beruvchi tomonidan imzolangan dalolatnoma) elektron platformaga yuklangan bo'lsa, taqsimlangan kvotalar bo'yicha majburiyatlar bajarilgan deb hisoblanadi.

6-bob. Yakuniy qoidalar

15. Har bir xususiy bandlik agentligi o'z shaxsiy kabinetidan foydalanganda, kiritilgan barcha ma'lumotlarning to'g'ri va haqqoniyligini ta'minlash uchun mas'ul hisoblanadi.

16. Mazkur Nizom talablarining buzilishida aybdor bo'lgan shaxslar qonunchilikka muvofiq javobgar bo'ladilar.



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3773
2026 - yil 11 - Fevral

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRINING BUYRUG'I

Notariuslikka talabgorlar uchun yagona tanlov o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida

O'zbekiston Respublikasining "Notariat to'g'risida"gi [Qonuni](#), O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 13-apreldagi PQ-3666-son "O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi faoliyatini yanada takomillashtirishga doir tashkiliy chora-tadbirlar to'g'risida"gi va 2025-yil 9-sentabrdagi PQ-280-son "Notariat institutini yanada rivojlantirish hamda sohaga zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini keng joriy etishga oid qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi qarorlariga muvofiq buyuraman:

1. Notariuslikka talabgorlar uchun yagona tanlov o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizom 1-ilovaga muvofiq tasdiqlansin.
2. Ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlar 2-ilovaga muvofiq o'z kuchini yo'qotgan deb topilsin.
3. Mazkur buyruq O'zbekiston Respublikasi Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirligi va Notarial palata bilan kelishilgan.
4. Mazkur buyruq 2026-yil 1-apreldan boshlab kuchga kiradi.

Vazir
2026-yil 9-fevral
5-mh-son



TASHKULOV AKBAR
DJURABAYEVICH

Kelishildi:

Vazir
2026-yil 14-yanvar



SHARIPOV KONGRATBAY
AVEZIMBETOVICH

Rais
2026-yil 12-yanvar



ASHUROV DILSHOD
RUSTAMOVICH

O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining
2026-yil 9-fevraldagi 5-mh-son buyrug‘iga
1-ILOVA

Notariuslikka talabgorlar uchun yagona tanlov o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi NIZOM

Mazkur Nizom davlat notarial idorasi notariusini lavozimga tayinlash hamda xususiy notarial faoliyat bilan shug‘ullanish huquqini berish bo‘yicha talabgorlar uchun yagona tanlov (bundan buyon matnda yagona tanlov deb yuritiladi) o‘tkazish tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Yagona tanlov O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi huzuridagi Oliy malaka komissiyasi (bundan buyon matnda komissiya deb yuritiladi) hamda O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi huzuridagi Bilim va malakalarni baholash agentligi (bundan buyon matnda Agentlik deb yuritiladi) tomonidan o‘tkaziladi.

Yagona tanlov o‘tkazishni tashkiliy-texnik jihatdan ta’minlash maqsadida komissiyaning ishchi organi faoliyat yuritadi.

Ishchi organning tarkibi O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligining (bundan buyon matnda Vazirlik deb yuritiladi) inson resurslari bo‘yicha mas’ul tarkibiy tuzilmasi xodimi hamda notariat, advokatura va mediatsiya bo‘yicha mas’ul tarkibiy tuzilmasi notariat sohasi bo‘yicha mas’ul xodimlari orasidan shakllantiriladi va komissiya raisi tomonidan tasdiqlanadi.

Ishchi organ o‘z faoliyatini komissiya raisining rahbarligida amalga oshiradi.

2. Yagona tanlov notarial okrugda notarius lavozimi bo‘sh bo‘lgan taqdirda yoki qo‘shimcha (yangi) notarius lavozimi ta’ sis etilganda o‘tkaziladi.

Notariusning bolani parvarishlash ta’ tiliga chiqishi munosabati bilan notarius lavozimi vaqtincha bo‘shagan hollarda yagona tanlov o‘tkazish mazkur Nizomning 39-bandida belgilangan tartibda amalga oshiriladi.

3. Yagona tanlov ikki bosqichda o‘tkaziladi:

birinchi bosqichda – talabgorlar davlat va jamiyat boshqaruvi hamda korrupsiyaga qarshi kurashish, fuqarolik huquqi, notariat va vorislik huquqi sohalari bo‘yicha test sinovlaridan o‘tadi. Bunda test sinovlari axborot texnologiyalaridan foydalangan holda komissiya tomonidan taqdim etilgan ro‘yxat asosida yagona tanlovda ishtirok etishga ruxsat berilgan talabgorlar uchun Agentlik tomonidan **tashkil etiladi**;

ikkinchi bosqichda – test sinovlaridan muvaffaqiyatli o‘tgan talabgorlar komissiya tomonidan o‘tkaziladigan amaliy imtihonda (bundan buyon matnda amaliy imtihon deb yuritiladi) notarial harakatlarning loyihalarini maxsus elektron platformada tayyorlaydi va muammoli masalaga (kazusga) **javob beradi**.

4. Yagona tanlovning birinchi bosqichida test sinovi jarayonlari videoyozuvda qayd etib boriladi. Ushbu videoyozuvlar Agentlik tomonidan kamida bir yil davomida saqlanadi.

Yagona tanlovning amaliy imtihon bosqichi jarayonlari audio va videoyozuvlarda qayd etib boriladi hamda Vazirlikning rasmiy veb-saytida real vaqt rejimida translyatsiya qilinadi. Ushbu audio va videoyozuvlar Vazirlik tomonidan kamida bir yil muddat davomida saqlanadi.

2-bob. Yagona tanlov o‘tkazishni tashkil etish

5. Notarial okrugdagi bo‘sh notarius lavozimlari va qo‘shimcha (yangi) notarius lavozimlari Vazirlikning rasmiy veb-saytida muntazam ravishda (har oyda kamida bir marta) e‘lon qilib boriladi.

Davlat notarial idorasi notariusi lavozimi yoki xususiy amaliyot bilan shug‘ullanuvchi notarius lavozimi bo‘shagandan keyin tegishli Qoraqalpog‘iston Respublikasi Adliya vazirligi, viloyatlar va Toshkent shahar adliya boshqarmalari (bundan buyon matnda hududiy adliya organi deb yuritiladi) tomonidan bu haqida buyruq chiqarilgan kunning ertasidan kechiktirmay Vazirlik (buyruqni ilova qilgan holda) xabardor qilinadi.

6. Hududiy adliya organlari tomonidan yuborilgan xabarnoma olingan kundan boshlab yetti ish kuni ichida ishchi organ tomonidan “Inson va qonun” gazetasida hamda Vazirlikning rasmiy veb-saytida yagona tanlov o‘tkazish to‘g‘risida e‘lon beriladi.

7. Yagona tanlov o‘tkazish to‘g‘risidagi e‘londa quyidagilar ko‘rsatilishi lozim:
notarius lavozimiga yagona tanlov o‘tkazilayotgan notarial okrug nomi;
yagona tanlovda ishtirok etuvchilarga qo‘yiladigan talablar;
yagona tanlovda ishtirok etish uchun taqdim etiladigan hujjatlar va ularni taqdim etishning oxirgi sanasi. Bunda hujjatlarni taqdim etish muddati kamida o‘n besh kun etib belgilanadi;

bog‘lanish uchun telefon raqami va elektron pochta manzili;

yagona tanlovda ishtirok etish uchun murojaat qilish tartibi;

yagona tanlovning birinchi va ikkinchi bosqichi o‘tkaziladigan joylar.

Yagona tanlov o‘tkazish to‘g‘risidagi e‘lon qo‘shimcha ravishda boshqa ommaviy axborot vositalarida, Vazirlik va tegishli hududiy adliya organining ijtimoiy tarmoqlaridagi sahifalari orqali berilishi mumkin.

Yagona tanlovda Adliya vazirligi huzuridagi Yuridik kadrlarni qayta tayyorlash va malakasini oshirish institutida majburiy o‘quv kurslarini tashkil etish tartibi to‘g‘risidagi [nizomga](#) (ro‘yxat raqami 3721, 2025-yil 9-dekabr) muvofiq berilgan sertifikatga ega bo‘lgan talabgorlar ishtirok etishi mumkin.

8. Yagona tanlovda yigirma besh yoshdan kichik bo‘lmagan va oltmish besh yoshdan katta bo‘lmagan, oliy yuridik ma‘lumotga, yuridik mutaxassislik bo‘yicha kamida uch yillik ish stajiga ega bo‘lgan, shu jumladan notarial idorada kamida bir yil stajirovka o‘tagan O‘zbekiston Respublikasi fuqarosi [ishtirok etishi](#) mumkin.

Bunda sudyalik lavozimida kamida besh yil ishlagan yoki notarius yordamchisi yoxud adliya organlarining notarial faoliyatga rahbarlik qilish va ushbu faoliyatni nazorat qilish bilan bog‘liq lavozimlarida kamida uch yil ishlagan shaxslar uchun stajirovkadan o‘tish [talab qilinmaydi](#).

Surishtiruvchi, tergovchi, prokuror, adliya organlarining ishi notariat faoliyati bilan bog‘liq bo‘lmagan boshqaruv xodimi yoki advokat sifatida kamida uch yil ishlagan shaxslar, agar ularning vakolatlari tugatilgan paytdan e‘tiboran besh yil o‘tmagan bo‘lsa, olti oy muddat [stajirovka o‘taydi](#).

Quyidagilar notarius bo‘lishi [mumkin emas](#):

muomalaga layoqatsiz yoki muomala layoqati cheklangan deb topilgan shaxs;
qasddan sodir etgan jinoyati uchun sudlanganlik holati tugallanmagan yoki sudlanganligi olib tashlanmagan shaxs;

notarius, advokat, tergovchi, surishtiruvchi, prokuror, sudya yoki huquqni muhofaza qiluvchi organlarning boshqa xodimi sifatidagi vakolatlari o‘z kasbiy faoliyatiga mos kelmaydigan qilmishlar sodir etganligi uchun tugatilgan shaxs uch yil mobaynida.

9. Davlat notarial idorasi notariusi lavozimiga tayinlash uchun yagona tanlovda ishtirok etish istagini bildirgan shaxs Vazirlikka quyidagi hujjatlar elektron shaklda taqdim etadi:

mazkur Nizomning 1-ilovasiga muvofiq shakldagi ariza;

mazkur Nizomning 2-ilovasiga muvofiq to‘ldirilgan so‘rovnoma.

Xususiyl notarial faoliyat bilan shug‘ullanish huquqini berish bo‘yicha yagona tanlovda ishtirok uchun murojaat qilish, uni ko‘rib chiqish hamda uni tashkil etish O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 7-iyuldagi 369-son qarori bilan tasdiqlangan Xususiyl notarial faoliyat bo‘yicha malaka imtihonini tashkil etish

yuzasidan davlat xizmatini ko'rsatishning **ma'muriy reglamentiga** (bundan buyon matnda Reglament deb yuritiladi) muvofiq amalga oshiriladi.

Yagona tanlovda ishtirok etish istagini bildirgan shaxsdan mazkur Nizomda yoki Reglamentda nazarda tutilmagan hujjatlar taqdim etilishini talab qilishga yo'l qo'yilmaydi.

10. Talabgor muqaddam notarius, advokat, surishtiruvchi, tergovchi, prokuror, sudya yoki huquqni muhofaza qiluvchi organlarning boshqa xodimi sifatida ishlagan bo'lsa, uning ushbu lavozimlarda o'z kasbiy faoliyatiga mos kelmaydigan qilmishlar sodir etmaganligini aniqlash maqsadida tegishli tashkilotlardan ma'lumotlar olinishi mumkin.

11. Talabgorning yagona tanlovda ishtirok etishini rad etishga asoslar mavjud bo'lsa, ishchi organ tomonidan bu haqda xulosa tuziladi. Mazkur xulosa komissiya raisi tomonidan tasdiqlanib, bir ish kuni ichida komissiya mas'ul kotibi tomonidan mazkur Nizomning 3-ilovasiga muvofiq shaklda xabarnoma yuboriladi.

12. Quyidagi asoslarga ko'ra talabgorning yagona tanlovda ishtirok etishi rad etiladi:

mazkur Nizomning 8-bandi talablariga muvofiq bo'lmaganda;
hujjatlarda yolg'on yoki noto'g'ri ma'lumotlar aniqlanganda;
hujjatlar yagona tanlov o'tkazish to'g'risidagi e'lonida ko'rsatilgan hujjatlarni taqdim etishning oxirgi sanasi tugagandan keyin taqdim etilganda.

Talabgorning boshqa asoslarga ko'ra yagona tanlovda ishtirok etishini rad etishga yo'l qo'yilmaydi.

13. Talabgorlarning hujjatlarini o'rganish natijalariga ko'ra, ishchi organ tomonidan tegishli ravishda yagona tanlov o'tkazish to'g'risida yoki yagona tanlov o'tkazishga qayta e'lon berish to'g'risida xulosa tuziladi va u komissiya raisi tomonidan tasdiqlanadi.

14. Quyidagi hollarda ishchi organ tomonidan yagona tanlov o'tkazishga qayta e'lon berish to'g'risida xulosa tuziladi:

yagona tanlovda ishtirok etish uchun birorta ham talabgor bo'lmasa;
yagona tanlovda ishtirok etish uchun taqdim etilgan hujjatlarni ko'rib chiqish natijalariga ko'ra barcha talabgorlarga tanlovda ishtirok etish rad etilgan bo'lsa;
yagona tanlov e'lon qilingan notarial okrug uchun o'tkazilgan imtihonlardan birorta ham talabgor muvaffaqiyatli o'ta olmasa.

Yagona tanlov o'tkazish bo'yicha qayta e'lon tegishli xulosa komissiya raisi tomonidan tasdiqlangan kundan boshlab yetti ish kuni mobaynida berilishi lozim. Mazkur Nizomning 37-bandida nazarda tutilgan hollarda yagona tanlov o'tkazishga qayta e'lon berish komissiya qarorida ko'rsatilgan muddatda amalga oshiriladi.

15. Yagona tanlovning birinchi bosqichida ishtirok etishi mumkin bo'lgan talabgorlarning ro'yxati (famiyasi, ismi va otasining ismi, jismoniy shaxsning shaxsiy identifikatsiya raqami (JSHSHIR) hamda test sinovini topshirish hududi) Vazirlik tomonidan Agentlikka taqdim etilgan kundan boshlab o'n kundan so'ng, biroq o'n besh kundan kechiktirmay Agentlik tomonidan o'tkazilishi lozim.

Bunda talabgorlarning ro'yxati taqdim qilingan kundan boshlab uch kun ichida Agentlik tomonidan test sinovi o'tkazish sanasi va vaqti belgilanib, Vazirlik xabardor qilinishi lozim.

Test sinovlari talabgorlarning hududlar kesimidagi taqsimotidan kelib chiqib, Agentlikda hamda uning hududiy bo'linmalarida yil davomida (iyul-avgust oylaridan tashqari) o'tkaziladi.

Talabgorlar test sinovi o'tkazish sanasidan kamida besh kun oldin test sinovi o'tkazish sanasi, vaqti va joyi to'g'risida Vazirlik tomonidan elektron shaklda xabardor qilinadi.

16. Yagona tanlovning amaliy imtihon bosqichi test sinovlari natijalari chiqqan kundan boshlab o'n kundan so'ng, biroq o'n besh kundan ko'p bo'lmagan muddat ichida o'tkaziladi.

Amaliy imtihon o'tkaziladigan kun, vaqt va joy haqida talabgorlarga amaliy imtihon o'tkaziladigan kundan kamida besh kun oldin mas'ul kotib tomonidan elektron shaklda xabarnoma yuboriladi.

17. Amaliy imtihon o'tkaziladigan kun, vaqt va joy haqida yagona tanlov o'tkazilishidan besh kun oldin Vazirlikning rasmiy veb-saytida e'lon qilinadi.

3-bob. Yagona tanlov o'tkazish

18. Test sinovida talabgorlar Agentlikning maxsus elektron platformalari orqali o'tkaziladigan quyidagi sohalar bo'yicha test sinovini topshiradi:

davlat va jamiyat boshqaruvi hamda korrupsiyaga qarshi kurashish;
fuqarolik huquqi;
notariat va vorislik huquqi.

Test savollari Vazirlik tomonidan tavsiya etilgan mutaxassislar tomonidan Agentlik binosida maxfiyligi ta'minlangan holda faqat bitta to'g'ri javobni o'z ichiga olgan to'rtta javob variant keltirilgan shaklda, lotin alifbosida, davlat tilida ishlab chiqiladi.

Talabgorlar test sinoviga shaxsini tasdiqlovchi hujjatini (pasport yoki identifikatsiya ID-kartasi, haydovchilik guvohnomasi) ko'rsatgan holda qo'yiladi.

Shaxsni tasdiqlovchi hujjatga ega bo'lmagan yoki test sinoviga belgilangan vaqtda kelmagan, shuningdek unda qatnasha olmagan talabgor test sinoviga kelmagan deb hisoblanadi hamda unga qayta test sinovini topshirish uchun imkoniyat berilmaydi.

Bunda talabgorlar test sinovidan o'tmagan deb hisoblanadi hamda mazkur Nizomning 9-bandiga muvofiq qayta murojaat qilishi mumkin.

19. Test sinovlari axborot texnologiyalaridan foydalanilgan holda Agentlik tomonidan tasdiqlangan ro'yxatda keltirilgan kuzatuvchilar ishtirokida o'tkaziladi.

Test sinovlari o'tkazilayotgan xonaga jadval, kitob, uyali telefon, kompyuter, kalkulyator hamda boshqa telekommunikatsiya vositalari va shpargalkalar olib kirish, bir-biri bilan gaplashish taqiqlanadi.

Mazkur bandning ikkinchi xatboshisidagi talablarni buzgan talabgorlar test sinovidan chetlashtiriladi va test sinovidan o'tmagan deb hisoblanadi. Test sinovidan chetlashtirilgan talabgorlar bo'yicha Agentlik tomonidan tasdiqlangan ro'yxatda keltirilgan kuzatuvchilari tomonidan dalolatnoma tuziladi.

20. Test sinovlari bo'yicha talabgor bir vaqtning o'zida faqat bitta hudud (notarial okrug) uchun test sinovida ishtirok etishi mumkin.

21. Test sinovlarini topshirish uchun 40 ta test savollariga 60 daqiqa vaqt ajratiladi.

Test savolining har bir to'g'ri javobi uchun 2,5 balldan beriladi. Noto'g'ri javob berilgan yoki javob berilmagan test savoli uchun ball berilmaydi.

Test sinovlari natijalariga ko'ra 55 balldan yuqori to'plagan talabgorlar test sinovlaridan muvaffaqiyatli o'tgan hisoblanadi.

Bunda talabgorlar tomonidan 55 va undan past ball to'plagan taqdirda muvaffaqiyatli o'tmagan deb hisoblanadi.

22. Test sinovlaridan muvaffaqiyatli o'tgan talabgorlarning test natijalari bir yil davomida amal qiladi.

Bunda talabgorlar yagona tanlovning amaliy imtihon bosqichidan muvaffaqiyatli o'tolmagan taqdirda, test sinovlarining natijasi chiqqan kundan boshlab bir yil davomida qayta test sinovlarini topshirishi talab etilmaydi.

23. Talabgorlarning natijalari test sinovlari yakunlangandan so'ng real vaqt rejimida test sinovlarini bajargan maxsus elektron platformada o'zlariga ko'rinadi.

Xususiy notarial faoliyat bilan shug'ullanish huquqini berish bo'yicha test sinovida ishtirok etayotgan talabgorning natijasi test sinovi yakunlangandan so'ng bir vaqtning o'zida talabgorning hamda komissiya mas'ul kotibining shaxsiy kabinetiga elektron xabarnoma shaklda kelib tushadi.

Davlat notarial idorasi notariusi lavozimiga tayinlash bo'yicha test sinovida ishtirok etayotgan talabgorning natijasi test sinovi yakunlangandan so'ng, shu kunning o'zida Agentlik tomonidan Vazirlikka yuboriladi.

Bunda komissiya mas'ul kotibi tomonidan test sinovi natijasi yuzasidan talabgorning elektron pochta manziliga xabarnoma yuboriladi.

24. Talabgorlar test sinovlari bo'yicha apellyatsiya shikoyatlarini test o'tkaziladigan vaqtning o'zida hamda test sinovlarini yakunlagandan so'ng 30 daqiqa davomida elektron test platformasi orqali berishlari mumkin.

Talabgorlar tomonidan berilgan apellyatsiya shikoyatlari Agentlikda tashkil qilingan apellyatsiya komissiyasi tomonidan apellyatsiya shikoyati berilgan kundan boshlab besh ish kuni davomida ko'rib chiqiladi.

Apellyatsiya shikoyatlari ko'rib chiqilgandan so'ng takroriy apellyatsiyaga yo'l qo'yilmaydi.

Apellyatsiya shikoyatini qanoatlantirish va test sinovi natijalariga o'zgartirish kiritish to'g'risidagi qaror apellyatsiya shikoyatida ko'rsatilgan dalillar o'z tasdig'ini topgan taqdirda qabul qilinadi.

Apellyatsiya shikoyatlari bo'yicha apellyatsiya komissiyasining xulosasi Vazirlik orqali talabgorlarga elektron shaklda ham yuboriladi.

25. Komissiya mas'ul kotibi test sinovidan muvaffaqiyatli o'tgan talabgorlarning ro'yxatini shakllantiradi.

26. Amaliy imtihonda talabgorlar maxsus elektron platformada notarial harakatlarning loyihalarini tayyorlaydi va muammoli masalaga (kazusga) javob beradi.

27. Komissiya majlisida talabgorlar, qoida tariqasida, 5 tagacha talabgordan iborat guruh shakllantirilib, navbat bo'yicha kiritiladi.

Talabgorlar amaliy imtihonga shaxsini tasdiqlovchi hujjatini (pasport yoki identifikatsiya ID-kartasi, haydovchilik guvohnomasini) ko'rsatgan holda qo'yiladi.

28. Notarial harakatlarning loyihalari va muammoli masalalar (kazuslar) ro'yxati komissiya raisi tomonidan tasdiqlanadi va Vazirlikning rasmiy veb-saytiga joylashtiriladi hamda qonunchilik hujjatlariga kiritiladigan o'zgartirish va qo'shimchalarni hisobga olgan holda davriy ravishda qayta ko'rib chiqiladi.

29. Komissiya majlisi mas'ul kotibi komissiya a'zolariga amaliy imtihonda ishtirok etayotgan, shuningdek amaliy imtihonga kelmagan hamda unga qo'yilmagan talabgorlar ro'yxatini o'qib eshittiradi.

30. Amaliy imtihon bo'yicha talabgor komissiyaning bitta majlisi davomida faqat bitta hudud (notarial okrug) uchun amaliy imtihonda ishtirok etishi mumkin.

31. Notarial harakatlarning loyihasi va muammoli masala (kazus) talabgor tomonidan axborot texnologiyalaridan foydalangan holda elektron dastur orqali tasodifiy ravishda tanlanadi.

Talabgor tomonidan tasodifiy ravishda tanlangan notarial harakatlarning loyihasi va muammoli masala (kazus) komissiya mas'ul kotibi tomonidan printerda chop etiladi va (yoki elektron shaklda) talabgorga taqdim qilinadi.

32. Talabgorlarga javob berishga tayyorgarlik ko'rishlari uchun 20 daqiqa vaqt ajratiladi.

33. Yagona tanlov o'tkazish jarayonida talabgorlarga quyidagilar taqiqlanadi: aloqa va telekommunikatsiya vositalari (telefon, kompyuter, planshet va boshqalar), kitob hamda shpargalkalardan foydalanish;

boshqa talabgorlar bilan suhbatlashish;

yagona tanlov tugamasdan xonadan tashqariga chiqish.

Talabgorning mazkur qoidalarga amal qilmasligi uni yagona tanlovda qatnashishdan chetlashtirish uchun asos bo'ladi. Ushbu holatda mas'ul kotib tomonidan mazkur Nizomning 4-ilovasiga muvofiq shakldagi dalolatnoma rasmiylashtiriladi va komissiya a'zolarining kamida uch nafari tomonidan imzolanadi.

Amaliy imtihonda qatnashishdan chetlashtirilgan talabgor olti oy davomida keyingi amaliy imtihonga qo'yilmaydi.

34. Talabgor komissiya a'zolariga dastlab notarial harakatning loyihasini elektron tizimda tayyorlab ko'rsatadi, so'ngra muammoli masalaga (kazusga) javob beradi.

Komissiya a'zolari notarial harakat loyihasi yoki muammoli masala (kazus) yuzasidan aniqlashtirish maqsadida qo'shimcha savollar berishi mumkin.

35. Amaliy imtihon natijasi bo'yicha komissiyaning har bir a'zosi boshqa a'zolaridan mustaqil ravishda mazkur Nizomning 5-ilovasiga muvofiq shakldagi baholash byulletenida talabgorning javobini 5 ballik tizimda baholaydi.

Bunda komissiyaning har bir a'zosi talabgorni quyidagi mezonlarga asosan baholaydi:

berilgan notarial harakat loyihasini tuzishda qonunchilik hujjatlari talablarining barchasi qamrab olinganligi, muammoli masalaga (kazusga) to'liq va aniq javob berishi, faoliyat sohasi bilan bog'liq tizimli bilimlarga ega bo'lishi, ulardan o'z kasb faoliyatida mustaqil foydalanishni bilishi, ijtimoiy muammolar va jarayonlarni mustaqil tahlil qila olishi – 5 ball;

berilgan notarial harakat loyihasini tuzishda qonunchilik talablarining qamrab olinganligi, muammoli masalaga (kazusga) aniq, biroq to'liq javob berolmasligi,

faoliyat sohasi bilan bog‘liq bilimlarga ega bo‘lishi, ulardan o‘z kasb faoliyatida foydalanishni bilishi, ijtimoiy muammolar va jarayonlarni tahlil qila olishi – 4 ball;

berilgan notarial harakat loyihasini tuzishda qonunchilik talablarining qisman qamrab olinganligi, muammoli masalaga (kazusga) to‘liq javob berolmasligi, faoliyat sohasi bilan bog‘liq bilimlarga yetarli darajada ega bo‘lishi, ulardan o‘z kasb faoliyatida foydalanishni bilishi – 3 ball;

berilgan notarial harakat loyihasini tuzishda qonunchilik talablarining qamrab olinmaganligi, muammoli masalaga (kazusga) noaniq javob berishi, faoliyat sohasi bilan bog‘liq bilimlarga ega bo‘lishi, ulardan o‘z kasb faoliyatida foydalanishni bilmasligi – 2 ball;

berilgan notarial harakat loyihasini qonunchilik talablariga muvofiq tuzilmaganligi, muammoli masalaga (kazusga) noaniq javob berishi, faoliyat sohasi bilan bog‘liq bilimlarga yetarli darajada ega emasligi – 1 ball;

berilgan notarial harakat loyihasini tuza olmasligi, muammoli masalaga (kazusga) umuman javob bera olmasligi – 0 ball.

36. Baholash byulletenida ballarni hisoblab chiqish uchun komissiya a‘zolari orasidan 3 kishidan iborat hisoblash guruhi tuziladi.

Hisoblash guruhi tomonidan baholash byulletenlaridagi ballar hisoblab chiqiladi. Hisoblash natijalari mazkur Nizomning 6-ilovasiga muvofiq shakldagi yig‘ma baholash byulleteniga kiritiladi va komissiya a‘zolariga e‘lon qilinadi.

Amaliy imtihondan muvaffaqiyatli o‘tgan deb topilgan talabgorning umumiy to‘plagan balli tanlovda olinishi mumkin bo‘lgan eng yuqori ballning 55 foizidan yuqori bo‘lishi lozim.

Amaliy imtihonda ishtirok etgan talabgorning to‘plagan balli imtihonda olinishi mumkin bo‘lgan eng yuqori ballning 55 foizi yoki undan kam bo‘lsa, talabgor amaliy imtihondan o‘ta olmagan hisoblanadi.

37. Talabgorlardan birortasi ham amaliy imtihondan muvaffaqiyatli o‘tmagan taqdirda, komissiya amaliy imtihon o‘tkazishga qayta e‘lon berish to‘g‘risida qaror qabul qiladi.

38. Amaliy imtihon natijasiga ko‘ra bitta notarial okrug uchun ballar teng bo‘lib qolgan hollarda, amaliy imtihon g‘olibi eng ko‘p bir xil ball olgan talabgorlar orasidan komissiya a‘zolari tomonidan ovoz berish yo‘li bilan aniqlanadi.

Eng ko‘p ovoz olgan talabgor amaliy imtihonda g‘olib deb topiladi. Ovozlar takroran teng bo‘lib qolsa, komissiya raisining ovozi hal qiluvchi bo‘lib hisoblanadi.

39. Davlat notarial idorasi notariusi lavozimi uchun yagona tanlovda g‘olib deb topilmagan va olinishi mumkin bo‘lgan eng yuqori ballning 55 foizidan ko‘p ball to‘plagan talabgorlarga ularning roziligi bilan komissiyaning ushbu majlisi

davomida tanlov o'tkazilgan, biroq unda g'olib aniqlanmagan, shuningdek mazkur Nizomda belgilangan tartibda ikki marta e'lon berilgan, lekin ushbu bo'sh o'ringa birorta ham talabgor tanlovda ishtirok etmagan boshqa bo'sh notarius o'rnida ishlash taklif etilishi mumkin.

Ushbu bandning birinchi xatboshisida nazarda tutilgan talabgorlarga notariusning bolani parvarishlash ta'tiliga chiqish davrida uning o'rnida vaqtincha notarius lavozimida ishlash taklif etilishi mumkin.

40. Amaliy imtihonda ishtirok etib, unda olinishi mumkin bo'lgan eng yuqori ballning 55 foizi yoki undan kam ball to'plagan talabgor ushbu amaliy imtihon o'tkazilgan kundan boshlab olti oy davomida yagona tanlovlarga [qo'yilmaydi](#).

41. Yagona tanlov yakunlari bo'yicha komissiya qaror qabul qiladi.

Qarorda quyidagilar ko'rsatiladi:

raqami va qabul qilingan sanasi;

ishtirok etgan komissiya a'zolari ro'yxati;

yagona tanlov natijalari;

yagona tanlovda g'olib deb topilgan va o'ta olmagan talabgorlar ro'yxati;

yagona tanlovda g'olib deb topilgan talabgorlar tomonidan qasamyod qabul qilinganligi;

komissiya qarori ustidan shikoyat qilish tartibi.

Baholash byulletenlari hamda yig'ma baholash byulleteni komissiya qaroriga ilova qilinadi.

Komissiya qarori rais tomonidan tasdiqlanadi.

42. Talabgorlar tomonidan to'plangan ballar, ovoz berish natijalari hamda komissiya qarori yagona tanlov o'tkazilgan kunning o'zida talabgorlarga o'qib eshittiriladi.

43. Komissiya qarori bir nusxada tuziladi. Davlat notarial idorasi notariusi lavozimi uchun yagona tanlovdan so'ng bir ish kuni ichida qarordan ko'chirma yagona tanlov g'olibi bilan mehnat shartnomasini tuzish va uni notarius lavozimiga tayinlash to'g'risidagi buyruq qabul qilish uchun hududiy adliya organiga yuboriladi.

Xususiyl notarial faoliyat bilan shug'ullanish huquqini beruvchi litsenziya uchun yagona tanlovdan so'ng qarordan ko'chirma bir ish kuni ichida Yagona interaktiv davlat xizmatlari portali orqali talabgorga [yuboriladi](#).

4-bob. Talabgordan notarius qasamyodini qabul qilish

44. Yagona tanlovda g‘olib deb topilgan talabgor komissiya majlisida O‘zbekiston Respublikasi “Notariat to‘g‘risida”gi [Qonunga](#) asosan quyidagi mazmunda qasamyod qabul qiladi:

“Notarius vazifasini halol va vijdonan bajarishga, O‘zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi va qonunlariga qat’iy rioya etishga tantanali [qasamyod qilaman](#)”.

45. Talabgor notarius qasamyodi matnini ovoz chiqarib o‘qiydi va talabgor to‘g‘risidagi ma’lumotlar, qasamyod qabul qilingan sana va joy bayon etilgan tegishli hujjatni imzolaydi.

Mazkur hujjat ham komissiya qaroriga ilova qilinadi.

46. Yagona tanlovda g‘olib deb topilgan talabgorning notarius qasamyodini qabul qilishdan bosh tortishi uning notarius lavozimiga tayinlanishdan voz kechishi deb hisoblanadi.

5-bob. Davlat notarial idorasi notariusi lavozimiga tayinlash va litsenziya berish

47. Komissiyaning davlat notarial idorasi notariusi lavozimi uchun yagona tanlov yakunlari bo‘yicha qabul qilgan qarori yagona tanlovda g‘olib deb topilgan talabgor bilan mehnat shartnomasini tuzish va uni notarius lavozimiga tayinlashga asos bo‘ladi.

Komissiyaning xususiy notarial faoliyat bilan shug‘ullanish huquqini beruvchi litsenziya uchun yagona tanlov yakunlari bo‘yicha qabul qilgan qarori xususiy notarial faoliyat bilan shug‘ullanish huquqini beruvchi litsenziya uchun yagona tanlovda g‘olib deb topilgan talabgorga litsenziya berishga asos bo‘ladi.

48. Yagona tanlov g‘olibi bilan mehnat shartnomasini tuzish va uni davlat notarial idorasi notariusi lavozimiga tayinlash tegishli hududiy adliya organining buyrug‘i bilan amalga oshiriladi.

Agar talabgor davlat notarial idorasi notariusining bolani parvarishlash ta’tili davriga uning o‘rnida vaqtincha ushbu lavozimda ishlash uchun tayinlangan bo‘lsa, u bilan muddatli mehnat shartnomasi tuziladi va tegishli buyruq chiqariladi.

Yagona tanlov g‘olibi bilan mehnat shartnomasini tuzish va uni davlat notarial idorasi notariusi lavozimiga tayinlash haqidagi buyruq komissiya qaroridan ko‘chirma olingan kundan boshlab uch kundan kechiktirmay chiqariladi.

Xususiy notarial faoliyat bilan shug‘ullanish huquqini beruvchi litsenziya Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 7-iyuldagi 369-son qarori bilan tasdiqlangan Xususiy notarial faoliyatni litsenziyalash tartibi to‘g‘risida [nizomda](#) belgilangan tartibda beriladi.

49. Davlat notarial idorasi notariusi lavozimiga tayinlangan yoki litsenziya olgan, biroq oxirgi uch yilda notarius, notarius yordamchisi, notarius stajyori yoki notarius kotibi lavozimida ishlamagan shaxslar Vazirlik bilan kelishilgan holda O'zbekiston Respublikasi Notarial palatasi tomonidan tasdiqlanadigan dastur bo'yicha bir oylik amaliyotni o'taydilar.

Amaliyot o'tash davlat notarial idorasi notariusi lavozimiga tayinlash to'g'risidagi buyruqda yoki litsenziya berish to'g'risidagi qarorda nazarda tutiladi.

O'zbekiston Respublikasi Notarial palatasining tegishli hududiy boshqarmasi hamda tegishli hududiy adliya organining kelishuviga asosan soha bo'yicha yetarli tajriba va ko'nikmalarga ega bo'lgan hamda notarius lavozimida kamida uch yil ishlayotgan notarius amaliyot murabbiyi etib belgilanadi.

6-bob. Yagona tanlovda ishtirok etishdan yoxud davlat notarial idorasi notariusi lavozimiga tayinlanishdan voz kechish

50. Talabgor yagona tanlovning har qanday bosqichida, shuningdek yagona tanlovda ishtirok etishdan, xususiy notarial faoliyat bilan shug'ullanish huquqini beruvchi litsenziya olishdan yoki davlat notarial idorasi notariusi lavozimiga tayinlanishdan voz kechishga haqli. Buning uchun talabgor bevosita Vazirlikka yoki tegishli hududiy adliya organiga ariza bilan murojaat etishi lozim.

Agar yagona tanlovda g'olib deb topilgan talabgor yagona tanlov o'tkazilgan kundan boshlab o'n kun ichida tegishli hududiy adliya organiga mehnat shartnomasini tuzish va davlat notarial idorasi notariusi lavozimiga tayinlanish uchun murojaat qilmasa, bu holat davlat notarial idorasi notariusi lavozimiga tayinlanishdan voz kechish deb hisoblanadi, kelmaganlik sababi uzrli deb topilgan hollar (kasalligi, davlat yoki jamoat vazifalarini bajarganligi, yaqin qarindoshlarining vafoti, O'zbekiston Respublikasidan tashqarida bo'lishi sababli) bundan mustasno.

51. Agar davlat notarial idorasi notariusi lavozimiga tayinlash to'g'risidagi buyruq qabul qilingunga qadar notarius lavozimiga tayinlanishdan voz kechsa, yagona tanlovda mazkur talabgordan so'ng eng yuqori ball olgan talabgor komissiya qarori asosida notarius lavozimiga tayinlanadi.

Bunda ushbu talabgor yagona tanlovda olinishi mumkin bo'lgan eng yuqori ballning 55 foizidan ko'p ball to'plagan hamda mazkur Nizomning 39-bandiga hamda 48-bandining ikkinchi xatboshisiga muvofiq boshqa bo'sh (vaqtincha bo'sh) notarius o'rniga tayinlanmagan bo'lishi lozim.

52. Agar talabgor yagona tanlovga kelmasa olti oy davomida keyingi tanlovlarga yoki malaka imtihoniga qo'yilmaydi, kelmaganlik sababi uzrli deb

topilgan hollar (kasalligi, davlat yoki jamoat vazifalarini bajarganligi, yaqin qarindoshlarining vafoti, O'zbekiston Respublikasidan tashqarida bo'lishi sababli) bundan mustasno.

7-bob. Yagona tanlov bo'yicha hujjatlarni yuritish

53. O'tkazilgan har bir yagona tanlov bo'yicha materiallar, shu jumladan yagona tanlovni o'tkazish jarayoni qayd etilgan audio va videoyozuvlar ishchi organ tomonidan elektron shaklda doimiy saqlanadi.

8-bob. Yakuniy qoidalar

54. Komissiya qarorlari ustidan sudga shikoyat qilinishi mumkin.

55. Mazkur Nizom talablari buzilishida aybdor bo'lgan shaxslar qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda javobgar bo'ladilar.

Notariuslikka talabgorlar uchun yagona tanlov
o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizomga
1-ILOVA

O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi
huzuridagi Oliy malaka komissiyasiga

(talabgorning yashash manzili va F.I.O.)

ARIZA

Menga "Inson va qonun" gazetasi (Adliya vazirligining rasmiy veb-sayti)ning 20__ yil "____" _____ da
berilgan e'loniga muvofiq _____ notariusi
lavozimiga tayinlash bo'yicha _____
(davlat notarial idorasining nomi)

Yagona tanlovda ishtirok etishga ruxsat berishingizni so'rayman.
Avval notarius lavozimiga tayinlash bo'yicha yagona tanlovda
20__ yil "____" _____ da

ishtirok _____
(etmaganman yoki etganman)

Telefon raqamim: _____

Elektron pochta manzilim: _____

Pasport (identifikatsiya ID-karta) ma'lumotlarim:

(seriyasi)

(raqami)

(JSHSHIR)


(sana)

(imzo)

Notariuslikka talabgorlar uchun yagona tanlov
o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizomga
2-ILOVA

So'rovnom

1. Familiyasi: _____
Ismi: _____
Otasining ismi: _____



2. Tug'ilgan sanasi: _____ yil "_____" _____.

3. Ma'lumoti: _____ Tamomlagan: _____
(sana)

(oliy ta'lim tashkiloti nomi)

Diplom bo'yicha mutaxassisligi: _____

Ilmiy darajasi, ilmiy unvoni (agar mavjud bo'lsa): _____

4. Mehnat daftarchasidan ish staji haqida ma'lumotlar:

T/r	Ishga kirish sanasi	Ishdan ketish sanasi	Ish joyi va lavozimi
1.			
2.			
...			

5. O'ziga nisbatan muomala layoqatini cheklash yoki muomalaga layoqatsiz deb topish to'g'risida sudning qarori mavjudligi: _____

6. Sudlanganlik holati: _____

7. So'rovnomadagi ma'lumotlarning haqiqiyliги va to'g'riligini tasdiqlayman.

So'rovnom to'ldirilgan sana: 20 ____ yil "_____" _____.

Shaxsiy imzo _____

Notariuslikka talabgorlar uchun yagona tanlov
o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizomga
3-ILOVA

20__ yil “__” ____ -son

Talabgor _____ ga

(F.I.O)

(yashash joyi)

XABARNOMA

O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan _____

_____ notarius

(notarius lavozimiga yagona tanlov o'tkazilayotgan notarial idoraning nomi)

lavozimiga o'tkaziladigan yagona tanlovda ishtirok etish uchun taqdim etgan hujjatlaringiz ko'rib chiqildi.

(yagona tanlovda ishtirok etishni rad etish sabablari)

_____ sababli Notariuslikka talabgorlar uchun yagona tanlov o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizomning 12-bandiga muvofiq Sizning yagona tanlovda ishtirok etishingiz rad etildi.

Komissiya mas'ul kotibi
(imzo)

(F.I.O)

Notariuslikka talabgorlar uchun yagona tanlov
o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizomga
4-ILOVA

**Yagona tanlovdan chetlashtirish haqida
DALOLATNOMA**

Toshkent shahri

20__ yil "____" _____

Biz, quyida imzo chekuvchilar shuni tasdiqlaymizki, Notariuslikka talabgorlar uchun yagona tanlov o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizomning 33-bandi talablariga asosan talabgor _____
_____ quyidagi sabablarga ko'ra

(*F.I.O*)

Yagona tanlovdan soat ____:____ da chetlatildi:

- uyali telefon, boshqa aloqa va telekommunikatsiya vositalari, kitob hamda shpargalkalardan foydalandi;
- boshqa talabgorlar bilan suhbatlashdi;
- yagona tanlov tugamasidan xonadan tashqariga chiqdi.

Komissiya a'zosi

(*imzo*)

(*F.I.O*)

Komissiya a'zosi

(*imzo*)

(*F.I.O*)

Komissiya a'zosi

(*imzo*)

(*F.I.O*)

Notariuslikka talabgorlar uchun yagona tanlov
o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizomga
5-ILOVA

**O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi huzuridagi Oliy malaka komissiyasi a'zosining
BAHOLASH BYULLETENI**

T/r	Yagona tanlov o'tkazilayotgan notarial okrug nomi	Talabgorlarning F.I.O.	Qo'yilgan ball
1.			
2.			
3.			
...			

Komissiya a'zosi

(imzo)

(F.I.O.)

Notariuslikka talabgorlar uchun yagona tanlov
o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizomga
6-ILOVA

O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi huzuridagi Oliy malaka komissiyasining
_____ -son majlisi
YIG'MA BAHOLASH BYULLETENI

T/r	Yagona tanlov o'tkazilayotgan notarial okrug nomi	Talabgorlarning F.I.O.	Komissiya a'zolarining F.I.O. va ular tomonidan qo'yilgan ballar											Jami ball
			F.I.O.	F.I.O.	F.I.O.	F.I.O.	F.I.O.	F.I.O.	F.I.O.	F.I.O.	F.I.O.	F.I.O.	F.I.O.	
1.														
2.														
3.														
...														

Komissiya a'zosi

(imzo)

(F.I.O.)

Komissiya a'zosi

(imzo)

(F.I.O.)

Komissiya a'zosi

(imzo)

(F.I.O.)

O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining
2026-yil 9-fevraldagi 5-mh-son buyrug‘iga
2-ILOVA

O‘z kuchini yo‘qotgan deb topilayotgan idoraviy normativ-huquqiy hujjatlar RO‘YXATI

1. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2019-yil 4-yanvardagi 3-mh-son “Davlat notarial idorasi notariusini lavozimiga tayinlash bo‘yicha tanlov va xususiy notarial faoliyat bilan shug‘ullanish huquqini berish bo‘yicha malaka imtihonini o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3114, 2019-yil 4-yanvar) (Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 05.01.2019-y., 10/18/3114/2423-son).

2. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2020-yil 15-iyundagi 134-mh-son “Notarius lavozimiga tayinlash bo‘yicha tanlov o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyruqqa o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3114-1, 2020-yil 15-iyun) (Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 15.06.2020-y., 10/20/3114-1/0763-son).

3. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2021-yil 27-fevraldagi 3-mh-son “Davlat notarial idorasi notariusini lavozimiga tayinlash bo‘yicha tanlov va xususiy notarial faoliyat bilan shug‘ullanish huquqini berish bo‘yicha malaka imtihonini o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomga qo‘shimchalar va o‘zgartirish kiritish haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3114-2, 2021-yil 27-fevral) (Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 27.02.2021-y., 10/21/3114-2/0168-son).

4. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2022-yil 7-oktabrdagi 22-mh-son “Davlat notarial idorasi notariusini lavozimiga tayinlash bo‘yicha tanlov va xususiy notarial faoliyat bilan shug‘ullanish huquqini berish bo‘yicha malaka imtihonini o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyruqqa o‘zgartirishlar va qo‘shimcha kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3114-3, 2022-yil 7-oktabr) (Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 07.10.2022-y., 10/22/3114-3/0901-son).

5. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2025-yil 1-fevraldagi 1-mh-son “Davlat notarial idorasi notariusini lavozimiga tayinlash bo‘yicha tanlov va xususiy notarial faoliyat bilan shug‘ullanish huquqini berish bo‘yicha malaka imtihonini o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3114-4, 2025-yil 6-fevral) (Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 07.02.2025-y., 10/25/3114-4/0113-son).



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 2265-5
2026 - yil 13 - Fevral

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRLIGI
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASI HUZURIDAGI
IQTISODIY JINOYATLARGA QARSHI KURASHISH DEPARTAMENTINING
QARORI

**Lizing xizmatlari ko'rsatuvchi tashkilotlarda jinoiy faoliyatdan
olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni
moliyalashtirishga va ommaviy qirg'in qurolini tarqatishni
moliyalashtirishga qarshi kurashish bo'yicha ichki nazorat
qoidalariga qo'shimchalar va o'zgartirish kiritish to'g'risida**

O'zbekiston Respublikasining "Jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg'in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish to'g'risida"gi [Qonuniga](#) muvofiq O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi va O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi huzuridagi Iqtisodiy jinoyatlarga qarshi kurashish departamenti **qaror qiladi:**

1. O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi va O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi huzuridagi Soliq, valyutaga oid jinoyatlarga va jinoiy daromadlarni legallashtirishga qarshi kurashish departamentining 2011-yil 25-avgustdagi 56, 28-son [qarori](#) (ro'yxat raqami 2265, 2011-yil 22-sentabr) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2011-y., 38-son, 394-modda) bilan tasdiqlangan Lizing xizmatlari ko'rsatuvchi tashkilotlarda jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg'in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish bo'yicha ichki nazorat qoidalariga ilovaga muvofiq qo'shimchalar va o'zgartirish kiritilsin.

2. Mazkur qaror rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran uch oydan keyin kuchga kiradi.

Vazir
2026-yil 16-yanvar
322-son



KUCHKAROV DJAMSHID
ANVAROVICH

O'zbekiston Respublikasi Bosh
prokurorining o'rinbosari -
Departament boshlig'i
2026-yil 7-yanvar
1-son



XATAMOV JAXONGIR
JURAYEVICH

O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligining
2026-yil 16-yanvardagi 322-son hamda Bosh prokuratura
huzuridagi Iqtisodiy jinoyatlarga qarshi kurashish
departamentining 2026-yil 7-yanvardagi 1-son qaroriga

ILOVA

**Lizing xizmatlari ko'rsatuvchi tashkilotlarda jinoiy faoliyatdan
olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni
moliyalashtirishga va ommaviy qirg'in qurolini tarqatishni
moliyalashtirishga qarshi kurashish bo'yicha ichki nazorat
qoidalariga kiritilayotgan qo'shimchalar va o'zgartirish**

1. 1-band:

quyidagi mazmundagi yigirma birinchi xatboshi bilan to'ldirilsin:

“ichki qoidalar – lizing beruvchilar va ularning filiallarida ichki nazoratni tashkil etish va amalga oshirish tartibini belgilab beruvchi ichki hujjat;”;
yigirma birinchi xatboshi yigirma ikkinchi xatboshi deb hisoblansin.

2. 4-band quyidagi mazmundagi xatboshilar bilan to'ldirilsin:

“Mas'ul shaxs lavozimiga quyidagi shaxslar tayinlanishi mumkin emas:
o'z faoliyati va shaxsiy xulq atvorida ishonib topshirilgan bo'linmani noto'g'ri boshqargani yoki ishni vijdonan yuritmaganini namoyon etgan shaxslar;
iqtisodiyot sohasidagi, boshqaruv tartibiga qarshi, jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirish va terrorizmni moliyalashtirish bilan bog'liq jinoyatlari uchun avval sud tomonidan jinoiy javobgarlikka tortilgan shaxslar.”.

3. 4¹-band quyidagi mazmundagi xatboshilar bilan to'ldirilsin:

Mas'ul shaxs lizing beruvchining shtatidagi lavozimlardan birini egallagan bo'lishi lozim.

Lizing beruvchi ichki nazoratni amalga oshirish uchun mas'ul shaxs rahbarligi ostida bo'lgan alohida tarkibiy bo'linmani shakllantirishga haqli.”.

4. Quyidagi mazmundagi 4²-band bilan to'ldirilsin:

“4². Lizing beruvchining filiali mavjud bo‘lgan taqdirda, filialning xodimlar shtat birligiga filialning mas‘ul shaxsi lavozimi kiritilishi mumkin.

Agar bevosita lizing xizmatlarini ko‘rsatish bilan bog‘liq vazifalarni bajarayotgan filialning shtatida xodimlar soni uch kishidan ortiq bo‘lmasa, bosh tashkilotning mas‘ul shaxsi yoki filial rahbari filialning mas‘ul shaxsi etib tayinlanishi mumkin.

Filialning mas‘ul shaxsiga mazkur Qoidalarning talablari quyidagi xususiyatlarni hisobga olgan holda tatbiq etiladi:

filialning mas‘ul shaxsi o‘z faoliyatida filialning boshqa xodimlaridan mustaqil va filial rahbariga va bosh tashkilotning mas‘ul shaxsiga hisobdor bo‘ladi;

filialning mas‘ul shaxsi aniqlangan barcha qonunchilik hujjatlari va ichki hujjatlarining buzilishlari to‘g‘risida filial rahbari va bosh tashkilotning mas‘ul shaxsiga axborot beradi;

filialning mas‘ul shaxsi filial faoliyatiga tegishli hisobot hujjatlarini mazkur Qoidalarda belgilangan tartibda bosh tashkilotning mas‘ul shaxsi va filial rahbariga taqdim etadi.

Filialning mas‘ul shaxsi vazifalari filial rahbari tomonidan bajarilgan taqdirda filial rahbari:

bosh tashkilotning mas‘ul shaxsi va rahbariga hisobdor bo‘ladi;

aniqlangan barcha qonunchilik hujjatlari va ichki hujjatlarning buzilishlari to‘g‘risida bosh tashkilotning mas‘ul shaxsi va rahbariga axborot beradi;

filial faoliyatiga tegishli hisobot hujjatlarini mazkur Qoidalarda belgilangan tartibda bosh tashkilotning mas‘ul shaxsi va rahbariga taqdim etadi.”.

5. 24-bandning birinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“24. Shubhali operatsiyalar haqidagi ma‘lumotlar lizing beruvchilar tomonidan maxsus vakolatli davlat organiga shubhali operatsiyalar deb topilgan paytdan e‘tiboran bir ish kunidan kechiktirmay Jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish bilan bog‘liq shubhali operatsiyalar haqidagi xabar va unga ilova qilinadigan ma‘lumotlarning [namunaviy shakli hamda hujjatlar ro‘yxatida](#) (ro‘yxat raqami 3419, 2023-yil 7-fevral) belgilangan shaklda taqdim etiladi.”.



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 2329-9
2026 - yil 13 - Fevral

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI RAQAMLI TEXNOLOGIYALAR
VAZIRLIGI
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IQTISODIYOT VA MOLIYA
VAZIRLIGINING
QARORI

Mobil aloqa xizmatlarini ko'rsatuvchi yuridik shaxslar (uyali aloqa kompaniyalari) tomonidan abonent raqamidan foydalanganlik uchun to'lovlarni hisoblash va to'lash tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar kiritish haqida

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 29-dekabrda PQ-422-son "O'zbekiston Respublikasining "2024-yil uchun O'zbekiston Respublikasining Davlat budjeti to'g'risida"gi Qonuni ijrosini ta'minlash chora-tadbirlari to'g'risida"gi qaroriga muvofiq O'zbekiston Respublikasi Raqamli texnologiyalar vazirligi hamda Iqtisodiyot va moliya vazirligi qaror qiladi:

1. O'zbekiston aloqa va axborotlashtirish agentligi va O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligining 2012-yil 1-fevral 2-yu-son, 7-son qarori (ro'yxat raqami 2329, 2012-yil 21-fevral) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2012-y., 8-9-son, 89-modda) bilan tasdiqlangan Mobil aloqa xizmatlarini ko'rsatuvchi yuridik shaxslar (uyali aloqa kompaniyalari) tomonidan abonent raqamidan foydalanganlik uchun to'lovlarni hisoblash va to'lash tartibi to'g'risidagi nizomga ilovaga muvofiq o'zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur qaror O'zbekiston Respublikasi Soliq qo'mitasi bilan kelishilgan.

3. Mazkur qaror rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Vazir
2026-yil 5-fevral
285-mh-son



SHERMATOV SHERZOD
XOTAMOVICH

Vazir
2026-yil 30-yanvar
325-son



KUCHKAROV DJAMSHID
ANVAROVICH

Kelishildi:

Rais
2026-yil 15-yanvar



PULATOV FARRUX
JAXONGIROVICH

O'zbekiston Respublikasi Raqamli texnologiyalar
vazirligining 2026-yil 5-fevraldagi 285-mh-son hamda
Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2026-yil
30-yanvardagi 325-son qaroriga
ILOVA

Mobil aloqa xizmatlarini ko'rsatuvchi yuridik shaxslar (uyali aloqa kompaniyalari) tomonidan abonent raqamidan foydalanganlik uchun to'lovlarni hisoblash va to'lash tartibi to'g'risidagi nizomga kiritilayotgan o'zgartirishlar

1. Muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Mazkur Nizom mobil aloqa xizmatlarini ko'rsatuvchi yuridik shaxslar (uyali aloqa kompaniyalari) tomonidan abonent raqamidan foydalanganlik uchun to'lovlarni hisoblash va to'lash tartibini belgilaydi.”.

2. 11 va 11¹-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“11. To'lov summasi O'zbekiston Respublikasining respublika budjeti, O'zbekiston Respublikasi Raqamli texnologiyalar vazirligi huzuridagi Raqamli texnologiyalarni rivojlantirish jamg'armasi, Muhammad al-Xorazmiy nomidagi Toshkent axborot texnologiyalari universiteti huzuridagi Ilmiy-innovatsion rivojlantirish jamg'armasi va Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Milliy kutubxonasi huzuridagi Axborot-kutubxona muassasalarini rivojlantirish jamg'armasi o'rtasida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining qarorlari bilan belgilangan normativlar bo'yicha taqsimlanadi.

11¹. Hisobot oyi uchun to'lov summasi O'zbekiston Respublikasi Raqamli texnologiyalar vazirligining shaxsiy g'azna hisobvarag'iga kelib tushadi hamda belgilangan tartibda taqsimlanadi.”.

3. 12² -band o'z kuchini yo'qotgan deb topilsin.



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3124-9
2026 - yil 13 - Fevral

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRINING BUYRUG'I

O'zbekiston Respublikasi budjet hisobining standarti (3-sonli BHS) "Budjet hisoboti"ga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish haqida

O'zbekiston Respublikasi Budjet [kodeksi](#), O'zbekiston Respublikasining 2025-yil 25-dekabrda O'RQ-1107-son "Budjet jarayoni takomillashtirilishi munosabati bilan O'zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish to'g'risida"gi [Qonuni](#), O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 17-mayda PF-136-son "Tibbiyot muassasalari xodimlarini moddiy qo'llab-quvvatlash hamda rag'batlantirishni kuchaytirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi [Farmoni](#) va 2005-yil 1-dekabrda PQ-229-son "Tibbiyot xodimlari mehnatiga haq to'lash tizimini takomillashtirish to'g'risida"gi [qaroriga](#) muvofiq buyuraman:

1. O'zbekiston Respublikasi moliya vazirining 2018-yil 18-dekabrda 157-son buyrug'i (ro'yxat raqami 3124, 2019-yil 18-yanvar) (Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 19.01.2019-y., 10/19/3124/2524-son) bilan tasdiqlangan O'zbekiston Respublikasi budjet hisobining standarti (3-sonli BHS) "[Budjet hisoboti](#)"ga ilovaga muvofiq o'zgartirish va qo'shimchalar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Vazir
30-Yanvar 2026-yil
327-son



KUCHKAROV DJAMSHID
ANVAROVICH

O'zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya
vazirining 2026-yil 30-yanvardagi 327-son buyrug'iga
ILOVA

**O'zbekiston Respublikasi budjet hisobining standarti (3-sonli BHS)
“Budjet hisoboti”ga kiritilayotgan o'zgartirish va qo'shimchalar**

1. 98-bandning uchinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“a) tibbiyot tashkilotiga ajratiladigan budjet mablag'lari umumiy hajmining 5 foizi (O'zbekiston Respublikasi Prezidentining farmonlari va qarorlarida belgilangan alohida tibbiyot tashkilotlarida 10 foizi) miqdorida budjetdan ajratiladigan mablag'lar” qatorida tibbiyot tashkiloti uchun budjetdan ajratiladigan umumiy mablag'larning (xarajatlar smetasida nazarda tutilgan jami mablag'larning) 5 foizi (O'zbekiston Respublikasi Prezidentining farmon va qarorlarida belgilangan alohida tibbiyot tashkilotlarida 10 foizi) tibbiyot tashkilotining mazkur jamg'armasiga o'tkazilgan summalari ko'rsatiladi.”.

2. 170-bandning ikkinchi va uchinchi xatboshilari quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Davlat budjeti ijrosining borishi to'g'risidagi choraklik hisobotni hisobot davridan keyingi ikkinchi oyning 10-sanasiga qadar;

Davlat budjetining ijrosi to'g'risidagi yillik hisobotni hisobot yilidan keyingi yilning 1-martigacha taqdim etadi.”.

3. 1-ilovaning 82-qatoridan keyin quyidagi mazmundagi qator bilan to'ldirilsin:

“

Tovarlar (166 000)	082 ¹		
--------------------	------------------	--	--

”.

4. 6-ilovaning matnidagi “5 foizigacha” degan so'zlar “5 foizi (O'zbekiston Respublikasi Prezidentining farmonlari va qarorlarida belgilangan alohida tibbiyot tashkilotlarida 10 foizi)” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

5. 9-ilovaning 140-qatoridan keyin quyidagi mazmundagi qator bilan to'ldirilsin:

“

Tovarlar (166 000)	140 ¹									
--------------------	------------------	--	--	--	--	--	--	--	--	--

”

6. 13-ilovaning 144-qatoridan keyin quyidagi mazmundagi qator bilan to'ldirilsin:

“

Tovarlar (166 000)	144 ¹		
--------------------	------------------	--	--

”



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3159-4
2026 - yil 13 - Fevral

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRINING BUYRUG'I

O'zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi tergov hibsxonalari va jazoni ijro etish muassasalarida saqlanayotgan shaxslarning tibbiy-sanitariya ta'minoti bo'yicha qoidalarning 161-bandiga o'zgartirish kiritish haqida

O'zbekiston Respublikasining 2025-yil 30-dekabrda O'RQ-1109-son "Mahalliy davlat hokimiyati organlari faoliyati takomillashtirilishi munosabati bilan O'zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish to'g'risida"gi [Qonuniga](#) muvofiq **buyuraman:**

1. O'zbekiston Respublikasi ichki ishlar vazirining 2019-yil 23-martdagi 67-son buyrug'i (ro'yxat raqami 3159, 2019-yil 20-may) (Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 20.05.2019-y., 10/19/3159/3151-son) bilan tasdiqlangan O'zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi tergov hibsxonalari va jazoni ijro etish muassasalarida saqlanayotgan shaxslarning tibbiy-sanitariya ta'minoti bo'yicha qoidalarning [161-bandidagi](#) "mahalliy davlat hokimiyati organlari" degan so'zlar "mahalliy ijro etuvchi hokimiyat organlari" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Vazir
2026-yil 2-fevral
51-son



TASHPULATOV AZIZ
ANVAROVICH



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3562-1
2026 - yil 13 - Fevral

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRINING BUYRUG'I

O'zbekiston Respublikasi budget hisobining standarti (16-sonli BHS) "Baholangan majburiyatlar, shartli majburiyatlar va shartli aktivlar"ning 25-bandiga o'zgartirish kiritish haqida

O'zbekiston Respublikasining 2025-yil 30-dekabrda O'RQ-1109-son "Mahalliy davlat hokimiyati organlari faoliyati takomillashtirilishi munosabati bilan O'zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish to'g'risida"gi Qonuniga muvofiq **buyuraman:**

1. O'zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2024-yil 9-sentabrdagi 175-son buyrug'i (ro'yxat raqami 3562, 2024-yil 22-oktabr) (Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 29.10.2024-y., 10/24/3562/0863-son) bilan tasdiqlangan O'zbekiston Respublikasi budget hisobining standarti (16-sonli BHS) "Baholangan majburiyatlar, shartli majburiyatlar va shartli aktivlar"ning 25-bandi ikkinchi xatboshisidagi "mahalliy davlat hokimiyati organi" degan so'zlar "mahalliy ijro etuvchi hokimiyati organi" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Vazir
2026-yil 5-fevral
329-son



KUCHKAROV DJAMSHID
ANVAROVI



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3603-2
2026 - yil 13 - Fevral

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRLIGI
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGINING
QARORI

**Pullik tibbiy xizmat ko'rsatadigan davolash-profilaktika
muassasalarini moliyalash tartibining 9-bandiga o'zgartirish
kiritish to'g'risida**

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 11-noyabrdagi 718-son "O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligi tizimidagi tibbiyot muassasalarida pulli xizmat ko'rsatish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi [qaroriga](#) muvofiq O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi hamda Sog'liqni saqlash vazirligi qaror qiladi:

1. O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2024-yil 26-dekabrda 210-son, Sog'liqni saqlash vazirligining 2024-yil 24-dekabrda 20-son qarori (ro'yxat raqami 3603, 2025-yil 27-yanvar) (Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 29.01.2025-y., 10/25/3603/0082-son) bilan tasdiqlangan Pullik tibbiy xizmat ko'rsatadigan davolash-profilaktika muassasalarini moliyalash [tartibining](#) 9-bandi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"9. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 11-noyabrdagi 718-son qarori bilan tasdiqlangan O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligi tizimidagi tibbiyot muassasalarida pulli xizmat ko'rsatish tartibi to'g'risidagi nizomning [29-bandiga](#) asosan mijozlar tibbiyot muassasasiga to'lovni oldindan to'liq to'lash shartlarida qabul qilinadi. Haq to'lash bank shoxobchasi yoki tibbiyot muassasalarining nazorat-kassa (terminal) apparatlari qo'llangan va qat'iy hisobot hujjatlari hisoblanadigan blankalardan foydalangan holda, shuningdek, elektron to'lov tizimlari orqali to'lanadi. Mijoz naqd pul yoki bank plastik kartasi orqali to'lovni to'lagan taqdirda, bank tomonidan tasdiqlangan to'lov topshiriqnomasi nusxasini yoki kassir tomonidan mijozning haq to'laganligini tasdiqlovchi to'lov qog'ozini ro'yxatga olish bo'limiga topshiradi, kassa izi tushirilgan chek mijozning o'zida qoladi, elektron to'lovda esa fiskal belgili chek taqdim etiladi.

Alohida hollarda (davolash xarajatlari tibbiy sug'urta jamg'armasidan yoki xodimning ish joyidan to'lab beriladigan va boshqa holatlarda) tibbiy xizmat uchun to'lovlarni

to'lash muddatlari davolash-profilaktika muassasasi va davolanuvchi o'rtasida tuziladigan shartnomada belgilanishi mumkin.”.

2. Mazkur qaror rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Vazir
05-Fevral 2026-yil
328-son



KUCHKAROV DJAMSHID
ANVAROVICH

Vazir
28-Yanvar 2026-yil
8718-son



XUDAYAROV ASILBEK
ANVAROVICH



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3774
2026 - yil 13 - Fevral

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
HUZURIDAGI TA'LIM SIFATINI TA'MINLASH MILLIY AGENTLIGI
DIREKTORINING

BUYRUG'I

O'zbekiston Respublikasida tan olinadigan xalqaro, xorijiy va nodavlat akkreditatsiya tashkilotlari reyestrini yuritish hamda ularning ta'lim dasturlarini akkreditatsiyadan o'tkazish bo'yicha faoliyatini monitoring qilish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 5-maydagi PF-76-son "Ta'lim sifatini ta'minlash va ta'lim xizmatlari ko'rsatish tizimini takomillashtirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi Farmoni hamda Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 6-avgustdagi 498-son "O'rta maxsus, kasbiy, oliy va oliy ta'limdan keyingi ta'lim, shuningdek, kadrlarni qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish tashkilotlarini kompleks hamda maxsus davlat akkreditatsiyasidan o'tkazish tizimini joriy etish to'g'risida"gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. O'zbekiston Respublikasida tan olinadigan xalqaro, xorijiy va nodavlat akkreditatsiya tashkilotlari reyestrini yuritish hamda ularning ta'lim dasturlarini akkreditatsiyadan o'tkazish bo'yicha faoliyatini monitoring qilish tartibi to'g'risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq O'zbekiston Respublikasi Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirligi bilan kelishilgan.

3. Ushbu buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Direktor
2026-yil 27-yanvar
9-son



YULDASHEV BAXTIYOR
GAYRADJONOVICH

Kelishildi:

Vazir
2026-yil 12-yanvar



SHARIPOV KONGRATBAY
AVEZIMBETOVICH

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi
huzuridagi Ta'lim sifatini ta'minlash milliy agentligi
direktorining 2026-yil 27-yanvardagi 9-son buyrug'iga

ILOVA

**O'zbekiston Respublikasida tan olinadigan xalqaro, xorijiy va
nodavlat akkreditatsiya tashkilotlari reyestrini yuritish hamda
ularning ta'lim dasturlarini akkreditatsiyadan o'tkazish bo'yicha
faoliyatini monitoring qilish tartibi to'g'risidagi**

NIZOM

Mazkur Nizom O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Ta'lim sifatini ta'minlash milliy agentligi (bundan buyon matnda Agentlik deb yuritiladi) tomonidan O'zbekiston Respublikasida tan olinadigan xalqaro, xorijiy va nodavlat akkreditatsiya tashkilotlarining [reyestrini yuritish](#) hamda ularning ta'lim dasturlarini akkreditatsiyadan o'tkazish bo'yicha faoliyatini monitoring qilish tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. O'zbekiston Respublikasida tan olinadigan xalqaro, xorijiy va nodavlat akkreditatsiya tashkilotlarining reyestri (bundan buyon matnda reyestr deb yuritiladi) xalqaro, xorijiy va nodavlat akkreditatsiya tashkilotlarining Agentlik tomonidan yuritiladigan ro'yxati hamda ular haqida ma'lumotlardan iborat yagona ma'lumotlar banki hisoblanadi.

2. Xalqaro, xorijiy va nodavlat akkreditatsiya tashkilotlarini (bundan buyon matnda akkreditatsiya tashkilotlari deb yuritiladi) reyestrga kiritish Akkreditatsiya tashkilotlari reyestrini yuritish komissiyasining (bundan buyon matnda Komissiya deb yuritiladi) qaroriga asosan amalga oshiriladi.

3. Ta'lim tashkilotlarini kompleks davlat akkreditatsiyasidan o'tkazish davrida reyestrغا kiritilgan akkreditatsiya tashkilotlari tomonidan akkreditatsiyadan o'tkazilgan ta'lim dasturlari O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 6-avgustdagi 498-son "O'rta maxsus, kasbiy, oliy va oliy ta'limdan keyingi ta'lim, shuningdek, kadrlarni qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish tashkilotlarini kompleks hamda maxsus davlat akkreditatsiyasidan o'tkazish tizimini joriy etish to'g'risida"gi [qarorida](#) belgilangan mezonlar bo'yicha ijobiy baholangan deb hisoblanadi.

2-bob. Akkreditatsiya tashkilotlarini reyestrغا kiritish shartlari va ariza berish tartibi

4. Akkreditatsiya tashkilotlarini reyestrغا kiritish [shartlari](#) quyidagilardan iborat:

akkreditatsiya tashkiloti sifatida faoliyat yuritishi uchun tegishli vakolat (hujjat)ga [ega bo'lishi](#);

akkreditatsiya tashkilotining xalqaro akkreditatsiyadan o'tkazish talablari, baholash mezonlari va o'tkazish tartiblari O'zbekiston Respublikasining davlat akkreditatsiyasidan o'tkazish talablari, baholash mezonlari va o'tkazish tartiblariga [zid bo'lmasligi](#);

ta'lim sifatini ta'minlash tarmoqlarining to'la huquqli [a'zosi bo'lishi](#) (nufuzli xalqaro ta'lim sifatini ta'minlash assotsiatsiyalaridan kamida bittasiga a'zo bo'lishi);

nufuzli xalqaro reytinglarning TOP-300 talik ro'yxatida bo'lgan kamida 5 ta oliy ta'lim tashkilotining ta'lim dasturlarini xalqaro akkreditatsiyadan [o'tkazgan bo'lishi](#);

umumiy ekspertlarining kamida 30 foizi xorijiy [ekspert bo'lishi](#) (xalqaro va xorijiy akkreditatsiya tashkilotlari uchun);

akkreditatsiya tashkiloti O'zbekiston Respublikasining huquqiy va ma'naviy asoslariga mutanosib bo'lishi, milliy qadriyatlar va ijtimoiy-siyosiy hayotiga [qarshi bo'lmasligi](#);

o'zining rasmiy veb-saytida xalqaro akkreditatsiyadan o'tkazgan ta'lim tashkilotlari to'g'risida [ma'lumotlarning mavjudligi](#).

5. Akkreditatsiya tashkilotini reyestrغا kiritish mazkur akkreditatsiya tashkilotining yozma yoki elektron shakldagi arizasi asosida amalga oshiriladi.

Reyestrغا kiritish shartlariga to'liq mos keladigan xalqaro akkreditatsiya tashkiloti Agentlik tashabbusi asosida reyestrغا kiritilishi mumkin.

6. Akkreditatsiya tashkilotini reyestrغا kiritish bo'yicha arizaga quyidagilar ilova qilinishi lozim:

akkreditatsiya tashkilotining ta'sis hujjatlari nusxalari (xalqaro va xorijiy akkreditatsiya tashkilotlari uchun);

xorijiy akkreditatsiya tashkiloti uchun u joylashgan xorijiy davlatning vakolatli organi yoki xalqaro tashkilotlar tomonidan tan olinganligini (faoliyat yuritishga ruxsat berilganligi) tasdiqlovchi hujjatlar

akkreditatsiyadan o'tkazish talablari, baholash mezonlari va o'tkazish tartiblari, shu jumladan akkreditatsiya standartlari va metodologiyasi;

nufuzli xalqaro reytinglarning TOP-300 talik ro'yxatida bo'lgan kamida 3 ta oliy ta'lim tashkilotining ta'lim dasturlarini xalqaro akkreditatsiyadan o'tkazganligi bo'yicha hisobotlar.

7. Akkreditatsiya tashkilotini reyestrغا kiritish bo'yicha ariza va unga ilova qilingan hujjatlar Agentlik tomonidan ariza kelib tushgan kundan boshlab besh ish kuni ichida ko'rib chiqiladi.

Agentlik akkreditatsiya tashkilotini reyestrغا kiritish bo'yicha taqdim etilgan hujjatlarning to'liqligini ko'rib chiqib, xato va kamchiliklar aniqlanmagan hollarda ariza va unga ilova qilingan hujjatlarni o'rganib chiqish uchun Komissiyaga taqdim etadi hamda bir ish kuni ichida bu haqida akkreditatsiya tashkilotini xabardor qiladi.

Akkreditatsiya tashkilotini reyestrغا kiritish bo'yicha taqdim etilgan hujjatlarda xato va kamchiliklar aniqlanganda, Agentlik o'n ish kunidan kam bo'lmagan muddatda aniqlangan xato va kamchiliklarni bartaraf etish hamda yetishmayotgan hujjatlarni taqdim etish uchun bir ish kuni ichida akkreditatsiya tashkilotini xabardor qiladi.

Bunda, arizani ko'rib chiqish muddati mazkur bandning uchinchi xatboshisida belgilangan muddat mobaynida to'xtatib turiladi.

8. Akkreditatsiya tashkiloti tomonidan mazkur Nizomning 7-bandi uchinchi xatboshisida belgilangan muddat mobaynida xato va kamchiliklarni bartaraf

etilmagan yoki yetishmayotgan hujjatlar taqdim etilmagan hollarda arizani ko'rib chiqish rad etiladi hamda bir ish kuni ichida bu haqida akkreditatsiya tashkiloti xabardor qilinadi.

3-bob. Komissiyaning faoliyatini tashkil etish va akkreditatsiya tashkilotlarini reyestrga kiritish tartibi

9. Komissiya tarkibi rais, Komissiya a'zolari va mas'ul kotibdan iborat 5 nafardan kam bo'lmagan toq sonda Agentlik direktorining buyrug'i asosida shakllantiriladi.

Komissiya tarkibiga jamoatchilik asosida tashqi ekspertlar jalb etilishi mumkin.

10. Komissiyaga Agentlik direktorining o'rinbosari raislik qiladi.

Komissiya raisi Komissiya faoliyatini mustaqillik, xolislik, tenglik va dalillarga asoslanganlik tamoyillari asosida tashkil etilishini ta'minlaydi.

11. Manfaatlarni to'qnashuvi yoki akkreditatsiya tashkiloti bilan ziddiyatlar mavjudligi aniqlanganda yoxud Komissiya a'zosining xolisligiga shubha tug'ilganda mazkur Komissiya a'zosi Komissiya tarkibidan chiqariladi.

12. Komissiya yig'ilishlarida Komissiya a'zolarining kamida uchdan ikki qismi ishtirok etgan taqdirda, Komissiya qaror qabul qilish uchun vakolatli (kvorumga ega) hisoblanadi.

13. Komissiya tomonidan akkreditatsiya tashkilotining mazkur Nizomning 4-bandida nazarda tutilgan shartlarga muvofiqligi o'rganib chiqiladi.

14. Akkreditatsiya tashkilotini reyestrga kiritish yoki kiritishni rad etish to'g'risidagi Komissiya qarori (bundan buyon matnda Komissiya qarori deb yuritiladi) Komissiya a'zolarining uchdan ikki qismidan iborat ko'pchilik ovozi bilan qabul qilinadi.

Ovozlar soni teng bo'lib qolgan taqdirda, Komissiya raisining ovozi hal qiluvchi hisoblanadi.

15. Komissiya qarori bayonnoma shaklida rasmiylashtiriladi hamda Komissiya raisi tomonidan imzolanadi.

16. Komissiya qarori ariza va unga ilova qilingan hujjatlar Komissiyaga kelib tushgan kundan boshlab o'ttiz kun ichida qabul qilinadi.

17. Reyestrda kiritilgan akkreditatsiya tashkilotiga Komissiya qarori qabul qilingan kundan boshlab uch ish kuni ichida ushbu Nizomning ilovasiga muvofiq Akkreditatsiya tashkilotining O'zbekiston Respublikasida tan olinadigan xalqaro, xorijiy va nodavlat akkreditatsiya tashkilotlari reyestrda kiritilganligi to'g'risidagi guvohnoma (bundan buyon matnda guvohnoma deb yuritiladi) beriladi.

Akkreditatsiya tashkilotiga guvohnoma berilganligi Agentlikning rasmiy veb-saytida e'lon qilinadi.

Akkreditatsiya tashkilotiga berilgan guvohnomaning amal qilish muddati [besh yil](#) hisoblanadi.

18. Quyidagi hollarda akkreditatsiya tashkilotini reyestrda kiritish rad etiladi: taqdim etilgan hujjatlarda noto'g'ri yoki buzib ko'rsatilgan ma'lumotlar mavjudligi aniqlansa;

akkreditatsiya tashkiloti sifatida faoliyat yuritishi uchun tegishli vakolat (hujjat)ga ega bo'lmasa;

ta'lim to'g'risidagi [qonunchilik hujjatlarida](#) belgilangan talablarga muvofiq bo'lmasa.

19. Agentlik tomonidan akkreditatsiya tashkilotini reyestrda kiritish rad etilgan taqdirda, bu haqida Komissiya qarori qabul qilingan kundan boshlab bir ish kuni ichida akkreditatsiya tashkilotini xabardor qiladi.

20. Arizani ko'rib chiqish, akkreditatsiya tashkilotini reyestrda kiritish va guvohnoma berish uchun yig'im undirilmaydi.

4-bob. Ta'lim dasturlarini akkreditatsiyadan o'tkazish bo'yicha akkreditatsiya tashkilotlarining faoliyatini monitoring qilish va ularni reyestrda chiqarish

21. Agentlik reyestriga kiritilgan akkreditatsiya tashkilotlarining ta'lim dasturlarini akkreditatsiyadan o'tkazish bo'yicha faoliyatini har uch yilda bir marotaba monitoringdan o'tkazadi.

22. Monitoring doirasida quyidagilar amalga oshirilishi mumkin:

manfaatdor tomonlardan (ta'lim tashkilotlari, ish beruvchilar, ta'lim oluvchilar va boshqalar) Agentlikka kelib tushayotgan yoki Internet jahon axborot tarmog'ida keng muhokamaga sabab bo'lgan ariza va shikoyatlarni o'rganish;

akkreditatsiya tashkiloti tomonidan belgilangan akkreditatsiyadan o'tkazish talablari, baholash mezonlari va o'tkazish tartiblari, shu jumladan akkreditatsiya standartlari va metodologiyasi asosida akkreditatsiya faoliyati amalga oshirilayotganligini tahlil qilish.

Monitoring o'tkazish muddati bir oydan oshmasligi lozim.

23. Monitoring natijasida akkreditatsiya tashkiloti faoliyatida kamchiliklar aniqlangan hollarda akkreditatsiya tashkilotiga ushbu kamchiliklarni bartaraf etish bo'yicha xabarnoma yuboriladi, bundan mazkur Nizomning 24-bandida nazarda tutilgan hollar mustasno.

Xabarnomada akkreditatsiya tashkiloti faoliyatida aniqlangan kamchiliklarni bartaraf etish yuzasidan Agentlikning tavsiyalari bayon etilishi mumkin.

Akkreditatsiya tashkiloti o'z faoliyatida aniqlangan kamchiliklarni Agentlik tomonidan belgilagan muddatda bartaraf etishi hamda bu haqida Agentlikni xabardor qilishi lozim. Bunda, kamchiliklarni bartaraf etish muddati bir oydan kam bo'lmasligi kerak.

Mazkur bandning uchinchi xatboshisida belgilangan muddatda akkreditatsiya tashkiloti tomonidan kamchiliklar bartaraf etilmagan hollarda Agentlik monitoring natijalari bo'yicha ma'lumotnomani asoslantiruvchi hujjatlar bilan birga Komissiyaga taqdim etadi hamda bir ish kuni ichida bu haqida akkreditatsiya tashkilotini xabardor qiladi.

24. Monitoring natijasi bo'yicha ushbu Nizomning 26-bandi to'rtinchi-oltinchi xatboshilarida nazarda tutilgan holatlar aniqlanganda Agentlik monitoring natijalari bo'yicha ma'lumotnomani asoslantiruvchi hujjatlar bilan birga Komissiyaga taqdim etadi hamda bir ish kuni ichida bu haqida akkreditatsiya tashkilotini xabardor qiladi.

25. Akkreditatsiya tashkilotini reyestrda chiqarish to'g'risidagi masalani Komissiya tomonidan ko'rib chiqishda Komissiya yig'ilishi o'tkazilishidan kamida bir hafta oldin Komissiya yig'ilishining joyi, sanasi va vaqti to'g'risida akkreditatsiya tashkiloti xabardor qilinadi. Bunda, akkreditatsiya tashkilotining vakili Komissiya yig'ilishida ishtirok etib, o'zining fikr-mulohazalari va e'tirozlarini bildirishga haqli.

26. Quyidagilar akkreditatsiya tashkilotini reyestrda chiqarish to'g'risidagi Komissiyaning qarorini qabul qilish uchun asos hisoblanadi:

akkreditatsiya tashkiloti tugatilganda;

akkreditatsiya tashkiloti ixtiyoriy ravishda reyestrda chiqarish to'g'risida ariza bilan murojaat qilganda;

ta'lim tashkilotlarini akkreditatsiyadan o'tkazish bo'yicha qarorlarni qabul qilishda korrupsiya yoki boshqa noqonuniy xatti-harakatlar yuz berganligi aniqlanganda;

akkreditatsiya tashkilotining tashqi baholash bo'yicha hisoboti noto'g'ri yoki qalbaki hujjatlar asosida shakllantirilganligi aniqlanganda;

akkreditatsiya tashkilotlari ta'lim tashkilotlarini ta'lim to'g'risidagi [qonunchilik hujjatlari](#) hamda ushbu Nizomda belgilangan talablarga zid ravishda akkreditatsiyadan o'tkazayotganligi tasdiqlanganda;

akkreditatsiya tashkilotini monitoring qilish natijasida aniqlangan kamchiliklar akkreditatsiya tashkiloti tomonidan mazkur Nizomning 23-bandi uchinchi xatboshisida belgilangan muddatda bartaraf etilmagan taqdirda.

Akkreditatsiya tashkilotini reyestrda chiqarish to'g'risidagi qaror mazkur qaror qabul qilingan kunning o'zida Agentlikning rasmiy veb-saytda e'lon qilinadi.

5-bob. Reyestrda kiritilgan akkreditatsiya tashkilotining huquqlari va majburiyatlari

27. Reyestrda kiritilgan akkreditatsiya tashkiloti quyidagi huquqlarga ega: akkreditatsiya o'tkazish tartib-taomillari to'g'risida Agentlikdan tavsiyalar olish;

ta'lim dasturlarini shartnoma asosida akkreditatsiyadan o'tkazish;

akkreditatsiyadan o'tkazish talablari, baholash mezonlari va o'tkazish tartiblari, shu jumladan akkreditatsiya standartlari va metodologiyasini [ta'lim](#) to'g'risidagi [qonunchilikka](#) zid bo'lmagan holda mustaqil ishlab chiqish va takomillashtirish.

Akkreditatsiya tashkiloti qonunchilikka muvofiq boshqa huquqlarga ham ega bo'lishi mumkin.

28. Reyestrda kiritilgan akkreditatsiya tashkiloti quyidagilarni bajarishi lozim:

[ta'lim](#) to'g'risidagi [qonunchilik](#) va ushbu Nizomda belgilangan talablarga zid bo'lmagan tarzda akkreditatsiya faoliyatini olib borish;

akkreditatsiya jarayonlarini qonuniy, xolis va manfaatlar to'qnashuviga yo'l qo'ymagan holda amalga oshirish;

akkreditatsiyadan o'tkazish talablari, baholash mezonlari va o'tkazish tartiblari, shu jumladan akkreditatsiya standartlari va metodologiyasini o'zining rasmiy veb-saytida e'lon qilish;

akkreditatsiya faoliyatida olingan maxfiy axborotni oshkor etmaslik;

akkreditatsiya qarorlarini asoslantirgan holda tizimli ravishda hujjatlashtirish;

akkreditatsiya hisoboti va akkreditatsiya qarorining bir nusxasini akkreditatsiya jarayonlari yakunlangandan so'ng [ikki hafta](#) muddatda Agentlikka taqdim etish.

Akkreditatsiya tashkiloti qonunchilik hujjatlariga muvofiq boshqa majburiyatlarga ham ega bo'lishi mumkin.

6-bob. Yakuniy qoida

29. Ushbu Nizom talablarining buzilishida aybdor bo'lgan shaxslar qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda javobgar bo'ladilar.

O‘zbekiston Respublikasida tan olinadigan xalqaro, xorijiy va nodavlat akkreditatsiya tashkilotlari reyestrini yuritish hamda ularning ta’lim dasturlarini akkreditatsiyadan o‘tkazish bo‘yicha faoliyatini monitoring qilish tartibi to‘g‘risidagi nizomga
ILOVA



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI HUZURIDAGI
TA’LIM SIFATINI TA’MINLASH MILLIY AGENTLIGI**

**Akkreditatsiya tashkilotining O‘zbekiston Respublikasida tan olinadigan xalqaro, xorijiy va nodavlat akkreditatsiya tashkilotlari reyestriga kiritilganligi to‘g‘risidagi
GUVOHNOMASI**

“ _____ ” _____ 20__-y. _____-son

Ushbu guvohnoma _____
(akkreditatsiya tashkiloti nomi)

_____ ni O‘zbekiston Respublikasida tan olinadigan xalqaro, xorijiy va nodavlat akkreditatsiya tashkilotlari reyestriga kiritilganligi hamda O‘zbekiston Respublikasida faoliyat yuritayotgan ta’lim tashkilotlarining ta’lim dasturlarini akkreditatsiyadan o‘tkazishga ruxsat berilganligini tasdiqlaydi.

Amal qilish muddati: “ _____ ”- _____ 20__-y.

Direktor

(elektron raqamli imzo)

(F.I.O.)

QR kod



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3775
2026 - yil 13 - Fevral

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR
VAZIRINING
BUYRUG'I

**Kasbiy ta'lim agentligi tizimiga o'tkazish orqali qayta tashkil
etiladigan texnikumlar ro'yxatiga qo'shimcha va o'zgartirishlar
kiritish haqida**

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 23-oktabrdagi PF-190-son "Kasbiy ta'lim tizimida boshqaruv samaradorligini oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi [Farmoniga](#) muvofiq buyuraman:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 23-oktabrdagi PF-190-son Farmoni bilan tasdiqlangan Kasbiy ta'lim agentligi tizimiga o'tkazish orqali qayta tashkil etiladigan texnikumlar [ro'yxatiga](#) ilovaga muvofiq qo'shimcha va o'zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Vazir
04-Fevral 2026-yil
44 son



SHARIPOV KONGRATBAY
AVEZIMBETOVICH

O'zbekiston Respublikasi oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar
vazirining 2026-yil 4-fevraldagi 44-son buyrug'iga
ILOVA

**Kasbiy ta'lim agentligi tizimiga o'tkazish orqali qayta tashkil etiladigan
texnikumlar ro'yxatiga kiritilayotgan qo'shimcha va o'zgartirishlar**

1. Quyidagi mazmundagi 7¹-pozitsiya bilan to'ldirilsin:

“

7 ¹ .	Bo'zatov tumani	Kegeyli agrotexnologiyalar texnikumi	Bo'zatov tuman 2-son texnikumi	540
------------------	-----------------	--	-----------------------------------	-----

”.

2. 11-pozitsiya chiqarib tashlansin.

3. 56-pozitsiyaning “Yangi tashkil etilayotgan texnikumlar nomi” ustuni quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Andijon pedagogika texnikumi”.

4. 59-pozitsiyaning “Yangi tashkil etilayotgan texnikumlar nomi” ustuni quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Andijon ilg'or kasbiy mahorat texnikumi”.

5. 156-pozitsiyaning “Yangi tashkil etilayotgan texnikumlar nomi” ustuni quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Jizzax ilg'or kasbiy mahorat texnikumi”.

6. 174-pozitsiyaning “Yangi tashkil etilayotgan texnikumlar nomi” ustuni quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Sharof Rashidov tuman 3-son texnikumi”.

7. 295-pozitsiyaning “Yangi tashkil etilayotgan texnikumlar nomi” ustuni quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Namangan ilg‘or kasbiy mahorat texnikumi”.

8. 303-pozitsiyaning “Yangi tashkil etilayotgan texnikumlar nomi” ustuni quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Uchqo‘rg‘on tuman 4-son texnikumi”.

9. 381-pozitsiyaning “Yangi tashkil etilayotgan texnikumlar nomi” ustuni quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Sirdaryo ilg‘or kasbiy mahorat texnikumi”.

10. 395-pozitsiyaning “Yangi tashkil etilayotgan texnikumlar nomi” ustuni quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Sirdaryo tuman 1-son texnikumi”.

11. 429-pozitsiyaning “Yangi tashkil etilayotgan texnikumlar nomi” ustuni quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Muzrabot tuman 1-son texnikumi”.

12. 437-pozitsiyaning “Yangi tashkil etilayotgan texnikumlar nomi” ustuni quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Surxondaryo ilg‘or kasbiy mahorat texnikumi”.

13. 449-pozitsiyaning “Yangi tashkil etilayotgan texnikumlar nomi” ustuni quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Sherobod tuman 4-son texnikumi”.

14. 568-pozitsiyaning “Yangi tashkil etilayotgan texnikumlar nomi” ustunidagi “3” raqami “4” raqami bilan almashtirilsin.

15. 571-pozitsiya quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“

571.	Farg‘ona shahri	Farg‘ona soliq texnikumi	Farg‘ona ilg‘or kasbiy mahorat texnikumi	450
------	-----------------	--------------------------	--	-----

”.

16. 576-pozitsiyaning “Yangi tashkil etilayotgan texnikumlar nomi” ustuni quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Farg‘ona shahar 5-son texnikumi”.